

**Махсус ва бадий
мухаррир: ХОЛИКОВ К.Б.
Техник мухаррир:
РАЖАБОВ Т.Э.**



ЎҚУВ – ҚЎЛЛАНМА

МУСИҚА НАЗАРИЯСИ
фанидан қисқача энциклопедик
луғат



Бухоро 2020

**Махсус мухаррир: К.Б.ХОЛИКОВ
Бадий мухаррир: К.Б.ХОЛИКОВ
Техник мухаррир: К.Б.ХОЛИКОВ**

МУЗИКА НАЗАРИЯСИ

фанидан

ҚИСҚАЧА ЭНЦИКЛОПЕДИК

ЛУҒАТ

ХОЛИКОВ КОМИЛ БУРОНОВИЧ.

МУСИҚА НАЗАРИЯСИ ФАНИДАН
ҚИСҚАЧА ЭНЦИКЛОПЕДИК МУСИҚИЙ ЛУҒАТИ

Махсус муҳаррир ва техник муҳаррир:
ва бадиий муҳаррир: К. Б. Холиков



Холиков Комил Буранович - БДУ санъатшунослик факультети, муסיқа таълими кафедраси ўқитувчиси. Муסיқа назарияси, сольфеджио, гармония, ноталаштириш, муסיқа ўқитиш методикаси ва лойihalаш фанларидан тахсил бериб келмоқда.

Бир нечта кўшиқлар муаллифи, “Самые интересные истории музыки”, мана шу китобни ўзбек тилига таржима қилиб, “Энг қизиқарли муסיқа тарихи” номли китобларга муаллифлик қилган. “Қисқача муסיқий луғат ” номли китобни бир бор чиқариб, мана шу китобга ўхшаган “Қисқача энциклопедик муסיқий луғат” номли китобни ёзиб, муסיқа оламига қизиққан китобхонларни ушбу китобни тақдим қилмоқчи.

БДУ тавсия қилган нашри

ТОШКЕНТ “МАЪРИФАТ” НАШРИЁТИ 2021

МУСИҚА НАЗАРИЯСИ ФАНИДАН ҚИСҚАЧА
МУСИҚИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИК ЛУҒАТ

Махсус муҳаррир: - санъатшунослик кафедраси мусиқа таълими ўқитувчиси Холиков Комил Буронович

Қисқартирилган сўзлар

№	қисқача си	тўлиқлигича	қисқача си	тўлиқлигича
1	а.	аср	рус.	русча
2	ва ҳ. к.	ва ҳоказо	тож.	тожикча
3	венг.	венгирча	форс.	форсча
4	инг.	инглизча	фр.	франсузча
5	исп.	испанча	юн.	юнонча
6	итал.	итальянча	ўзб.	ўзбекча
7	й.	йил	қ.	қаранг
8	лот.	лотинча	қоз.	қозоқча
9	мўғ.	мўғилча	қ - қ.	қарақалпоқча
10	нем.	немисча	қир.	қирғизча

Муаллифдан

Мусиқа санъати жуда қадимий бўлиб, ҳозирги замонда ҳам, ўзгача сайқаллар билан ривожланиб келмоқда. Янги программаларнинг пайдо бўлиши эса уни чуқурроқ билишга ундамоқда. Ҳозирги замонда себилиус, музескорд, гейф, мультимедиали бир қанча программалар мавжудки, бу политрлар - луғатдаки деярли барча элементларни билишга ундайди.

Ушбу луғат мусиқанинг турли соҳалари - халқ ижодиёти, мусиқа назарияси, жанрлар, шакллар, куй, гармония, мусиқа таҳлили, ноталаштириш, полифония, оркестрлаштириш, мусиқий акустика, мусиқа ёзиш, кўшиқ ёзиш, контрапункт асарлар яратиш учун зарур бўлган атамаларни ўз ичига қамраб олган. Турли мазмундаги кенг тарқалган мусиқий ибораларни ҳар томонлама оммабоп тарзда тушунтиришга ҳаракат қилинди. Жумладан, мусиқа атамалари қайси тилдан олинган бўлса, қавс ичида кўрсатилган. Ўзбекча мусиқа атамаларини изоҳлашда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос томонлари эътиборга олинди. Масалан: шашмақомнинг икки асосий йирик бўлимлари Бухоро, Самарқанд, Фарғона – Тошкент ҳамда Тожикистон худудида “Мушкилот” ва “Наср” деб аталса, Хоразмда “Чертим йўли” ва “Айтим йўли” деб юритилиши имкон борича тушунтирилди. Ёки, доира мақом ижрочилигида усул берувчи асосий манба, барча вилоятларда ундаги икки товуш “бум”, “бак” деб аталса, Хоразмда “гуп”, “тоқ” деб юритилиши эслатиб ўтилди. Луғатда

Шарқ ва Ғарбнинг асосий чолғу асбоблари, ўзбек созлари ва уларнинг айрим такомиллаштирилганларининг суратлари, жами 600 га яқин атама, расм, нота мисоллари ва турли жадваллар билан зийнатланди.

Муаллиф луғатни иккинчи бор нашр эттирмоқда. Қўлланмани ёзишда рус тилида нашр қилинган мусиқага оид дарслик ва қўлланмалар, А.Л.Островскийнинг “Краткий музыкальный словарь” (Л. - М. 1949), А.Должанский “Краткий музыкальный словарь”(Л. 1955), Б.Штейнпресс ва И.Ямпольскийлар тузган “Энциклопедический музыкальный словарь”(М. 1959) каби нашрлардан, шунингдек И.Ражабовнинг “Мақомлар масаласига доир” монографияси “Т. 1963”нашр этилган адабиётдан кенг фойдаланилди.

Мусиқа атамаларини тушунтиришда мақомлар, халқ тароналари ва ашулалар ҳамда Ўзбекистон бастакорларнинг замонавий асарлари, жумладан, бас, баритон, альт, сопрано каби атамаларни изоҳлашда ўзбек опералари, ижрочи актёрларнинг овози, ўйнаган ролларидан мисоллар келтирилган. Опера, балет, симфония, поэма, сюита сингари атамаларни тушунтиришда композиторлар номи ва қачон яратганликлари қайд қилинди. Мусиқа жуда кўп атамаларни, яъни элементларни ўз ичига олганлиги, мусиқа жанрларининг ранг-баранглиги, мусиқа асбобларининг турли - туманлиги, мақом ҳамда фольклёр кўшиқликларида ишлатиладиган атамаларни билиш жуда ҳам зарур ҳисобланади.

“Қисқача энциклопедик мусиқа луғати” шинавандалар, ҳаваскорлар, болалар мусиқа мактаблари, билим юртлар талабалари, педагогика институтлари, университетлар талабалари ва мусиқага оид зарур маълумотлар олишни истаган кутубхонларга мўлжалланган. Китоб **IV** бўлимдан иборат бўлиб, унинг **I** - бўлимида мусиқа асбобларига хос атамалар, унда ҳар бир мусиқа асбоблари ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот беришга ҳаракат қилинди. Китобнинг **II** - бўлимида эса мусиқа назариясига хос атамалар бўлиб, барча мусиқага ишлатиладиган мусиқа элеменлари, контрапункт ҳақида бир оз маълумот беришга ҳаракат қилинди. Хатто рондо ва сонатанинг мусиқа шакли ёритиб берилди. **III** – бўлим мақомларга ва бахшичиликка хос атамалар ёритиб берилган. **IV** – бўлим рақс ва хореографияга хос атамалар расмлар билан бойитилди. Китобни ўқиган ҳар қайси ўқувчилар, педагоглар мусиқашунослар ўзига керакли маълумотга эга бўлади – деган умиддамиз!

МУСИҚА АСБОБЛАРИГА ХОС АТАМАЛАР

1 . Авлос (юн . aulos) – қадимги пуфлаб чалинадиган юнон чолғу асбоби . Қўшнаймағ ўхшаш, иккита найчадан ясалган . Найчалар Хоразм балабонига ўхшаш кетади .



2 . Ағач Қўмиз – тирнаб чалинадиган Доғистон халқ чолғу асбоби, кўпроқ ашулачи (лар)га жўрнавон бўлади . Такимиллаштирилган турлари халқ чолғу асбоблари оркестрида қўлланилади .



3 . А - Due (итал . А - дўэ – икки киши бўлиб) – икки чолғу асбобида унисон ҳолда ижро этиш . Қисқартирилганда “а - 2” тарзида ёзилади .

4 . Аккордеон (фр . akkordeon) – баян ва гармон туридаги чолғу асбоби . аккордеон - қўл билан чалинадиган гармоника ҳам деб юритилади . Ўнг қўл учун мўлжалланган клавиатураси фортепиано ва органнинг клавиатурасига ўхшасада, регистр ўзгартиргич борлиги билан, бу унинг автоматик тарзда товушини икки баробар кўпайтириш унисондан октавагача, ҳамда тембрини ўзгартиришдек ишни амалга ошира олади . Русларнинг баяни билан солиштирилганда аккордеон янада бойроқ товушларга эгадир . Ўнг қўл клавиатураси кичик октаванинг фа товушидан учинчи октаванинг ля товушигача бўлган ораликдаги товушларни ўз ичига олади . Чап қўл тугмачалари эса бас товушларидан ташқари тайёр мажор ва минор уч товушликларни чалиш, ҳамда септаккорд камайитирилган ва орттирилган уч товушликларни ижро қила

олиш курбига эга . Аккордеон якка холда хамда ансамблда чалиш мумкин .



5 . Альт – камонча билан чалинадиган чолғу асбоби . Тузилиши скрипка шаклида, лекин унга нисбатанбир оз каттароқ (одатда 410 мм, узинликда) . Альт квинта оралиғидаги тўрт тор бўлиб, биринчиси – кичик октава до, иккинчиси – кичик октава соль, учинчиси – биринчи октава ре ва тўртинчиси – биринчи октава ля товушига соланади .

Альтнинг кўпроқ ишлатиладиган овоз ҳажми кичик октавадаги додан – учинчи октавадаги мига қадар, товуши юмшоқ, ширали бўлса ҳам, скрипка товушидек равшан эмас . Ноталар альт ва скрипка калитларида ёзилади . Альт якка соз, шунингдек, турли ансамбль – квартет, квинтет ва симфоник оркестрда кенг қўлланилади . Партитурада альт партияси скрипка ноталаридан пастга ёзилади ва итальянча виола деб кўрсатилади .

Альт духовой оркестрларида қўлланиладиган пуфлама соз . Бу чолғу асбоби альтгорн деб ҳам аталади .



6 . Альт гобой – англиз бурғуси .



7 . Альт тромбон – юқори регистрли духовой чолғу асбоби . Тенор тромбонидан кварта баландлиги товушни беради . Ҳозирги вақтда симфоник оркестрда альт тромбон вазифасини тенор тромбон ҳам бажаради .



8 . Альт труба – трубанинг кам ишлатиладиган турларидан . Бу чолғу асбоби фа ёки соль созларида қўлланилади . Нотада ёзилишига нисбатан соф квинта юқори ёки соф кварта паст эшитилади . Овоз ҳажми кичик октавадаги фа – диездан иккинчи октавадаги фа, сольга қадар . Ноталар калитолди белгиларисиз скрипка калитида ёзилади . Симфоник оркестр партитурасида альт труба тромбондан сўнг ёзилади . Альт труба итальянча trombe, contr - alto (тромба контральто) деб аталади .



9 . Альт флейта – флейтанинг кам ишлатиладиган тури . Катта флейтага нисбатан кварта ё квинта пастлигида товуш беради . Шунинг учун ҳам

альт флейта транспозицияланувчи чолғу асбоблар каторига кирувчи ва соль ёки фа созларида қўлланилади .



Овоз ҳажми (соль созидагиси) кичик октавадаги фа диездан – учинчи октавадаги до диездега қадар . Симфоник оркестр альт флейтада одатда катта флейтани ижро қилувчи мусиқачи чалади . Бундай ҳолда чолғу асбоби ўзгариши *mita in cўзи* билан кўрсатилади . Альт флейта италянча *flauto contralto* (флауто контральто) деб аталади .



10 . Альт қобиз – торли – камончали қозоқ халқ чолғу асбобининг бир оз каттароқ қилиниб, қайта ишланган тури . Альт қобиздаги учта тор квинта оралиғида кичик октавадаги до, соль ва биринчи октавадаги регача созланади . Умумий овоз ҳажми кичик октавадаги додан иккинчи октавадаги рега қадар . Ноталар альт калитида ёзилади .

11 . Амбушюр – пуфлама чолғу асбобларнинг лабга қўйиб чалинадиган қисми .



12 . Аперто (итал . *Aperto* - очик, очик товуш) пуфлама чолғу асбобларида сурдинани олиб қўйиш, очиш .

13 . Апхерца – камонча билан ижро этиладиган Абхазия халқ торли чолғу асбоби . Косаси ўйма бўлиб, даста ва бўйни билан бир бутун ёғочдан ясалади . Қопқоғи ёлдан, иккита тори от думидан тайёрланади . Қирғиз халқ чолғу асбоби қияқ шаклида бўлади . Овози ҳам жуда секин ва майин . Ижрочи одатда ашулачи бўлиб, ўз овозига чолғуси билан жўр бўлади .



Апхерцанинг узунлиги 700 - 800 мм .

14 . Арданучи – ғижжак туридаги камонча билан чалинадиган ажар халқ чолғу асбоби . Арданучида учта тор бўлиб, улар секунда ва терцияга созланади .

15 . Archi (итал . Арки - камонлилар) – камонча билан ижро этиладиган чолғу асбоби .

16 . Arpa, arpe (итал . Арпа, арпе) – арфа, арфалар .

16 . Арфа (нем . Harfe, итал . arpa) – учбурчак шаклидаги торли тирнама мусиқа асбоби . Бу учбурчак ўртасидаги ичакдан



килинган турли узун – қисқалигидаги торлар тиккасига (вертикал) тортилади . Ҳозир амалиётда ишлатилиб юрилган арфада 45 - 47 та тор бўлиб, булар товушни кучайтириб берувчи қопқоқ рамкасига тортилади . Торлари диатоник до – бемоль мажорга созланади .

Товушқатори бемоллик товушлардан тузилади . Хроматик товушлар олиш учун етита асосий товушга етита педаль ишланган . Ҳар бир педаль бир турли номда бўлган ҳамма октавадаги товуш торларини ярим ва бир бутун тон юқори кўтариш имкониятига эга . Арфа қадим замонлардан бери мавжуд . XIX асрнинг биринчи ярмида франциялик чолғу асбоблар устаси С . Эرار хроматик товуш қотор механизмини ихтиро этган . Арфанинг овоз (кўлами) контроктавадаги до – бемоль дан тўртинчи октавадаги фа - диезга қадар бўлиб, ноталар фортепианоникига ўхшаш икки нота йўлида скрипка ва бас калитларида ёзилади . Бу икки нота йўли акколада билан бирлаштирилади .

Бас товушидаги (катта октавадаги фага қадар) бўлган торлар устига сим ўралган бўлиб, қолганлари очиқ торлардир . Ижро этиш ва ажратишга осон бўлиши учун ҳамма до торлари қизил, фа торлари эса кўк (ҳаво) рангли бўлади . Акфанинг товуши жуда ёқимли ва майин . Ижро этиш йўллари турлича . Унда барча аккорд, арпеджио, глиссандо, флажолет ва шу каби бошқа ижро усулларида чалиш мумкин . Симфоник оркестрда бир, баъзан икки арфа ишлатилиб, оркестр тўдаларининг ҳеч бирига қирмайди . Партитурада арфа партияси челеста номли чолғу асбобдан сўнг ёзилади . Арфа оркестр ва ансамблда қўлланилганидек, икки ҳолда ижро қилиш ва бирор чолғу асбоби ва яққохон ашулачига жўр бўлиши мумкин .

17 . Атух - пандур, Чечен – ингушларнинг камонча билан чалинадиган торли чолғу асбоби . Корпуси шар шаклида, 3 та тори бор . Бу торлар d^1 , e^1 ва a^1 (биринчи октавадаги ре, ми, ва ля)га созланади . Узунлиги 800 - 850 мм .





18 . Ачарпан – абхаз халқ пуфлама чолғу асбоби . Тоғда ўсадиган “чарпан” ўсимлигининг поясидан най шаклида тайёрланади . Узунлиги 600 - 800 мм . Ачарпан кўпроқ Абхазни тоғларидаги подачилар орасида тарқалган .

19 . Аюмаа – арфага ўхшаш қадимги абхаз халқ тирнама чолғу асбоби . Узунлиги 700 мм, баландлиги 500 мм . Аюмаа бир бутун ёғочдан ясалиб, косасининг ичи ўйилади ва уст қисмига



юпка қопқоқ ўрнатилади . Аюмаага от ёли ва думидан тайёрланган 14 та тор тортилади . Аюмаани ижрочи ўз овозига жўр қилган . Ҳозир Аюмаа қайта ишланиб, нона интервали кенглигидаги хроматик товуш қаторига эга бўлган, 15 та ипак тор тортилган .

20 . Багпайп – (bagpipe) – Англияда волинка шу ном билан аталади .



21 . Балабон – (бўламон, болабон, боламан) – 1 . Қадимий ўзбек халқ чолғу асбобларидан . Кўпроқ Хоразмда тарқалганг . Ёғоч (одатда тут)дан ясалиб бошдан охирига қадар кавлаб ишлаб қилинган . Шакли сурнайга ўхшаш, лекин ундан бир оз кичик (номи ҳам шундан, яъни –сурнайнинг боласиман), узунлиги тахминан 300 мм . Балабоннинг юқори қисмига ўрнаштирилган “тили” қамишдан тайёрланади.

Балабонда саккизта тешик мавжуд, бунинг еттитаси уст ва бири орқа томонда . Орқа томондаги тешик юқорида бўлиб, чап қўлнинг бош бармоғи билан беркитилади . Товушқатори диатоник, кичик октавадаги ре ва ре бемольдан бошлаб уч октавага яқинлашиб боради .

а)Балабонда якка ижро қилиш мумкин бўлганидек, турли ансамблларда ҳам чалинади .

Б) . Қамишдан ясалган Доғистон халқ чолғу асбоби . Ижро этиладиган томони “тил” қилиб кесилади . Умуман узунлиги 150 – 200 мм . Амалий ишлатиладиган товушқатори диатоникдир .

22 . Балабончи, буламончи – балабон чалувчи созанда .

23 . Балайка – рус халқ чолғу асбоби . Учбурчак шаклидаги косага даста уланган бўлиб, пардалар дастага





ўйиб ўрнаштирилган . Балайка XVIII - XIX - аср бошларида пайдо бўлган . XIX – асрнинг охирларида В.В.Андреев томонидан бирмунча такомиллаштирилган, турли ансамбль ва оркестрларда фойдаланишни кўзда тутиб, катта - кичик турлари яратилган .

24 . Балайка альт – балалайканинг бир тури . Ноталар ёзилишига кўра октава пастда эшитилади . Созланиши кичик октавадаги ми дан иккинчи октавадаги ре гача . Ноталар скрипка калитида октава юқорида ёзилади . Балайка альт ижрода кўпроқ пастки товушлари билан қатнашади .

25 . Балайка секунда – балалайканинг бир тури . В . В . Андреев томонидан қайта ишланган кичик октавадаги ля ва биринчи октавадаги ре ларга соланади . Овоз ҳажми кичик октавадаги ля дан – иккинчи октавадаги ля гача . Ноталар скрипка калитида ёзилади .

26 . Бас балалайка – асосий балалайканинг В . В . Андреев томонидан катталаштириб ишланган тури . Балайка катта октавадаги ми , ля ва кичик октавадаги ре ларга соланади . Овоз ҳажми катта октавадаги ми дан биринчи октавадаги соль гача . Ноталари бас калитида ёзилади . Бас балалайкада медиатор билан ижро этилади .

27 . Буламан – арман ё грузинларнинг дудукига ўхшаш қамишдан ясаиб, махсус “тил” билан ижро этиладиган озарбайжон халқ чолғу асбоби . Бу чолғу асбобини Доғистонда ясти баламан деб ҳам аташади . Буламан тут ё ўрик ёғочидан ясалади . Ёғочни най шаклида



пармалаб, бош қисмига “қўш тил” ўрнатилиб чалинади . Умумий тилсиз узунлиги 300 мм . (худди Хоразм балабонидек) . Буламаннинг корпусида 5 дан 9 гача тешик бўлиб, буларнинг бири орқа томонида (куйи томонда) бўлади . Амалий товушқатори диатоникдир .

Буламан якка ижро қилганидек, турли ансамбль ва оркестрга ҳам қўшиб чалинади .

28 . Бандура – (лот . Pandura – уч торли соз) – торли тирнама украин халқ чолғу асбоби, дастаси калта бўлиб, косаси тухум шаклида бўлади . Тарихий манбаларга кўра, Бандура XVI - асрда ҳам ишлатилган . Бандурада 20 ва ундан ҳам кўп тор



бўлиб, даста ё қопқоққа тортилади . Турли узунликдаги бу торларнинг қисқаси – баланд (ингичка), узунлари эса – паст (йўгон) товуш беради . Бандура бармоқлар (баъзи махсус плектр) билан ижро этилади . Сўнги вақтларда Бандурани бирмунча такомиллаштириб оркестрда чалинадиган Бандура – прима, Бандура – альт, Бандура – бас ва Бандура – контрабас турлари яратилган . Украинада Давлат бандурачилар капелласи тузилиб, у асосан халқ кўшиқларини ижро этилади .

29 . Бандурачи – украин кўшиқчиси, созанда .

30 . Банди – пуфлама хитой халқ чолғу асбоби .



31 . Баньгу – мембрина уриб чалинадиган хитой чолғу асбоби, кичик барабан турларидан . Баньгунинг боира шаклидаги гардиши олти бўлак ёғочдан иборат .



Булар бирлаштирилиб, бузоқ ёки чўчка териси қопланади . Гардишнинг диаметри, пилор деб ҳам юритилади . Хитой муסיқаси драмаси ва операларида Баньгуда одатда дирижёр ўзи ижро қилади . Бунга сабаб Баньгу оркестр ашуласи ва раққосаларга ритмни бўрттириб беради . Баньгу бамбукдан тайёрланган иккита ингичка таёқча билан чалинади .

2 . Банцзы – уриб чалинадиган хитой чолғу асбоби . Қайроқ, қошиқлар кастиньеталар туридан . Банцзы қаттиқ ёғочдан тўрт қиррали қилиниб ишланган икки таёқчадан иборат . Ижрочи чалиш вақтида банцзыни тиззага қўйиб бир қўли билан ушлаб, иккинчи қўли билан таёқчада уриб чалади . Банцзы турли ансамбль ва оркестрга қўшиб чалинади . Унинг узунлиги 195 мм . Қалинлиги 40 мм . Чаладиган таёқчанинг узунлиги 204 мм, диаметри 25 - 30 мм .





33 . Банжо – Америка негрларининг торли тирнама чолғу асбоби . Доира шаклидаги косасига тери қопланади ва у ўрнаштирилади . 4 дан 9 гача тори бўлиб, одатда плектр билан ижро

қилинади . XX - асрдан бошлаб жаз ва эстрада оркестрларида қўлланила бошлаганидан, Банжонинг хиллари кўпайди .

34 . Баньху – камонча билан чалинадиган хитой торли чолғу асбоби . Баньхуда иккита тор бўлиб, эрху деган хитой чолғу асбобининг бир тури . Косаси какос ёнғоғидан қилиниб, устига юпқа тахта қопланади . Баньхунинг икки тори иккинчи октавадаги ре ва ля га созланади . Овоз хажми иккинчи октавадаги ре дан тўртинчи октавадаги ми гача . Баньхунинг умумий узунлиги 720 мм .



35 . Барабан – (туркий) – урма чолғу асбоб . Барабан асосан икки турда бўлиб, кўпроқ симфоник ва духовой оркестрларда қўлланилади . 1 . Кичик Барабан – овози ноаниқ баландликда . Доира шаклидаги гардиша металл ёки ёғочдан бўлиб, ҳар икки томонига тери қопланади .



Чалганда титроқ товуш чиқазиш учун тери устидан бир неча ўрама тор тортилади . Барабанни учи думалоқ қилиниб ишланган иккита ингичка таёқча билан урилади . Ноталар бир чизикда ёзилади . 2 . Катта Барабан – садоси йўғон ва ноаниқ баландликда, тузилиши ва шакли кичик Барабандек . Учига наMAT ўралган таёқча билан уриб чалинади . Катта Барабан шунингдек жаз ва эстрада оркестрларида қўлланилади . Партитурада кичик Барабанни итальянча tamburo (тамбуро), tamburo militare (тамбуро милитаре) деб, катта барабанни итальянча gran cassa (гран касса) деб ёзилади .

36 . Барбат – торли чолғу асбоб бўлиб, қадим замонларда Марказий Осиё ҳудудида қўлланилган .



37 . Бас кларнет – кларнетнинг бир тури бўлиб, XIX – асрнинг биринчи ярмидан бошлаб, дастлаб опера оркестрида, сўнг симфоник оркестрда қўлланила бошлаган . Бас кларнетнинг тузилиши оддий кларнетга ўхшамайди .

Унинг тугалланиш қисми юқори томон қайрилиб кенгайтирилган бўлади . Бас кларнет транспозицияланувчи чолғу асбоблар тўдасига киради, кўпроқ Бас кларнетнинг си - бемоль созидагиси ишлатилади . Овоз ҳажми уч октавадан кўпроқ, катта октавадаги ре ё контроктавадаги си – бемольдан иккинчи октавадаги ре гача . Ноталари скрипка калитида, эшитилиши нисбатан катта секунда юқорида ёзилади . Овоз тебраниши йўғон ва ғамгин . Бас кларнетнинг кўпроқ паст – йўғон товушлари қўлланилади .

38 . Бас тромбон – тромбоннинг паст (йўғон) товуш берувчи турларидан . Товуш ҳажми контроктавадги фа дан биринчи октавадаги фа гача . Ҳозир бас тромбон



деярли қўлланилмайди .

39 . Бас труба – трубанинг жуда кам қўлланиладиган турларидан . Бу труба транспозицияланадиган чолғу асбоби бўлиб, си – бемоль созида ишлатилади . Ёзилишига нисбатан катта нона паст эшитилади . Эшитилиши бўйича овоз ҳажми катта октавадаги фа дан иккинчи октавадаги до гача .



40 . Бас флейта (итал . Flauto bassa) – флейтанинг жуда кам қўлланиладиган турларидан бўлиб, овоз ҳажми одатдаги флейтадан октава пастда .



41 . Бас чанг – чангнинг катталаштириб ишланган тури . Овоз ҳажми катта октавадаги до дан кичик октавадаги соль гача . Нотаси бас калитида ёзилади .

42 . Бас чолғу асбоблари – эркакларнинг паст (йўғон) товушига ўхшаш йўғон товушларга эга бўлган чолғу асбоблар .



МИС ДАМЛИ ЧОЛГУЛАР ГУРУҲИ



43 . Бас қобиз – камончали қозоқ халқ чолғу асбоби – қобизнинг уч – тўрт марта катта қилиб, ишланган тури . Бас қобиз дастаси косаси билан бир бутун ёғочдан ишланмай, алоҳида ишланади . Товушни тўла, кучли, альтга нисбатан бирмунча паст (йўғон) . Бас қобизда ичакдан ясалган тўрт тор бўлиб, квинта оралиғида, катта октавадаги до, соль ва кичик октавадаги ре, ля ларга соланади . Ноталари бас калитида ёзилади . Умуман овоз ҳажми катта октавадаги до дан биринчи октавадаги соль гача.



44 . Басетля – камонча билан чалинадиган белорус торли халқ чолғу асбоби . Тузилиш шакли виолончелга ўхшаш . Кўпроқ халқ чолғу ансамблларида қўлланилади .

45 . Басоля – камонча билан чалинадиган украин торли халқ чолғу асбобларидан . Тузилиши белорус басетлясига ўхшайди .



46 . Бассетгорн (нем . Bassehorn) - 1 . Пуфлама созлар тўдасига кирадиган чолғу асбоб . Альт – кларнет турларидан бўлиб, қайрилиб ишланган бўлади . 1770 – йилда ихтиро қилинган . 2 . Альт – кларнетнинг тузилиши тўғри, фақат чалинадиган қисми, яъни муштуғи бир оз қайрилган . Бу чолғу асбоби XIX асрдан қўлланила бошланган . Бассетгорннинг узунлиги 750 - 900 мм . Товуши мулойим, транспозиция қилинадиган чолғу асбоблари сирасига киради .

47 . Бацзяогу (ба – саккиз, цзяго – қирра маъносида) мембраноли урма хитой чолғу асбоби . Бацзяогу биздаги доира шаклида бўлиб, гардиши саккиз қирралидир . Гардишга илон териси қопланган . Бу асбоб саккиз бўлакчадан еттитасига бир жуфтдан юпқа ликопчалар, саккизинчисига эса ипак ип тақилади . Ижро жараёнида бир қўл билан қопланган терига уриб чалинади . Бацзяогу жўр бўлувчи чолғу асбоби сифатида фойдаланилади . Бацзяоғунинг гардиши 52 мм . Кенгликда бўлиб, диагонали бўйича 175 мм .





48 . Баян – ҳавони сиқиб туриб тилчалар орқали товуш чиқарадиган тугмачали - клавишли чолғу асбоб, яъни хроматик гармонь . Баян оддий диатоник гармоникадан хроматик товушқатори билан фарқ қилади . Биринчи хроматик гармоника Россияда Тулалик Н . Белобородов томонидан 1870 – йилда яратилган . Унинг лойиҳаси бўйича оркестрда ижро этиш учун турли хилдаги хроматик гармоника (прима, секунда, альт, бас, контрабас ва б .) ишланган . Хроматик гармоникага “баян” номи атоқли рус гармончиси Я . Орланский – Титаренко (1877 - 1941) томонидан қадимий афсонавий рус кўшиқчиси Баян - (Боян) номи берилган . Икки турдаги Баян мавжуд: бири “тайёр”, баян жўр қисми (чап томони)да учтовушликлар ва септаккордлари бор, иккинчиси “танланиб олинадиган ”, илгари ишланмаган аккордлари бўлмаган, бир неча октавали бас товушларига эга бўлган мукамал хроматик гаммали . Баянни ўнг қўл тугмача (клавиш)лари катта октавадаги си – бемоль дан – тўртинчи октавадаги до – диез гача бўлган хроматик товушқатори товушларидан тузилган . Чап қўл тугмачаларидан икки қатори катта октавадаги сольдан кичик октавадаги фа – диез гача бўлган хроматик товушқаторнинг айрим товушларидан тузилган . Қолган уч қатор тугмачалар эса хроматик товушликлари ва доминантсептаккордлардан тузилган тайёр аккордлардир . Ўнг қўл клавишлари мусиқа асарининг асосий куйини чалиш, чап қўл клавиатуралари эса жўр бўлиш учун хизмат қилади . Баян ноталари икки қаторли нота йўлига скрипка ва бас калитида ёзилиб, булар акколада билан бирлаштирилади . Чап қўлдаги аккордлар учун Б (катта, мажор), М (кичик, минор) ва 7 (доминантсектаккорд) билан кўрсатилади . Янги ишланган концертбоп баянларда кичрайтирилган септаккордларни олиш учун чап қўл кнопкалари олти қатор қилиб ишланган . Баяннинг аккордеондан фарқи – ўнг қўл бармоқлари билан чалинадиган клавиатурада клавишлар ўрнига тугмачалар бўлишидир .

49 . Бирбине – литва халқининг пуфлама чолғу асбоби, амалиётда икки тури қўлланилади . Биринчиси – чолғу асбобининг учи кларнетдагидек тростга эга . Биринчи турдаги Бирбине похол чўпи ёки ғоз патидан ясалиб, 100 - 120 мм . узунликда бўлади ёки 200 мм . узунликдаги ёғочдан ясалади .



Трубанинг юқори қисми П

шаклида кесилиб, пастки қисмида эса баланд – паст товушлар учун 3 та тешикча ковланган . Бундай баяннинг товушқатори диатоник бўлиб, диапазони квартага тенг . Иккинчи турдаги баян заранг дарахтидан ясалади . Бунинг юқори қисмига бир тростли кларнет мундштукига ўхшаш мундштук ўрнатилиб, пастки учига эса сигир шохи уланади . Турли товуш чиқариш учун 6 та тешиги бор . Товуш қатори диатоник . Баян такомиллаштирилиб, сопрано, тенор, бас, контрабас турлари ясалган ва халқ чолғу асбоблари оркестрига киритилган . Товуш тешиклари сони ўнга қадар кўпайтирилиб, хроматик товушқаторига эга бўлган .

50 . Биринчи скрипкалар – торли ва симфоник оркестрлардаги скрипкачилар тўдаси бўлиб, одатда мусиқа асарининг муҳим ва таъсирли қисми ҳисобланган биринчи (энг юқори) овозни ижро этадилар . Шунинг учун Биринчи скрипкалар сони торли тўдадаги бошқа чолғу асбобларга нисбатан кўп бўлади . Улар симфоник оркестрда дирижёрнинг чап томонида, олдинда ўтирадилар .



51 . Бишкур – бурят пуфлама мусиқа асбоби . Шакли, ижро этиш йўли сурнайдагидек . Бишкур ёғочдан ясалади, уст томонида 7 та ва ост томонида битта тешикчаси бор, узунлиги 600 мм . Бишкур турли металл безаклар билан безатилади, кўпроқ оркестрлар таркибига қўшилади . Унинг қайта ишланган тури “жимбур” деб

аталади ва бадий ҳаваскорлик тўғарақларида қўлланилади, садоси инглиз бурғусига ўхшаш .

52 . Блул – най тузилишида бўлган арман халқ пуфлама чолғу асбоби, ёғоч ичида ковак қилиниб ишланади . Узунлиги 400 – 600 мм . Уст томонда 7 та, остида эса битта тешикчаси бор . Блул диатоник товушқаторида кўпроқ подачилар орасида тарқалган . Товуши юмшоқ, майин .



53 . Бубен – (итал . tamburino) – урма чолғу асбоб . Бубенни тузилиши дойрага ўхшаш, ноаник баландликдаги товушлар ҳосил қилади . Гардишларига бир жуфтдан кичкина тарелкачалар



ўрнатилган бўлиб, силкитганда жарангдор товуш беради . Баъзан гардишга кичик қўнғироқчалар ҳам осиб қўйилади . Бубен симфоник оркестрда ишлатилади .

54 . Буг – сопол шох (хўкиз шохи) шаклида ясалган ва тегирмончилар сигнал ўрнида қўллаган “чолғу” асбоби (тегирмон буғдой янчишга тайёрлигидан дарак берган) .



55 . Букцина (лот . buccina) - қадимий пуфлама чолғу асбобларидан . Букцина қадимий Римда ҳарбий оркестр таркибида бўлган .



56 . Булбул – лойдан ясалган грузин пуфлама чолғу асбоби . Чалиш учун иккита тешикчаси бор . Булбул турлича, кўпроқ хўроз ва қўй шаклида ясалади . Булбул қизил рангга бўялиб, тилларанг ва қора чизиклар чизилади . Тембри юмшоқ – секин товушдан кучли ва чинқирик товушга қадар чиқади .

57 . Бурғу, қўбузча . 1 . Айрим пуфлама чолғу асбобларнинг номи . Масалан, инглиз бурғуси . 2 . Чўпонлар бурғуси туридаги рус халқ пуфлама чолғу асбоби . Бурғуда турли паст – баланд товушлар олиш учун махсус тешикчалар бор . Мис Бурғунинг чалиш қисмида баъзан муштук қўйилади, хроматик товушларни олиш имконияти бор бўлсада лекин амалиётда диатоник ҳолда қўлланилади .



Тешиксиз Бурғу Россияда почта сигнали учун қўлланилади . Бурғунинг катта – кичик турлари бўлиб, буларнинг умумий узунлиги 400 дан 800 мм . гача бўлади .



58 . Бурғучилар оркестри – бурғу музикаси – рус овчилари бурғусининг бирмунча ислоҳ қилинган туридан тузилган оркестр . Бу оркестр биринчи марта XVIII – аср ўрталарида Питербургда Я . А . Мареш томонидан тузилган . Бурғучилар оркестри учи қайрилиб ясалган мис бурғуларидан тузилган бўлиб, ҳар бир бурғу хроматик товушқаторидан биргина товуш бериш имкониятига эга бўлган . Бурғучилар

оркестридаги бурғулар 95мм . дан – 2 . 250 мм . га қадар узунликда, баъзан буларнинг сони 300 гача бўлган . Оркестрнинг умумий овоз ҳажми контроктавадаги ля дан учинчи октавадаги ре гача, чолғучилар сони 40 тагача бўлиб, ҳар бири битта, баъзан навбат билан иккита, хатто учта бурғу чалганлар . Бурғуни ижро этиш ва ундан доим бир турдаги товуш чиқазиш қийин ва мураккаб бўлиб, куч талаб қилади . Шунинг учун ҳам бурғучилар оркестри крепостнойлик даврида ривож топган . XIX – аср бошларида бу оркестр йўқола бошлайди .

59 . Бучум – карнай тузилишида ёғочдан ясалган молдаван халқ чолғу асбоби . Бучумнинг узунлиги уч метрга қадар бўлади . Чалинадиган (пуфлайдиган) қисмига кичик муштук қўйилади, товуши кучли ва узоқ масофалардан ҳам эшитилади . У кўпроқ подачиларда бўлади .

60 . Быз – Удмурдларда волинка шу ном билан аталади .

61 . Валторна (нем . Waldtorna – ўрмон бурғуси, итал . Corno - корно) – XX - асрнинг 30 – йилларига қадар кенг тарқалган пуфлама чолғу асбоб . Табиий товуш қаторидан бир неча товуш бера олиш имкониятига эга бўлган . XIX – асрнинг 30 - йилларидан бошлаб қўлланила бошлаган



вентель механизмига эга бўлган валторна транспозицияланувчи чолғу асбобларидан бўлиб, симфоник оркестрда in F (фа), пуфлама созлар оркестрида эса in Es (ми - бемоль), in G (соль), созлари ишлатилади .

Овоз ҳажми (эшитилиши бўйича) – контроктава си – бемоль дан иккинчи октавадаги фа гача бўлиб, бу ораликдаги ҳамма хроматик товушқаторида бўлган товушларни чалиш имкониятига эга . Валторна ноталари эшитилишига нисбатан квинта юқори – скрипка калитида, кварта паст – бас калитида ёзилади . Товуш тембрининг майинлиги билан бошқа мис пуфлама чолғу асбобларидан фарқ қилади . Сурдина ёки ижрочи ўнг қўли билан карнай оғзини ёпиш орқали Валторна товушини бирмунча пасайтиради . Нотада + белгиси билан кўрсатилади, асли ҳолдаги товушга қайтиш учун ноль (0) қўйилади . Симфоник оркестрда тўртта Валторна ишлатилади . Булардан биринчиси яккахонлик, учинчиси юқори товушларни олиш, иккинчиси ва тўрттинчиси пастки товушларни олиш учун ишлатилади .




62. Варган – (чанғқовуз) – тирнама тилли чолғу асбоби . Темирдан ясалган рамкага пўлат “тил” ўрнатилган бўлади . Варганни оғзига икки лаб оралиғига қўйиб “тил” бармоқ билан уриб ҳаракатга келтирилади . Оғиз бўшлиғи товуш берувчи резанатор хизматини бажаради . Варган

жуда кўп халқлар орасида тарқалган .

63. Вержинель, вирджиниэль, виргинал

(анг . virginal) – клавесин турларидан бўлган ва XVI - XVIII - асрларда Англияда хонадонларда чалинадиган торли – клавишли чолғу асбоби . Вержинельнинг товуши юмшоқ ва майин бўлиб, XVI - асрда Вержинель мактаби ва композиторлари пайдо бўлган .



64. Вентиль – (нем . Ventil - клапан) – муштук орқали чалинадиган пуфлама чолғу асбоблар (валторна, труба ва х .)да ҳаво чиқарувчи труба йўллари узунлаштирадиган механизм . Вентильлардан бири ёки бир йўла иккитасини босиш йўли билан тўлқинга кирган ҳаво йўли узаяди ва натижада товуш ярим, бир, бир ярим тон пасаяди . Шу тартибда товушни беш ярим тонга қадар пасайтириш мумкин . Вентиль ёрдами натурал товушларни хроматик қилиш мумкин .

65. Вина – торли – тирнама ҳинд чолғу асбоби . Винанинг ҳар хил шаклдаги турлари бор . Унда тўртта асосий ва учта қўшимча тор бўлиб, 19 – 24 та сурилувчи пардаси бор . Вина тирноқлар билан ёки кўрсаткич

ва ўрта бармоқларга кийилган нохунлар ёрдамида чалинади . Торлари турлича соланади .



66 . Виола – камонча билан чалинадиган торли чолғу асбоб .



67 . Виолалар – камонча билан ижро этиладиган чолғу асбоблар . Виолалар XV - асрда пайдо бўлиб, асосий турлари – дискант, альт, тенор ва котрабаслардир . Улар бир – биридан катта – кичиклиги ва овоз хажмлари билан фарқ қилади . Ижрочилар Виолаларни икки тизза орасига ёки тизза устига қўйиб чалганлар, товуши сокин ва майин . Виолаларнинг тузилиш шакли скрипкага ўхшайди . 5 - 7 тори бўлиб, квартага соланади . Дастаси кенг ва пардалар билан таъминланган . Харрак текис бўлгани учун аккордларни ижро этиш енгил . Виолалар XVI - XVIII - асрларда Ғарбий Европада яқка ҳолича ва оркестрда қўлланилган . XVII - асрдан бошлаб Виолалар ўрнини скрипка турлари эгаллай бошлади . Виолалардан фақат виола да гамба (тенор Виола) узок вақтгача (XVIII – аср охиригача) ўз мавқеини сақлаб қолган .



68 . Виолончель – (итал . Violoncello, violone – контрабас сўзидан олинган бўлиб, кичрайтирилган деган маънони билдиради) - скрипка турига кирадиган, торли – камончали чолғу асбоби . Виолончель XVI - асрнинг биринчи ярмидан қўлланила бошлади . Унинг тўртта тори бор . Худди скрипкага ўхшаш квинта оралиғида соланади . Виолончельни стулда ўтириб, учи ингичка таёқчасини полга тираб ижро этилади . XIX –

асрнинг иккинчи ярмигача Виолончельга ўрнатилган бу таёқча бўлмаган . Виолончель товуши йўғон бас ва тенор регистрида . Торлар катта октавадаги до, соль ва кичик октавадаги ре, ля товушларига соزلанади .

Виолончельнинг тўртинчи тори (ля) да идро этиш имконияти қулайлиги учун умумий овоз ҳажми анча кенг, яъни катта октавадаги до дан тўртинчи октавадаги ми гача .

Бу беш октава оралиғи товушларни ижро этиш имкониятига эга бўлган . Виолончель ноталари бас, тенор ва скрипка калитларида ёзилади . Виолончель товуши мулойим ва ширали . У ёлғиз чалинганидек, торли ва симфоник оркестрда ҳам муҳим ўринни эгаллайди, торли кваттетда эса пастки товушларни беришда масъулиятли вазифани бажаради . Симфоник оркестрда Виолончельнинг сони 12 га қадар бўлади . Виолончельнинг умумий узунлиги 1550 - 1560 мм бўлиб, корпуси 750 мм . дир .



69 . Виоль д,амур – торли – камонча билан чалинадиган чолғу асбоб бўлиб, виолаларнинг бир тури . 5 - 7 асосий ва 7 та қўшимча товуш берувчи торлари бор . Асосий торлар d, fis, a, d¹, fis, a¹, d¹ (кичик октавадаги ре, фа - диез, ля, биринчи октавадаги ре, фа – диез, ля ва иккинчи октавадаги ре) га соزلанади . Ижрочи Виоль д · амурни худди скрипка чалгандек, елкага қўйиб чалган, товуши юмшоқ, майин . У XVII - асрнинг охиридан қўлланила бошлаган, XVIII - асрда кенг тарқалган, XVIII - асрда эса айрим вақтларда опера ва симфоник оркестрда яқка чолғу асбоби вазифасини ҳам бажарди .



70 . Violino, violini (итал . Виолина, виолини) – скрипка, скрипкалар .

71 . Violone (итал . виолёне) – контрабас .

72 . Гавал - далдама, кили, дачу – 1 . Икки томонига тери қопланган урма барабан туридаги Доғистон халқ чолғу асбоби . Айланмаси 400 - 500 мм . Барабанга нисбатан бирмунча кенг, ёғоч гардишининг ҳар икки томонига тери қопланади (диаметри 350 - 400 мм .) . Гавал кўпроқ Доғистоннинг жанубида қўлланилади ва бу ерда халқ чолғу асбоблари ансамблига, иккита зурна билан қўшилиб ижро этилади . Ағач қумиз билан рақс мусиқаларини ижро этишда қўлланилади . Гавал бармоқлар билан ёки ингичка таёқчалар билан уриб чалинади . 2 . Озарбайжонда қўлланиладиган доиранинг номи .



73 . Гадулка (булғорларда гьдулка) – камонча билан ижро этиладиган болгар торли халқ чолғу асбоби . 3 - 4 та асосий, яъни куй тарқатувчи ва 9 - 10 та резонанс берувчи қўшимча тори бор . Гадулка нок шаклида бўлиб, қопқоғида товуш берувчи узун тешикчаси бор . Гадулкага қўйилган харрак (кобылка) узун бўлиб, унинг калта оёқчаси қопқоққа, узун қисми эса қопқоқ тагидан резонанс берувчи тешикка келади . Ижро қилиш вақтида Гадулкани тикка ушлаб, бармоқ тирноқлари билан

тори секин чалинади . Шунга кўра Гадулка флажолет тембрида товуш беради .



74 . Гайдо - Балгарияда волинка шу ном билан аталади .

75 . Гамбанг – ясси тахтачалардан тайёрланиб, уриб чалинадиган Индонезия халқ чолғу асбоби . Гамбанг ёғоч ёки металл пластинкаладан ясалади . Бу пластинкалар резонанс берувчи узун яшикчага ўрнаштирилган бўлади . Гамбанг ёғоч болғачалар билан уриб чалинади . Металл пластинкаларидан қилингани Гамбанг, ганза, ёғоч пластинкаларидан ясалгани Гамбанг қайю деб аталади . Гамбангдан гамелан таркибида фойдаланилади .



76 . Гамелан – Индонезия миллий оркестри . Асосан уриб чалинадиган ксилофон туридаги чолғу асбобларидан тузилган бўлиб, бир неча торли камончали ва пуфлама чолғу асбоблар ҳам қўлланган .



77 . Гангу – ноғора шаклидаги уриб чалинадиган хитой халқ чолғу асбоби . Гангунинг “коса”си қаттиқ ёғочдан эгилиб ишланади . Тери ноғорадагидек, ичаклар билан тортилмай, мисдан ясалган калта михлар ёрдамида “коса”га қоқилади . Гангу табуретка шаклида ишланган тўрт “оёққа” қўйиб, йўғон калтакча билан уриб чалинади . Гангу оркестрда

кенг фойдаланилади . Гангунинг баландлиги 560 мм, кенг қисмининг диаметри 554 мм .

78 . Ганатауре – латиш халқ пуфлама чолғу асбоби . Тўғри шох шаклида ёғочдан ишланган бўлиб, уст қисмидан пўстлоқ ўралади . Асосан чўпонлар орасида қўлланилади .

79 . Гармон – рус чолғу асбоби . Гармониканинг ўзгартирилган тури . Диатоник товуш қаторига эга бўлган бу чолғу асбоби Хоразмда XIX - асрдан кенг тарқалган . Хоразмнинг атоқли ашулачиларидан Шерозий, Сафо Муғайнийлар ўзлари яратган Гармон жўрлигида ашула айтганлар . Хоразм хотин – қизлари – халфалар орасида ҳам Гармон кенг тарқалган .



80 . Гармоника, гармония, гармонь – хавони тўлқинлантириб, металл тилчалар орқали товуш чиқарадиган чолғу асбоб . Унинг чаладиган клавиатуралари тугмачали бўлади . Гармоника турли халқлар орасида кенг тарқалган чолғу асбоби . Рус Гармоникаси рус халқ ашулалари ладига мосланиб ишланган . Хоразм вилоятида кенг тарқалган Гармониканинг тури гармон лад тузилиши ўзбек халқ мусикаси табиатига мосланган Гармониканинг турлари кўп . Масалан: икки қаторли Вена Гармоникаси, аккордеон, баян ва бошқалар . . .

81 . Геликон – (юн . Нлук - эгилган) – оркестрдаги труба вазифасини бажарувчи муштукли мис пуфлама чолғу асбоб . Геликон фақат ҳарбий оркестрда қўлланилади . Пиёда ёки отда туриб чалишга қулайлик бўлсин учун Геликон елкадан ўтказиб олинади . Овоз ҳажми худди трубадагидек .

82 . Генсле - камончали қадимий поляк халқ чолғу асбоби . “Коса”си биздаги танбурга ўхшаш ўйилган бўлади ёки дутордек “қобирға”лардан тайёрланади . Ижро қилиш вақтида Генсле горизонтал ҳолда ушлаб чалинади .



83 . Гитара – тирнама чолғу асбоб . Гитара ҳақидаги биринчи маълумотлар XIV - XV –асрларга тўғри келади . Испан Гитарасида олтита тор бор . Бу торлар катта октавадаги ми, ля, кичик октавадаги ре, соль, си ва биринчи октавадаги ми ларга созланади . XVI - аср охирларидан бошлаб бу Гитара Европа ва Америкада қўлланила бошлайди . Россияда XVIII - асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қўлланилган . Рус Гитарасининг еттита тори бор . Гитаранинг яна бир тури Гавай Гитарасидир . Бунда олтита тор бўлиб, плектр билан чалинади . Торларни эса, махсус металл пластинкалар билан пардага босилади .



84 . Гобой – (фр . Hautbous, haut – баланд, bois – ёғоч, итал . oboe) – ёғоч пуфлама чолғу асбоб . У махсус қаттиқ ёғочдан (баъзан пластмассадан) ишланади . Гобой шаклан сурнайга ўхшаш бўлиб, унга нисбатан узунроқ ва товуши анча юмшоқ . XVII - асрда эса қайта ишланиб, унга клапанлар ўрнатилган . XVIII - XIX - асрларда клапанлар сони орттириб, ён тешикчалар ҳам қўшилган . Ҳозирги Гобойларда 20дан ортиқ тешик ва клапанлар бор . Гобойнинг узунлиги (тростисиз) 590 – 610 мм . , овоз ҳажми кичик октавадаги си (си - бемоль)дан учинчи октавадаги ля гача . Ноталар скрипка калитида ёзилади . Опера ва симфоник оркестрларда Гобой алоҳида ўрин тутади . Якка ҳолда, фортепиано жўрлигида ҳам чалинади . Гобой турлари : 1 . Кичик Гобой; асосий Гобойдан соф кварта юқори товуш беради . 2 . Альт Гобой ёки инглиз бурғуси . 3 . Гобой д,амур – асосий Гобойдан терция паст товуш беради . 4 . Геккельфон .



85 . Голосник - торли халқ чолғу асбобларининг устки қопқоғидаги товуш берувчи тешикча .

86 . Гонг – металлдан ясалган, урма чолғу асбоб . Осиё халқлари орасида тарқалган, хиллари кўп . Бир тури бронза ё тунукадан ясалади, тўқмоқ билан уриб чалинади . Товуши аниқ баландликка эга эмас . Гонгнинг бир тури симфоник оркестрда XVIII – асрнинг охирларидан бошлаб қўлланади . У там – там ҳам деб аталади .



87 . Горн – (нем . Horn - шох) – сигнал берувчи муштугли пуфлама чолғу асбоб (вентилсиз труба) .



88 . Гoc – уриб чалинадиган арман халқ асбоби .



89 . Граммофон – махсус юпка пластинкаларга ёзилган муסיқаларни эшиттиривчи аппарат .

90 . Гуань – қўш тростли созлар тўдасига кирадиган хитой пуфлама чолғу асбоби . Гуань махсус қаттиқ ёғочни ўйиб биздаги қўшнай шаклида ясалади . Бамбук ё қамишдан ҳам қилинади . Чаладиган қисмига қамишдан ясалган қўш трост ўрнаштирилади . Гуаньнинг узун корпусига саккизта тешик бўлиб, буларнинг еттитаси уст томонда бири карама – қарши таг томонда бўлади . Гуаньни келиб чиққан жойи Жанубий Хитой Синьзян вилоятидир . Унинг катта – кичик турлари бор . Дагуань номи билан аталадиган каттасининг узунлиги 230 мм . Сяогуань номи билан аталадиган кичик тури 190 мм . узунликда . Мудштук қисмининг узунлиги 50 мм, ташқи диаметри 18 - 20 мм . қалинлиги 2 – 2,5 мм . Товушқатори хроматик бўлсада, айрим товушлари юзага келтириш қийиндир . Гуань ансамбль оркестр ва якка ҳолда қўлланилади . Овоз ҳажми дагуаньда $e^1 - a^3$ (яъни, биринчи октава ми – бемоль дан – учинчи октава ля)гача, сяогуаньда $a^1 - c^4$ (яъни, биринчи октава ля – бемоль дан – тўртинчи октава до)гача .



91 . Гудаствири – Грузияда волинка шу ном билан аталади .

92 . Гудок – камончали қадимий рус халқ торли чолғу асбоби . Унинг уч тори бўлиб, биринчиси куй тори, иккинчиси ва учинчилари эса унисон орқали созланиб, биринчи тордан квинта оралиғида бўлади . Бу иккинчи ва учинчи торлар доимий очик, куй тorigа қўшилиб ижро этилади . Гудок ғижжак чалгандек, тик ушлаб чалинади . Гудок хор ва ашулага жўр бўлганидек, бошқа чолғу асбобларига қўшиб ҳам чалинар эди . ансамблга қўшиб чалинадиган Гудокнинг турли овоз ҳажмидаги хиллари қўлланилар эди .



93 . Гусле – гуся – торли – камончали жанубий славян чолғу асбоби . “Коса”си кўбиз шаклида ўйилган бўлиб, қопқоқ ўрнига тери қопланган . 1 - 2 хил тори бор . Ёй шаклидаги камонча билан чалинади . Ижрочи Гуслени чалганида чап қўл бармоқлари билан дастага торни секин босади . Гусле халқ ашулаларига, эпик ашулаларга жўр бўлади .

94 . Гусли – рус халқ торли тирнама чолғу асбоби . Ёзма маълумотларга кўра, Гусли VI – асрда ҳам бўлган . Гуслининг қадимий тури ёғочдан қилинган ясси яшик шаклида бўлиб, бунга бир неча ичак торлар тақилган ва бу торлар диатоник ҳолатда созланган . XIV – асрдан бошлаб кўп торли Гусли - псалтирь қўлланила бошланган . Гусли – псалтирьнинг тузилиш шакли биздаги чангга ўхшашроқ . XVII – асрда эса кенг ҳажмли столга қўйиб чалинадиган кўп торли Гусли – псалтирь ишланди, унга металл симлар тақилиб, хроматик тартибда соزلана бошланди . Гусли – псалтирь баъзан оёқчалар билан ҳам ишланган . Ниҳоят XX – аср бошларида гусли қайта ишланиб, унинг ансамблда фойдаланиш учун катта – кичик турлари (пикколо, прима, альт ва бас) ишлаб чиқилди . У баланд овозли катта – кичик Гусли – псалтирьларда 13 - 14 та тор бўлиб, ҳаммаси ҳам бир турли соزلанади . Гусли прима биринчи октавадаги ми дан иккинчи октавадаги си гача бўлган овоз ҳажмига эга , ноталари скрипка калитида ёзилади . (Эшитилиши ҳам бир хил) . Гусли пиккола унга нисбатан октава юқори соزلанади . Ноталар эшитилишига кўра октава пастда скрипка калитида

ёзилади . Гусли алыт Гусли примага нисбатан октава юқори, у ҳам скрипка калитида ёзилади . Гусли бас Гусли примага нисбатан икки октава пастда созланиб, ноталар бас калитида эшитилганича ёзилади . (баъзан эшитилишига кўра икки октава юқори калитида ёзилади) .

Ҳозирги вақтда баланд товушли Гусли билан бир қаторда клавишли (педалли) Гусли ишлатилади . Одатда, Гусли чалувчи икки қўл бармоқлари билан торни тирнаб чалади . Ортиқча жарангловчи товушлар чап қўл бармоқлари билан босиб йўқотилади . Клавишли Гуслида эса ортиқча товушлар махсус ишланган механизм ёрдамида йўқотилади . Клавишли Гусли медиаторлар ёрдамида чалинади, овоз ҳажми 5 - 7 октава оралиғида хроматик товушқаторга эга . Унинг товуши чиройли бўлиши билан бошқа турли Гуслилардан фарқ қилади . Гуслини дoston айтувчилар ишлатади . Ижрочи Гуслини тиззага қўйиб чалади . Гусли ансамблда ҳам қўлланилади . Турли халқлар ўртасида Гусли турлари чолғу асбоблар бўлиб, улар Карелияда – кантеле, Эстонияда – каннель, Латвияда – кокле, Литвада – кояклес деб аталади .



95 . Дабу – мемранали Хитой урма чолғу асбоби . Дабу биздаги дойранинг бир тури бўлиб, Хитой жанубидаги уйғур халқи орасида тарқалган .



96 . Дайра, дайре – дойрага ўхшаш грузин ва туркман урма халқ чолғу асбоби .



97 . Дала – фандир – осетин торли тирнама халқ чолғу асбоби . Тузилиши козoқ дўмбираси шаклида бўлиб, текис қоқоғида товуш берувчи кўп миқдордаги тешикчалари бор . Дастаси пардалар бўлмайди, икки ё уч тор тортилади . Умумий узунлиги 800 - 850 мм . 1940 – йилларда Дала – фандир қайта ишланиб, бунинг катта – кичик (пикколoдан контрабасгача) турлари ясалган, 13 - 15 парда боғланган Жанубий Осетия автоном вилоятдаги ашула ва рақс ансамбли оркестрига киритилган . Икки торли Дала – фандирнинг биринчи тори биринчи октавадаги до, иккинчи тори биринчи октавадаги фа га созланади . Уч торли Дала – фандир биринчи октавадаги ми, ля, иккинчи октавадаги ре (баъзан ми)га созланади .

98 . Даудите – Литва халқининг муштукли пуфлама чолғу асбоби .



99 . Даулбас – Қирғиз халқ урма чолғу асбоби . Баъзан даулпаз деб ҳам аталади .

100 . Даулпаз – кичик литавра туридаги қадимий козoқ урма халқ чолғу асбоби . Металлдан қилинган гардишга тери қопланади .

Даулпазни бизда чиндаул, кирғизларда даулбас деб аталади . Даулпазни чалиш вақтида қўлда олиб юрганларидек, от эгарига боғлаб ҳам қўйганлар . Даулпаздан кўпроқ ҳарбий сигнал ва ов қилиш вақтида фойдаланилган . Даулпаз Қурмонғози номидаги Қозоқ Давлат халқ чолғу асбоблари оркестрига киритилган .

101 . Даф, дэф – Арманистон ва Озарбайжон халқининг урма чолғу асбоби, ўзбек халқ чолғу асбобларидан дойра уларда шу ном билан юритилади .



102 . Дахулей ёки хулей – торли тирнама хитой чолғу асбоби .

103 . Дахэнчуй – пуфлама хитой чолғу асбоби .

104 . Деташе (фр . Detache, detacher – бўлиш, ажратиш) . Торли - камончали чолғу асбобларда ҳар бир товуш камончани бир томон (паст ёки юқорига томон ҳаракат қилишини кўрсатиш) тортилишида идро этиш .

105 . Ди – найга ўхшаш Хитой чолғу асбоби, бамбукдан ясалади . Узунлиги 610 – 630 мм . бўлиб, диаметри 25 - 30 мм . Ди чалинадиган томонидаги тешиги пўкак билан қаттиқ беркитилади . Унга 12 та тешикча бўлиб, бири чалиш учун, иккинчисига қамиш ичидан чиқадиган юпка пўстлоқ ёки юпка қоғоз ёпиштирилади, олтитаси турли балан – паст товушларни чиқазиш учун, қолган тўрттаси эса пастки уч томонида жойлашган . Дида ансамбль, оркестр ва яқка ҳолда ўхшатиб ижро этилади . Ди,нинг юпка қоғоз ёпиштирилган ва уч томондаги тўртта тешиги бўлмаган тури – мэнди деб аталади .



106 . **Дига** – торли – камончали Латиш халқ чолғу асбоби . Тўғри бурчакли шаклда бўлиб, пардалари бор . Дастлабки ҳолатда битта тори бўлган . Қайта ишланган Дига уч торлидир .



107 . **Диплипито** – Грузин халқ чолғу асбоби (ноғорасимон), махсус лойдан ясалган иккита тувакча устига тери қопланади . Булардан бири кичик ҳажмда бўлиб, юқори товуш беради . Иккинчиси катта бўлиб, паст товуш беради . Диплипито иккита узун калтакча билан уриб чалинади, халқ чолғу асбоблари ансамблида қўлланилади .



108 . **Довул** – дойрасимонлар оиласига кирувчи, ҳар икки томони тери билан қопланган қадимий ўзбек чолғу асбоби . Довулнинг гардишига ясалган дастани чап қўл билан ушлаб, таёқ билан уриб чалинади . Худди шу турдаги чолғу асбоб арманларда доол, дхол деб аталади .



109 . Дойра – (ўзб . Дапп, чилдирма, чирманда) – ўзбек, тожик ва уйғур халқлари орасида кенг тарқалган, товуш баланлиги ноаниқ урма чолғу асбоб . Диаметри тахминан 400 мм . бўлган, гардиши илгарилари узум зангидан қилинган, сўнгги вақтларда ёғочни эгиб ё кичик ёғоч бўлақларини бир – бирига улаб ясалади . Дойра гардишига бузук ёки балиқ териси қопланади, қирқдан ортиқ халқачалар тақилиб, булар Дойрани чалганда кўшимча садо беради . Дойрада иккита асосий товуш бор . Битри паст “бум” (Хоразмда “гуп”), иккинчиси баланд “бак” (Хоразмда “тоқ”) деб юритилади . Кетма – кет келган иккита қисқа товуш “бакко” ёки “бакка” (“так – так”) ёки “бака” (“така”) деб юритилади . Дойра кенг тарқалган чолғу асбобларидан бўлиб, унда турли ансамбль, оркестр ва якка ҳолда ижро қилинади . Дойра жўрлигида рақслар ўзбек ва тожик халқлари орасида жуда кенг тарқалган . Шашмақом дойра усулисиз ижро қилинмайди . Бухорода ҳар бир мақом айтувчи ҳофиз, мақом усулларини Дойрада усталик билан ўзлаштирган ва ўз ашулаларини жўр бўлган . Дойра товушлари нотада пуфлама ва симфоник оркестрдаги урма чолғу асбоблариникидек бир чизикқа ёзилади . Сўнгги 1960 - 1970 – йиллар орасида Дойра усуллари этнограффольклористлар томонидан турли тартибда ёзилиб келинган . 1930 – йиллардан бошлаб “бум” чизик остига, “бак” чизик устига ёзила бошланди . Шашмақомдаги ҳар бир кўйнинг ўзига хос усули бор . Шунга кўра, усуллар шу кўй номи билан юритилади . Масалан: “усули Мухаммас” (Мухаммас усули), “Усули Талқин”, “Усули Тасниф” ва б . Ансамблда халқ ашулалари жўр бўлган “бум бакка – бум бак” усули кўпроқ қўлланилади .



110 . Дойрадаст – дойрачи .

111 . Дол – икки томони тери билан қопланган доира шаклидаги ўзбек халқ урма чолғу асбоби . Эни тахминан 100 мм . бўлган бу гардишнинг икки томонидаги терилар тасма билан тортиб боғланади . Илгарилари маҳалла қоровуллари кечалари дол чалиб, кўча кезар эдилар . Шунингдек,

хон саройидаги қоровуллар алмашувида ҳам дол чалганлар . Ҳозир дол ишлатилмайди .

112 . Доли - грузин, абхаз ва озар халқларида урма чолғу асбоб . Кичик барабанниқига ўхшаб икки томонига тери қопланиб, унга нисбатан бир оз узунроқ . Доли бармоқлар билан ё иккита кичик таёқча билан ҳар икки томонига уриб чалинади .



113 . Домбур – монгол халқ чолғу асбоби, рус домрасининг бир тури .



114 . Домра – торли тирнама рус халқ чолғу асбоби . Домра уч бўлақдан иборат: коса (корпус), бўғиз (дастаси) ва бош қисми . Косага қопланадиган қопқоқ фақат арча дарахтидан тайёрланади . Қопқоғининг марказий қисмида товуш берувчи тешикчалар бўлади . Бу тешикчаларнинг ўнг томонида коса устига қаттиқ ёғочдан қилинган қобик қопланган . У қопқоқни тирналишдан сақлайди . Коса авранг (клён) ёки қайишдан тайёрланган еттита бўлақ тахтачадан иборат . Домрани бўғизи ҳам қайиндан, дастаси қаттиқ ёғочдан ясалади . Дастаси ярим тон оралиғида тузилган 18 та парда бор . 2, 5, 7, 10 ва 12 пардалар оралиғида садаф тугмачалар ўрнаштирилади . Домра XVI – асрда ҳам маълум бўлган . Илгарилари Домранинг катта – кичик турлари бўлиб, улар домрушка, домра, домрабосита номлари билан юритилади . XIX - асрнинг охирларида В . В . Андреев уч торли Домрани қайта ишлаб, унинг катта – кичик турларини яратди ва уни рус халқ чолғу асбоблари оркестрига

киритди . Булар кичик Домра, Домра – пиккола, Домра – альт, Домра – тенор, Домра – бас ва Домра – контрабаслардир .



115 . Домра – бас – ундаги тор катта октавадаги ми, ля ва кичик октавадаги ре га созланади . Овоз ҳажми катта октавадаги ми дан биринчи октавадаги ля гача . Ноталар бас калитида ёзилади . Г . П . Любимов қайта ишлаган тўрт торли Домра – бас квинта бўйича худди скрипка тўдасидаги виолончелдек, катта октавадаги до, соль, кичик октавадаги ре ва ля га созланади .



116 . Домра – контрабас – торлари контроктавадаги ми ва ля, катта октавадаги ре га созланади . Овоз ҳажми контроктавадаги ми дан кичик октавадаги солгача . Ноталар бас калитида, эшитилишига нисбатан октава юқори ёзилади . Г . П . Любимов томонидан қайта ишлаган тўрт торли Домра – контрабас торлари контроктавадаги ми, ля, катта октавадаги ре, соль ларга худди контрабасдек созланади .

117 . Домра – пиккола – биринчи октавадаги си, иккинчи октавадаги ми ва ля га созланади . Домра – пиккола уч торли домралар ичида энг

юқори товуш, берувчи чолғу асбобдир, овоз ҳажми биринчи октавадаги си дан тўртинчи октавадаги мигача . Ноталар скрипка калитида эшитилишига нисбатан октава пастда ёзилади . XX – аср бошларида Г . П . Любимов томонидан қайта ишлаган тўрт торли Домра – пикколо квинта бўйича кичик октавадаги до, соль ва биринчи октавадаги ре, ля ларга соланади .


118 . Домра – тенор – торлари катта октавадаги си, кичик октавадаги ми, ля ларга соланади . Овоз ҳажми катта октавадаги си дан биринчи октавадаги ми гача . Ноталар скрипка калитида ёзилади . Г . П . Любимов томонидан қайта ишлаган тўрт торли Домра – тенор квинта бўйича катта октавадаги соль, кичик октавадаги ре, ля ва биринчи октавадаги ми ларга соланади .



119 . Дрымба – Украин ва Молдаванда қўлланиладиган тилли, тирнама чолғу асбоби . (бизда оғизда чалинадиган “чанг”) га ўхшайди . Русларда Варган деб аталади .



120 . Дуадастанон – осетин халқининг торли тирнама, арфага ўхшаган чолғу асбоби .



121 . Дуда – 1 . Рус халқ пуфлама чолғу асбоби . Дудани – дудка, сопель деб ҳам аташади . Бу чолғу асбоби худди биздаги найга ўхшатилиб тешилган ёғоч найдан иборат бўлиб, товуши хуштак товушига ўхшайди . 2 . Волинканинг бошқача номи .



122 . Дуделзак – Голландияда волинка шу ном билан аталади .

123 . Дудка – 1 . Флейта туридаги халқ чолғу асбобларининг ҳаммаси учун берилган ном . 2 . Биздаги най шаклида бўлган белорус халқ чолғу асбоби . Дудка ёғочдан (кўпроқ зарангдан) ясалади . Умумий узунлиги 400 - 500 мм . Пуфлама чалиш учун тешикларни турлича очиш йўли билан икки ярим октава ҳажмдаги хроматик товушқатори олиш мумкин бўлсада, тажрибада диатоник ҳолатда ишлатилади . Дудка 1950 – йил қайта ишланиб, клапанли механизм билан мукамаллаштирилди ва Беларус Давлат халқ чолғу асбоблари оркестрига киритилди .



124 . Дудук – дудуки – камишдан ясаладиган, гобой турига кирадиган кавказ халқларининг пуфлама чолғу асбоби . Узунлиги 300 мм . бўлиб, ьбармоқлар босиш учун 9 та тешикчаси бор . Чалинадиган томонига кенг қилиб ишланган иккита тили бўлади . Одатда, иккита дудукни ансамбль қилиб чалинади . Буларнинг бири асосий куйни ижро қилиб, иккинчиси

доимий мчўзилувчи товуш бериб туради (орган пункти) . Бошқа чолғу асбобларга ҳам қўшиб чалинади . Грузин Давлат ашула ва ракс ансамблида дудук духовой чолғу асбобларининг бошловчиси ролини ўйнайди . Дудукнинг тембри юмшок, товушқатори диатоник тартибда, децима интервали ҳажмидадир . Тажрибали дудукчи овоз ҳажмини бир оз кенгайтириш ва хроматик товушларни чала олиши мумкин .



125 . Дуды – чехларда волинка шу ном билан аталади .

126 . Дунсяно – най шаклидаги қадимий хитой чолғу асбоби, қисқартириб сяо номи билан ҳам аташади .



127 . Дутор – (икки тор) – ўзбек, шунингдек, тожик, туркман ва уйғур халқлари ўртасида кенг тарқалган торли тирнама чолғу асбоб .

Дутор икки қисмдан (даста ва косадан) иборат бўлиб, буларни бирлаштирувчи қисми “бўғиз” деб аталади . Дутор косаси ўйма ё “қобирға”чаларнинг бирлаштирилганидан қилиниши мумкин . “ўйма дутор” Самарқанд, Хоразм ва Туркменистонда қўлланилиб, бир бўлак тут ёғочдан ўйиб ишланади . “Қобирға”ли Дутор ҳам тут ёғочидан ишланиб, 8 - 10 бўлак юпқа тахтачани эгиб бирлаштирилади . Коса устига ёпиштириладиган қопқоқ ҳам тут ёғочидан тайёрланади . Дутор дастаси олма ёғочидан қилинади ва унга 13 - 14 ичак парда боғланади . Дуторнинг умумий узунлиги 1200 – 1300 мм . Айрим жойларда 750 – 800 мм . ипакдан қилинган икки тор кварта (ўрта парда сози), квинта (бош парда сози), унисон (кўш парда сози) ва октаваларга созланади . Буларнинг кўпроқ қўлланиладиган “Муножот” (квинта) ва “Тановар” (кварта)га созланади . Бу созлар аниқ бир баландликда бўлмай, ижрочи ва ашулачи хоҳиши бўйича турлича баландликда бўлиши мумкин . Дутор ансамблда ва якка соз сифатида қўлланилади . Овози паст, майин бўлганлиги учун кўпроқ якканавоз тарзида ижро қилинади . Шунинг учун ҳам махсус Дутор куйлари бор . Масалан: “Роҳат”, “Турғай”, “Дутор баёти” ва б . Ўзбек халқ чолғу асбобларидан Дутор айниқса аёлларимиз орасида кенг тарқалган . Садафлар ва ўймакорлик билан чиройли Дутор ясашда Уста Усмон Зуфаров машҳур бўлган . Дутор қайтадан ишланиб, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрига киритилган . Оркестрда Дуторнинг альт, бас ва котрабас турлари қўлланилади .



128 . Дутор – альт – дуторининг кичрайтирилган тури . Бунинг қопқоғи тут ўрнига арча дарахтидан қилинади . Ипак торлар ўрнига ичак тор тортилади . Пардалар дастани ўйиб хроматик ҳолда доимий ўрнаштирилади . Торлар кварта бўйича биринчи октавадаги ми ва ля га созланади . Ноталар скрипка калитида, эшитилишига нисбатан октава юқорида ёзилади . , ҳажми кичик октавадаги ми – ля дан биринчи октавадаги соль ва иккинчи октавадаги до гача .

129 . Дутор – бас – дуторнинг катта қилиниб ишланган тури . Дутор – баснинг тўртта тури бўлиб, булар кварта бўйича тўртинчи тор катта октавадаги до, учинчи тор катта октавадаги соль, иккинчи тор кичик

октавадаги ля га созланади, ля тори ичакдан қилинган бўлиб, қолганлари металлдандир . Ноталар эшитилиши бўйича бас калитида ёзилиб, бир октава фарқи бўлади . Овоз ҳажми катта октавадаги до дан биринчи октавадаги соль га қадар .

130 . Дутор – котрабас – дуторнинг жуда катта қилиниб ишланган тури . Дутор – котрабаснинг тўртта тори бўлиб, булар кварта бўйича, тўртинчи тор контр октавадаги ми, учинчи тор конроктавадаги ля, иккинчи тори катта октавадаги ре ва биринчи тори катта октавадаги соль ларга созланади . Овоз ҳажми контоктавадаги ми дан кичик октавадаги ля гача . Ноталар бас калитида ёзилади, эшитилишига нисбатан октава юқорида жойлашади – ёзилади .

131 . Дутор – тенор – халқ ўртасида қўлланилиб келинган, лекин пардалари хроматик қилиниб, оркестрда қўлланиладиган дутор хисобланади .



Дуторчи – Дутор ижрочиси, созанда .

132 . Духовой оркестр – (пуфлама чолғучилар оркестри) – пуфлама ва урма чолғу асбоблардан тузилган оркестр . Духовой оркестрга мис пуфлама чолғу асбобларидан – корнет, альт, тенор, тенор, баритон, бас, труба, валторна, трамбонлар; ёғоч пуфлама чолғу асбобларидан – кларнет, флейта (катта составда булар ёнига габой ва фагот қўшилади), урма чолғу асбобларидан – катта, кичик барабанлар, мис тарелкалар киради . Духовой оркестр товушлари баланд ва ўткир бўлгани учун кўпроқ очик ҳавода ижро қилинади .



133 . Духовой (пуфлама) чолғу асбоблар - ёғоч ва металлдан ясалган пуфлама чолғу асбоблари . Уларда товуш турли узун – қисқа ва йўғон – ингичка трубалар ичидаги ҳавони тўлқинлатиш воситаси билан ҳосил қилинади . Духовой (пуфлама) чолғу асбоблардан чиқадиган товушларнинг кучи, яъни регистри карнайнинг узун – қисқа ва кенг ё тор бўлишига боғлиқ . Агар карнай кенг (йўғон) бўлса, ҳаво тўлқини сийрак ва салмоқли бўлади, натижада товуш паст эшитилади, тор (ингичка) бўлса, ундаги ҳаво тўлқини тез бўлади ва натижада товуш баланд эшитилади . Карнайдаги ҳаво тўлқинларининг ўзгариши, яъни турли баландликдаги товушларнинг ҳосил қилиш икки турли йўл билан бўлади .

1 . Карнайни қаттиқ пуфлаш орқали юқорига гармоник товушларни ҳосил қилиш .



2 . Карнайдаги ҳаво йўлини чўзиш ё қисқартиш билан . Бунинг учун махсус асбоблар – кларнет, вентиль, пистон ва б . лардан фойдаланилади .

Духовой (пуфлама) чолғу асбоблар - флейта, гобой, кларнет, фагот ва буларнинг катта – кичик турлари, иккинчиси – мис чолғу асбоблари – валторна, труба, тромбон . Туба . Альт, тенор, баритон ва б . Духовой (пуфлама) чолғу асбоблар кўпроқ симфоник ва духовой оркестрларда қўлланилади . Ўзбек халқ чолғу асбобларидан Духовой (пуфлама) чолғу асбоблар тўдасига – карнай, сурнай . най, қўшнай ва буламонлар киради . Клавишли чолғу асбобларидан орган, гармонь, баян, аккордеон ҳам Духовой (пуфлама) чолғу асбоблар қаторига киради .

134 . Душка – баъзи бир торли чолғу асбобларда резонанс (акс - садо) вазифасини бажарувчи паст ва устки қопқоқлар ўртасида қўйилган қалтакча . Душка юқори қопқоқдаги тўлқинни пастки қопқоққа ўтказди .

135 . Дэф . Дяф – Озарбайжон ва Арманистонда қўлланиладиган дойра .

136 . Дяньгу – мембрана хитой урма чолғу асбоби . Биздаги довулни эслатади, ингичка узун таёқча билан уриб чалинади . Дяньгу хуайгу ва бикигу деб ҳам аталади .



137 . Дўл – дойра шаклида бўлиб, икки томонига от териси қопланган урма чолғу асбоби . Гардишнинг ичакдан қилинган қулоғидан ушлаб, кичик таёқча билан уриб чалинади .

138 . Дўмбира – 1 . Торли тирнама ўзбек халқ чолғу асбоби . Дутор тузилишидаги Дўмбирада ипак ёки ичакдан қилинган иккита тор бўлиб, бу торлар кўпроқ кварта оралиғида созланади . Дўмбира дастасида боғланган ёки доимий пардалар бўлмайди . Дўмбирада бахшилар ўз достонларига жўр бўладилар . Қозоқ Дўмбираси дастага боғланган пардалар билан ажралади . 2 . Торли тирнаб чалинадиган қозоқ халқ чолғу асбоби . Дўмбыра номи билан бошқирд халқи ўртасида ҳам кенг тарқалган . Дўмбиранинг тузилиш шакли . Узун дастаси, иккита тор тақилиши ва ниҳоят, чалиниши билан ўзбек халқ чолғу асбобларидан дуторни эслатади . Дўмбиранинг торлари дутордек, кварта . Баъзан квинтага созланади,

лекин сознинг аниқ баландлиги ижрочининг созланишига боғлиқ бўлган . Икки турли Дўмбира бор, бири – Ғарбий Қозоқистонда чалинадиган тури бўлиб, бунинг дастаси узун ва ингичка, дастаси боғланган 12 та ичак пардаси бор . Иккинчи – Шарқий Қозоғистонда чалинадиган тури . Унинг дастаси калта ва йўғон, 7 - 9 пардаси бор . Ғарбий Қозоғистонда уч торли Дўмбира ҳам қўлланилади . Бу Дўмбира уч тўрт бурчакли шаклларда бўлади . Ҳар икки Дўмбиранинг ҳам ижро этиш техникаси мураккаб . 1930 – йилларда Дўмбира қайта ишланиб, унинг пиккола, прима, тенор . Бас ваа контрабас турлари ишлаб чиқилган . Пардалар хроматик қилиниб ишланган . 1934 – йил ташкил қилинган Қурмонғози номидаги Қозоғистон Давлат халқ чолғу асбоблари оркестрида Дўмбира асосий ўрин эгаллайди .

139 . Ёғоч пуфлама чолғу асбоблар - симфоник ва бошқа оркестр таркибига кирадиган флейта, гобой, кларнет, фагот . Буларнинг гуруҳи симфоник оркестрда асосий тўдалардан ҳисобланади, нотаси партитурада энг юқорида ёзилади . Бу чолғу асбоблардан флейта ва гобой камер ансамблларда, айниқса, кенг қўлланилади .



140 . Жавз – кокос ёнғоғидан қилинадиган ғижжак қутиси .

141 . Жалейка – найли рус пуфлама халқ чолғу асбоби . Жалейка украин ва белорусларда ҳам тарқалган . Турли баланд – паст товушларни олиш учун кичик ёғоч найда 3 дан 7 гача тешикчаси бор . Бир томонига хўкиз шохи шаклида қайин дарахти пўстлоғи ўралиб, иккинчи томонига чалиш учун қамиш найча уланади . Жалейканинг умумий узунлиги 140 – 200 мм, найчасининг диаметри 10 мм . дан ошмайди .

Жалейканинг товуши кучли ва кескин . Шунинг учун ҳам халқ мусикаларини ижро этиш ва рақсга жўр бўлишда ансамблга қўшиб

чалинади . Баъзан Жалейкани домра – балалайкали оркестрга қўшиб ҳам чалинади .



142 . Закпфейфе – немислар волинкани шу ном билан аташади .

143 . Зир – мусикадаги баланд (ингичка) овоз . Чолғу торларининг товуш манбаи зирнинг акси бам .

144 . Зурна – (сурнай сўзидан) – қамиш тилча билан чалинадиган пуфлама чолғу асбоби . Озарбайжон, Арман ва Гуржи халқлари ўртасида, Ўрта Осиё эса ўзбек ва тожик халқлари, Хитой, Эрон ва бошқа Шарқ халқлари ўртасида кенг тарқалган . Тузилиш шакли ва ижро этилиши бўйича ўзбек сурнайларидек . Зурнада одатдаги 8 - 9 – тешикча бўлиб, буларнинг бири асосий тешикчаларга қарама – қарши томонда бўлади . Кўпроқ халқ чолғу ансамблида қўлланилади . Бунда уч ижрочи қатнашиб, улардан бири, яъни энг моҳир ижрочи – уста асосий куйни чалади . Иккинчи ижрочи шу куй пардасидаги асосий пағона товушларини чўзиб туради . Учинчи ижрочи уриб чалинадиган чолғу асбоб – дахолда шу куйга хос мураккаб турли усулларни ижро этади . Товуши баланд бўлгани учун Зурна одатда очик ҳавода ижро этилади .



145 . Иккинчи скрипкалар – торли ва симфоник оркестрлардаги бир тўда скрипкачилар . Улар иккинчи товуш ёки биринчи асосий товушни янада кучайтириб бериш вазифасини бажарадилар . Иккинчи скрипка товушлари биринчи скрипка товушларини босиб кетмаслиги учун сони кам бўлади .

146 . Инглиз бурғуси – симфоник оркестр таркибига кирадиган ёғоч духовой чолғу асбоби . Инглиз бурғуси – альт гобойи деб ҳам юритилади . Унинг тузилиши худди гобойдек бўлиб, бир оз узунроқ . Инглиз бурғусининг чаладиган қисми худди ўзбек сурнайидагидек бўлиб, бир оз эгик бўлади . Овоз ҳажми бўйича кичик октавадаги ми дан иккинчи октавадаги си – бемоль гача . Ноталар скрипка калитида, эшитилишига нисбатан квинта юқорида ёзилади . Тембри гобойга нисбатан тўлароқ ва юмшоқ . Симфоник оркестр партитурасида Инглиз бурғуси партияси ноталар гобойдан сўнг ёзилади . Одатда симфоник оркестрда битта Инглиз бурғуси бўлади . Р . М . Глиэр эса ўзининг “Фарғона байрами” номли увертюрасида 3, 4 гобойлар ўрнига иккита Инглиз бурғуси ишлатган . Баъзан созанда оркестрда гобой партияси ўрнига Инглиз бурғуси ишлатади . , бундай холда чолғу асбобини ўзгартишни *mita in sўзи* билан кўрсатилади . Италияча Инглиз бурғуси *corno inglese* (корно инглизе) деб аталади .



147 . Кавал - (Болгария, Албания, Молдова ва Туркия шу ном билан аталадиган) - пуфлама чолғу асбоби . Кавал биздаги най шаклида бўлиб, унда паст – баланд товушлар чиқазиш учун еттита асосий тешикча бор . Сурнайидагидек, бир тешикча қарши томонда . Кавалнинг пуфлайдиган томони бир оз ингичкаланиб келади . Узунлиги 500 – 900 мм . одатда узун ҳажмдагиси уч қисмга бўлинади .



148 . Камер оркестри – асосан, XVII - XVIII - асрларда оркестр учун яратилган мусиқа асарларини ижро этувчи чолғу ансамбли .

композиторлар томонидан махсус шундай ансамбллар учун яратилган мусиқа асарлари бор . Камер оркестри одатда 12 - 20 ижрочидан тузилади . Бунга камончилар торли тўда, пуфлама ёғоч чолғу асбобларидан – флейта, гобой ва б . киради . Баъзан қадимий чолғу асбобларидан – клавесин, виола да гамба ҳам киради . Ўтмишда Камер оркестри дирижёрсиз ижро этилган . Ижрочилар биринчи скрипкачи раҳбарлик қилган . Ҳозирги оркестрларнинг аксарияти дирижёрга эга .



149 . Камертон (нем . – уй, хона ва тон - товуш) – муайян баландликка эга бўлган ва аниқ товуш берувчи кичик бир асбоб . Камертон ижрочилик амалиётида чолғу асбобларни созилаш учун ижлатилади . А капелла ижрочилигида хор раҳбари асарнинг учтовушлигини Камертон ёрдамида аниқлаб, хордагиларга секин эшиттиради, яъни овозини созилади .



150 . Камонча – ғижжак, скрипка ва буларнинг турли шаклдаги катта – кичик хилларида товуш чиқариш воситачиси . Камонча ёғочига от думининг қили тортилади ва бунга канифоль суртилади .

151 . Камончали торли чолғу асбоблар – бунга скрипка, альт, виолончель ва контрабаслар, турли халқларнинг чолғу асбобларидан ғижжак (Кавказда камонча), кўбиз, гудок, дига, сато ва б . киради . Торлари баланд созиладан бошлаб саналади, яъни баланд товуш берувчиси – биринчи тор, ундан пастроғи – иккинчи тор ва ҳ . к .



152 . Канитель – сирғалишнинг олдини олиш мақсадида чолғу асбобларнинг торлари, камоннинг пастки қисмига ўрнатилган сим .

153 . Канифоль – мумга ўхшаган сарғиш – кизил модда бўлиб, камонча қилларига суртилади .

154 . Канклес – гуслига ўхшаш тиннаб чалинадиган литва халқ торли чолғу асбоби . Канклесда диатоник тарзда тортилган 5 - 12 тор бор . Канклес тизза ёки столга қўйиб чалинади . Унинг умумий узунлиги 800 - 900 мм . Қайта ишланган Канклесларда 22 тагача тор бор . Торларни хроматик тартибда тез ва осонликча ўзгартиш учун махсус мослама ўрнатилган . Қайта ишланган Канклеснинг бас ва контрабас турлари ҳам мавжуд .



155 . Каниел – тирнаб чалинадиган эстон халқ торли чолғу асбоби, гуслига ўхшашдир . 7 - 9 та тори бор . Каниелни тизза ёки столга қўйиб ижро қилинади . Умумий узунлиги 600 - 900 мм . Қайта ишланган Каниелда 30 га яқин тор бўлиб, булардан айримлари жуфт тақилади .



156 . Карнай – ўзбек пуфлама мусиқий асбоби бўлиб, мисдан ясалади, узунлиги икки метрдан ошиқроқ . Карнай байрамларда, тантанали маросимларда сурнай, ноғора (баъзан, дойра)га қўшиб чалинади . Карнайда асосий товушдан юқори соф квинта ёки кичик септима интервали чалинади .



157 . Карнайчи – карнайда куй ижро қилувчи .

158 . Кастанъеталар (исп . Castanetus, лот . castanca –каштан дарахти) - кичик ҳажмдаги урма чолғу асбоби бўлиб, икки ё уч дона ёғоч тахталарни бирикмасидан иборат . Кастанъеталарнинг оркестрга қўшиб чалинадиган ва бармоқларга боғлаб чалинадиган турлари бўлади . Оркестрга қўшиб чалинадиган турининг кичик дастачаси бор . Ёғоч тахталарини силкитиш орқали товуш чиқазилади . Кастанъеталар кўпроқ Испания, Жанубий Италия ва Американинг айрим жойларида тарқалган . Кастанъета чалувчи ўз рақсига ўзи жўр бўлади . Симфоник оркестрда Кастанъета испан ва неаполитан характеридаги рақс мусиқаларини ижро қилишда қўлланилади .



159 . Каягым – гуслисимон тирнаб чалинадиган кўп торли корейс халқ чолғу асбоби . Каягымда ҳар бир тор учун алоҳида харрак ўрнатилади . Бу харраklar товушни ўзгартиш учун сурилиши мумкин . Каягымда ўтириб ижро қилинади . Ўзига хос овоз тўлқинлари ҳосил қилиш учун чап қўл бармоқлари билан харрак устига тор босилади . Каягым турлича катта – кичикликда бўлиб, катта Каягым номунго деб аталади . Ўзбекистонда “Каягым” номли корейс халқ ашула ва рақс ансамбли мавжуд .



160 . Кенг мензурали пуфлама чолғу асбоблар – карнайи аста – секин кенгайиб борувчи хроматик тузилишдаги мис пуфлама чолғу асбоблар . Турли товушлар олиш учун уларга вентель ўрнатилган . Бу тўдага альт, тенор, баритон ва баслар киради . Улар духовой оркестрнинг асосини ташкил этади . Россияда биринчи марта Ҳарбий оркестрида (1826 йил), чет давлатларда эса, шундан чорак аср кейин қўлланила бошланди . Мис пуфлама чолғу асбоби туба ҳам шу тўдага киради .



161 . Кес, кьос (кўс) – катта ноғора шаклидаги уриб чалинадиган озарбайжон халқ чолғу асбоби, гардишининг ҳар икки томонига эчки териси қопланган, учи қайрилган чўп билан уриб чалинади . Сурнай билан кўшилиб, ўзига хос чолғу ансамбли ташкил қилади . Кес Озарбайжонда кичик ноғора, Арманистонда гос деб юритилади .

162 . Келсе – гусли шаклидаги тирнаб чалинадиган чуваш халқ торли чолғу асбоби . Келсенинг корпуси ёғочдан ясалиб, унга 34 гача ичак торлар тортилади .

163 . Кичик домбра – рус халқининг торли тирнама чолғу асбоби домранинг В . В . Андреев томонидан қайта ишланган тури . Ундаги учта тор бўлиб, биринчи октавадаги ми, ля, ва иккинчи октавадаги ми дан учинчи октавадаги ля гача . Ноталар скрипка калитида ёзилади .

164 . Кичик кларнет, кларнет пикколо – катта кларнет шаклида ва тузилишида бўлиб, фақат унинг кичрайтирилган тури . Шунинг учун ҳам юқори регистрда товуш беради . Кичик кларнет транспозицияланувчи чолғу асбоблари туридан бўлиб, ми – бемоль (in Es) созидагиси қўлланилади, товуши нотада ёзилганига нисбатан бир ярим тон (кичик терция) юқори эшитилади, овоз ҳажми уч октавадан кўпроқ бўлиб, эшитилиши бўйича кичик октавадаги соль дан учинчи октавадаги си гача, тембри ўткир ва чинқироқдир . Симфоник оркестр партитурасида ноталари кларнет партияси (ноталари) устига ёзилади . Илгарилари Кичик кларнетнинг ре созидагиси (in D) ҳам қўлланилган .



165 . Кичик най – найнинг энг юқори товушлар берадиган тури . Овоз хажми иккинчи октавадаги ре дан тўртинчи октавадаги соль гача, ноталари скрипка калитида, эшитилишига нисбатан октава пастда ёзилади .



166 . Кичик флейта, флейта пикколо – ёғоч пуфлама чолғу асбобларидан ичида энг баланд (ингичка) товуш берадиган флейта тури . Кичик флейта симфоник ва баъзан духовой оркестрда қўлланиб, най шаклида, найдек чалинадиган чолғу асбоби . Овоз ҳажми тахминан уч октавага яқинлашиб, эшитилиши бўйича иккинчи октавадаги ре дан бешинчи октавадаги догача . Ноталар скрипка калитида, эшитилишига нисбатан октава пастда ёзилади . Кичик флейта тембри чиройли қаттиқ (форте) товушда оркестрдаги чолғу асбоблари товушидан ажралиб туради . Симфоник оркестрда бир ё икки Кичик флейта қўлланилади . Партитурада катта флейтадан юқори, яъни симфоник оркестр партитурасининг энг юқориги нота чизигида ёзилади . Кичик флейта (флейта пикколо) оддийча пикколо деб ҳам юритилади .



167 . Клавесин (фр . Clavesin - клавесин) – XVI - XVIII - асрларда қўлланилган торли – клавишли тирнама чолғу асбоб бўлиб, Германияда – клавицимбил, Италияда –чембало, Англияда – верджиэль деб аталган . XVIII - аср охирларида клавесин ўрнини фортепиано эгаллади .



168 . Клавиатура – (нем . Klavesir, лот . Clavis - калит) – фортепиано, орган, аккордеонлардаги клавишларнинг маълум бир тартибдаги йиғиндиси .

169 . Клавикорд (лот . Clavis - калит ва юн . Chord - тор сўзларидан олинган) - торли, урма клавишли чолғу асбоби . Цимбалани қайта ишланиб, клавишли механизм билан қўшилишидан яратилган чолғу асбоб . Клавикорд XV - асрдан мавжуд бўлган . Россияда XVI - асрда клавесин билан бирга пайдо бўлган . Клавикорд узун тўртбурчак шаклида бўлиб, тортилган торлар ҳам бир узунликда . 46 клавиш узун 22 – 26 тор тортилган . XVIII - аср бошларида қайта ишланган Клавикордда ҳар бир клавиш учун алоҳида тор тортилган . Илгарилари Клавикорд диатоник созда бўлиб, овоз ҳажми 3 - 3 . 5 октава бўлган . Хроматик создаги Клавикорд XVI - асрда пайдо бўлди . XVIII - асрда эса овоз ҳажми 5 октавага қадар кенгайиб, товушни баландлатиш мақсадида бир товушдаги

айрим торлар 2 - 3, ҳатто 4 га қадар орттирилди . Клавикорд товуши паст бўлишига кўра фақат хонадонлардагина қўлланилган . XIX - аср бошларидан Клавикорд ўрнини фортепиано эгаллади .



170 . Клавиша, клавиш (лот . Clavis - калит) – муסיқа чолғу асбобларини урганда ё босганда ички механизмларни ҳаракатга келтирувчи восита, ричаг . Ричаг урилганда (босилганда) тор, пластинка ва б . лар тўлқинга кириб, товуш ҳосил бўлади . Орган, баян ва аккордеонлардаги клавишларни босилганда трубалардаги ҳаво йўли очилиб, товуш пайдо бўлади . Клавишлар оқ ё оқ целюлоид билан қопланган бўлиб, бу оқ клавиш деб аталади . Айрим қисми эса қора клавиш деб аталади .

171 . Клавишли чолғу асбоблар – бармоқлар билан клавишларини уриб чалинадиган чолғу асбоблар .



172 . Клапанлар – пуфлама чолғу асбобларда товуш йўлини очиш ё беркитиш учун қўлланиладиган механизм . Клапанларни турлича босилиши орқали паст - баланд товушлар пайдо бўлади .

173 . Кларнет (нем . Klarineite, лот . Clarus – аниқ товуш) – ёғоч пуфлама чолғу асбоблар тўдасига кирадиган, биздаги сурнай йўсинидаги чолғу асбоб . Товуши юмшоқ, майин, аммо кучли бўлиши Кларнетнинг оркестрдаги вазифасини кучайтиради . Кларнет турли ҳиссиётларни беришга қобил асбоб . Ёғоч чолғу асбоблар ичида унинг товуши жуда

таъсирлидир . Кларнет ноталари скрипка калитида ёзилади . Ёзилган нотага нисбатан паст товуш беради . Кларнетнинг in B (си - бемоль) турида ноталар ёзилишига кўра катта секунда, Кларнетнинг in A (ля) турида ноталар ёзилишига кўра, кичик терция пастки товушни беради . Шунга кўра Кларнетда керакли товуш олиш учун ноталар бир ё бир ярим тон юқори ёзилади . Овоз ҳажми тўрт октавага яқин, яъни эшитилиши бўйича кичик октавадаги, до – диез ё ре дан учинчи октавадаги фа – диез ё соль га қадар . Кларнет баланд товушли флейта ва паст (бас) товушли фагот оралиғини тўлдиради . Кларнет яқка ҳолда ижро қилинганидек, симфоник, духовой ва жаз оркестрларига қўшиб ҳам чалинади .



174 . Кобза (турк) – ғарбий Украинада қадимий тирнама халқ чолғу асбобларидан . Кобза Молдаван, Руминия ва Венгриянинг айрим жойларида ҳам учрайди . Кобзада 4 та асосий ичак тор ва 4 та (жуфтланувчи) металл торлар бор . Асосий торлар кварта ва квинта бўйича катта октавадаги до, соль ва кичик октавадаги ре, соль га созланади . Халқ чолғу асбоблари оркестрида Кобзанинг бир бунча ўзгартирилган турлари қўлланилади .



175 . Коза – Польшада волинка шу ном билан аталади .

176 . Колокола – турли катта – кичикликдаги трубалардан иборат, урма мис чолғу асбоб . Аксарияти тахминий, аниқ товуш баландлигида бўлади . Буларнинг умумий овоз ҳажми хроматик товушқаторида тузилган бир, бир ярим октавага бориб етади (катта октавадаги фа дан биринчи октавадаги до гача) . Бу узун - қисқа трубалар ёғочдан қилинган рамкага осилади . Умумий узунлиги икки метрга яқин . Ёғоч болғачалар билан уриб чалинади . Колокола симфоник ва опера оркестрларида қўлланилади . Баъзан оркестрда табиий Колокола ишлатилади .



177 . Колокольчиклар – (нем . Итал . фр) – юпқа металлдан ишланган урма чолғу асбоб 25 - 32 та юпқа металл пластинкалар хроматик ҳолатда созланиб, ёғоч тахтачага икки қатор жойлаштирилади . Пастки қаторда турган пластинкалар фортепианодаги оқ клавиш, юқориги қаторда турганлари эса қора клавиш хизматини бажаради . Овоз ҳажми иккинчи октавадаги до дан тўртинчи октавадаги до гача . Яъни, икки октавага тенгдир . Ноталар эшитилишига нисбатан октава пастда ёзилади . Қўнғирокка ўхшаш товуш бериб, металл, баъзан ёғоч болғачалар билан чалинади . Симфоник ва опера оркестрларида фортепиано клавишлари турида яшикча ишлангани қўлланилади . Ҳарбий оркестрларда эса

Колоколчик металлдан қилинган трубаларга ўрнаштирилади . Колоколчиклар тартибли ҳолда созланган қўнғироқчалардан ҳам тузилади .

IX - асрда бир неча куйни ижро этиш учун Колоколчиклар қўлланила бошланилади . XV - асрда эса Ғарбий Европада (айниқса , Нидерландия ва Францияда) кенг тарқалади . XVII - аср бошларида Колокольчиклар Германияда қайта ишланиб, оилада ҳам қўлланила бошланган ва “қўнғироқли Фортепиано” номини олган . Симфоник оркестр партитурасида Колокольчиклар ноталари там - там ва ксилофонлар ўртасида ёзилган .



178 . Контрабас – (итал . basso - торли камонли чолғу асбобларининг энг каттаси . Контрабаснинг тузилиши скрипка шаклида бўлиб, жуда катта (узунлиги икки метрга яқинлашиб боради) бўлгани учун ижрочи чолғу асбобини тик турган ёки махсус баланд курсига ўтиргани ҳолда чалади . Контрабасни чалиш йўсини торли камонча билан чалинадиган чолғу асбобларига ўхшаш бўлса ҳам овоз имконияти бирмунча чегаралашгандир . Контрабасда тўртта тор бўлиб, улар кварта оралиғида, контроктавадаги ми, ля, катта октавадаги ре, соль ларга созланади . Контрабаснинг овоз ҳажми ижро қилиш ноқулайлигига кўра у қадар кенг эмас, энг пастки товуш контроктавадаги ми ва энг юқорисидагиси эса биринчи октавадаги ми дир . Контрабас ноталари эшитилишига нисбатан октава юқорида, бас ва скрипка калитларида ёзилади . Якка ҳолда жуда кам қўлланилади . Контрабас оркестрда, камер ансамбллари, хусусан, квинтетларда қўлланилади . Симфоник оркестр партитурасида Контрабас ноталари (партияси) ҳаммадан пастда ёзилади .



179 . Контрабас балалайка – балалайканинг катта шаклда ишлангани бўлиб, энг пастки товушларни беради . Контрабас балалайка контроктавадаги ми (Е), ля (А) ва катта октавадаги ре (Д) ларга созланади . Овоз ҳажми контроктавадаги ми дан кичик октавадаги соль га қадар . Ноталар бас калитида, эшитилишига нисбатан октава юқорида ёзилади .



180 . Контрабас қобис – қозоқ халқ чолғу асбоблари оркестрининг торли – камонли тўдасидаги энг катта чолғу асбоб . Бу чолғу асбоб – симфоник оркестрнинг камончали тўдасидаги контрабасни чалгандек тик туриб чалинади . Контрабас қобиснинг дастаси ҳам алоҳида ёғочдан ясалади . Тўртта тори кварта оралиғида, контроктавадаги ми, ля ва катта октавадаги ре, соль ларга созланади . Ноталар бас калитида ёзилишига нисбатан октава паст товуш беради . Умумий овоз ҳажми контроктавадаги ми дан кичик октавадаги соль га қадар .

181 . Контрафагот (итал . Contra - fagotto - ёғоч пуфлама чолғу асбоблар ичида энг паст, йўғон товушлиги) . Контрафаготнинг бир тури

бўлиб, тузилиши унга ўхшаш, фаготга нисбатан октава паст товушга эга . Эшитилиш бўйича овоз ҳажми субконтктавадаги си - бемоль ёки контроктавадаги до дан кичик октавадаги соль га қадар .



182 . Корнет (фр . Cornet, лот . cornu - шох, бурғу) – кўпроқ духовой оркестрда қўлланиладиган мис чолғу асбоб . Корнет товуши труба темрига яқин, лекин майин . Бармоқлар билан босиладиган вентиллар ўрнига тугмалар ўрнатилган . Овоз ҳажми эшитилиши бўйича октавадаги ми дан учинчи октавадаги до гача . Корнетни си - бемоль ва ля га созланган турлари бўлиб, кўпроқ биринчиси қўлланилади . Ноталари калитолди белгиларисиз ёзилади . Си - бемоль (in B) Корнет учун ноталар эшитилишига нисбатан бир тон . Ля (in A) Корнет учун бир ярим тон юқори ёзилади . Корнетда ижро имконияти бой, духовой оркестрда асосий куйларни ижро этади, симфоник оркестрда 1 - 2 Корнет бўлади . Ноталар труба ноталаридан пастда ёзилади .



183 . Коса – торли чолғу асбобларидаги ёғоч коса бўлиб, унга тор тортилади . Коса садо беришда тордан чиқадиган товушни кучайтиради, бошқача айтган резонанс беради . Коса - дутор, танбур, ғижжак ва бошқа

шунга ўхшаш чолғу асбобларда товуш берувчи бўшлиқ . Чолғу асбобларнинг Косалари одатда шаклан турлича ясалади . Масалан, дутор Косаси 8 - 10 та юпқа тахтачалардан бир - бирига ёпиштирилишидан тузилади . Бу тахтачалар қобирға дейилади . Танбур ва ғижжакда эса бутун бир ёғочни ўйиб қилинади . Хоразм ва Самарқандда дутор Косасининг бир бутуе ёғочдан ишланган тури бўладики, бу қазма (ўйма) дутор деб аталади . Сўнгги вақтларда танбур ва ғижжаклар ҳам қобирғалардан ишланмоқда .

184 . Крон – ҳаво йўлини чўзувчи махсус трубоча бўлиб, мис пуфлама чолғу асбобларда қўлланилади . Чўзилиши товушни пасайтиради (созни ўзгартиради) .

185 . Ксилофон (юн . Ulon - ёғоч, phone - товуш, итал . silofono) - турли узунликдаги ёғоч тахтачалардан ярим тон оралиғида терилган, товуш миқдори маълум баландликдаги урма асбоб . Тахтачалар 3 - 4 қатор тартиби билан хроматик тузилишида ўрнаштирилади . Ксилофон икки ёғоч болғача билан уриб чалинади . Ксилофоннинг ўзига хос товуши оркестрдаги ҳамма чолғу асбоблардан ажралиб туради . Овоз ҳажми биринчи октавадаги си дан бешинчи октавадаги до га қадар бўлади . Ксилофон ноталари эшитилишига нисбатан октава пастда ёзилади . Сўнгги ярим аср мобайнида Ксилофон симфоник оркестрда қўлланила бошланди . Ксилофон ноталари симфоникоркестри партитурасида кўнғироқча ва челеста партиялари ўртасида ёзилади .



186 . Кулис - мис пуфлама чолғу асбоби – тромбоннинг бир қисми . Тромбоннинг букилган қисми ҳаракатга келтирилиб, тўлқинлантирилувчи ҳаво йўлини чўзиш ё қисқартириш мумкин . Натижада паст ва баланд товуш чиқади .

187 . Кумиз (агач кумиз) - Доғистон торли халқ тирнама чолғу асбоби . Тузилиш шакли қозоқ дўмбирасига ўхшаш, фақат косаси узун . Кумиз одатда мевали дарахтлар (ўрик, тут ваб .) дан ясалади .

Кумизнинг турлича хиллари бўлиб, улар бир - биридан парда ва торларнинг миқдори билан фарқ қилади . Ҳозирги қайта ишланган Кумизда уч тор бўлиб, пардалар доимий ўрнаштирилган . Унинг прима, альт ва бас турлари бор . Товушқатори хроматик тартибда ишланган . Кумиз чармдан қилинган плектрда бир йўла ҳар уч торни чертиш йўли билан чалинади . Бу торлардан биринчисида асосий куй чалиниб, қолган иккиси жўрлик вазифасини бажаради . Торларнинг учинчиси ва иккинчиси биринчи октавадаги ре, биринчиси эса биринчи октавадаги соль га соланади . 14 торли Кумизнинг овоз ҳажми биринчи октавадаги ре дан иккинчи октавадаги ля га қадар . Кумиз оркестрда ва ёлғиз ашулачига жўр бўлишда фойдаланилади .

188 . Кокле, куокле – Латиш халқининг торли тирнама чолғу асбоби . Куокле гусли туридаги чолғу асбоб бўлиб, биздаги чангни эслатади . Куокле бундан XX - асрнинг 60 - йилларида қайта ишланган .



189 . Кыяк (қиёқ) - қозоқ кўбизи турида, камонча билан чалинадиган қирғиз халқ торли чолғу асбоби . Кыякда 2 та тор бўлиб, камонча от думи қилидан қилинади . Чалиш вақтида ўнг қўл бармоқлари билан қил тортилиб чалинади . Кыякнинг умумий узунлиги 600мм . Торларнинг иккинчиси кичик октавадаги си, биринчиси эса, биринчи октавадаги фа га соланади . 1930 - йилларда Кыяк қайта ишланиб, унинг прима, альт, бас ва контрабас турлари ишланган . Буларо қирғиз халқ чолғу асбоблари оркестрида қўлланилади .



190 . Кыякчи – кўш торли, камонча билан чалинадиган қирғиз халқ чолғу асбоби Кыяк ижрочиси .

191 . Кямани – камонча билан чалинадиган арман халқ чолғу асбоби .

192 . Кяманча, камонча – торли камонча билан ижро этиладиган халқ чолғу асбобларидан . Кяманча Озарбайжон, арман ва грузин халқлари ўртасида жуда кенг тарқалган . Шунингдек, аксарият шарқ халқларида Кяманча турли номлар билан қўлланилади . Кяманча бизда ғижжак дейилади . Кяманчада 3 - 4 тор бўлиб, булар кичик октавадаги соль, биринчи октавадаги ре, ля ва иккинчи октавадаги ре, ля ва иккинчи октавадаги ми га соزلанади .

193 . Кўс ноғора - катта ноғора шаклида уриб чалинадиган қадимий урма халқ чолғу асбоби . Кўс ноғора Фарғона водийси ва Тошкентда қўлланилган (ҳозир деярли қўлланилмайди) . Фарғона водийсида Кўс ноғоранинг моҳир ижрочиларидан бири Мирзажон Орипов бўлган . Кўс ноғорада одатда сурнай, карнайлар билан биргаликда, баъзан ёлғиз ҳолда ижро этилган .

194 . Лаб гармончаси – пуфлама чолғу асбоб . Металл пластинкага ўрнатилган металл тилчалар икки тахтача ўртасида жойлаштирилади . Ҳар бир тилчага ўйилган тешикчаларга пуфлаш йўли билан турлича товуш чиқарилади . Лаб гармончасида бир, икки ва ундан ҳам кўп қатор баланд - паст тешикчалар бўлади .



195 . Лалу – Доғистон халқларининг тилчали пуфлама чолғу асбоби .


196 . Лимба – мўғил халқининг пуфлама чолғу асбоби . Биздаги най, хитойдаги ди тузилишида, узунлиги 600 мм . бўлиб, бамбук, баъзан ёғочдан ясалади . Лимба Бурятияда ҳам учрайди .



197 . Лира (лот . lyra) - 1 . Қадимий юнон торли тирнама чолғу асбоби, қайрилган ён оралиғида торлар тортилади . Лирани чап қўлда ушлаб, ўнг қўл бармоқлари билан плектр ёрдамида товушлар чиқазилади . Лиранинг умумий шакли мусиқа эмблемаси қилиниб қабул қилинган . 2 . Украин ва Белоруссиянинг торли, қадимий халқ чолғу асбобларидан . Лиранинг умумий тузилиши гитарани эслатади . 3 - 6 тори бор . Лира оралиғига жойлаштирилган филдиракчаларни ҳаракатга келтириш орқали товуш чиқазилади . Филдиракчалар ўнг қўл бармоқлари билан махсус дастанни айлантирилиши орқали ҳаракатга келтирилади . Чап қўл бармоқлари билан Лиранинг ён қисмидаги клавишлар босилади . Клавишлар 8 - 11 та, товушқатори диатоник . Четдаги торлар квинта интервали орқали соланади . Булар ижро вақтида ўзгармай, ҳар доим бир товуш беради, натижада доимий эшитилиб турувчи товуш – орган пункти ҳосил бўлади . Лира XVII - асрда пайдо бўлиб, кўпроқ кўр мусиқачилар ўртасида тарқалган . Лиранинг бирмунча тури XIX - асрдан бошлаб қўлланила бошланди .



198 . Лирица - камонча билан чалинадиган Югослав халқ торли чолғу асбоби . Нок шаклида ёғочдан ясалган бўлиб, текис юпқа қопқоғида иккита резонатор тешиги бор . Лирицада 3 та тор бўлиб, булар иккинчи октавадаги ре, биринчи ля ва иккинчи октавадаги ми ноталарига созланади .



199 . Лиру - тростли карел халқ пуфлама чолғу асбоби . Лиру ёғочдан ясалиб, устидан қайин пўстлоғи ўралади . Лирунинг трубаси якка қават трость билан таъминланган . Трубада турли баланд - паст товушлар чиқазиш учун 4 - 5 тешик бор . Лирунинг узунлиги 400 мм .

200 . Литавралар (юн . Poly - кўп ва тауреа - барабан) - маълум баландликка эга бўлган урма чолғу асбоби . Литавралар мис қозон шаклида бўлиб, устига тери қопланган . Тери винтлар билан тортилиб ё бўшатилиб, маълум товушга созланади . Литавралар дастлаб Осиё халқлари орасида пайдо бўлиб, Европага XV - асрда келган . Литавраларнинг катта, ўрта ва кичик турлари бор . Ноталар эшитилишига нисбатан октава юқори ёзилади . Симфоник оркестрда бир неча Литавралар (камида иккита) қўлланилади . Литавраларнинг сози мусиқа асарининг бошланғич қисмида ва композиторнинг кўрсатиши бўйича асар ўрталарида келиши мумкин . Бундай ҳолларда Литавралар учун пауза берилиб, сози ўзгартирилади . Асар оралиғида Литавралар бошқа пардага созланиши лозим бўлса, партитурада унинг партиясо ёзиладиган нота чизиғи п деб ёзилади . Литавралар учи юмшоқ қилиниб ишланган махсус таёқчалар билан уриб чалинади . Товуши катта ноғора товушига ўхшаш . Симфоник оркестрда Литавралар якка ижро қилишда қўлланилади, пастки бас аккордларини тўла эшитилишига кўмаклашади . Сўнгги вақтларда механизациялаштирилган Литавралар қўлланила бошланди . Бундай Литавралар махсус ричаглар ёрдамида созланади . Ричаглар қўл ва оёқ билан босиладиган педаллардан иборат . Симфоник оркестр партитурасида Литавралар ноталари мис пуфлама чолғу асбоблар тагига ёзилади .



201 . Лур - 1 . Подачилар чаладиган най тузилишидаги пуфлама чолғу асбоби . Бурғуга ўхшаган бўлиб, чалинадиган мундштуги олинмайди . Лур Скандинавияда тарқалган . 2 . Қадимий пуфлама чолғу асбоб, қайрилма мис най . Мис пуфлама чолғу асбобларидек мундштук билан таъминланган . Карнайинингт иккинчи томони кенг, бир текис . Товушқатори табиий . Лурнинг турли хиллари бўлиб, қадимий Скандинавия ярим оролидаги халқлар ўртасида ва Ғарбий Европанинг шимолида тарқалган .

202 . Люта – мандолинанинг бас товуши берадиган тури . Люта торлари виолончелдагидек катта октавадаги до, соль ва кичик октавадаги ре, ля товушларига созланади .



203 . Лютия – қадимий Шарқ халқларининг тирнама чолғу асбоби, уд . Европага ўрта асрда араблар томонидан келтирилган . XV - XVI - асрларда Лютия икки ҳолда, ашулага жўр бўлишда ва ансамблга қўшиб чалишда қўлланилган . XVII - XVIII - асрга келиб, Лютия ўз ўрнини скрипка ва клавесинга беради . Жанубий Европадаги олти торли гитара ва мандолиналарнинг келиб чиқиш манбаи Лютиядир .



204 . Мандола (итал . Mandola - торли асбоб) – торли тирнама уднинг ўзгарувидан келиб чиққан соз , мизроб билан ижро этилади . Мандолада 8 та тўрт жуфт тор бўлиб, катта октавадаги соль, кичик октавадаги ре, ля ва биринчи октавадаги миға соланади . Ноталар скрипка калитида, эшитилиши нисбатан октава юқорида ёзилади .



205 . Мандолина (итал . Mandolin - кичик мандола) – торли тирнама уд асосида яратилган соз , мизроб билан чалинади . Мандолинанинг кенг тарқалган турларидан бири неополитан Мандолинаси бўлиб, бунда 8 та тор бор . бу торлар иккитадан (унисон) бўлиб, скрипкадек кичик октавадаги соль, биринчи октавадаги ре, ля ва иккинчи октавадаги ми ларга соланади . Ноталар эшитилганидек скрипка калитида ёзилади . Мандолинанинг тузилиши бўйича икки тури бор: биринчиси – дутор шаклида, фақат дастаси анча қисқа; иккинчиси - текис косалик (Португалия тури) .



206 . Мануал - (лот . Manualist - қўл билан) - 1 . Органнинг бармоқлар билан босиладиган клавиатураси . 2 . Клавесин, фисгармония каби чолғу асбобларнинг клавиатуралари .

207 . Маримба - 1 . Ксилофон туридаги пластинкали урма чолғу асбоб . Африка халқлари ва Америкада (кўпроқ марказий Америкада) тарқалган, пластинкалари ёғочдан ясалган бўлиб, овоз бериши учун қовоқ ўрнига трубалар қўйилиб, булар устига металл пластинкалар ўрнаштирилган . Ҳозирги ксилофон ҳам маримба дейилади . 2 . Конго ва Шарқий Африканинг айрим ерларда тарқалган тирнама ёғоч чолғу асбоб . Бу Африканинг бошқа ерларида цанца деб юритилади .



208 . Маслас – уд чолғу асбобида ўрта баландликдаги товуш берувчи учинчи тор .

209 . Масна – уд чолғу асбобида ўрта баландликдаги товуш берувчи иккинчи тор .

210 . Матоуцинь – камон билан чалинадиган хитой ва мўғил халқ торли чолғу асбоби . Матоуцинь келиб чиққан Мўғилистонда моринхўр деб аталади . Матоуциньнинг корпуси трапеция шаклида бўлиб, унга тери қопланади . Қопқоғига турли ранг ва шаклдаги нақшлар чизилади . Матоуциньнинг ён қисми ҳам шу тартибда безатилиб, бунга резонанс тешиклари ўйилади . Дастанинг учига отнинг бош шакли ясалади (Матоуцинь - от боши цинь демак) . Матоуциньдаги отнинг думидан қилинган икки тори квартага соланади . Камоннинг ёғоч қисми бамбукдан ясалиб, унда ижро этилганда флажолет ва кўш ноталар кенг қўлланилади . Матоуциньнинг узунлиги 1000 мм атрофида .



211 . Мирзоб, Мезроб, Медиатор (лот . Mediator - воситачи) - Фил, Тошбақа суяги, металл, ёғоч ва қаттиқ теридан қилинган кичик мизроб, нохун . Унинг учи ингичка, ўткир бўлиб, бармоқлар билан торлар тирнаб чалинади . Медиатор баъзи бир торли асбоблар – домра, мандолина, рубобларда қўлланилади . Танбур чертилганида ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғига кийгизиладиган нохун Медиаторнинг бир туридир ва у плектр деб ҳам юритилади .

212 . Миньон (фр . Mignon - жуда кичик) - 1 . Жуда кичик хажмдаги рояль . Одатда бунинг узунлиги 1200 - 1450 мм . бўлади . 2 . Вельте миньон - механиклаштирилган фортепианонинг фирма номи билан аталган тури . Миьоннинг тешилган ленталарига ижрочи (пианист) ўйнаган мусиқа ёзилади . 3 . Харақтери бўйича вальсга яқин бўлган рус бал рақси . Бу рақс XIX – аср охирлари, XX - аср бошларида пайдо бўлган . Бу рақс $\frac{3}{4}$ ўлчовда .

213 . Модератор (лот . тўхтатувчи) - пианино ва роялларда товушни пасайтириш учун қўлланиладиган махсус ричаг .

214 . Монохорд (юн . Monos - бир, chorde - тор) - 1 . Тор ва унинг айрим қисмидаги товуш баландлигини аниқловчи махсус асбоб . Монохорд товуш берувчи узун бир қути шаклида бўлиб, бунга тор тортилади, бу тор махсус харак ўрнатилган . Харрак торни ҳар бири ўзича товуш товуш берувчи икки бўлакка ажратилади . Резонанс берувчи қопқоқ шкалага бўлинган . Баъзан Монохордда қисқартирилган торлардан чиққан товуш билан тафовудлаш учун махсус бўш тор ҳам тортилади . 2 . Бир торли қадимий юнон тирнама чолғу асбоби . 3 . Бир торли чолғулар номи . 4 . Фортепианога ўрнаштирилган махсус механизм бўлиб, унда болғачалар урадиган 2 - 3 тор ўрнига фақат бир тор урилади . Ҳозирги фортепианода Монохорд вазифасини чап педаль бажаради . 5 . XVIII – асрга қадар тарқалган клавиқорд .



215 . Морихур - Мўғилистонда кенг қўлланиладиган торли камонли чолғу асбоб .

216 . Мудштук (нем . Mund - лаб, stuck - парча) . 1 . пуфлама чолғу асбобларининг лабга қўйиладиган қисмига ўрнатилган қалпоқча . 2 . Кларнет, саксафонга ўхшаш чолғу асбобларнинг пуфланадиган қисми .

217 . Мусиқа асбоблари - чолғу мусиқа асбоблари . Маълум бир темирда мусиқа товушлари берадиган асбоблар . Мусиқа чолғу асбоблари 3 гуруҳга бўлинади: торли, пуфлама ва урма . Торли (торларнинг тебраниши орқали товуш берувчи чолғу асбоблар) ўз навбатида яна торларга бўлинади . Улар камончали - скрипка, альт, виолончель ва контрабас, тирнама - арфа, болғачалар билан уриб чалинадиган фортепиано (рояль ва фортипиано), пуфлама, яъни карнай ичидаги ҳавонинг тўлқинланиши орқали товуш берувчи чолғу асбоблари эса ишланиш қуроллари орқали мис пуфлама - труба, альт, тенор, баритон, бас, тромбон, туба, валторна, ёғоч пуфлама - флейта, гобой, кларнет, фагот ва буларнинг катта - кичик турлари киради . Айрим ёғоч пуфлама чолғу асбоблар - металл, пластмасса, хатто ойнадан ҳам ясалади . Урма чолғу асбоблари эса маълум баландликка (муайян созга) эга бўлмаган - катта ва кичик барабан, бубен (дойра, тарелка, треугольник (учбурчак), кастанъета, там - там ва б . аниқ баландликка (созга) эга бўлган - литавра, ксилофон, колокольчиклардан иборат . Мазкур чолғу асбоблар ва уларнинг турлари чолғу асбоблари ҳисобланиб, улардан ташқари ҳар бир халқнинг ўзига хос чолғу асбоблари бор . Булар ҳам ўз навбатида турларга бўлинади .





218 . Муסיқачи - 1 . Муסיқа санъатининг бирор турини (композитор, дирижёр, скрипкачи, ашулачи, муסיқа тарихчиси ва б .) эгаллаган касб эгаси . 2 . Созанда, чолғучи .

219 . Мюзет - Францияда волинка қайта ишланган тури .

220 . Най – қадимий ўзбек пуфлама халқ муסיқа асбоби . Най Ўзбекистонда кенг тарқалган бўлиб, ансамблда, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрида муҳим ўрин тутди . Якка ҳолда ҳам чалинади . Овоз ҳажми кенглигидан халқ куйларида, мақомларда қўлланилади . Товуши баланд бўлганидан ансамблда кўпроқ бошловчилик вазифасини бажаради . Бармоқлар билан беркитиладиган олти тешикча диатоник товушқаторига эга . Умумий овоз ҳажми биринчи октавадаги ля дан тўртинчи октавадаги ре гача . Ноталар скрипка калитида эшитилганича ёзилади . Бармоқлар билан тешикчаларни тўла ё ярим беркитиш ва турлича пуфлаш йўли билан турли баланд - паст товушлар чиқазилади . Найни пуфлайдиган ва бармоқлар билан босиладиган биринчи тешикча ўртасида яна бир тешикча бўлиб, бунга юпқа қоғоз ёпиштириладики, бу асосан хитойларда қўлланилади . Хитойда най ғаровдан ясалиб, бу тешикчага ғаровдан чиқадиган юпқа парда ёпиштирилади . Бу товушни тўлқинлатиб чиқозишга ёрдам беради . Найнинг иккинчи учидан доимий очик турадиган тўртта тешикча (иккинчи икки ёнда, қолган иккиси ост томонда) айрим пардалардаги товушларни юмшоқ бериш учун хизмат қилади . Найнинг умумий узунлиги 500 - 600 мм . Най ёғочдан, ғаровдан ва мисдан ясалади . Шунга кўра, “ёғоч най”, “ғаров най”, “мис най” деб аталади . Сўнгги йилларда найни кичрайтирилиб ишланган тури ишлатила бошланди, бу кичик най деб аталади . Най Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Эрон ва Жанубий Хитойда ҳам қўлланилади .



221 . Найчи – най чалувчи созанда .



222 . Накра – ноғора шаклидаги урма мусиқа асбобининг қадимги номи . Накранинг бир йўла турлича катталиқдаги бир нечаси қўлланилган . Накра одатда лойдан ясалади .

223 . Ней - пуфлаб чалинадиган Озарбайжон халқ чолғу асбоби, биздаги найнинг бир тури .

224 . Нохун – ўзбек халқ чолғу асбобларидан танбурни чалишда ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғига кийдириладиган, металдан ясалган махсус асбоб - “тирноқ” .

225 . Ноғора - уриб чалинадиган ўзбек халқ чолғу асбобларидан . Ноғора сополдан ясашиб, устига эчки ёки кийик териси қопланади . Ноғоранинг кўпинча иккитаси чалинади, ҳажм жиҳатидан биринчиси иккинчисига нисбатан кичикроқ бўлади . Ноғора маълум бир созга эга эмас . Шунга кўра, товуши ҳам аниқ бир баландликка эга эмас . Ноғоралардан биринчиси (кичиги) - бак, яъни баланд, иккинчиси – бум, яъни паст товуш беради . Ноғора олов ёки офтобда қиздирилиб, товуши баландлаштирилади . Турли байрам, сайил ва кўпчилик тўпланган йиғилишларда катта ноғора ишлатилади . У кўс ноғора деб аталади . Ноғора ингичка узун калтакча (чўп) билан уриб чалинади . Ноғорада асосан иккита товуш (бак ва бум) бўлгани учун бунинг ноталари бир

чизикда ёзилади . Чизик тагидаги ноталар – бум, чизик устидаги ноталар эса бак товушини билдиради . Ноғора Ўзбекистондан ташқари бошқа Шарқ мамлакатларида ҳам қўлланилади .



226 . Ноғорачи - уриб чалинадиган ўзбек халқ чолғу асбоби - ноғора чалувчи созанда .

227 . Олим – шувур - “тилча”ли марий халқ пуфлама чолғу асбоби . Ингичка қамиш ёки похол чўпидан ясалади . Баланд - паст товушлар олиш учун 2 - 3 тешиги бор .

228 . Орган - (лот . Organum, юн . Organon - қурол, асбоб) - ҳаво ёрдамида чалинадиган клавишли йирик чолғу асбоб . Орган узун - қисқа, йўғон - ингичка трубалардан иборат . Унда бармоқлар билан чалинадиган клавиатура (мануал)дан ташқари, оёқ билан босилнадиган (педаль) клавиатура ҳам бўлади . Органда 1 дан 5 гача мануаллар (ҳар бири 77 тагача клавишли) ва бир педаль (32 клавишли) бўлади . Баъзан (ҳозирги Органларда) иккинчи педал ҳам қўлланилади . Органда бир неча минг труба бўлиб, улар регистрларга бўлинади . Унинг ноталари 3 нота чизиғида ёзилади . Бармоқлар билан чалиш (мануаллар) учун икки нота чизиғи қўлланилади .

Мануалларнинг овоз ҳажми контруктавадаги до дан тўртинчи октавадаги соль гача бўлади .

Педаль ҳажми - катта октавадаги до дан биринчи октавадаги соль гача . Органдаги ҳар бир труба маълум темрда бир товуш беради . Турлича созланган бир хил тембрдаги бир неча трубалардан Органнинг бир регистри ҳосил бўлади . Бир неча регистрнинг қўшилиб чалиниши оркестрдек беради . Органнинг энг содда тури милоддан илгари ҳам бўлган . XIV - XVIII - асрлар давомида Орган Ғарбий Европада кенг тарқалган . Фортепианонинг кенг тарқалиши билан Орган камер ва симфоник оркестрда кам ишлатила бошланди . Ҳозир ишлаб чиқиладиган Орган мураккаб механизмлар билан таъминланиб, бир ижрочи томонидан

(баъзан бир - икки ёрдамчиси билан) ўйналиши учун кулайлаштирилган . Трубалар учун ҳаво тўпловчи мешлар электр ёрдамида тўлдирилади .

Ўзбекистонда Орган учун мусиқа асарини биринчи бўлиб, Г . А . Мушель яратди . У яратган 3 ва 4 қисмли сюиталар, поэма ва токкатолар шулар жумласидандир . Бу асарлар ўзбек халқ мусиқаси ва оҳанглари асосида яратилган . Буларнинг айримлари Москва “Музыка” нашриётида, “Токкато”эса Лондонда нашр қилинган .



229 . Оркестр (юн . Orchestra - қадимги юнон театри саҳнада олдидаги майдонча) – турли чолғу асбобларда чалувчи созандалардан тузилган жамоа бўлиб, шу таркиб учун яратилган мусиқа асарини ижро этилади . Камер чолғу ансамбллар (кuartет, квинтет ва бошқалар)дан оркестрнинг фарқи шундаки, баъзи созандалардан унисонда чалувчи тўдалар тузилади . Оркестрдаги чолғу асбобларнинг тўдалари ва тузилишларига кўра, улар турлича бўлади . Чунончи, симфоник Оркестр, пуфлама созлар (духовой) Оркестр, торли Оркестр, халқ чолғу асбоблари Оркестрлари ва б . Симфоник Оркестрга торли – камончали, пуфлама ва урма чолғу асбоблари кирса, пуфлама созлар Оркестрига мис ва ёғоч, пуфлама ҳамда урма чолғу асбоблари киради . Ўзбек Давлат филармонияси ва Ўзбекистон радио кўмитаси қошида тузилган ўзбек халқ чолғу асбоблари Оркестри турли миллатлар мусиқасини нота билан чалишга имкон берадиган қилиниб, қайта ишланган созлардан ташкил топган . Ўзбек халқ чолғу асбоблари Оркестрда турли катта - кичикликда температураляниб ишланганига кўра, унда энг паст (ойўғонЯ ва энг баланд (ингичка) товушларни ичалиш мумкин . Бу Оркестрга қўйидиги чолғу асбоблар киради: а) катта най, қўшнаё ва сурнайлардан иборат пуфлама ёғоч чолғу асбоблар; б) катта ва кичик чанглардан иборат торли урма чолғу асбоблар; в) катта - кичик рубоблар ҳамда дуторлардан иборат тирнама чолғу асбоблар; г) дойра ва ноғоралардан иборат урма чолғу асбоблар ва ниҳоят; д) катта - кичик ғижжаклардан иборат камонли торли асбоблар .



230 . Отлиқ аскарлар трубаси - ҳарбийларда сигнал учун қўлланиладиган мундштукли пуфлама чолғу асбоб, горннинг бир тури . Бу асбобда обертоннинг пастки икки товушидан бўлак катта октавадаги ми - бемоль дан табиий товушқаторини чалиш мумкин . Амалиётда 12 обертонгача қўлланилади . Мундштуксиз умумий узунлиги 450 - 470 мм .

231 . Офikleйд - мундштукли пуфлама чолғу асбоби .



232 . Пайсяо – хитой халқ пуфлама чолғу асбоби . Пайсяо турлича узунликдаги бамбукдан ясалган трубалар махсус мосламага ўрнатилади, уларнинг пастки кесилган қисми эса берк бўлади . Ҳар бир труба биргина товуш беради . Илгарилари трубалар сони 12 гача, аста - секин 16 тагача орттирилган . Пайсяонинг товушқатори диатоник таркибда тузилади . Манбаъларда ёзилишича, Пайсяо қадимий ҳарбий ва рақс мусикаларида қўйилган . Пайсяонинг умумий баландлиги 354 мм, кенглиги 390 мм бўлади .



233 . Пандеро – доира тузилишидаги испан урма чолғу асбоби .



234 . Пандури – торли тирнама чолғу асбоби . Гуржистон, Абхазия ва Ажаристонда тарқалган . Тузилиш шакли қозоқ дўмбирасига ўхшаш . Пандурида учта тор бор, унда бармоқлар ёки плектр билан ижро этилади . Пандурининг қайта ишланган тури қўлланилади . Оркестрда унинг прима, альт ва тенор турлари бор . Пандури ноталари эшитилишига нисбатан октава юқори скрипка калитида ёзилади .



235 . Пан флейтаси – қадимий пуфлама ёғоч чолғу асбоби, най шаклидаги бир неча узун - қисқа найчалар бирлашмасидан тузилади . Найчалар қамиш, бамбук, ёғоч ёки суякдан бир учи ёпиқ қилиниб тайёрланади . Бу узун - қисқа найчаларни бирга қўшиб боғланганидек, баъзан, бармоқларга терилади . Чалинганда ижрочи найчаларнинг очик томонини навбат билан оғизга қўйиб пуфлаб чалади . Ҳар бир найча фақат бир хил садо беради, садонинг баланд - пастлиги найчанинг ҳажмига боғлиқ . Пан исмли афсонавий юнон худоси номига қўйилган . Пан флейтасининг овоз ҳажми найчаларнинг сонига боғлиқ . Найчалар баъзан 20 ва ундан ортиқ бўлиши мумкин . У яқка ҳолда, турли ансамблларга қўшиб ҳам чалинади . Турли регистрдаги Пан флейталаридан тузилган ансамбль алоҳида тембрга эга .



236 . Парақабзук – волинка туридаги арман халқ пуфлама чолғу асбоби .

237 . Педализация – фортепианода куй ижро этилганда педалдан фойдаланиш . Педализация фақат товушни чўзиш учунгина эмас, товушни “безаш”, тембрни ўзгартиришга ҳам хизмат қилади . Педализация фортепиано техникасида катта аҳамиятга эга . Арфада Педализация механизмлари товушни кўтариш ё пасайтишга хизмат қилади .

238 . Педаль (лот . Pedis - оёқ) - айрим чолғу асбобларда оёқ билан босиладиган махсус ричаг . Фортепианодаги Педаль товушни пасайтириш ёки чўзиш учун хизмат қилади . Бу Педальлардан ўнг томонидагиси босилганда демпферлар кўтарилиб, урилган (чалинган) тордаги тўлқинланиш тугалланишига қадар клавишда бармоқлар босиб турилган ё турилмаган бўлишидан қатъи назар, товуш чўзилади . Чап томондагиси босилганда эса, торларга уриладиган болғачалар ўз ўрнини ўзгартириб, товуш бирмунча секин, паст чиқади . Органдаги Педаль катта клавишлардан тузилган клавиатураларга ўхшаб, орган чалувчи буни оёқ учи ёки товон билан босади . Натижада органдаги энг пастки товушлар эшитилади . Арфадаги Педаль эса бир создан бошқа созга ўтиш учун, литаврадаги Педаль ҳам созни ўзгартишга хизмат қилади . Қайта ишланган ўзбек халқ чолғу асбобларидан чангга ҳам педаль қўйилмоқда . Бунинг вазифасини чангдаги шовқинли товушни ўчириш (йўқотиш) учундир .

239 . Пианино (итал . Piano, Pianoforte - фортепиано сўзининг қисқартирилгани, Pianino - кичик пиано) - фортепианонинг бир тури . Пианино XVIII - аср охирларида қайта ишланиб, XIX - асрнинг 29 - йилларида =озирги шаклга кирган . Пианинонинг ромига тортилган торлар тик шрнатилганига кўра, роялга нисбатан кичикдир . Пианинонинг торлари ёпиы яшикда бшлгани учун товуши паст эшитилади . Овоз =ажми роялдагидек бшлиб, фаъат юьориги регистри бир оз камроь . Пианино кшпроя уйларда, ансамблларда ышлланилади .

Концертларда асосан рояль ышлланилиб, Пианинодан жуда кам фойдаланилади . Ижро техникаси Пианино ва рояльда бир турли .



240 . Пианиночи – фортепиано чалувчи ва уни шзига касб ылиб олган созанда .



241 . Пианола - (инг . piano) - фортепианода куй чалиш учун ўйлаб топилган махсус асбоб . Пианола XIX - аср охирларида пайдо бўлган . Фортепианонинг ҳар бир клавиши устида пианола болғачалари ўрнаштирилган бўлиб, шу орқали клавишлар урилиб, керакли товушлар олинади .

242 . Пиатта - (итал . piatti) - тарелка (мусиқа асбоби) .

243 . Пипа - лютня туридаги тирнаб чалинадиган хитой халқ торли чолғу асбоби . Илгарилари Хитойда лютня туридаги барча чолғу асбоблар

(масалан, жуань, юецинъ)лар пипа деб аталган . Пипа энг амалий чолғу асбоби ҳисобланиб, оркестр учун ёзилган йирик мусиқа асарларини у бошлаб берган . пипа айниқса марказий ва жанубий Хитойда якка овоз (соло) сифатида кенг тарқалган . Пипа турлича созланиб, энг кўп қўлланиладиган соз - кварта, секунда ва квинта оралиғидадир . Қадимги пипа фақат тўртта ёғоч парда бўлган . Ҳозир бу пардалар 16 гача кўпайган, овоз ҳажми 3 октавага етган . Пипанинг энг сўнгги қайта ишланган турида пардалар хроматик ярим тонлар асосида тузилган . Натижада 12 пағонали температурациялашган товушқаторига эга бўлди . Пипанинг торлари ипакдан, баъзан ичак, хатто симдан бўлиб, одатда плектр билан чалинади . Баъзан ижрочилар пипани тирноғи билан ҳам чалади . Пипанинг узунлиги 1000 мм, корпусининг кенглиги 300 - 320 мм бўлади .



244 . Пистон - (фр . Piston - поршень, кнопкали пружина) - баъзан бир мис пуфлама чолғу асбобларида тик ўрнатилган винтель .

245 . Пифферио (итал . piffero) - итальян халқ пуфлама чолғу асбоби . Волинканинг миллий (итальянча) тури .

246 . Пиццикато (итал . pizzicato) - 1 . Торли - камончали чолғу асбобларини камончасиз, бармоқлар билан тирнаб чалиш . Тирнаб чалганда товушлар қисқа ва секин эшитилади . Бу сўзни қисқартиб лотинча pizz . деб кўрсатилади . Пиццикатосиз камонча билан чалишни давом эттириш керак бўлганида - arco (арко - камонча билан) сўзи ёзилади . Пиццикатони чап қўл бармоқлари билан ҳам чалиш мумкин, бундай ҳолда ҳар бир нота устига белги қўйилади . 2 . Фақат Пиццикато йўли билан чалиндиган пьеса .

247 . Плектр (юн . plektron) – медиатор, мизроб .

248 . Портатив (фр . Orgnes portotatives, лот . Porto - кўчириш, кўтариб юриш) - қўлда кўтариб юриш мумкин бўлган кичик орган . Портатив XV - асрда кенг тарқалган .

249 . Прима – балалайка - балалайканинг кичрайтирилган тури бўлиб, В . В . Андреев томонидан қайта ишланган . Созланиши – 1 - ва 2

- торлари биринчи октавадаги ми дан – учинчи октавадаги ля гачадир . Ноталар скрипка калитида ёзилади . Прима - балалайкада ижро этиш имконияти жуда кенг бўлиб, бошқа рус халқ чолғу асбобларида бундай имкониятлар мавжуд эмас .



250 . Прима қобиз - торли - камончали қозоқ халқ чолғу асбобининг кичрайтиб қайта ишланган тури . Прима қобизда учта тор бўлиб, буларнинг бири сим қолган иккитаси ичакдан . Созланиши квинта оралиғида кичик октавадаги соль, биринчи октавадаги ре ва ля га соланади . Ноталар скрипка калитида эшитилишича ёзилади . Умумий овоз ҳажми – кичик октавадаги соль дан учинчи октавадаги соль гача .

251 . Прима чанг – чангнинг кичрайтирилгани . Овоз ҳажми кичик октавадаги соль дан учинчи октавадаги ми га қадар . Ноталар скрипка калитида эшитилганича ёзилади .

252 . Пульт ёки пюпитр (нем . Pulpitum - минбар, фр . Pupitre) - нота қўйиш учун ясалган махсус курси .



253 . Равап - Синьцзян уйғурлари орасида қўлланиладиган торли тирнама чолғу асбоб . Равап Ҳиндистонда тарқалган . Товушқатори диатоник бўлиб, бирмунча қўшимча ярим тонлар ҳам бор . 21 - 23 та пардаси бўлиб, умумий узунлиги 950 - 100 мм . Равапда 5 та металл тор

бор . Равап косаси қаттиқ ёғочдан ўйиб ишланади . Қопқоқ ўрнига махсус ишланган эшак териси қопланади .



254 . Раванастр, раванстрам, раванастрон – ҳинд халқининг камонча билан чаладиган қадимий торли чолғу асбоби . Раванастроннинг косаси бир бутун ёғочдан ўйилиб, қопқоқ ўрнига илон териси қопланади . Биздаги ғижжак шаклида бўлган бу чолғу асбобга ипак ёки ичакдан қилинган иккита тор тортилади . Раванастрон ғижжак тартибида ижро этилади .



255 . Ребаб (араб .) камонча билан чалинадиган қадимий ҳинд – эрон торли чолғу асбоби . Ребабда 1, 2 ёки 3 та тор бўлади . Косаси турлича шаклда (ғижжак тузилишида) бўлиб, қопқоқ ўрнига юпқа тери қопланади . 2 ва 3 торли Ребаб кварта ёки квинтага соланади . Ребаб Миср, Шимолий ва Ғарбий Африка халқлари ўртасида ҳам тарқалган .



256 . Рояль (фр . royal – қиролга хос, қиролники) - бармоқлар билан босиб чалинадиган торли - клавишли мусиқа асбоби . Уч оёққа ўрнатилган чолғу асбоби ичидаги жаранг берувчи қопқоғи устига турли йўғон – ингичка торлар тортилади . Бу симлар болғачалар билан урилганда турлича товуш беради . Рояль концертларда ашулачига ёки бирор чолғу асбобига жўр қилиниб, кўпинча эса яккасоз ҳолда чалинади . Ёлғиз чалганда товуш баланд чиқиши учун, унинг қанотга ўхшаган қопқоғи кўтарилади . Рояль ва пианино кўпроқ фортепиано деб юритилади .



257 . Рубоб, рабоб - 1 . Осиёнинг айрим халқлари (хусусан ўзбеклар, тожиклар) ўртасида қадимдан кенг тарқалган торли тирнама чолғу асбоб . Ўрта Осиё халқларига нисбатан жанубий Хитойнинг Синьцзян вилоятида яшовчи уйғурлар ўртасида кенг тарқалган тури қашқар рубоби дейилади . Рубоб косаси қазма, яъни ўйилиб, устига тери қопланган, дастасига ипак ёки ичакдан қилинган пардалар боғланган . Рубобда бешта тор бўлиб, учтаси ипак, тор, иккитаси сим тордир . Булардан 5 ва 4 - торлари катта

октавадаги ля га (унисон), 3 - тор кичик октавадаги ми ва асосий мелодик 2 ва 1 - торлари кичик октавадаги ля га (унисон) соланади . Ҳозирги вақтда қўлланилаётган Рубоб қайта ишланиб, ярим парда асосида ишланган ва прардалар доимий, сурилмайдиган қилиб ясалган . Бу Рубобдаги 5 торнинг тўрттаси сим тор бўлиб, бешинчиси ичак тордир, кварта бўйича 5 - тор катта октавадаги си га, 4 - ва 3 - торлари – кичик октавадаги ми га (унисон), 2 - ва 1 - торлари кичик октавадаги си дан иккинчи октавадаги ля гача бўлади . Рубоб ноталари эшитилишига нисбатан октава юқорида, скрипка калитида ёзилади . Халқ чолғу асбоблари оркестрида бу турдаги Рубоб – альт деб юритилади . Унинг бошқа турлари Рубоб - прима ва Рубоб - тенордир . 2 . Бухоро, Тожикистон ва Афғонистонда тарқалган Рубобнинг иккинчи тури – афғон рубоби, тожик рубоби ёки Бухоро рубоби деб ҳам аталади . Бунда асосий бешта тордан ташқари резонанс берувчи қўшимча торлар ҳам бор . Бу Рубоб ҳам қайта ишланиб, халқ чолғу асбоблари оркестрига Рубоб - тенор номи билан киритилган . Помирда қўлланиладиган Рубоб биздагиларга нисбатан кичикроқ ҳажмда, шакли ҳам фарқ қилади .



258 . Рубоб - прима – рубобнинг кичрайтирилгани, қата ишланган тури . Рубоб - примада тўртта сим тор бўлиб, булар кичик октавадаги соль (4 - тори), биринчи октавадаги ре – (3 - тори), биринчи октавадаги ля (2 - тори), ва иккинчи октавадаги ми (1 - тори)га соланади . Овоз ҳажми кичик октавадаги соль дан тўртинчи октавадаги ми га қадар . Ноталар скрипка калитида эшитилишича ёзилади . Ўзбек халқ чолғулар оркестрида Рубоб - прима энг баланд (ингичка) товушларни беради .



259 . Рубоб - тенор – Бухоро рубобининг қайта ишланган тури . Унда бешта тор бўлиб, ҳаммаси ичакдан . Сози кварта бўйича 5 - тори катта октавадаги си га, 4 ва 3 - торлари кичик октавадаги ми га (унисон), 2 ва 1 - торлари кичик октавадаги ля га (унисон) соланади . Овоз ҳажми катта октавадаги си дан иккинчи октавадаги до га қадар . Ноталар эшитилишига нисбатан октава юқорида скрипка калитида ёзилади . Тожикистонда махсус рубобчи хотин - қизлар ансамбли бор .



Ўзбек халқ торли тирнама чолғу асбобларидан рубоб чалувчи созанда, муסיқачи .

260 . Руд – торли, камонча билан чалинадиган қадимий чолғу асбоб . Руднинг ҳар икки (олд ва орқа) томонига тери қопланган бўлиб, 4 та тори бўлган . Руд созини машҳур шоир Рудакий ихтиро қилганлиги эҳтимолдан узоқ эмас .



261 . Саз – дутор тузилишидаги торли тирнама чолғу асбоби . Кавказ орти халқлари ўртасида тарқалган . Унда бир жуфтдан 3 - 4 та тор бўлиб, улар кварта - квинта бўйича соланади . Пастки икки тор унисон ҳолда кичик октавадаги соль га, 3 - 4 - торлари биринчи октавадаги до га, 5 - 6 - торлари биринчи октавадаги ре га соланади . Саз дастасига дутордагидек

хроматик тартибда пардалар боғланган . У махсус медиатор ёрдамида чалинади . Умумий узунлиги 700 - 800 мм . Саз якка ҳолда ва ансамблда қўлланилади .



262 . Сазандари – (форс сазенде – мусиқачи, чолғучи, созанда) – Озарбайжон, Арманистон, Грузин, Эрон ва шуларга қўшни мамлакатлардаги чолғучилар ансамбли . Сазандари тўдасида тор, камонча ва дойралар бўлиб, одатда дойрачи ашулачилик ҳам қилади .



263 . Сакгорн (sax - шу чолғу асбобини ясаган конструкторнинг фамилияси, horn - бурғу, шох) – мудштукли катта - кичик мис пуфлама чолғу асбоби . Сакгорнни бельгиялик мусиқа асбоблари устаси А . Сакс ишлаган (1845 йилда) . Дастлаб Сакгорн катта - кичик қилиниб ишланган 7 та чолғу асбобидан тузилган бўлиб, кейинчалик улар сони 9 тага етказилган . Сакгорн одатда духовой оркестрларда қўлланилади .



264 . Саксафон (sax - шу чолғу конструктори фамилияси, юн . Phone - товуш, овоз) - пуфлама ёғоч чолғу асбобларидан кларнетга ўхшаш мундштукли ва клапанлари бўлган крнус шаклидаги пуфлама мис чолғу асбоби . Саксафон 1840 йили катта - кичик шаклда ишланиб, 7 турда сопранодан контрабасгача бўлган овоз ҳажми контроктавадаги ре - бемоль дан учинчи октавадаги фа га қадар . Баъзан субконтрабас Саксафони ҳам қўлланилади . Овоз ҳажми контроктавадаги ля - бемоль дан кичик октавадаги до га қадардир . Саксафоннинг товуши кучли, тембри характерлидир . Ижро қилишдаги техник имкониятлари бой . Саксафон эстрада, духовой ва баъзан симфоник оркестрларда, ансамблларда қўлланилади . Саксафон ёлғиз ҳолда ҳам чалинади .



265 . Саламури - пуфлаб чалинадиган грузин халқ чолғу асбоби . Қамиш ёки ёғочдан ясалади . Баланд - паст товушлар чиқариш учун 5 - 7 та ён тешиги мавжуд . Диатоник товушқаторига эга . Биздаги най шаклида, лекин қўшнайдаги каби .



266 . Саньсянь – тирнаб чалинадиган хитой халқ торли чолғу асбоби . Саньсянь рангли қаттиқ ёғочдан ясалади . Баъзан (кўпроқ Японияда) унга бузоқ ёки қўй териси ҳам қопланади . Амалиётда Саньсяньнинг икки тури қўлланилади, бири – катта Саньсянь бўлиб, у шусянь деб ҳам юритилади . Иккинчиси кичик Саньсянь - ва у пюйсянь деб аталади . Саньсянь ҳозир қўлланиётган тури 1160 мм . Саньсянь узоқ ўтмишда сяньцзи, пипай деб ҳам юритилган . XVII – асрдан бошлаб Саньсянь номи билан тарқалган . Ҳозирги вақтда қўлланиладиган Саньсянь турлишакл ва шакл катта - кичикликда учрайди . Одатда Саньсяньдаги учта тор ипак бўлиб, кичик Саньсяньнинг овоз ҳажми учинчи октавадаги ре га қадар

бўлади . Катта Саньсяньнинг овоз ҳажми катта октавадаги ре дан иккинчи октавадаги ре га қадар .



267 . Сарнай – волинка туридаги чуваш халқ чолғу асбоби .

268 . Сафойил, сафоил - Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Хитойда кенг тарқалган шиқилдоқ тузилишидаги урма чолғу асбоб . Саньсянь икки бўлак қаттиқ ёғоч калтакчасидан иборат . Бу калтакчага майда темир ҳалқачалар тақилган катта темир халқага ўрнаштирилади . Саньсяньни силкитиб, елкага уриб шовқинли, турли мураккаб товуш чиқарилади . Сафоил кўпроқ рақсларда қўлланилади .

269 . Свирель – най шаклидаги пуфлама рус ва украин чолғу асбоби . Қисқа ва узун икки ёғоч найдан иборат бўлиб, бири 300 - 350 мм, иккинчиси 450 - 470 мм . сафоил пуфлаш учун бош қисмида кичик тешикча ва баланд - паст товуш чиқариш учун пастки қисмида учта тешикча бор . Бу уч товушдан иккиси юза қисмида ва бири ост қисмида . Бу найлар бир – биридан кварта оралиғида фарқ қилиб, диатоник тартибидаги товушқаторига эга . XIX - аср охирида В . В . Андреев Свирельни бирмунча ўзгартириб, рус халқ чолғу асбоблари оркестрига қўшган . Унинг овоз ҳажми биринчи октавадаги ми дан учинчи октавадаги ми га қадар . Айрим қисми хроматик товушқаторига эга .



270 . Сетор – танбур шаклида, лекин ундан каттароқ чолғу асбоб, 10 - 12 та тори бор, булардан биринчиси куй тори ҳисобланади . Куй тори бошқа торларга нисбатан ҳаракда бир оз баландроқ, қолган торлари эса резонанс берувчи торлар ҳисобланади . Сетор асосан камонча билан ижро этилади, айрим вақтлардаги нохун билан танбур тарзида чалинади . Сетор асосан Қашқарда тарқалган . Ўзбекистонда ҳам ишлатила бошлади . Сеторда 16 та парда бор . Сеторнинг куй тори катта октавадаги соль га соланади . Товушқатори диатоник тартибда тузилган .

271 . Сибизға – қамишдан ясалган най туридаги чолғу асбоб бўлиб, у чўпонлар орасида қўлланилган . XX - асрнинг 20 - йилларида халқ ўртасида “Мис най” Сибизға деб аталган .

272 . Сигудек – Коми халқининг 3 торли чолғу асбоби, тирнаб ва камонча билан чалинадиган турларидан бўлган . Умумий узунлиги 500 - 700 мм .

273 . Симфоник оркестр – турли чолғу асбоблардан тузилган ва нисбатан бой ва мураккаб турдаги оркестр . Узоқ давр мобайнида ўзгариб, ниҳоят XVIII – асрнинг иккинчи ярмида Симфоник оркестрҳозирги ҳолга келган . Таркибига торли - камончали чолғу асбоблардан – скрипка, альт, виолончель ва контрабаслар, пуфлама ёғоч чолғу асбобларидан – флейта, гобой, кларнет, фагот ва буларнинг катта - кичик турлари, пуфлама мис чолғу асбоблардан – валторна, труба, тромбон ва тубалар; урма чолғу асбоблардан – литавра, барабан, тарелка, дойра, ноғора, ксилофонлар киради . Арфа, фортепиано Симфоник оркестрни янада бойитади .

XVIII - асрнинг иккинчи ярмида торли - камончали чолғу асбоблари, 2 флейта, 2 гобой, 2 кларнет, 2 фагот, 2 валторна, 2 труба ва литавралар қўшилишидан тузилган, такомиллашган состав Симфоник оркестр деб аталади . Бу чолғу асбобларнинг сон жиҳатдан кўпайтирилиши ва тромбон, трубалар қўшилишидан ҳосил бўлган составни катта Симфоник оркестр дейишади . Катта Симфоник оркестрда пуфлама чолғу асбобларнинг ҳар бири 2 - 3 ва ундан кўпроқ бўлиши мумкин . Ўзбекистонда Симфоник оркестр асосан Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат опера ва балет театри, Ўзбек Давлат филармониясининг Симфоник оркестрлари кўповозли мусиқа маданиятининг тараққийси учун ўз хиссаларини қўшмоқда . Булардан ташқари Муқимий номидаги Ўзбек мусиқа театри, Тошкент Давлат консерваториясида, Ёшлар Симфоник оркестрлари мавжуд . Симфоник оркестр мусиқа асаридаги образларни бўрттириб, бадийлаштириб беришда ва композиторларнинг ижодий фикрини тўлароқ ифода этишда катта имкониятга эга .



274 . Ситар – торли тирнама ҳинд чолғу асбоби, ёғочдан ясалиб, дастасига 16 - 18 та ичак парда боғланган . Ситарда 3 та асосий ва 10 та резонанс берувчи тор бор . Ситар турлича созланиб, энг кўп тарқалган сози кварта ва квинта бўйичадир .



275 . Скрипка – (итал . violino) - торли - камончали турдаги энг юқори товушларга эга бўлган чолғу асбоби . XV - XVI - асрлардан

бошлаб қўлланилган . XVII - асрдан кенг тарқалган Скрипкада 4 та тор бўлиб, булардан 4 - тор квинта бўйича кичик октавадаги соль га, 3 - тори биринчи октавадаги ре га, 2 - тори биринчи октавадаги ля га, ниҳоят 1 - тори иккинчи октавадаги ми га соланади . Скрипка овоз ҳажми кичик октавадаги соль дан тўртинчи октавадаги до га қадар кенгайиши мумкин . Тембри пастки товушларда йўғон, ўрта регистрда майин, юмшоқ, юқори регистрда эса жуда очик, равшан эшитилади . Флажолетлар ва сурдиналар ёрдамида Скрипканинг тембри бирмунча ўзгаради . Ижро техникаси юксак ва имкониятга бойдир . Скрипка камонча билан ва баъзан бармоқлар билан чалинади . Бармоқлар билан чалиш - пиццикато деб аталади . Скрипкада қўш ноталар ва аккордлар чалиш мумкин бўлишига қарамай, ё бир овозли бўлиб ҳисобланади . Скрипка якка (соло) ижро этилувчи чолғу асбоблар ичида жуда кенг тарқалган . У турли чолғу асбоблари оркестрида икки тўда скрипкачилар, яъни биринчи Скрипкачилар ва иккинчи Скрипкачилар тўдаси бўлади . Симфоник оркестр партитурасида Скрипка ноталари урма чолғу асбоблар партияси тагига ёзилади .



276 . Созанда - 1 . Муסיқачи, бирор чолғу асбобида ижро қилувчи - чолғучи . **2 .** Хоразмда сурнай ва дойралардан тузилган ансамбль .



277 . Созчи – чолғучи, муסיқачи, чолғу асбобида ижро этувчи .

278 . Солист (итал . Solista - якканавоз, якка ижрочи) - а) якка овоз ёки бирор чолғу асбоби учун ёзилган муסיқа асарини ижро этувчи якканавоз созанда, яккахон хонанда, яккаовоз хонанда, б) муסיқа асарини

ансамблда ижро этилганида айрим партиянинг бир ижрочи томонидан олдинги планда бажарилиши . Масалан, симфоник оркестр ижросида бирор музика асари чалинаётганда якка скрипка, кларнет ёки бошқа бирор ижрочи асарнинг энг муҳим қисмини (оркестр жўрлигида ё усиз) ёлғиз ижро этиши .



279 . Сона – Хитой пуфлама чолғу асбобларидан . Тузилиш шакли ва ижро этилиши ўзбекча сурнайдек . Сопада турли паст - баланд товушларни олиш учун саккизта тешикча мавжуд . Сонанинг кенг тарқалган чолғу асбобларидан, у ёлғиз ва ансамблда, оркестрда ва Хитойда кенг тарқалган музикали драма оркестрида қўлланилади . Сонанинг катта - кичик турлари бор, шунга кўра товуш регистри ҳам турлича . Катта Сопада - сона, кичиги эса сяосона деб аталади . Айрим жойларда кичигини хайду ҳам деб атайдилар . Сонанинг узунлиги 340 дан 670 га қадар .



280 . Ствири (гудаствири) - волинка туридаги грузин пуфлама халқ чолғу асбоби .



281 . Сулинг – флейта туридаги индонез пуфлама халқ чолғу асбоби . Бамбукдан ясалган най туридаги Сулингда турли паст - баланд товушлар чиқазиш учун 6 та тешикчаси бор . Сулинг ёлғиз ҳолда ва гамелан деб аталувчи индонез миллий оркестри (ансамбли)да ҳам қўлланилади .



282 . Сурдина (итал . Sordo - секин, паст) - чолғу асбоблар товушини пасайтириш учун қўлланиладиган махсус мослама . Торли - камонли чолғу асбобларда харак устида торларга кийгизилладиган тароқ шаклида бўлади, бу орқали торларнинг тебраниши қисқариб, товуш секин чиқади . Пуфлама мис чолғу асбоблари - труба, тромбон ва валторналарда нок шаклида ёғоч ё картондан қилинган бўлиб, у чолғу асбобининг кенг томони – раструби (“оғзи”)га тикилади, натижада товуш пасаяди . Урма чолғу асбоби литаврада Сурдина вазифасини тери остига қўйилган бир парча газлама бажаради . Бу газлама орқали урилганида товуш анча паст эшитилади . Бирор чолғу асбобида Сурдинанинг мосланиши итальянча *con sordino* (сурдина билан чалиш) - сўзини ноталар устига ёзиб кўрсатилади . Сурдинани олиб нормал ҳолда чалиш учун ноталар устига (ё остига) *senza sordino*, яъни сурдинасиз сўзи ёзилади .

283 . Сурнай – ўзбек ва тожик халқлари ўртасида кенг тарқалган қадимий пуфлама ёғоч чолғу асбоб . Сурнай ёлғиз, шунингдек, ноғора, карнайлар билан ҳам биргаликда чалинади . Сўнгги вақтларда ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрига ҳам қўшилмоқда . Сурнайда чап ва ўнг бармоқлари билан ёпиладиган олти та тешикча бор . Еттинчи тешик эса, пастки томонда бўлиб, у чап қўлнинг бош бармоғи билан беркитилади . Овоз ҳажми кичик октавадаги ля дан иккинчи октавадаги ми гача . Ноталар эшитилишигача, ноталар эшитилганича, скрипка килитида ёзилади . Сурнай товуши баланд бўлгани учун очик ҳавода турли тантаналарда чалинади . Сурнай Кавказ ва Эрон халқларида ҳам қўлланилади . Сурнайда халқ куйлари қатори мақом йўллари ҳам ижро этилади . Турли тўй маросимларида, дор ўйинларида Сурнай карнай ва ноғоралар билан ансамбль бўлиб ижро қилинади . Никоҳ тўйларида дастлабки мусиқани Сурнай ижросидаги “Наво” билан бошлаш

одатланилган . Сурнай навоси ўзига хос ёқимли ва завқ билан тингланади .

284 . Сэ – тирнаб чалинадиган қадимги хитой торли халқ чолғу асбоби . Сэ биздаги чанггни эслатади . Қаттиқ ё рангли ёғочдан ясалади . Торлари ипакдан бўлиб, сэ “коса”си тагига мустаҳкамланади . Бу торларнинг ҳар бирида фил ёки бошқа хайвон суягидан ясалган хараклари бор . Торларни махсус баландликда созлаш учун хараклар чап ё ўнгга сурилади . Сэ милоддан бир неча аср аввал қўлланила бошланган . Сэдаги торлар сони турли даврларда турлича (5 дан 50 гача) бўлган . Ҳозир Сэнинг икки тури қўлланилади . Буларнинг бири катта Сэ бўлиб, бунга 25 та тор тақилган ва дасэ деб ҳам аталади . Иккинчиси кичик Сэ бўлиб, бунга 16 та тор тақилган ва сяосэ деб аталади . Расмда кўрсатилган Сэ XVII - асрга хос бўлиб, унинг узунлиги 2 . 090 мм, кенглиги 470мм, этак қисмида 390 мм . бўлиб, унга 25 та тор тақилган . Ҳозирги вақтда кичик Сэ беш хил соланади ва унинг товушқатори ҳамда овоз ҳажмини билдиради, чунки Сэ торлари ижро вақтида қисқартирилмайди .

Сэда икки йўл билан ижро қилиш мумкин: биринчиси ҳар иккала қўл бармоқлари билан, яъни чап қўл билан 1 - 12 – торлар, ўнг қўл билан эса қолган торларни чалиш; иккинчиси – асосан ўнг қўл билан ижро қилиниб, чап қўл билан эса тордан чиққан товушларни тўхтатиш (баъзан ўнг қўл билан ижро қилишга ноқулай товушларни чалиш) - йўли . Сэдан якка соз ва жўр бўлишда фойдаланилади .



285 . Сянцзяогу – мембраноли хитой халқ урма чолғу асбоби . Асосий тури биздаги ноғорани эслатадиган бу чолғу асбобининг “коса”си ёғочдан ясалиб, уст қисмига чарм иплар билан тери қопланади . Сянцзяогу кўпроқ рақслар, “сув байрам”ларда қўлланилади . Сянцзяогуни елкасига осиб бармоқлар ва панжалари билан ижро қилинади . Сянцзяогуни келиб чиқиш жойи Ҳиндистон ё Индонезия бўлиши эҳтимоли бор . Сянцзяогунинг умумий узунлиги 1 . 150 мм, диаметри 170 мм .



286 . Сяньцзы - хитой торли чолғу асбоби сансьяннинг иккинчи турли номи .



287 . Сяо – най шаклидаги хитой халқ пуфлама чолғу асбоби . Бамбукдан қилинган бу чолғу асбобининг юқorigи учи беркитилган бўлиб, унинг бир чеккасида тўртбурчак шаклда кичик бир тешикча бўлади . Бу тешикча орқали пуфлаш натижасида труба ичидаги ҳаво тўлқинланиб товуш беради . Баланд - паст товушлар олиш учун Сяонинг уст томонидан бешта ва орқа томонида бир тешик бор . Сяонинг пастки қисмига икки тешик эса, ортикча ҳавони чиқазиш ё керак вақтларда чолғуни осиб қўйиш учун хизмат қилади . Сяода хроматик товушлар олиш мумкин, лекин ижро қилиш ноқулай бўлганлигидан амалиётда асосан диатоник товушқаторида қўлланилади . Қадим вақтларда Сяо ди деб ҳам аталган . Қадимий Сяо уч ё тўрт тешикка эга бўлган . Бизнинг эрамизга қадар бўлган асрда Сяога бешинчи тешик қўшилган . III - асрга келиб, Сяода олтита тешик қилиниб, ҳозирги тусга кирган .



288 . Тамбурин (фр . Tambourin - тамбурин, ноғорача, арабча табл . - ноғора) - 1 . Унча катта бўлмаган чўзикроқ ноғора шаклидаги урма чолғу асбоби . Тамбурин Франциянинг айрим жойларида қўлланилади . 2 . Франциянинг қадимий халқ рақсларидан . Муסיқа ўлчови 2/2 ва 2/4 . Бу рақс тез ва жонли ижро этилиб, рақсга флейта ва Тамбуринлар жўр бўлади . Шунга кўра, рақс номи ҳам чолғу асбоби номи билан аталган . 3 . Муסיқа адабиётларида бубен шу ном билан юритилади .



289 . Там - там – (итал . Tam - tam) - Осиёдан келиб чиққан урма асбоб . Лаган шаклида мисдан, ўртаси бўртма қилиб ишланган . Махсус тўқмоқча билан уриб чалинади, овози жарангли, шу билан, даҳшатли эшитилади, товуши аниқ баландликка эга эмас . Там - там ноталари бир чизикда ёзилади .

Симфоник оркестр партитурасида Там - там партияси катта барабан билан кўнғироқчалар партияси оралиғида ёзилади . Гонг Там - тамнинг бир тури .



290 . Танбур – Ўзбекистон, Тожикистон, жанубий Хитойнинг Синцзян вилоятида кенг тарқалган торли тирнама қадимий чолғу асбоби . Танбурнинг косаси нок шаклида ўйилиб ёки бир неча “қобирға”лардан ёпиштирилиб, бунга узун даста уланади . Умумий узунлиги 1000 - 1300 мм . Дастага ичакдан қилинган парда боғланади . Баланд товушлар олиш учун ичак пардалардан ташқари қопқоғига кичик ва калта чўплар ёпиштирилади . (бу “ҳас парда” деб аталади) . Пардалар сони 18 - 20 тача бўлади . Товушқатори диатоник бўлиб, тўртта (илгарилари 3 та) сим тор тақилган . Бу торлардан 1, 2 ва 4 - си бир овозли (унисон) бўлиб, 3 - тори кварта, квинта баъзан секунда паст бўлади . Ноталар бас калитида ва скрипка калитларида ёзилади . Танбурнинг 1, 2 ва 4 - торлари катта октавадаги соль га, 3 - тори эса катта октавадаги ре ёки до га ёки фа га созланади . Овоз ҳажми катта октавадаги соль дан биринчи октавадаги соль гача .

Танбур ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғига кийгизилган махсус нохун билан чалинади . Чалинганда фақат биринчи тор урилиб, қолганлари кўшимча садо олиш учун фойдаланилади . Айрим вақтларда бу торларнинг ҳаммаси бир йўла урилади . Натижада кўш товушлар эшитилади .

Танбур халқ мусиқалари, айниқса, мақом чолғу йўллари ижро этишда яқка ҳолда ёки ансамбль билан ашулачига жўр бўлади . Танбурдан яқка ҳолда чолғу мусиқаларини ижро этишда ҳам фойдаланилади . Илгарилари Бухорода Танбурни сато каби камонча билан ҳам чалганлар (бу тарика ижро этилганида Танбурдан жуда мунгли товуш чиқади) . Танбурга бошқа ўзбек халқ чолғу асбоблари қаторида бирмунча ўзгаришлар киритилган, пардалар чўпдан қилиниб, дастаси доимий ўрнаштирилган . Товуш қатори хроматиклаштирилган ва ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрига қўшилган . Ноталар скрипка калитида, жшитилишига нисбатан октава юқорида ёзилиб, ижрочилар (айниқса, янгидан

ўрганиётганлар) учун энгиллик яратилган . Тovuшларни такрорлаб, майдалаб чалиш Танбур учун характерли .



+998946273786 UZKRR@MAIL.RU

291 . Тар, тор – Закавказье халқлари ўртасида кенг тарқалган торли тирнама чолғу асбоби (Доғистонда тара, Гуржистонда тари деб юритилади) . 8 рақамига ўхшатилиб ёғочдан ўйилиб косага узун даста ўрнаштирилади . Коса устига тери (кўпроқ балиқ териси) қопланади . Дастага 22 - 23 ичак парда боғланади . Илгариги торларда 17 - 19 пағонали тovuшқаторда боғланган пардалар бўлган . Ҳозирги тор эса 12 пағонали тovuшқаторга эга . Торда уч жуфт (ёки уч жуфт бир ёлғиз) асосий тор ва 2 та қўшимча тор бор . Озарбайжон торининг ноталари, ёзилишига нисбатан кичик секунда паст тovuш беради . , созланиши эшитилиши бўйича биринчи октавадаги ля, иккинчи октавадаги ре - диез, кичик октавадаги ре - диез, биринчи октавадаги соль ларга . Умумий узунлиги 800 - 900 мм . тор якка ҳолда, ансамблда ва оркестрда чалинади . 2 . Араб мамлакатларида кичик дойра тор дейилади .



292 . Тарелкалар (итал . piatti) - дойра шаклида мисдан ясалган урма асбоб . Тарелкалар бир жуфт бўлиб, улар бир - бирига уриб чалинади . Товуши баланд ва кескин, аниқ бир баландликка эга эмас . Кичик ё катта ноғора ёки литаврларнинг таёқчалари билан урилганда товуши бирмунча ўзгаради . Баъзи бир тарелкага икки таёқча билан уриб тремоло йўсинида чалиш ҳам мумкин . Бундай ҳолда тарелка осиб қўйилади ёки катта барабан устига ўрнаштирилади . Симфоник оркестр партитурасида Тарелкалар ноталари бир чизикда катта ва кичик барабанлар ўртасида ёзилади .



293 . Темир қомуз – варган туридаги тилли тирнама қирғиз халқ чолғу асбоби .

294 . Тенор чолғу асбоби – эркакларнинг юқори товуши регистрига тўғри келган чолғу асбоби . Тенор чолғу асбоби кўпроқ бир чолғу асбобининг ҳажман турлича ишланган турларидир . масалан, халқ чолғу асбобларидан русларнинг тенор - домраси, қозоқларнинг тенор - дўмбираси, ўзбекларнинг тенор дутори ва б .

295 . Тил (трость) - бир ё икки қаватли қамшдан ясалган ясси парча . Пуфлама ёғоч чолғу асбобларнинг кўпига тил қўйилиб чалинади .

296 . Тилча – тил ёрдамида чалинувчи мусиқа чолғу асбобларининг детали . Юпқа ва кичик пластинка бўлиб, чолғу асбобларининг чалинадиган томонига беркитилади . Пуфлаш ё уриш орқали тешик йўли очилиб - ёпилади . Натижада най бўшлиғидаги ҳаво тўлқинланади ва садо беради . Тилча юпқа бир пластинкачадан ё икки пластинкачани бирлаштирилгани ҳолда бўлади . Бир тиллиги – бир пластинкачадан иборат бўлиб, бу кларнет ва саксафонда бўлади . Икки тиллиги – икки кичик пластинкани бир - бировига уланишидан иборат бўлиб, буни чолғу асбобига тиқиб қўйилади . Уни гобой, фагот, сурнай, балабон ва б . шу каби чолғу асбобларда учратиш мумкин .

297 . Тимпан (юн . tympanon) - 1 . Мис тарелка туридаги қадимий урма чолғу асбоб . 2 . Кичик литавра шаклидаги қадимий чолғу асбоб .



298 . Тиргак, харак – торли чолғу асбобларда овоз берувчи устки қопқоқ билан тортилган торлар оралиғига қўйилган кичик бир ёғоч (чўп) . Харак тўлқинлар воситаси билан резонанс яшигига таъсир қилиб, товуш бериб торни чегаралайди .

299 . Тирноқ – дутор ва танбурларда тор боғлайдиган пастки ўрни . Бу атама кўпроқ Тошкентда қўлланилади .

300 . Тэцин – камончали қадимий хитой торли чолғу асбоби . Тэцин биздаги ғижжак тузилишида, лек дастаси узун . Умумий узунлиги 900 - 1000 мм . Тэцин Хитойда жуда кенг тарқалган чолғу асбоблардан бири, якка ҳолда ва оркестрда қўлланилади .

301 . Топшур - олтой халқининг торли тирнама чолғу асбоби . Топшурнинг косаси ёғочдан ўйилиб, дўмбира шаклида ишланади, қопқоғи тери ёки юпқа тахтадан тайёрланади, дастаси пардасиз бўлиб, иккита қил тор тортилади ва бу торлар кварта оралиғида соланади .



302 . Тор – 1 . Мусиқа чолғу асбобларига таранг қилиниб, тортиладиган ип, сим . Тор тўлқинлаштирилиши билан маълум баландликда садо беради . Тор ипакдан, ичакдан ва усти ўралган ё ўралмаган симдан бўлиши ҳам мумкин . Дуторда иккита ипак Тор тортилгани учун уни “дугтор” (икки тор) деб атаганлар . 2 . Чолғу асбоби тор Кавказда тар, деб юритилади .

303 . Торбан (итал . *Tiorba* - теорба) - бандура ва теорбага ўхшаш торли тирнама чолғу асбоби, бас (пастки) торлари, қўшимча қулоқлари билан бандурадан фарқ қилади . Торбандаги торлар сони 30 - 40 га қадар, XIX - асрнинг иккинчи ярмига қадар Польша ва Украинада қўлланилган .

304 . Торли квинтет – 1 . Торли камонча билан чалинадиган беш чолғу асбоблардан тузилган камер ансамбли, биринчи ва иккинчи скрипка, биринчи ва иккинчи альт ва виолончеллардан, ёки биринчи ва иккинчи виолончеллардан тузилиши мумкин . 2 . Беш чолғу асбоб, яъни Торли квинтет учун соната циклида яратилган мусиқа асари . 3 . Симфоник оркестрдаги камонча билан чалинадиган чолғу асбоблар тўдаси . Бунга биринчи ва иккинчи скрипкалар, альтлар, виолончеллар ва контрабаслар киради .



305 . Торли трио - 1 . Скрипка, альт ва виолончелдан тузилган камер ансамбли, биринчи ва иккинчи скрипка ва альтлардан ҳам тузилиши мумкин . 2 . Соната циклида уч чолғу асбоб, яъни торли трио учун ёзилган мусиқа асари .



306 . Транспозицияланувчи чолғу асбоблар – куй ижро этилганида нота ёзувида ёзилганига кўра паст ё баланд товуш берувчи чолғу асбоблар . Булар одатда бирор чолғу асбобнинг катта ва кичик турлари ишланиб чиқилганида пайдо бўлади ва умумий аппликатуралари бир хил бўлади . Товушлар эса шу чолғу асбобининг асли турига нисбатан паст ё баланд эшитилади . Ўқиш энгил бўлиши учун Транспозицияланувчи чолғу асбобларнинг ноталари аппликатурага кўра ва асосий чолғу асбобида эшитилишича ёзилади . Сози бундай чолғу асбобида ёзилганда до (с) товушининг эшитилишига кўра аниқланади . Масалан, ля (А) созидаги кларнет до (с) нотасини ижро этганида ля (а) товушини, яъни кичик терция (1,5 тон) паст товуш беради . Си - бемоль (В) созидаги труба до (с) нотасини чалганда, ёзилганига кўра катта секунда (бир тон) паст си - бемоль (в) товушини беради, фа созидаги валторна до (с) нотасини чалганда, ёзилганига кўра соф квинта (3,5 тон) паст ёки кварта (2,5 тон) юқори фа (f) товушини беради ва ҳ . к .

307 . Трёмбита - украин халқ пуфлама чолғу асбоби . Ёғочдан ясалган бу чолғу асбобида клапан ва вентиллар бўлмайдди . Трёмбитанинг узунлиги 3 метрга қадар, диаметри 30 мм . атрофида бўлиб, учи бироз (биздаги карнайдек) кенгайиб боради . Бу чолғу асбоби кўпроқ Закарпат чўпонлари орасида кенг тарқалган .



308 . Треугольник, учбурчак (итал . triangolo) - учбурчак шаклида эгилган урма пўлат асбоб, эркин ҳолатда осиб, темир калтакча билан уриб чалинади . Товуши юмшоқ, майин, лекин аниқ бир баландликка эга эмас, ноталари бир чизикда, дойра ва литавралар ўртасида ёзилади .



309 . Трио (итал . Trio - уч сўзидан) – 1 . Уч ижрочидан тузилган ансамбль . Агар ансамбль уч ашулачилардан тузилса терцет бўлади . 2 . Ҳар бир партияси мустақил бўлиб, уч ижрочига мўлжалланган мусиқа асари . Чолғу ансамбли мусиқасида фортепианолик трио кенг тарқалган, унинг таркибига скрипка, виолончель ва фортепианолар киради . 3 . Аниқ, равон ритмлар билан ёзилган уч қисмли марш, вальс ва б . , пьесаларнинг ўрта қисми . Одатда иккинчи қисм бошқа қисмларга нисбатан оҳиста, оҳангдорлиги, тарққий қилувчи мусиқа характери билан ажратилади . Трио номи ўтган асрда яратилган чолғу куйларидан келиб чиққан бўлиб, бунинг ўрта қисми уч чолғу асбобида, бошланғич ва тугалланувчи қисмлари эса бутун оркестрдаги ҳамма чолғу асбобларда ижро этилган .



310 . Тромбон (итал . Trombone - катта труба) мундштукли пуфлама мис чолғу асбоб . XV - асрдан бери маълум . Тромбонда қайрилиб келган 15 мм . ли найнинг умумий узунлиги 3 метр бўлиб, тугалланиш қисми - раструби тобора кенгайиб боради . Тромбоннинг чугтромбон деб аталган чўзилувчи ва вентиль турлари бор . Сопранодан – контрабасгача бўлган 6 турли Тромбон бор . Ҳозирда тенор, бас ва тенорбас Тромбонлар қўлланилади . Тромбоннинг баъзи турларига квартвентиль деб аталувчи махсус қўшимча қўшилади, унинг ёрдамида Тромбон садоси кварта пасаяди . Тенор –бас Тромбоннинг овоз ҳажми

контроктавадаги соль дан иккинчи октавадаги фа га қадар . Тромбонда ижро этиш санъати жуда тараққий қилган . Тембри ёрқин, сурдина ёрдамида юмшоқлантирилади . Симфоник оркестрида кўпроқ уч Тромбон қўлланилади . Тромбон партияси партитурада трубадан сўнг (пастда) ёзилади . Тромбоннинг умумий узунлиги 1200 мм . Ўзбекистон композиторлари ўзбек халқ чолғу асбобларидан карнай товушини бериш учун симфоник оркестрида Тромбондан фойдаланадилар .



311 . Труба (итал . tromba) - мундштук билан чалинадиган пуфлама чолғу асбоб . Труба қадим замонлардан бери маълум ва узоқ, вақт табиий чолғу асбоби бўлиб келган . Вентилли хроматик Труба XIX - асрнинг иккинчи чорагидан қўлланилган . Трубанинг уч тури бор:1) Труба - пикколо (катта терция ва соф кварта юқори), 2) альт - Труба (катта терция ва соф кварта паст), 3)бас - Труба (октава паст)лардир . Труба си - бемоль (В) созида қўлланиладики, ёзилганига нисбатан бир бутун тон паст садо беради, овоз ҳажми кичик октавадаги ми дан учинчи октавадаги до гача . Ноталар скрипка калитида, белгиларисиз эшитилишига нисбатан бир бутун тон юқори ёзилади, тембри ёрқин, чиройлидир . Сурдина ёрдамида садоси бирмунча юмшоқлаштирилади ва характери ўзгаради . Труба (мундштуксиз) 465 - 470мм, диаметри 11 мм . атрофида . Труба симфоник оркестрда 2 ё 3та бўлиб, уларда пуфлама мис чолғу асбобларидаги энг юқори садолар ижро этилади . Труба ноталари симфоник оркестр партитурасида валторна ва тромбонлар ўртасида ёзилади .



312 . Туба (итал . ва лот . Tuba - труба) - мундштук билан чалинадиган пуфлама чолғу асбоб . Пуфлама мис чолғу асбоблар ичида

Энг пастки садоларни беради . кварвентиль деб аталувчи тўрт вентиль ёрдамида натурал товушлар ярим, бутун, бир ярим ва икки тон пасайтирилади . Тубанинг овоз ҳажми контроктавадаги до дан биринчи октавадаги фа га қадар . Ноталар бас калитида эшитилганидек ёзилади . Туба садоси жуда кучли: керак бўлганда ваҳимали товушларни бериши ҳам мумкин . Симфоник оркестрда бир - икки Туба бўлиб, мис пуфлама чолғу асбобларидаги бас садоларини чалади, партитурада Туба ноталари пуфлама мис чолғу асбобларининг пастига ёзилади .



313 . Тулум – Озарбайжонда волинка шу ном билан аталади .

314 . Тюйдук, туйдук – пуфлама ёғоч туркман халқ чолғу асбоби .



315 . Урма чолғу асбоблар – махсус болғача, калитча ва шу каби нарсалар билан уриш орқали товуш берадиган чолғу асбоблари . Булар: а) маълум баландликка эга бўлган (литаврлар, ксилофон, колокол ва бошқалар); б) баландлиги ноаниқ (катта - кичик барабанлар, тарелка, учбурчак, там - там ва бошқалар) бўлиб, икки турга бўлинадилар . Урма чолғу асбобларининг жуда кўп турларини турли халқларда учратиш мумкин, масалан: ўзбек ва тожикларда дойра, ноғора, дўл, қошиқ, кайроқлар, уйғурларда сафойил ва бошқалар .



316 . Фагот (итал . Fagotto - тугун, боғлама) - пуфлама ёғоч чолғу асбоби, қайрилган узун трубага клапанлар ўрнаштирилган, “тилли” гобойдагидек . Фаготнинг икки асосий тури бор: бири оддий, иккинчиси контрафагот . Фагот XVI - асрдан бошлаб қўлланилган, у заранг дарахтидан ясалади . Найларнинг умумий узунлиги 2, 5 метр, ўзи 1350мм . 25 - 30га яқин тешикчаси бор, шундан 5 - 6 таси бармоқлар билан беркитиб, қолганлари клапанликдир . Фагот оркестрда XVIII - асрнинг биринчи ярмидан бошлаб қўлланила бошланди . Овоз ҳажми кенг (қарийб 3,5 октавага етади), контроктавадаги си - бемоль дан иккинчи октавадаги ми га қадар .

Ноталари бас калитида ва тенор калитларида, эшитилишига биноан ёзилади . Фаготнинг тембри ўзгача бўлиб пўнғиллаб чиқувчи товушни эслатади . Симфоник оркестрда икки (баъзан уч) Фагот қўлланилади . Оркестрдаги пастки товушларни янада мустақкамлаш учун композиторлар контрафаготдан ҳам фойдаланадилар . Айрим вақтларда субконтрафагот қўлланиладики, бу контрафаготга нисбатан октава паст товуш беради . Партитурада фагот ноталари кларнет партиялари тагига, яъни пуфлама ёғоч чолғу асбоблари гуруҳининг энг пастига ёзилади .



317 . Фансян - хитой халқ чолғу асбоби . Фансянда ёғоч рамкага қатор бир текис узунликда ва турли қалинликда бўлган темир ёки тош парчалари – пластинкалар ўрнаштирилган бўлади . Булардан турлича

баланд - паст товушлар чиқади ва маълум мусиқа товушқатори ҳосил бўлади . Пластинкаларнинг узунлиги 230 - 260мм, кенглиги 50 - 60 мм . Энг пастки товуш берадиган пластинканинг қалинлиги 10мм атрофида . XVIII - асрда Фансян халқ ўртасида жуда кенг тарқалган . “Яюэ” (“нафис мусиқа”) номи билан аталган сарой оркестрларида қўлланилган .



318 . Фисгармония (юн . phusa - дам, босқон, harmonia - гармония) – гармоника туридаги клавишли чолғу асбоби . Фисгармониянинг гармоникадан фарқи ижро этилишидадир . Фисгармонияни ижро этувчи оёқлари билан педални босиб, махсус босқонга ҳаво тўплайди . Фисгармониянинг ташқи кўриниши пианино ва челестани эслатади, у XIX –асрда ишланган . Ҳозирги вақтда Фисгармониянинг катта - кичик турлари мавжуд, баъзан улар бир неча клавиатуралар билан таъминланади.

319 . Флажолет (фр . Flageolet - найча) - 1 . Найга ўхшаш ва шу шаклдаги пуфлама чолғу асбоб . Флажолетда 16 та ён тешикчалар бор . Флажолет кўпроқ Францияда тарқалган . XIX - аср бошларида Флажолет қайта ишланиб, опера ва симфония оркестрларига қўшилади . 2 . Торли чолғу асбобларда бармоқни торлар устидан енгил босиш йўли билан ниҳоятда ингичка товуш чиқазиш . Бундай ҳолда ҳуштак товушидек садо эшитилади . Чолғу асбобини Флажолет йўли билан чалиш лозим бўлса, ноталар устига **0** ёки \diamond белгиси қўйилади . Флажолет кўпроқ камонча билан чалинадиган чолғу асбобларда, баъзан, тирнама чолғу асбоблардан арфада қўлланилади . 3 . Илгари кичик флейта Флажолет номи билан аталар эди .

320 . Флейта (итал . Flauto, лот . Flatus - шамол, шамол эсиши) - пуфлама ёғоч чолғу асбоби бўлиб, махсус ёғочдан най шаклида ишланган, баъзан металлдан, ҳатто, ойнадан ҳам ясалади . Флейта най чалгандек чалинади . Бармоқлар билан беркитиладиган тешиклардан ташқари ҳар доим берк турувчи (керак вақтларда очилувчи) клапанли механизмлари бор . Флейтанинг тўрт тури бор: катта Флейта, кичик Флейта, альт Флейта, бас Флейта . Катта Флейта (итал . Flauto grande) асосий бўлиб,

унинг овоз ҳажми уч октавага бориб етади (кичик октавадаги си ё биринчи октавадаги до дан тўртинчи октавадаги дога қадар ва ундан ҳам юқорироқ бўлиши мумкин) . Ноталар скрипка калитида эшитилгани бўйича ёзилади . Тембри очик, равшан, юқори товушларда эса кескин . Флейтада ижро этилиши мураккаб бўлган мусиқа асарини энгиллик билан чалиш мумкин, симфоник ва духовой оркестрларда қўлланилади, пуфлама ёғоч чолғу асбоблари билан турли камер ансамблларга ҳам киритилади . Симфоник оркестрда катта - кичиклигига қараб бирдан тўртгача Флейта бўлади . Флейта пиккола деб аталувчи кичик Флейтанинг овоз ҳажми (ёзилиши бўйича) биринчи октавадаги ре дан учинчи октавадаги си - бемоль га қадар бўлиб, октава юқори садо беради . Альт Флейтанинг овоз ҳажми (ёзилиши бўйича) биринчи октавадаги до дан учинчи октавадаги фага қадар бўлиб, кварта ё квинта паст садо беради . Бас Флейтанинг овоз ҳажми (ёзилиши бўйича) кичик октавадаги си дан учинчи октавадаги фа га қадар бўлиб, октава паст садо беради .



321 . Флейта пиккола – кичик флейта .



322 . Флуэр – найга ўхшаш, молдаван халқ пуфлама чолғу асбоби .



323 . Фортепиано (итал . Forte - баланд, piano - паст, секин) - торли - клавишли урма чолғу асбоби . Италияда Бартоломео Кристофори (1709 - 1711 йилларда) уриб чалинадиган механизмларни ўйлаб топиб ясаган . Унга қадар мавжуд бўлган клавишли клавесинга нисбатан ижро этишдаги техник қулайликларнинг кенгайиши, динамик имконият туғилиши Фортепианонинг кенг тарқалишига сабаб бўлди, клавесинда товушлар торларни тирнаш йўсинида олинса, Фортепианода торларга ёғоч болғачалар билан уриб олинади . Товушлар фақат узок муддат чўзилиш имкониятига эга бўлибгина қолмай, жуда секиндан жуда қаттиққа қадар турли товушлар олиш имконияти бор . Фортепиано XVIII - асрнинг охирларига келиб клавесин ва клавиқордларни деярли бутунлай, амалиётдан чиқаради . XIX - асрнинг ўрталарига қадар мукаммаллаштирилади . Фортепианода хроматик тартибда товуш берувчи 90 дан ортиқ тор бор . Торлар садоси чапдан ўнгга томон баландлашиб боради . Паст ва ўрта садо берувчи торлар йўғон симлардан бўлиб, энг пастки садолар биттадан, ўрта садоларда иккитадан (улар унисон созланади) ва юқори садоларда учтадан (бу ҳар учала тор унисон созланади) бўлади . Керакли клавишлар босилиши билан унга хос болғачалар симга урилади ва садо беради . Бармоқлар клавишдан кўтарилиши билан демпферлар товуш чўзимини тўхтатади . Пастдан чап педални оёқ билан босилса, садо кучи пасаяди . Ўнг педални босилганида садо чўзилади ва кучаяди . Фортепианода якка овоздан кўповозли турли мураккаб аккордларни чалиш имконияти бор . Ҳажми етти октавани ўз ичига олади, яъни субконтроктавадаги лядан - тўртинчи октавадаги ля га қадар . Баъзи Фортепианодиапазони пастда субконтроктавадаги фа дан юқорида бешинчи октавадаги до га қадар бўлади . Шунга кўра, Фортепианодан якка, ансамблда ва оркестрда кенг фойдаланадилар .



324 . Фортепиано ансамбли - икки Фортепианодан тузилган ансамбль ва Фортепиано ҳамда турлича чолғу асбобларидан тузилган трио, кватрет ва б . камер ансамбллари .

325 . Фортепиано дуэти – 1 . Икки Фортепианода ижро этишга мўлжаллаб ёзилган мусиқа асари . 2 . Икки пианиночидан тузилган ансамбль .

326 . Фортепиано кватрети – 1 . Скрипка, альт, виолончель ва Фортепианодан тузилган камер ансамбли бўлиб, камдан - кам қўлланилади . 2 . Соната шакли циклида мазкур ансамбль учун яратилган мусиқа асари .



327 . Фортепиано квинтети – 1 . Торли камонча билан чалинадиган тўрт чолғу асбоби (биринчи ва иккинчи скрипка, альт, виолончель) ва Фортепианодан тузилган камер ансамбли . Фортепиано квинтети бошқа чолғу асбоблардан ҳам тузилиши мумкин . 2 . Соната шаклида цикли мазкур ансамбль учун яратилган мусиқа асари .



328 . Хавал, гавал - 1 . Барабан туридаги Доғистон халқ чолғу асбоби . 2 . Озарбайжон ва Арманистонда қўлланиладиган урма халқ чолғу асбоби . Хавал биздаги дойрага ўхшаш тузилишда .



329 . Халқ чолғу асбоблари - халқлар ўртасида кенг тарқалган чолғу асбоблар . Ҳар бир халқнинг ўзига хос Халқ чолғу асбоблари - торли, пуфлама ва урма турлари бор, русларда – домбра, балалайка, гусли, жалейка, баянлар, украинларда – бандура, кавказларда – тар, саз, италянларда – мандолина, испанларда – гитара . Ўзбек Халқ чолғу асбоблари ҳам ниҳоятда ранг - баранг бўлиб, улар қаторига - най, дўмбира, дутор, танбур . Сато, ғижжак, чанг, қўшнайн, карнай, сурнай, ноғора, дойра ва б . киради . Халқ мусиқа маданиятининг тобора тараққий қилиб бориши билан Халқ чолғу асбоблари ҳам такомиллашиб бормоқда . Булардан айримлари ўзгартирилиб талабга жавоб берарли ҳолда келтирилган бўлса, айримлари талабга жавоб бера олмай, ўз - ўзидан йўқолиб боради . , ўрнига янгилари пайдо бўлади . Ҳозирги симфоник ва духовой оркестрлардаги чолғу асбоблар байналминал чолғу асбоблардир . Уларнинг аксарияти Халқ чолғу асбобларининг қайта ишланган, такомиллашиши натижасида юзага келган . Ҳар бир халқ ўзининг Халқ чолғу асбобларидан турли ансамбль ва оркестрлар тuzган .

330 . Халқ чолғу асбоблари оркестрлари - халқ чолғу асбобларидан тузилган оркестрлар . Бир турли асбоблар (фақат домралар, бандуралар, мандолиналар, рубоблар ва б .) ёки аралаш (турли халқ чолғу асбоблари)дан тузилиши мумкин . Узоқ вақтлардан бери турли миллатларда Халқ чолғу асбоблари оркестрлари халқ мусиқаси ва рақсларини ижро этиб, сақлаб келган . Бундай ансамбллар деярли ҳамма халқларда мавжуд . Масалан, Россиядаги энг йирик В . В . Анедреев номидаги Рус Давлат Халқ чолғу асбоблари оркестрлари . Беларус Халқ чолғу асбоблари оркестрлари, Қурмонғози номидаги Қозоқ Давлат Халқ чолғу асбоблари оркестрлари ва бошқалар . Ўзбек Халқ чолғу асбоблари оркестри 1936 йил ташкил топган .



331 . Харак – торли чолғу асбоблар (дутор, танбур, ғижжак, чанг ва б . лар)да пардани коптоқ (дека)дан юқорирак кўтариб турувчи махсус ёғоч парчаси . Ҳар бир чолғу асбобининг харак турли шаклда бўлиб, турлича баландликда ўрнатилади .

332 . Хас парда – танбур, баъзан дуторларга қўйиладиган қўшимча парда, юқори садоларни олиш учун қўлланилади .

333 . Хийуканнель – камончали эстон халқ чолғу асбоби . Хийуканнельда тўртта тор бўлиб, скрипкани эслатади . Хийуканнель тиззага қўйиб эгилган камонча билан (биздаги ғижжак тартибида) ижро этилади .



334 . Хордофонлар - садо берувчи тор .

335 . Хорипайн (инг . Hornpipe, horn - шох ва pipe - труба) - 1 . Пуфлаб чалинадиган инглиз халқ пуфлама чолғу асбоби . 2 . Халқ чолғу асбоби жўрлигида ижро этиладиган инглиз халқ ракси .



336 . Хромка (рус) – диатоник гармониканинг кенг тарқалган турларидан бири . Хромканинг ўнг қўл бармоқлари билан босиш учун 23 ва чап қўл учун 12 клавиши бор . Мешни кичрайтиш ва кенгайтишда хроматик гармоникадек бир хил баландликдаги товуш беради (хромка номи шундан олинган) . сўнгги вақтларда ҳар икки қўлда 15 тадан клавишга эга бўлган хромка кенг тарқалган .



337 . Хулушен – пуфлаб чалинадиган хитой халқ чолғу асбоби . Хулушен махсус қовоқдан ясалади . Қовоқнинг кенг доира шаклидаги қисми . Хулушенни “коса”си узун, тор қисми эса бўғиз ва мудштук хизматини бажаради . “Коса”га бамбукдан тайёрланган узун - қиска трубалар ўрнаштирилади . Бу трубаларнинг энг узуну 500 мм . га қадар бўлади . Хулушеннинг халқ орасида тарқалган ибтидоий тури Шэн деб аталади .

338 . Хулэй - тирнаб чалинадиган хитой торли чолғу асбоби, биздаги дутор тузилишида . Пипа асосида ясалган . Хулэйнинг умумий узунлиги 900 - 1000 мм, қопқоғининг кенглиги 200 - 210 мм . Хулэйга иккита тор тақалади, бунинг катта ва кичик турлари бор . Каттаси – духулей ёки тандахулей, кичиги сяохулей ёки тансяхулей деб аталади .

339 . Хур (мўғ . хуур) - торли камонча билан чалинадиган мўғил чолғу асбоби . Хуурнинг бир неча тури бўлиб, морнхур, хучир деб аталувчи тури кенг тарқалган . Хуурнинг катта - кичик турлари (сопрано, тенор, альт, бас ва контрабаси) яратилган . Уларнинг торлари квинта оралиғида созланади . Фақат хуурнинг контрабас турлари квартага созланади .



340 . Хуцинъ – камонча билан чалинадиган хитой халқ торли чолғу асбобларининг ҳаммаси шу ном билан юритилади . Хуцинъ кўпроқ эрху деб ҳам юритилади .



341 . Хучир (мўғил . хуучир) - камонча билан чалинадиган мўғил торли чолғу асбоби . Хучирнинг косаси цилиндр ёки кўп бурчакли шаклда бўлади . Косасига тери қопланади . 2 . Жуфт ипак ёки сим торлар тортилади . Бу торлар квинта оралиғида созланади . Овоз диапозони кичик октавадаги ре дан биринчи октавадаги ре га қадар . Хуучир турлича катта - кичликда бўлади .



342 . Цзинху – камонча билан чалинадиган хитой торли чолғу асбоби . Умумий узунлиги 400 - 500мм . дастлабки даврларда бу чолғу асбоби эрхуни хуцинъ деб ҳам атаганлар . Цзинху эрхудан фақат кичиклиги билан фарқ қилади . Кейинчалик бу чолғу асбоб Пекин мусиқа драмасида асосий соз бўлиб қолганидан сўнг Цзинху номи билан атала бошланди .



343 . Цимбала – (венг . cimbalon) - чанг шаклида ясалган ва шу тартибда ижро этиладиган чолғу асбоб, торлар икки қисмдан иборат, биринчиси одатда чолғу асбобларига тортилган торлардек тортилиб, иккинчиси қопқоғининг ўртароғига қўйилган узун харак устидан ўтади, хар бири ўзига хос (бир - биридан квинта оралиғида фарқ қилувчи) товуш беради . Цимбала кўп торли, жуда қадимий чолғу асбобларидан бўлиб, Шарқ халқлари ўртасида келиб чикқан . Ғарбий Европада, Венгрияда кенг тарқалган . Цимбала товушқатори хроматик тузилган бўлиб, овоз ҳажми кенг, катта октавадаги ре дан учинчи октавадаги ми га қадар . Ноталари бас ва скрипка калитларида ёзилади . Цимбала якка ҳолда ва оркестрда қўлланилади . Венгрия, Польша, Руминия, Беларус, Украина, Молдава ва б . халқ асбоблари оркестри таркибига киради .



344 . Цинь – Хитойда торли - камонли чолғу асбоблар шу ном билан аталади . Торли тирнама чолғу асбобларидан цисьянцинни қисқартиб цинь деб юритилади .



345 . Циньцинь – тирнаб чалинадиган хитой чолғу асбоби .



346 . Цистра - қадимий торли тирнама чолғу асбоб, мандолинага ўхшаш, 5 - 12 жуфт тор тортилади . Ғарбий Европа мамлакатларида тарқалиб, XIX - аср бошларида унинг ўрнини гитара эгаллади .



347 . Цисяньцин - цитрага ўхшаган тирнаб чалинадиган қадимий чолғу асбоби . Цисяньцинга 7 та тор тақилади (чолғу асбобига қўйилган ном шу маънода, яъни етти торли цинь маъносида) . Цисяньциннинг узунлиги 1000 мм ва ундан кўпроқ бўлиб, кенглиги 200 мм атрофида . Цисяньцин рангли қаттиқ дарахтдан ясалиб, бир неча марта лак билан бўялади . Қопқоқ устига 13 та доира шаклидаги кичик чиғаноқ ёки тилла ўрнаштирилади . Булар парда вазифасини бажарадилар . Цисяньцин идро қилинганида мусиқа асарининг лад тоналлигига кўра турлича соланади . Кенг тарқалган турида 7 та тор бор . Цисяньциннинг овоз хажми катта октавадаги до дан учинчи октавадаги ре га қадар .



348 . Цитра - (нем . Zither, юн . Kithara - кифера) - чангга ўхшаш торли тирнама чолғу асбоб, корпусининг ён қисмида темир пардалар

ўрнатилган . Цитра бармоқлар ҳамда плектр билан чалинади . Цитра турли катта - кичикликда бўлади . Хроматик товушқаторида 30 та парда бор . Пардалар устидан 5 та, ён томонидан 27 - 37 та тор тортилади . Цитра Мюнхен ва Вена номлари билан аталувчи икки турда созланади . Цитра ўтирилган ҳолда ижро этилади, товуши юмшоқ, майин, камонча билан ижро этиладиган 4 торли Цитра ҳам бор . Цитра жуда кўп халқлар ўртасида . Айниқса, Австрия ва Германияда кенг тарқалган .



349 . Циттромбон – (цуг - бирин - кетин, қатор) - мундштугли пуфлама мис чолғу асбоби, тромбон тури товушининг баланд - пастлиги учун унга уланадиган цуг деб аталувчи тирсакка боғлиқ . Циттромбоннинг бир неча тури бўлиб, энг кўп тарқалган тенор Циттромбон, бунинг овоз ҳажми катта октавадаги ми дан иккинчи октавадаги ре га қадар .

Циттромбоннинг тенор – бас, сопрано, альт - бас ва контрабас турлари бор .



350 . Чагана - торли камонча билан чалинадиган Доғистон халқ чолғу асбоби, скрипка шаклида бўлиб, қопқоқ ўрнига тери қопланган . Виолончелдек чалинади .



351 . Чанг - 1 . Ўрта Осиё халқларининг қадимий урма чолғу асбоби . Садоси баланд бўлгани учун илгарилари фақат чолғу куйларини ижро этишда ансамблга қўшганлар, чунки давомли жарангловчи садоси ашулани “бузган” . Чангнинг унисонга созланган учтадан тори бўлиб, овоз ҳажми катта октавадаги соль дан иккинчи октавадаги ми га қадар . Илгарилари халқ ўртасида қўлланилган Чангнинг товушқатори диатоник тартибда бўлган . Ноталари эшитилишига нисбатан октава юқорида, скрипка калитида ёзилади . Чанг резинка қопланган махсус ингичка чўп билан уриб чалинади . XVII - асрда яшаган мусиқа олими Дарвишали Чангий Чангнинг жуда қадимий чолғу асбоблиги ва ундан касалларни даволашда фойдаланилганини ёзган . Ҳозир Чанг қайта ишланиб, товушқатори хроматик, яъни ярим тонлик қилинган . Ижрочининг ўтириб чалишига қулай бўлиши учун винтлар ўрнатилган оёқлари бор . Давомли садони йўқотиш учун махсус педаль ишланган . Оркестрда чалиш учун Чангнинг катта - кичик (пиккола, прима ва бас) турлари ишлаб чиқилган .



352 . Чанги - арфа туридаги торли тирнама грузин халқ чолғу асбоби . От думи ёки ипақдан қилинган 6 та ва ундан кўп тори бор . Кўп тарқалган 6 торли бўлиб, ундан ашулага жўр бўлишда фойдаланилади .



353 . Чангчи - чангда ижро этувчи созанда .

354 . Чангқобуз, Чангқовуз - икки лаб орасида қўйилиб, ўнг қўл бармоқлари билан чалинадиган чолғу асбоби . Темирдан қилинган айланма рамка оралиғида пўлат тил ўрнатилган, чалганда бармоқлар билан тилни ҳаракатга келтирилиб, тўлқинлантирилади . Оғиз бўшлиғи товуш

берувчи резонанс хизматини бажаради ва октава ҳажми оралиғида товуш беради . Чангқобуз Марказий Осиё халқлари хотин - қизлари орасида кенг тарқалган . Ёқут халқларида эркаклар ҳам Чангқобуз чалади, улардан ансамбль тузилган .

355 . Чанго – барабан туридаги уриб чалинадиган корейс халқ чолғу асбоби .



356 . Чағона, чеғане - ўтмишда Яқин ва Ўрта Шарқда тарқалган, удга ўхшаш чолғу асбоби .

357 . Челеста (итал . Ва фр . Celistra - мулойим, ажойиб) - клавишли урма чолғу асбоби . XIX - асрда қайта ишланиб, кичик пианино шаклига келтирилган . Ёғоч резонатор қутига металл (баъзан ойна) пластинкалар маълум бир созда, муайян тартиб билан ўрнаштирилади, клавишлар ёрдамида болғачалар билан уриб садо чиқарилади . Челеста фақат паст садо беради, симфоник оркестрда жуда секин ва мулойим товушларни беради . Овоз ҳажми биринчи октавадаги до дан бешинчи октавадаги до га қадар .

Челеста ноталари эшитилишига нисбатан октава пастда ёзилади . Шунга кўра ноталар фортепианоникидек бас ва скрипка калитларида ёзилади . Симфоник оркестр партитурасида Челеста ноталари ксилофондан пастда, арфадан юқорида ёзилади .



358 . Ченг – ўтмишда Ўрта Осиё, ҳозир Озарбайжонда тарқалган арфасимон торли тирнама халқ чолғу асбоби .



359 . Чертма чолғу асбоблар - бармоқлар билан чертиб ёки мизроб, нохун ёрдамида чалинадиган торли чолғу асбоблар . Улар қаторига арфа, бандура, балалайка, гитара, гусли, домбра, дутор, танбур, рубоб, тор, қонун, мандолина, уд, соз ва б . лар киради . Торли - камончали чолғу асбоблар (скрипка, альт, виолончель, контрабас)ни пиццикато йўсинида ижро этилганда ҳам торлар чертилиб чалинади .



360 . Чжен - тирнаб чалинадиган гусли туридаги хитой торли чолғу асбоби . Қадимдан қўлланиб келинган бу чолғу асбоби ҳозирги вақтда ҳам кенг тарқалган . Чжен оркестрда ва якка соз ҳолида ҳам қўлланилади . Узунлиги 1200 мм га қадар бўлиб, кенглиги 200 мм атрофида . Чженга 13 дан 16 га қадар тор тақилади . Ҳар бир тор учун алоҳида харакча бўлади .



361 . Чи, чиб – найга ўхшаш қадимий хитой чолғу асбоби, бамбук ёки қамишдан ясалади . Чининг беркитилган томонида пуфлаш учун бир

тешик бўлиб, баланд - паст садолар чиқазиш учун ён томонга 3 - 5 та тешик бор, узунлиги 500 мм атрофида .



362 . Чианури - торли камонча билан чалинадиган ғижжак шаклидаги гуржи халқ чолғу асбоби, торлари кварта оралиғида соланади . Чианурида одатда ашулага жўр бўлишда қўлланилади .



363 . Чибони - Ажарияда волинка шу ном билан аталади .



364 . Чилдирма – дойра .



365 . Чимпой – Молдавияда волинка шу ном билан аталади .

366 . Чиндаул, довул – ноғорага ўхшаш шаклда, корпуси металлдан ясалган ўзбек халқ урма чолғу асбоби . Чиндаулнинг уриб чалинадиган қисмига тери қопланган . Корпусининг баландлиги 150 мм бўлиб, қопқоқ

юзи 250 мм чамасида бўлади . Илгарилари Чиндаул ҳарбий чолғу асбоби тариқасида қўлланилган . Ҳозир бу чолғу бутунлай ишлатилмайди .



367 . Чолғучи - мусикачи, созанда, мусика чолғу асбобларида ижро этувчи .

368 . Чонгури – гуржи ва ажир халқларининг торли тирнама чолғу асбоби, козоқ дўмбираси шаклида бўлиб, 14 - 15 та боғланган пардаси бор, 2 ва 4 та ипак тор тақилиб, улар турлича соланади . Чонгури халқ ансамблларида ашула ва рақсларга жўр бўлади, баъзан якка соз сифатда ҳам фойдаланилади .



369 . Чинури – камонча билан чалинадиган гуржи халқ торли чолғу асбоби, 3 та тори бўлиб, терция, секунда ва квартага соланади . Чинури ашула ва рақсларга жўр бўлади, баъзан ёлғиз ўзида ҳам ижро этилади . Чинури гижжакдек тиззага қўйиб чалинади .



370 . Шайтон харак - дутор ва танбурдаги дастанинг юқори қисмига қулоқлардан сўнг мустаҳкам ўрнаштирилган харак .

371 . Шаппар, сарнай - Чувашистонда волинка шу ном билан аталади .



372 . Шарманка - орган туридаги чолғу асбоби, клавишлар ўрнига кўл билан айлантирадиган махсус механизм ўрнаштирилган . Шарманка кичик бир қутидан иборат бўлиб, бунинг ичига овоз берувчи турли найлар ўрнаштирилган . Бир неча мусиқа пьесалари айрим валикларга ёзилиб, яшикка жойлаштирилган . Шарманка Ғарбий Европада XVIII - аср бошларида пайдо бўлиб, тез вақт ичида кўча созандаларининг сеvimли чолғу асбоби бўлиб қолади . Россияда XIX - асрда тарқалган .



373 . Шаштор – олти торли танбурнинг бир тури .

374 . Шуанцин - чертиб чалинадиган хитой торли чолғу асбоби бўлиб, жуаннинг бир тури . Дастаси ўзгармайдиган 13 та пардаси бор .



375 . Шувыр - Мариларда волынка шу ном билан аталади .

376 . Шэмамэ – найсимон қадимий чолғу асбоби . XVII - асрда яшаган Дарвешали Чангий ўзининг “Рисолаи мусиқа” асарида бунинг иккинчи номини мусиқор деб атайди .



377 . Шэн – пуфлаб чалинадиган тилли хитой халқ чолғу асбоби Шэннинг корпуси (“коса”си) пиёла шаклида ёғоч ёки мисдан бўлиб, бунга бамбукдан ясалган 17 та узун - қисқа трубалар ўрнаштирилган . Бу трубаларнинг “коса”га ўрнаштирилган уч қисми бурчак шаклда кесилиб, бунга бронзадан ясалган юпқа “тил” ўрнаштирилади . Бу “тилча”дан 40 - 50 мм юқориликда бармоқ билан беркитилиши учун кичик тешикча қилинади . Агар Шэнда ижро қилиш вақтида бир йўла бир неча тешикчалари беркитилса, аккорд товушлари ҳосил бўлади . Одатда Шэнда ижро этилганда якка товушдан кам фойдаланиб, кўпроқ икки, уч, тўрт хатто бундан ҳам ортиқ товушлар бир йўла чиқазилади . Шэндаги 17 трубадан 13 таси товуш берувчи трубалар бўлиб, қолган тўрттасидан товуш чиқмайди (одатда, 1, 9, 16 ва 17 - трубалардан товуш чиқмайди .) . айрим Шэнларда 17 та трубанинг ҳаммаси товуш беради . Кенг тарқалган 13 та товуш берувчи трубали Шэн ишлатилади .

Корпус тузилиши катта - кичиклигига кўра, Шэннинг тўрт бурчакли, думалок, катта ва кичик турлари бўлади . Баъзан Шэннинг корпуси қовоқдан ҳам ясалади . Қадимги чолғу асбобларидан ҳисобланган Шэн, ҳозирги вақтда ҳам халқ орасида кенг тарқалган . Шэн ансамбль ва оркестрларда қўлланилганидек, ундан якка соз сифатда ҳам фойдаланилади . Катта Шэннинг умумий узунлиги 800 мм (дашен деб ҳам аталади .) . ўртачаси 430 мм (чжуншэн деб аталади) . Кичиги 405 мм (сяошэн деб аталади) .



478 . Эмиритон – электрлаштирилган мусика чолғу асбоби, фортепиано клавиатурасидек клавишлар билан таъминланган . Эмиритон 1930 - йиллар ўртасида рус ихтирочилари томонидан яратилган . Эмиритон сўзи “электрический музыкальный инструмент” сўзининг қисқартирилган, икки конструктор (В . А . Римский - Корсаков ва А . А . Иванов)нинг фамилияси ва “тон” сўзининг қўшилишидан тузилган .



479 . Эрху – камончали хитой торли чолғу асбоби . Умумий узунлиги 800 - 900 мм . Эрху Хитойда энг амалий чолғу асбобларидан бўлиб, якка ҳолда, ансамблда ва оркестрда қўлланилади . Фақат созандагина эмас, балки ҳаваскор ҳам чолғучилар ўртасида ҳам кенг тарқалган . Эрхунинг “коса”сига илон териси қопланади . Эрхуга иккита тор тақилади, булар турлича соланади . Кўп қўлланиладиган соз - квинта оралиғида, яъни биринчи октавадаги ре ҳам ля товушларига соланади . Овоз ҳажми биринчи октавадаги ре дан тўртинчи октавадаги ре га қадар .



480 . Юэцинъ - тирнаб чалинадиган хитой торли чолғу асбоби . Юэцинъ мустақил чолғу асбоби бўлмай, жуань чолғу асбобининг бирмунча ўзгартирилган тури . Ҳозирги вақтда Юэцинъ кенг тарқалган чолғу асбобларидан бири . Юэцинънинг “коса”си думалоқ доира шаклида бўлиб, қаттиқ ёки рангли ёғочдан ясалади . Дастаси қисқа, 4 та тори бўлиб, булар бир жуфтдан соланади . Қопқоғи юпқа тахтачадан ясалади .

Доимий ўрнаштирилган 9 та пардаси бўлиб, булардан 6 таси қопқоғига ўрнаштирилган . Юэцинь қуйидагича соланади: ре - ре; ля - ля .



481 . Якка нохун, якка зарб – бир зарб маъносида . Халқ чолғу асбобларидан танбурда нохун билан торга пастдан юқорига ё юқоридан пастга бир марта уриш, ижро усули .

482 . Яогу - мембранали хитой халқ урма чолғу асбоби . Икки томонига тери қопланган, ижрочи уни бўйнига осиб, кичик калтакча билан уриб чалади . Одатда яогу ижрочиси бир вақтда рақсга ҳам тушади .



483 . Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри – узоқ даврлардан бери халқ ўртасида қўлланилиб келган миллий чолғу асбобларидан 1936 йил тузилган Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, ундаги халқ чолғу асбобларининг кўпчилиги қисми температура қилиниб, катта - кичик турлари ишлаб чиқилди: катта – кичик чанглар; катта - кичик рубоб ва дуторлар, ниҳоят дойра ва ноғоралардир .



484 . Қайроқ – Ўрта Осиё халқлари ўртасида тарқалган урма мусиқа асбоби . Япалок, текис қилиб силлиқланган тўртта қайроқ тошдан иборат, улар ҳар бир қўлга бир жуфтдан ушланиб, силкитиб ё титратиб чалинади . Одатда, қайроқни рақсга тушувчининг ўзи чалади .



485 . Қарс – икки қўлнинг бир - бирига ёки тиз чўкиб ўтирганда тиззага урилишидан чиққан товуш . Қарс ашула билан ёки усиз рақсга ритмик жўр бўлади .



486 . Қобиз, қовуз - торли камонча билан чалинадиган қозоқ халқ чолғу асбоби, ўйилиб ишланган коса, бўғиз ва дастаси бир бутун ёғочдан ясалади, косанинг пастки қисмига туя териси қопланади, от думининг ўралган иккита тор тақилади . Бу торлар кварта оралиғида соланади . Қобиз дастаси ва косаси эгиб ясалгани учун чалиш вақтида бармоқлар билан торлар босилганида дастага тегмайди . Натижада Қобизда дўнғиллаган товуш чиқади . Овоз ҳажми икки октавага яқин . Умумий узунлиги 700 мм . Қурмонғози номидаги қозоқ халқ чолғу асбоблари оркестри таркибини мукаммаллаштириш мақсадида Қобизнинг прима, альт, бас ва контрабас турлари ишлаб чиқилган . Қайта ишланган Қобиз

торлари уч ва тўртга қадар кўпайтирилган . Қобиз якка ҳолда, ансамблда ва оркестрда чалинади . Қобиз Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида ҳам учрайди ва қўбиз деб аталади . 2 . Туркменистондан қўлланиладиган варган туридаги тилли, чолғу асбоб .

487 . Қобирға - дуторнинг косаси айрим юпқа тахтачаларнинг бир - бирига уланишидан тузиладигани, мана шу кичик тахтачалар “қобирға” деб ҳам аталади .

488 . Қобузчи - қозоқ чолғу асбоби – қобузчи чалувчи созанда .

489 . Қозма - баъзи торли ўзбек халқ чолғу асбоблари танбур, ғижжак косасининг бир бутун ёғочдан ўйиб ишлангани . Айрим вилоятларда дутор косаси ҳам қозма бўлади . Сўнгги йилларда дутор, танбур ва ғижжакларнинг косаси фақат “қобирға”лардан ясалади . Шунинг учун ҳам қозма дутор, қозма танбур ва қозма ғижжак атамалари қўлланилади .

490 . Қозма дутор – косаси ва бўғзи бир бўлак тут ёғочдан ўйилиб ишланган дутор . Қозма дутор Туркменистон, қисман, Хоразм ва Самарқандда тарқалган .



491 . Қомуз (қобуз) - тирнама халқ чолғу асбоби, танбур шаклида бўлиб, узунлиги 850 мм . га яқин . Қомузда учта тор бўлиб, булардан биринчи тор – унисон, ўртадагиси, яъни иккинчи тор эса кварта ё квинта юқори соланади . Қомуз ёлғиз чалинади, ашулага ҳам жўр бўлади . Қомузнинг оркестрга қўшилган катта - кичик турлари бор .



492 . Қонун - чангга ўхшаш қадимий мусиқа асбоби . У бармоқлар билан тирнаб чалинади . XVII - асрда Дарвишали Чангий ёзиб қолдирган

“Рисолаи муסיкий”да Қонуннинг қадимий чолғу асбобларидан эканлиги қайд этилган .



493 . Қопқоқ (нем . Decke - дека) - торли чолғу асбобларида коса (корпус) устига ёпиладиган юпқа қопқоқ бўлиб, торлардан тўлқинланиб чиққан товушни кучайтириб беради . Қопқоқ скрипка туридаги чолғу асбобларида икки томонлама бўлиб, у юқори ва пастки Қопқоқ дейилади . Дутор . Танбур туридаги ўзбек халқ чолғу асбобларида фақат битта Қопқоқ бўлади . Ўзбек халқ чолғу асбобларида Қопқоқ кўпроқ сояда қуририлган тут дарахтидан юпқа қилиб, ясалади .

494 . Қошиқ - икки оддий ёғоч қошиқдан иборат бўлиб, урилиб чалинадиган халқ чолғу асбоби . Қошиқларни бир - бирига уриш билан аниқ ва жарангловчи товуш ҳосил қилинади . Илгарилари Қошиқга қўнғироқчалар бойланган .



495 . Қубыз - варган туридаги бошқирд ва татар тилли тирнама чолғу асбоби . Бошқирдларда ёғочдан ясалган варган ҳам шу ном билан аталади .

496 . “Қулок” - торли чолғу асбобларидан торларни тортиб турувчи ёғоч ёки темир деталь . Чолғу асбобини созлашда қулокни бураш йўли билан торни таранг қилиш ё бўшатиш мумкин . Натижада товуш баланд ё паст бўлади .

497 . Қурай – най шаклидаги пуфлама бошқирд ва татар халқ чолғу асбоби . Баланд - паст товушлар чиқариш учун уст томонда битта тешик бор . Пуфланадиган томони йўғонроқ . Узунлиги 600 - 700 мм, ҳатто

1000 мм . лик турлари ҳам бўлади . Устки диаметри 15 - 20 мм . Қурай қамишга ўхшаш махсус ўсимликдан, баъзан ёғоч ва металлдан ҳам ясалади . Товушқатори диатоник бўлиб, айрим ижрочилар хроматик товушларни ҳам чаладилар . Овоз ҳажми 2 - 2,5 октава . Қурайни ижро этувчи созанда кўпроқ доимий бир турли товуш билан куйга жўр бўлиб туради .



498 . Қўнғироқ , занг – сигнал учун уриб чалинадиган асбоб . Қўнғироқ турли катта - кичикликда бронзадан ясалади . У аниқ баландликда товуш беради . Катта ҳажмдаги Қўнғироқлар 20 - 30 тонна оғирликда, ҳатто ундан ҳам оғир бўлиши мумкин (Москва Кремлидаги “Царь Колокол” деб аталувчи Қўнғироқнинг оғирлиги 200 тоннадан ортиқдир) . Европада катта Қўнғироқлар ҳабар берувчи восита сифатида қадимдан маълум . Қўнғироқ кишиларни йиғиш, ғалабани билдириш ва тугатиш, огоҳ қилиш ва бошқаларда қўлланилади .



499 . Қўш зарб, қўш нохун – торли тирнама ўзбек халқ чолғу асбобларидан танбурни бармоқ ёки нохун билан икки бор қисқа ва тез уриш (чертиш) услуби .

500 . Қўшнайн – қадимий ўзбек чолғу асбобларидан . Икки қамиш найчадан иборат бўлиб, уларга товуш чиқарадиган тил ўрнатилади . Қўшнайнни чалиш учун иккита найчага баробар пуфланадиган ва ҳар иккала найчадан ёндош жойлашган еттита тешикчанинг тегишлилари бармоқ билан босилади . Овоз ҳажми биринчи октавадаги ре дан иккинчи октавадаги соль га қадар (айрим қўшнайнчилар иккинчи октавадаги ля, си, ҳатто бундан юқори товушларни ҳам ҳосил қиладилар) . Қўшнайда ўзбек мусиқаси учун хос бўлган мелизм (мусиқа безаклари)ни чалиш жуда қулайдир .

501 . Қўшнайнчи - қўшнайда куй ижро этувчи созанда . Одатда қўшнайнчилар сурнайда ҳам чала биладилар . Ўзбекистонда моҳир Қўшнайнчилар Ахмаджон Умурзоқов, Ашурали Юсупов ва б . лардир .

502 . Ѓижжак – Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбеклар орасида қадимдан кенг тарқалган камонча билан чалинадиган торли чолғу асбоб, косаси қовоқдан, какос ёнғоғи (норжил ёнғоғи) ва ўртаси ковак қилиниб ўйилган ёғочдан ясалади . Косанинг устига балиқ териси ё пуфак копланди . Дастаси думалоқ бўлиб, косаси яқинлашган сари ингичкаланиб ишланади . Косага ўрнатилган темир оёқчани ижрочи тиззасига қўйиб, ўтириб чалади . Ѓижжакда учта тор бўлиб, булар кварта бўйича созланади . Созланиши ҳар доим аниқ бир товушда бўлмай, ашулачининг овози ё чалинадиган куйнинг характериға кўра турлича . Овоз ҳажми бир ярим октава оралиғида, 1920 - йилларда созандалар Ѓижжак овозини баланд қилиш мақсадида унисон қилиб, созланган кўшторлар ишлатганлар . Ѓижжак якка ва ансамблда чалинган, камончаси от думидан ишланиб, чалиш вақтида ўнг қўл бармоқлари билан тортиб турилади . 1930 – йилларда Ѓижжак қайтадан ишланди . Тўртта тор жорий қилинди . Булар скрипкадек квинта оралиғидаги, 4 - энг пастки йўғон тор кичик октавадаги соль га, 3 - тори биринчи октавадаги ре га, 2 - тори биринчи октавадаги ля га ва охириги 1 - тори биринчи октавадаги ми га созланадиган бўлди . Овоз диапазони кичик октавадаги соль дан тўртинчи октавадаги ля га қадар . Қайта ишланган Ѓижжак дастаси думалоқ эмас, аксинча скрипка дастасидек ясси қилиб ишланган, оёқчаси стулда ўтириб чалиш учун қулайлаштирилган . Оркестрда чалиш учун Ѓижжакнинг катта - кичик (альт, бас, контрабас) турлари ишланган .



503 . Ѓижжак альт – асосий ғижжакнинг бир оз каттароқ қилиб ишланган тури . Торлар квинта оралиғида, 4 - тор кичик октавадаги до га, 3 - тори кичик октавадаги соль га, 2 - тори биринчи октавадаги ре га ва 1 - тори биринчи октавадаги ля ларга созланади . Овоз ҳажми кичик октавадаги до дан учинчи октавадаги ля га қадар . Ноталар альт ва (баланд овозлари) скрипка калитида ёзилади .

504 . Ғижжак бас - асосий ғижжакнинг катта қилиб ишланган тури бўлиб, виолончель вазифасини бажаради . Торлар квинта оралиғида, 4 - энг пастки тор катта октавадаги до, 3 - тори катта октавадаги соль . 2 - тори кичик октавадаги ре ва 1 - тори кичик октавадаги ля га соланади . Овоз ҳажми катта октавадаги до дан биринчи октавадаги ля га қадар .

505 . Ғижжак контрабас – асосий ғижжакнинг энг катта қилиб ишланган тури, контрабас вазифасини бажаради . Торлар кварта оралиғида, 4 - энг пастки тор контроктавадаги ми, 3 - тори контроктавадаги ля, 2 - тори катта октавадаги ре ва 1 - тори катта октавадаги соль ларга соланади . Овоз ҳажми контроктавадаги ми дан биринчи октавадаги соль га қадар . Ноталари бас калитида ёзилади . Эшитилишига нисбатан октава юқори ёзилади . Ғижжак контрабас контрабасдек тик туриб чалинади .

506 . Ғижжакчи – ғижжак чалувчи созанда, муסיқачи .

507 . Ҳарбий оркестр – ҳарбий қисмлардаги махсус духовой оркестр . Ўзбекистон композиторларидан В . Зудов, П . Халиков, Ҳабибулла Раҳимов ва б . Ҳарбий оркестр учун қатор асарлар яратганлар .





МУСИҚА НАЗАРИЯСИГА ХОС АТАМАЛАР

1. Муסיқа назарияси - кенг маънода муסיқа композицияси, таҳлили, ижрочилиги ва б. ни ўрганувчи фан. У муסיқа эстетикаси билан ҳам боғлиқдир. Муסיқа назарияси куй, ритм, чолғулаштириш, гармония, полифония, метр, муסיқа шаклларини ўрганиш ва таҳлил қилиш каби соҳаларни ўз ичига олади. Шунингдек, муסיқа ижрочилиги анъаналари ва услубларини ишлаб чиқувчи ягона илмий услубий фани ва муסיқа укуви (сольфеджио) қобилиятини ўстирувчи, муסיқий мантиқ, муסיқий системаларни ўз ичига олувчи, мураккаб талқин қилинувчи муסיқа тилини аниқ ва равшан тушунтира оладиган фандир.

2. Муסיқа саводи - муסיқа назарияси ҳақида бошланғич таълимот. Болалар муסיқа мактабларида муסיқа саводи бошланғич муסיқа назарияси курсига киради. Ҳозирда ўрта умумтаълим мактабларида ҳам муסיқа саводхонлиги чуқур ўрганила бошланди. Хаттоки муסיқа маданияти фанининг 3 компитентциясининг асосий - биринчиси ҳам айнан муסיқа саводхонлиги ҳисобланади.

3. Муסיқа (musike, musa) - турли - туман товушлар билан бадий образ яратиб берувчи, ғоявий - эмоционал мазмунга эга бўлган санъатнинг бир тури. Инсоннинг жамиятда тутган мавқеи, маданий - тарбиявий, ғоявий ташкилотчилик ролида муסיқа юксак ўринда туради. Ҳар бир халқнинг муסיқаси миллий хусусиятига кўра бир - биридан фарқ қилади. Халқ муסיқаси узоқ йиллар давомида шаклланиб, бадийлашиб, юксак поғонага кўтарилди, халқнинг бой хазинасига айланди. Халқ муסיқаси билан мустаҳкам боғланган ҳолда касбий муסיқа ҳам тараққий қилиб, унинг вужудга келишида моҳир созанда, бастакор ва композиторлар ўз хиссаларини кўшдилар. Муסיқадаги образларни гавдалантириб берувчи асосий элемент - муסיқа товушидир. Муסיқанинг асоси куйдир. Бундан ташқари ритм, лад, метр, гармониялар унинг муҳим воситаларидандир. Муסיқа ижро этилиши бўйича икки асосий турга бўлинади:

Чолғу муסיқаси, иккинчиси вокал, яъни ашулали муסיқа. Муסיқа бир овозли (монодия) ва кўповозли (полифония, гомофония) бўлади. Булар кўп жиҳатдан бир - биридан фарқ қилади. Маълум бир мавзуда яратилган чолғу муסיқаси программали муסיқа деб аталади. Вокал муסיқаси эса бирор чолғу асбоби жўрлигида ижро қилинади. Айрим кўповозли хорлар чолғу асбоблари жўрлигисиз ижро қилинадики, бу а капелла деб аталади. муסיқа сахна асарлари:

Опера, оперетта, муסיқали драма, балет, драма ва киноларда муҳим роль ўйнайди.

4. Муסיқа психологияси - муסיқа ижодиёти ва санъаткорлар қобилиятини ўрганувчи назарий фан. Муסיқа психологиясида муסיқа қобилияти, таланти, ижрочилик имкониятлари (эшитиш қобилияти, ладларнинг сезиш, ритм, эслаб қолиш ва б.) ўрганилади.

5. Муסיқа танқидчилиги - муסיқа асарини бевосита таҳлил қилиш, баҳо бериш. Муסיқа танқидчилиги фақат асарнинг ўзинигина эмас, унинг ижросини ҳам баҳолайди. Муסיқа танқидчилигига муסיқа соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳамда турли концерт ва спектакллар, босилиб газета. Журналлар орқали эълон қилинган бадий - танқидий тақризлар киради.

6. Муסיқа тарихи - 1. Муסיқа санъатининг пайдо бўлишидан ҳозирги замонгача бўлган тараққиёт. 2. Муסיқа тараққиётини ўрганувчи фан - муסיқашунослик. Унга ҳамма давр ва барча халқлар муסיқа маданияти тарихини ўз ичига олувчи умумжаҳон муסיқа тарихи, муסיқа жанрлари ва шакллари тарихи, ижрочилик санъати, тарихи, муסיқа таълими тарихи ва б. лар киради. Муסיқа тарихи муайян дастурлар асосида олий муסיқа ўқув юртларида ўқиладиган фан.

7. Муסיқа эстетикаси - муסיқа санъатининг моҳияти, воқеликка муносабати, ижтимоий роли, бадиий шакллари ва услубларини ўрганадиган фан. Муסיқа эстетикаси муסיқий образлар характерини, шакл ва мундарижасини ҳам ўрганади. Муסיқадаги ғоявийлик, халқчиллик принциплари муסיқа эстетикасининг асосидир. Муסיқа эстетикаси муסיқанинг бошқа санъат турлари билан алоқаси, боғланишини ҳам ўрганади.



8. Муסיқа этнографияси - муסיқа фольклори, мумтоз куй ва чолғу муסיқа, муסיқа билан боғланган барча халқ маросимларини ўрганувчи фан. Муסיқа этнографияси ёзиб олинган халқ муסיқаси намуналари ва буларнинг асл ҳолда эшитиб таҳлил қилишга таянади, халқ муסיқасининг ҳаётдаги роли, ўзаро таъсири, унинг бошқа санъат турлари билан боғланиши ва, ниҳоят, касбий бастакор, композитор ижодиётида фойдаланишини ҳам ўрганади. Ўзбекистонда Муסיқа этнографияси билан биринчи мартаба профессор В. А. Успенский шуғулланган. У мамлакатимизнинг вилоятларига муסיқа экспедициялари ташкил қилиб, ўзбек халқ муסיқа бойликлари, хусусан, мақомлар, ашула ва катта ашула каби жанрлар, шунингдек “Қизил гул”, “Наврўз” сайиллари ва буларда ижро этиладиган куй ва кўшиқларни тўплади ва ўрганди.

9. Муסיқа энциклопедияси - муסיқа санъатига оид барча маълумотлар келтирувчи ўзига хос муסיқий қомуслар.

10. Муסיқали диктант - муסיқани тинглаб нотага ёзиш, сольфеджио курсининг таркибий қисми. Муסיқали диктантларнинг бир овозли, икки овозли, гармоник ва б. турлари бўлиши мумкин.

11. Муסיқали драма - 1. Дастлабки даврда Италияда опера шу ном билан аталган. XVI - XVII - асрларда бошқа мамлакатларда ҳам операнинг пайдо бўлиши туфайли XIX - асрга келиб, муסיқали драма атамаси истеъмолдан қолди. XIX - аср ўрталарида Германияда композитор Р. Вагнер ўз операларини “Муסיқали драма” номи билан атаган. Унинг “Нибелунглар узуги”, “Тристан ва Изольда”, “Парсифаль” каби опералари тузилиш жиҳатдан драмага яқин бўлган. Булар ҳар бир актнинг тугал - ланмаганлиги, ансамбль, хор, балет ва б. ларнинг деярли қўлла-

нилмаганлиги билан ажралади. 2. Чолғу ва вокал муסיқа асосий ўрин эгаллаган драматик асар. Бундай жанр узок даврлардан бери Ҳиндистон, сўнг Ҳитой муסיқа театрларида ривожланиб келган. XX - асрда муסיқали драма жанри Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистонда кенг тарқалди. Дастлабки даврларда бундай сахна асарларидаги муסיқалар фақат халқ кўйларидан тузилган. Сахнадаги воқеанинг боришига кўра халқ муסיқалари халқ чолғу



асбоблари жўрлигида олиб борилган бўлса, кейинроқ кичик симфоник оркестр кўшилган. Ўзбекистонда муסיқали драма театри 1929 йили тузилиб, у 1939 - йили опера театрига айланди ва ўша йили Муқимий номидаги Ўзбек Давлат Муסיқали театри ташкил қилинди. Бу турдаги муסיқали драма театрлари Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида мавжуд. Тўхтасин Жалиловнинг “Тоҳир ва Зухра” муסיқали драмаси фақат Муқимий номидаги театр сахнасида бир ярим минг мартадан ортиқ кўрсатилди, у шунингдек, чет эл (Ҳитой)да ҳам намоиш этилган. Т. Жалилов жами 40 га яқин, сўнгги йилларда бастакорлардан Ю. Ражабий, К. Жабборов, Ғ. Тошматов, композиторлардан - М. Левиев, Ик. Акбаров, С. Бобоев, Д. Зокиров, М. Маҳмудов, М. Бафоев ва б. лар Муқимий номидаги Ўзбек Давлат муסיқали театри ва вилоятлардаги муסיқали - драма театрлари учун турли мавзуларда асарлар яратишган, дастлаб муסיқали драма ҳолида яратилган айрим асарлар кейинчалик опералаштирилди. Масалан, Р. Глиэр ва Т. Содиқовлар “Гулсара”, “Лайли ва Мажнун”, В. Успенский ва Г. Мушеллар “Фарход ва Ширин”, Т. Жалилов ва Б. Бровцинлар “Тоҳир ва Зухра” асарларининг опера вариантларини яратдилар.

12. Муסיқали комедия - бу атама ўтмишда опереттага нисбатан кўлланилган. Ҳозир Марказий Осиё, Кавказорти давлатларида муסיқали драмага яқин, лекин ҳажвий йўналишда бўлган асарлар муסיқали комедия деб аталади.

13. Муסיқачи - 1. Муסיқа санъатининг бирор турини (композитор, дирижёр, скрипкачи, ашулаци, муסיқа тарихчиси ва б.) эгаллаган касб эгаси. 2. Созанда, чолғучи.

14. Муסיқашунос - муסיқа фанининг бирор соҳасида ишловчи мутаххасис. Муסיқашунос илмий - тадқиқот соҳасида илмий ходим, танқидчи, муסיқа ўқув юртлари ўқитувчиси, лектор, нашрларда муҳаррир

ва ҳ. к. бўлиши мумкин. Муסיқашунос олий маълумотни консерваториянинг муסיқа тарихи ва назарияси факультетида, ўрта маълумотни эса муסיқа билим юртларининг ана шундай бўлимларида олади. Давлат Университетида ёки Институтда илмий ишлар билан машғул бўладиган киши ҳам муסיқашунос хисобланади.

1 – БОБ. МУСИҚИЙ ВА ШОВҚИНЛИ ТОВУШ

15. Абсолют (аниқ) баландликка эга бўлган товушларга **муסיқий товуш** деб аталади.

16. Абсолют (аниқ) баландликка эга бўлмаган товушларга **шовқинли товушлар** дейилади. Биринчи октаванинг ля нотаси 440 гц. га тенг хисобланади. Муסיқа товушлари бир-биридан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

Баландлиги; овозининг кучи; чўзими ва тембри билан фарқланади.

Шовқинли товушлар, бирор жисмнинг дарс кетиши, момақалдироқнинг гумбурлаши, шишанинг синиши, харакатланувчи моторнинг ўкириши, ёмғирнинг ёғиб туриши, кучукнинг вовиллаши, мушукнинг миёвлаши ва ҳоказо.

17. Муסיқий товушқатор – бу товушларнинг шундай жойлашувидирки, унда товушлар ўз баландлигига қараб жойлаштирилади.


18. Бошланғич муסיқа назарияси - нота ёзуви ва мусиқанинг асосий элементлари - товуш, товушқатор, аккорд, тоналлик, ритм, метр, динамика, тембр ва б. ни ўргатувчи фан.

19. Аббревиатура - (лот. absolutus - сўзсиз, мутлақ, баркамол). Товушларнинг аниқ баландлигини тинглаш орқали фарқлай билиш қобилияти. Абсолют эшитув қобилиятига эга бўлган киши мусиқани тез ўзлаштиради.

20. Асосий товушқатор - октава оралиғида до товушидан бошланган асосий босқичдир. Бу асосий босқичлар - до, ре, ми, фа, соль, ля ва си товушлар, яъни фортепианодаги оқ клавишлардан иборат.

21. Нота – бу махсус келишилган белги бўлиб, мана шу белги орқали муסיқий товуш ёзилади. Бу белги овалсимон ёзилиб, унга

штиль – таёқча бирлаштириб ёки бирлаштирилмасдан ёзилади. Мана шу штиль бир ёки бир неча “думча”лар бирикмасидан ташкил топиши мумкин. Ноталарнинг бир нечтаси биргаликда ёки алоҳида ёзилиши мумкин. Мусиқий товушлар бирлаштирилса, уларни гуруҳларга бирлашган товушлар деб атаймиз. Товушлар нота йўлининг учинчи чизиғидан юқорида ёзилса, у ҳолда таёқчалар нотанинг чап томонидан пастга томон йўналтирилиб ёзилади, агар нота учинчи чизиқдан пастда жойлашган бўлса, у ҳолда таёқча (штиль) ўнг томондан нотага бириктириб юқорига қаратилган бўлади.



Culloden III

"We Toomed Our Stoops for the Gaudy Sodgers"

Commissioned by Lt Col Alan L. Bonner, USAF (Ret.) for Kappa Kappa Psi & Tau Beta Sigma
(Excerpt)

Julie Gross

Allegro giusto (♩ = 144)

Нота (лот. Итал. Nota - белги) - мусиқа товушларини ёзиб кўрсатадиган махсус белги. Мусиқа товушлари қисқа ва узун бўлишига кўра буларни ёзиб кўрсатадиган белгилар (ноталар) ҳам турли шаклда - узун ва қисқа бўлади. Энг узун нота:




шаклида ёзилиб, бу бутун нота деб аталади. Энг қисқа нота қуйидагича:



шаклида ёзилиб, бу $1/64$, яъни бутунни олтмиш тўртдан бири деб аталади. Булардан ташқари, ярим, чорак, нимчорак, ўнолтиталик ва ўттиз иккиталик ноталар бўлади.

22. Невмлар (юн. *Neuma* - белги) - нота ёзувининг қадимги турларидан. Европа черков мусикасида ўрта асрларда пайдо бўлган. Невмлар турлича белгилар (чизикча, нуқта, вергул ва б.) дан ва уларнинг ўзгартирилишидан иборат бўлиб, товушнинг муайян баландлигини аниқламас эди. Невмлар ашулачи учун илгаридан маълум бўлган куйни эсга олиш, унинг юқорига ё пастга тушуви ва мусика безакларини белгилаб берар эди. Кўповозли мусиканинг тобора тараққий этиши мазкур нота ёзувини ислоҳ қилинишига олиб келган.

23. Бутун пауза - узунлик миқдори бўйича бутун нотага тенг бўлган пауза. Бутун пауза нота йўлининг тўртинчи чизиги тагига тегиб турган қалин чизигдан иборат:



Бутун пауза бутун нотадек ярим, чорак, нимчорак ва ҳ. ларга бўлинади.

24. Бутун тон - температураланган товушқаторда икки кўшни пағона оралиғида паст - баландлик миқдори. Бутун тон иккита ярим тонга тенг. Ярим тонлардек, бутун тон ҳам интерваллар миқдорини, яъни катта - кичиклигини аниқлашда ўлчов мезони хизматини бажаради. Катта секунда, икки барабар орттирилган прима ва кичрайтирилган терциялар оралиғи бир бутун тондан иборат.



25. Бутун тонли гамма - пағоналар оралиғи бутун тонлар (катта секунда)дан тузилган гамма. Унда 6 та товуш бор.



26. Кўшимча поғоналар - мажор ва минор ладларининг II, III, VI ва VII поғоналари. Булар гармоник тузилиши бўйича асосий поғоналарга (I, IV ва V поғоналарга) нисбатан камроқ аҳамиятга эга.

27. Кўшимча интерваллар - октавадан кенг интерваллар бўлиб, бу октавага яна бир оддий интервалларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади, масалан, октавадаги секунда қўшилса - нона, терция қўшилса - децима, кварта қўшилса - ундецима ва ҳ. бўлади. Қўш интерваллар икки октавагача номланиб, булар - нона, децима, ундецима, дуодецима, терцдецима, квартдецима ва квинтдецима деб аталади.

28. Ноталар гуруҳланиши - узунлик миқдори қисқа бўлган ноталарни (нимчорак, ўнолтиталик ва б.) тўдаларга бўлиб, қўшилиб ёзилиши. Чолғу мусикаларида такт ўлчовига кўра лозим бўлган ноталарнинг қўшиб ёзилиши ижрочи учун бирмунча қулайлик яратади. Масалан,



Вокал мусикаларида ноталарни тўдаларга бўлиб, қўшиб ёзиш такт ўлчовига кўра эмас, сўз бўғинларига кўра, яъни бир сўз бўғини икки - уч нотада чўзилса мана шу ноталарни қўшиб ёзиш мумкин. Агар ҳар бир сўз бўғинига алоҳида нота бўлса, булар (бу жуда қисқа нота бўлишидан қатъи назар) қўшилмай алоҳида ёзилади:

Qaylarga boray

Munojot Yo' lchiyeva




29.Юқориги овоз - икки ва кўповозли мусиқада энг юқори овоз.


30.Юқоридаги тетрахорд - ладларнинг баланд тўрт поғонаси(V - ва VIII - поғоналар оралиғи).

31.Юқориги тоника - ладнинг VIII - поғонаси.

32. Нота йўли - беш ёндош чизик; буларга ноталар ёзилади. Нота йўли пастдан юқори томон саналади (пасткиси биринчи бўлиб, энг юқоригиси бешинчидир).




Ноталар чизикларга, чизик оралиғига, биринчи чизик остига ва бешинчи чизик устига ёзилади:



Бу ноталар 11 товуш, яъни 11 поғонадан иборат бўлиб, бир ярим октавани ўз ичига олади. Бу ҳажмни кенгайтириш учун биринчи чизик остига ва бешинчи чизик устига қисқа ёндош чизиклар чизилиб, уларга ноталар ёзилади. Бу қисқа чизиклар - қўшимча чизиклар деб аталади. биринчи чизик остидагиси - пастки қўшимча чизик, бешинчи чизик устидагиси - юқори қўшимча чизик номи билан юритилади.




Буларни тартиби билан бир қатор қилиб ёзилса қуйидаги ҳолатда бўлади:



Нота йўли XIV - асрдан бошлаб қўлланилган. Россияда бу беш чизик системаси XVI - аср охирида Киевда, XVII - аср бошларида Москвада қўлланила бошланган.

33. Субконтроктава (лот. sub - таг, ост) - температураланган товушқатордаги энг пастки товуш. Субконтроктавадаги товушлар бас калитида нота йўлининг пастки олтинчи қўшимча чизиғидаги си дан пастга ёзилади. Тагига икки рақами ёзилган лотинча бош ҳарфлар билан ҳам кўрсатилади. (A₂, H₂), шунингдек бу ҳарфлар тагидан икки ёндош қисқа чизиклар чизиш ҳам мумкин. Бу ноталарни октава юқори (контроктавада) ёзиб, ноталар тагидан пунктир чизиклар чизиб, 8 рақами билан кўрсатилса субконтроктавада ижро этилади.




34. Диапазон (юн. diapason - ҳамма торлараро) - ашулачининг овози, чолғу асбоб, товушқатор, лад, куй в. б. нинг товуш ҳажми. Овоз ва мусиқа асбобларининг энг пастки ва энг юқори товуш оралиғи (интервал).

35. Авж - мусиқа баёни ва ривожда энг юқори нуқта. Араб - форс мусиқа назарияси, хусусан, ўн икки мақом тизимидаги шўъбалардан бири. Ўзбек мусиқа меъросининг мақом, ашула, катта ашула каби йирик шаклдаги намуналарида бир неча хил А. лар учрайди. Булар ўрта А. лар, катта А. Деб белгиланиб, “Ушшоқ”, “Мухайяр”, “Турк”, “Зебопар” сингари номлар билан аталади. А. лар айниқса мақомларда алоҳида аҳамиятга эга. Мақомларнинг турли қисмларида кетма - кет бир неча А. учраши мумкин. Агар бир мақом авжидан кичик бир қисми иккинчи мақомнинг авжида келса намуддеб аталади. “Уззал”, “Мухайяр”, “Наво”, “Зебопар”, “Турк” авжлари дейилганда “намуд” атамаси қўшилмайди. Бузрук мақомининг Сарахбор, Талқини Уззол, Уфори Уззолларида келадиган “Мухайяр” авжи Бузрук мақомидаги “Мухайяр” авжи билан оҳангдош.

36. Иккинчи октава - температура қилинган товушқаторнинг бир қисми. Иккинчи октава ноталарига скрипка калитида, нота йўлининг учинчи ва тўртинчи чизиклари орасида до дан юқориги биринчи қўшимча чизик устига ёзилдиган си гача бўлган товушлар киради. Иккинчи октава ноталари етти пағонани кўрсатувчи лотинча кичик ҳарфлар қўйилган “2” рақами билан белгиланади (c², d², e², f², g², a², h²). Бу рақам устма - уст чизилган икки кичик чизиклар билан ҳам алмаштирилиши мумкин.

37. Контроктава (лот. Contra - қарши) - текис температурацияланган товушқаторнинг бир қисми. Контроктава ноталари бас калитида нота йўлининг пастки бешинчи қўшимча чизиғидаги до дан пастки иккинчи қўшимча чизиқдаги си гача бўлган оралиқда ёзилади.



Контроктава ноталари остига “I” рақами қўйилган лотинча бош ҳарфлар билан ҳам кўрсатилади. (C₁, G₁, D₁, A₁, E₁, H₁, Fis₁, Cis₁ ва б.). “I” рақами ўрнига кичик бир чизиқ чизилиши ҳам мумкин. Сўнгги вақтларда До, Ре, Ми ҳолда ёзилиши ҳам қўлланила бошланди. Пастки 4 - 5 қўшимча чизиқларни ёзиш ва ўқиш мураккаб бўлгани учун Контроктава ноталари октава юқорида (катта октава ўрнида) ёзилиб, тагидан октава пастда ижро қилиш белгиси бўлган “8” рақами ва пунктир чизиқлар чизилади.

38. Кучли ҳисса - тактнинг кучли (акценли ҳиссаси). Тактлардаги ноталар ўлчов микдорига кўра, кучли ва кучсиз ҳиссаларга бўлинади. 2 ва 3 ўлчовли тактларда биринчи ҳисса кучли қолганлари одатда кучсиз ҳисса бўлади. 4 ўлчовли тактда эса, биринчи кучли, 3 - кучлироқ ҳисса бўлиб келади. Кучли ҳисса кучли вақт ҳам деб аталади.

39. Кучсиз ҳисса - тактнинг кучсиз (акценсиз) ҳиссаси, кучсиз вақт ҳам деб аталади.

40. Мураккаб тактлар - бир неча кучли ҳиссаларга эга бўлган тактлар. Мураккаб тактлар оддий тактларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу оддий тактлар бир турли ўлчовда ё турлича ўлчовда бўлиши мумкин. Агар оддий тактлар бир турли ўлчовда бўлса, буни мураккаб такт дейилади.

$$\frac{2}{4} + \frac{2}{4} + \frac{2}{4} = \frac{6}{4} = \frac{3}{2} + \frac{3}{4} = \frac{9}{4}$$

$$\frac{4}{8} + \frac{4}{8} = \frac{8}{8} = 1 + \frac{2}{4} = \frac{4}{4}$$

Агар мураккаб тактлар ҳосил қилинган оддий тактлар турлича ўлчовда бўлса, аралаш мураккаб такт деб аталади:

$$\frac{2}{4} + \frac{3}{4} = \frac{5}{4} = \frac{2}{4} + \frac{3}{4} = \frac{7}{4} + \frac{3}{8} = \frac{7}{8}$$

41. Мусиқа диктанти - (лот. Dicto - буюраман) - бирор мусиқа парчасини эшитиб ёзиш. Ўқувчиларнинг эса эслаб қолиш ва эшитиш қобилиятини тараққий эттириш учун сольфеджио машғулотида


қўлланилади. Диктант - ритмик, мелодик ва гармоник ҳолда ёзилиши мумкин. Шунингдек, 1, 2, 3 ва 4 овозли диктантлар ҳам бўлади.

42. Муסיқа товуши - аниқ (абсолют) баландликка эга бўлган товуш - тон. . Муסיқа товуши маълум тартибда ташкил қилинган муסיқа тизимига киради.

43. Муסיқа тузуми - муסיқада қўлланиладиган товушлар системасининг ўзаро боғланишлари. Ҳозирги температурацияланган муסיқа тузуми товушқатори бир - бирига тенг 12 та ярим тондан иборат. Муסיқа тузуми диапазони октаваларга бўлинади.

44. Тон (юн. *Тonos* - зўр бериш, кучланиш, таъкидлаш) - 1. Аниқ баландликка эга бўлган товуш, яъни товуш берувчи жисмнинг ҳар доим бир хил тўлқинланиши. 2. Бир текис температурацияланган товушқаторда икки товуш оралиғидаги фарқ, бу бир хилдаги иккита ярим тонга тенг бўлиб, буни бутун тон деб юритилади.

45. Прима - (лот. *Prima* - биринчи) - 1. Бир поғона оралиғида интервал кенглиги, яъни бир номдаги икки товушнинг қайтарилиши. Масалан, до - до, ре - ре, ва ҳоказо. Бундай интервал соф прима деб аталади. Прима “1” рақами билан кўрсатилишига кўра, соф примани қисқартиб - с1 деб кўрсатилади.



Примадаги икки қайтариладиган товушлардан бири кўтарилиши ё пасайиши мумкин (фа - фа диез, ля - ля бекар, до - до диез ва б. лар). у орттирилган Прима деб аталади. уни қисқартириб орт. 1 тарзида ёзилади. 2. Берилган товушлардан биринчиси.

46. Секунда (лот. *secunda* - иккинчи) - икки қўшни поғона кенглигида бўлган интервал. Масалан, до - ре; фа - диез - соль, си - бемоль - до - диез ва б. Секунда 2 рақами билан кўрсатилади. Секунданинг катта, кичик, орттирилган ва камайтирилган турлари бўлади. Катта секунда 1 тонга тенг, у қисқартириб - К. 2 деб ёзилади. Кичиги 1,5 тонга тенг бўлиб, қисқартириб кич. 2, орттирилгани 1,5 тонга тенг, қисқартиб орт. 2 ва камайтирилгани 0 тонга тенг бўлиб ва у кам. 2 деб ёзилади. Камайтирилган секунда энгармоник соф прима (унисон)га тенг.



кам.2 кич.2 кат.2 орт.2

47. Терция тони - аккорднинг терция товуши, яъни терция бўйича тақсим қилинган аккорднинг иккинчи товуши. Терция тони 3 рақами билан кўрсатилади. Учтовушлик, септаккорд ва аккорднинг бошқа турларида терция тони турли ўринларда келиши мумкин.



48. Квинта тони – аккорд (учтовушлик ва септаккорд)лардаги квинта тони. Аккордни терция бўйича тақсим қилиганида биринчи товуш - асосий тон, иккинчи товуш - терция тони ва учинчи товуш - Квинта тони бўлади.

49. Септима (лот. Septima - еттинчи) - етти поғона кенглигида бўлган интервал. Масалан, до - си, ми - ре, соль - фа ва б. Септима 7 рақами билан кўрсатилади. Катта, кичик, орттирилган. Камайтирилган турлари бўлади. Катта Септима 5,5 тонга тенг, қисқартириб - К. 7 деб ёзилади. Кичик Септима 6 тонга тенг, қисқартириб - к. 7 деб ёзилади. орттирилган Септима 6 тонга тенг, қисқартириб - орт. 7, камайтирилгани эса 4,5 тонга тенг, қисқартириб - кам. 7 деб ёзилади.



50. Септима тони - терция бўйича тузилган септаккорд ё онаккорднинг асосий (энг тор) ҳолатида пастдан юқори томон тўртинчи товуши. Ҳолатнинг ўзгариши билан септима тони турлича ўринда келиши мумкин. Септима тони 7 рақами билан кўрсатилади.



51. Си - етти поғонали муסיқа товушларидан бири. Н ёки h (ха) тартибида ёзилади.

52. Си - бемоль - 1. Си поғонасининг ярим тон пасайтирилган тури. 2. Транспозицияланадиган чолғу асбоби, сози (in B), ёзилишига нисбатан бир тон паст эшитилади. Бу созда ҳозирги вақтда кларнет, бас - кларнет (агар

унинг нотаси бас калитида ёзилган бўлса), труба, корнет, саксафон - сопранолар қўлланилади.

53. Асосий товушқатор - октава оралиғида до товушидан бошланган асосий босқичдир. Бу асосий босқичлар - до, ре, ми, фа, соль, ля ва си товушлар, яъни фортепианодаги оқ клавишлардан иборат.

54. Босқич, пағона - гамма, товушқаторлардаги ҳар бир мусиқа товуши, муайян пағона. Ҳамма товушлар октаваларга бўлиниб, ҳар бир октавада 12 тадан товуш бор. Улардан еттитаси асосий пағона ҳисобланиб, бештаси альтерация қилинган, яъни кўтарилган ёки пасайтирилган бўлади. Асосий етти пағона товушқатори - до, ре, ми, фа, соль, ля, сидир. Ҳар бир асосий товушни альтерация қилинган номлари билан ҳам аташ мумкин. Масалан, до товушини си - диез, ёки ре - дубль бемоль, ре товушини до - дубль диез ёки ре - дубль бемоль в. х. Пағона номлари лотин ҳарфлари билан аталади:

до, ре, ми, фа, соль, ля, си
С Д Е F G А Н

Альтерацияланган асосий пағоналарнинг ҳарфий кўрсатилиши диез учун is (до - диез - cis) дубль диез учун isis (до - дубль диез - cisis) қўшилади. Альтерация қилинган бемоль учун es (ре - бемоль - des), дубль - бемоль учун eses (ре - дубль бемоль - deses) қўшиб ёзилади.

Асосий пағоналар рим рақамлари билан кўрсатилади ва бу пағоналар маълум номларга эга бўлади.

55. Регистр (лот. Registrum - рўйхат, лот. Registum - ёзиб қўйиш, топшириб қўйиш) - 1. Маълум бир мақсадда бир қисм товушқаторнинг кўшни товушлар билан қўшилиб келиши (бу кўпроқ тембр бирлигига хос). Одатда регистр баланд (юқори), ўрта ва паст бўлиб ажралади. Ашулачилар овози эса кўкрақдан, ўрта ва юқори (энг баланд) турларда бўлади. 2. Бир турдаги тембр ва турлича созланишдаги орган трубалари ёки клавесин торлари йиғиндиси.

56. Октава - температурацияланган товушқаторнинг бир қисми. Тўртинчи октава ноталари скрипка калитида ёзилади: до дан нота йўлининг юқори бешинчи қўшимча чизик устидаги си га қадар бўлган товушлари киради. Қўшимча чизикларнинг кўплигига ноталар учинчи октава юқорида чалинишини кўрсатувчи белги қўйилади. Тўртинчи октава ноталари етти пағонани кўрсатувчи кичик лотинча ҳарфлар устига қўйилган “4” рақами билан белгиланади (с⁴, d⁴, e⁴ ва б.). бу рақамлар тўрт кичик ёндош чизиклар билан ҳам алмаштирилиши мумкин.

57. Ундецима (лот. undecima - ўн биринчи) - ўн бир поғона кенглигидаги интервал, октавага кварта интервали қўшилишидан ҳосил бўлади ва 11 рақами билан кўрсатилади.




58. Унисон (итал. unison - бир хил садо, товуш) - бир хил баландликдаги икки (ё бир неча) товушнинг бир йўла янграши. У икки товушнинг қайтариб чалинишидан ҳосил бўлганига кўра, бунинг оралиғида тон ё ярим тон бўлмайди, шунга кўра у соф прима деб аталади.

2. Мураккаб, икки ва уч ҳиссали ўлчовлардан тузилган такт: биринчи, учинчи, бешинчи ва еттинчи ҳиссалари кучли, қолганлари эса кучсиз бўлақлардан иборат.

59. Учинчи октава - температурацияланган товушқаторнинг бир қисми, ноталари скрипка калитида ёзилади. Нота йўлининг юқориги иккинчи қўшимча чизиғидаги до дан юқориги бешинчи қўшимча чизикдаги си га қадар бўлган товушлар киради. Бунда қўшимча чизикларнинг кўплигига кўра, аксари учинчи октавадаги ноталар иккинчи октавада ёзилиб, ноталар устига 8 белгиси, яъни октава юқори чалинишини кўрсатувчи белги қўйилади. Учинчи октава ноталари етти поғонани кўрсатувчи лотинча кичик ҳарфлар устида қўйилган “3” рақами билан белгиланади (C^3 , d^3 , g^3 ва ҳ. к.). бу рақамлар ёндош чизилган уч қисқа чизиклар билан ҳам алмаштирилиши мумкин.

12. Бутун нотанинг чўзими 2 та яримталиқ нота чўзимига тенгдир!




60. Яримталиқ нота - бутун нотанинг ярми, санок миқдори (чорак ҳисобидан) иккигача:



Яримталиқ нота чорак, ўн олтиталиқ ва бундан ҳам майда бўлақларга бўлинади.



Яримталиқ нотадаги тикка тўғри чизик, нота бошининг юқорисига ё куйи томонига чизилиши мумкин.



61. Ритм (юн. Rhythmos - бир текис оқим) - мусиқа асаридаги товушларнинг узун - қисқаликлари жиҳатидан муносабатлари.

Ҳар бир мусиқа асарининг ўзига хос ритми бўлади. Мусиқа товуши билан ритм чамбарчас боғланган бўлади. Ритмсиз куй бўлиши мумкин эмас. Ритм турларига метр ва ўлчовлар киради. Ўзбек халқ куйлари ва рақслари, айниқса, дойра усуллари ритмнинг ранг - баранглиги жиҳатидан жуда бой ва мураккабдир.

62. Ритмик бўлиниш - икки ва унинг кўпайтирилиши асосида бўлиниш. Асосий бўлиниш 2 ўлчовдан: бутун нота - 2 та яримталиқ, 4 та чоракликка, 8 та нимчоракка, 16 та ўнолтиталикка, 32 та ўттиз иккиталикка, 64 та олмиш тўртталиқ нотага бўлинишидан иборат айрим ҳолларда ритмик бўлиниш нормал ҳолда бўлмайди. 2 нота 3 ҳиссага бўлиниб - триоль, 4 нота 5 ҳиссага бўлиниб - квинтоль, 5 нота 7 ҳиссага бўлиниб - септоль ҳосил қилади ва ҳ. к. шунингдек, 4 ўрнига 6 ҳиссали - секстоль, 6 ўрнига 8 ҳиссали - октоль ва б. ҳолда келиши ҳам мумкин.

63. Чорак нота - бутун нотанинг тўртдан бир бўлаги, яъни бутунга нисбатан тўрт баробар қисқа янграйдиган нота. Чорак нотанинг қалпоғи қора бўлиб, унинг ўнг томонидан юқорига ёки чап томонига пастга қарата чизик тортилади.

64. Чорак пауза - узунлик миқдори бўйича чорак нотага тенг бўлган пауза. Чорак пауза -



Шаклида ёзилиб, умумий узунлик миқдорини оширади.



65. Штиль - (юн. stylos - калтакча) - ноталар ёнидан пастга ёки юқорига томон қўйилган калтак (чизик)ча.

66. Штрих - 1. Торли - камончали чолғу асбобларда ижро жараёнида камонча орқали товуш чиқариш йўллари, асосий турлари: легато, деташе,

стаккато, спиккато. Баъзан созандалар орасида штрих сўзи бошқа турли чолғу асбоблар ижроси, ҳатто ашула ижросига нисбатан ҳам қўлланилади.

67. Такт (лот. *tactus* - тегиш, таъсир этиш) - бир кучли ҳиссадан шу каби иккинчи кучли ҳиссага қадар бўлган оралик - метрнинг ҳар доим қайтарилиб туриши. Такт чизиғи - беш ёндош чизикни бирлаштирувчи тўғри чизиқ. Бу чизиқ бир тактни иккинчисидан ажратади. Тактлар оддий ва мураккаб бўлади. Оддий тактда бир кучли ҳисса бўлиб, мураккаб тактда икки ва ундан кўп кучли ҳиссалар бўлади. Такт ўлчовлари 2, 3, 4, 5, 6, 7 ва ундан ҳам кўп бўлиб, булар бир бутунни 4 ёки 8 га бўлинганидан олинади.

68. Такт ўлчови - тактларнинг миқдорини билдирувчи кўрсаткич. Бу ўлчов миқдори тактлардаги кучли (акцентли) ва кучсиз (акценсиз) ҳиссалар сонини аниқлайди. Такт ўлчовидаги юқоридаги рақам миқдори, пастки рақам эса - неча ҳиссага бўлинишини кўрсатади. Такт ўлчови мусиқа асарининг бошланғич қисмида калит ва альтерация белгиларидан сўнг қўйилади. Агар мусиқа асарининг ўлчов миқдори асар ўртасида ўзгарса, шу ўзгарган қисмдан бошлаб янги такт ўлчовини кўрсатувчи рақамлар ёзилади.

69. Аралаш тактлар - мураккаб тактлар.

$$\begin{array}{l} 7/4 = 3/4 + 2/4 + 2/4 \\ 7/4 = 2/4 + 2/4 + 3/4 \\ 7/4 = 2/4 + 3/4 + 2/4 \end{array}$$



70. Тасодифий белгилар - мусиқа асарининг тоналлиги (қайси тоналликда ёзилганлиги)га қараб калитолди белгилари (диез ёки бемоль) аниқланади. Айрим мусиқа асарларида баъзи товушлар фавқулодда ярим парда пасайиши ё кўтарилиши ҳоллари учрайди. Бундай кўтарилган ё пасайган товушлар учун ёзиладиган диез ё бемоллар тактлар тартибида ёзилади, масалан, Хоразм халқ куйи “Алиқамбар” ми - минор тоналлигида бўлиб, калит олдида бир диез бор. Бу куйнинг ўрта авж қисмида эса до товуши ярим тон кўтарилиб до - диез бўлиб, тугалланиш қисми эса яна соф до ҳолига келади.

71. Тембр (фр. *tembre* - кўнғирок, тамға, марка, ажратиш белгиси, юн. *timbranon* - дойра сўзидан) - товуш туси, ҳар бир товуш характери. Чолғу

асбобининг тузилиши ва шаклига кўра унинг тембри турлича бўлади. Товуш берувчи жисмнинг тузилиши, тўлқинланиши, урилиши, чертилиши, пуфланишига кўра тембр ўзгаради. Чалинаётган чолғу асбоби ёки таниш ашулачилардан бирининг айтаётган ашуласини, ижрочини кўрмай туриб асарни қандай чолғу асбобида чалинаётганини ёки қайси ҳофиз айтаётганини аниқлаш мумкин.

72. Темп, суръат (итал. tempo, лот. tempus - вақт) - муסיқа асарининг ижро этилиш суръати (тез - секинлиги) бўлиб, муסיқанинг характерини аниқлашга ёрдам беради. Темп муסיқа асарининг мазмуни, характери билан боғлиқ. Муסיқа асари ёки унинг айрим қисмининг темпи итальянча атамалар билан кўрсатилади. Бу кўрсатмалар XVII - асрдан бошлаб қўлланила бошланди. Темплар асосан уч турга бўлинади:

1. оғир суръатлар:
2. ўртача суръатлар:
3. тез суръатлар:

Муסיқа асари ё унинг айрим қисмини тез ё аксинча, вазмин ижро этиш учун алоҳида кўрсаткичлари бор. Масалан, орттириб бориш учун *molto* (молто) - жуда; камайтириш учун *ma non troppo* (ма нон троппо) - унча эмас. Баъзан темп кўрсаткичлари русча, немисча ва ҳар бир халқнинг ўз она тилида ёзилиши мумкин. Темп кўрсаткичи ўрнига муסיқа асарининг (кўпроқ пьесаларда) номи қўйилади (марш темпида, вальс темпида, минуэт темпида ва ҳ. к. ва б. лар). Шунингдек темп кўрсаткичида муסיқа асарлари номи юритилади (адажио, анданте ва б.). темпнинг аниқ кўрсатилиши метроном ёрдамида белгиланади.

73. Темперация (лот. *temperatio* - тўғри муносабатда, бир ўлчовда) - муסיқа поғоналари системаси оралиғидаги интерваллар муносабатини текислаш. Муסיқа талқинлари, тебраниши, чъни товуш баландлиги тебранувчи жисмнинг узун - қисқалиги билан ўлчанади. Лекин тартибли товушқаторни тузган турли октавалардаги бир номда бўлган товушларда бир турли товуш баландлигини ҳосил қилиб бўлмайди. Мукамал турдаги муносабатни бир текис температура қилинган созланиш орқали аниқланади. Октава оралиғини тенг 12 та ярим тонга бўлиниши бир текис температура бўлади. Бир текис температурали товушлардан тузилган интерваллар, табиий товушқатордагилар билан бир турли бўлмайди. Бир текис температура XVII - XVIII - асрлардан бошлаб Ғарб муסיқасида мустаҳкамланди.

74. Тенор калити - до (C) калити системасидаги калитлардан бири. Биринчи октавадаги до нота йўлининг тўртинчи чизиғида туради.


Тенор калитида кичик ва биринчи, қисман катта ва иккинчи октавадаги ноталар ёзилади:




75. Терздецима (итал. *terzodezima*, лот. *teria desima* - ўн учинчи) - октавага секста қўшилишидан тузилган интервал бўлиб, 13 рақами билан кўрсатилади.

76. Терцет (итал. *Terzetto*, лот. *tertius* - учинчи) - 1. Уч ижрочидан тузилган ансамбль (кўпроқ вокал триосига хос). 2. Уч ижрочи учун яратилган мусиқа асари (кўпроқ вокал мусикасига хос).

77. Терция (лот. *tertia* - учинчи) - 1. Уч поғона кенглигидаги интервал. Масалан, до - ми, ми - соль, фа - ля, ре бемоль - фа ва б. лар. Терция 3 рақами билан кўрсатилади. Терция катта, кичик, орттирилган ва камайтирилган ҳолда келиши мумкин. Катта терция 2 тонга тенг бўлиб, қисқартиб К. 3 деб кўрсатилади. Кичик терция - 1,5 тонга тенг: қисқартиб кич. 3, орттирилган терция 2,5 тонга тенг; қисқартиб орт. - 3, камайтирилган - 1 тон, қисқартиб кам. 3 деб кўрсатилади.



Мажор учтовушлигининг пастки ва минор учтовушлигининг юқориги терциялари катта, аксинча, мажор учтовушлигининг юқориги, минор учтовушлиги пастки терциялари кичик бўлади. 2. Терция бўйича тузилган аккорднинг тони.



78. Метр, мусиқа ўлчови (фр. *Mitre*, юн. *Metron* - мезон) - мусиқадаги кучли ва кучсиз ҳиссаларнинг бир текис алмашилиб туриши. Метр турлича ўлчовларда келиши мумкин: 2,3 ҳиссали бўлса - оддий метр, 4, 6, 9, 12 ҳиссали бўлса - мураккаб метр (бир турли бир неча оддий тактлардан тузилган), 5,7 ҳиссали бўлса - аралаш, мураккаб метр (турлича ўлчовдаги 2,3 ёки 3,2 оддий тактлардан тузилган). Бир неча ҳиссалардан тузилган тўдаларнинг қайтарилишидан такт ҳосил бўладики, бу доимий қайтарилади. Булардан ташқари, текис бўлмаган метрлар ҳам бўлади, бунда тактлардаги ҳиссалар турлича келади. Метр ритм ҳаракатларини ўлчов миқдорини аниқлаб берувчи система ҳамдир.

Айрим мусиқа жанрлари учун маълум ўлчовдаги метр хосдир. Масалан, вальс учун 3 ҳиссали, марш учун 2 ё 4 ҳиссали ва б. лар. Мусиқа асари ижро этилаётганда унинг ҳиссалари ва ўлчовларини аниқлаб олиш мумкин.

79. Илми мусиқий - ўтмиш Шарқда мусиқа тарихи назарияси ва эстетикасига оид фан, илм соҳаси.

80. Машқ (машқлар орқали малака ҳосил қилиш) - Тошкент, Фарғонада чолғу мусиқаси баъзан шу ном билан юритилади.

81. Ярим тон - бир текис температураланган товушқатордаги энг яқин икки қўшни товуш оралиғи, октаванинг ўн иккидан бир ҳиссага тенг, фортепианодаги оқ клавишларни кўзда тутилганда си - до ва ми - фа оралиқлари ярим тонга тенг. Фортепианодаги бошқа поғоналар орасида ярим тон олиш учун қора клавишларга мурожаат қилишга тўғри келади. Бунинг учун альтерация белгиларидан фойдаланиш керак. Масалан, ре - ми оралиғи бутун тон, буни ярим тон қилиш учун ре ни ярим тон кўтариш талаб қилинади, яъни ре - диез, ёки ми ни ярим тон пасайтириш ми - бемоль қилиш керак бўлади, ре - диез - ми ва ре - ми - бемоль оралиқлари ярим тондан иборат бўлади. Шу тариқа ҳамма поғоналар оралиғини ярим тонга айлантириш мумкин.

82. Ўн олтиталик нота - бутун нотанинг ўн олтидан бир бўлаги, яъни бутунга нисбатан ўн олти марта қисқа нота. У нимчорак шаклида ёзилиб, фақат ён чизиғи жуфт бўлади. Бир нимчоракда икки ўн олтиталик, бир чоракда эса тўртта ўн олтиталик нота бор.

83. Нимчорак нота - бутун нотанинг саккиздан бир бўлаги. Нимчорак нота саккизталик нота деб ҳам аталади. Нимчорак нота ёзуви чорак нотадан ўнг томонга чизилган “думчаси” (байроқчаси) билан ажралади. Нимчорак нотанинг тўғри чизиғи билан байроқчаси алоҳида - алоҳида ёки қўшилиб ёзилиши мумкин.



84. **Нимчорак пауза** - узунлик микдори нимчорак нотага тенг бўлган пауза.



85. **Ўн олтиталик пауза** - ўн олтиталик нота чўзимига тенг бўлган пауза.



86. **Ўткинчи товуш** - аккорд товушларини гамма тариқасида паст ё юқори томон ҳаракатидаги ораликда келган ва аккордга кирмайдиган товушлар. Ўткинчи товуш турли ҳолатда - кучли ва кучсиз ҳиссаларда, диатоник ва хроматик ноталарида ва б. тартибда келиши мумкин.

87. **Ўттиз иккиталик нота** - бутунга нисбатан 32 марта қисқа бўлган нота. 32 талик нота 16 талик нотага ўхшаш бўлиб, фақат ўнг томонига чизилган “думчаси” (байроқчаси) учта бўлади:



Бирин - кетин келган ўттиз иккиталик ноталар алоҳида - алоҳида ёки қўшилиб ёзилиши мумкин:



88. **Ўттиз иккиталик пауза** - узунлиги ўттиз иккиталик нота чўзимига тенг бўлган пауза.



89. Яримталиқ пауза - узунлиги яримталиқ нотага тенг бўлган пауза. Саноқ миқдори (чорак ҳисобидан) иккигача. Яримталиқ пауза нота йўлининг учинчи чизиғи устига қўйидагича ёзилади:



90. Олтмиш тўртталиқ нота - бутун нотанинг олтмиш тўртдан бир бўлаги, яъни бутунга нисбатан олтмиш тўрт марта тез товуш берадиган нота. 64 талиқ нота нимчорак шаклида ёзилиб, ён чизиғи тўртта бўлади. Бу нимчоракда (ярим чоракда) сакизта 64 талиқ, бир чоракда эса 16 та 64лик нота бор. Бир чоракка тенг бўлган 16 та 64 талиқ “бир” саноғида урилади. Чорак ва нимчораклардек, 64 талиқ нотанинг чизиғини пастга ёки юқориға карата чизиш мумкин. Олтмиш тўртталиқ ноталар кўп вақт қўшиб ёзилади:



91. Олтмиш тўртталиқ пауза - олтмиш тўртталиқ нотага тенг бўлган пауза -



ИНТЕРВАЛЛАР

92. Интервал (лот. Intervallum - оралиқ, масофа) - аниқ баландликка эга бўлган икки товушнинг баландлик бўйича оралиғи. Интервал товушлар бир йўла эшитилса, гармоник интервал, бирин - кетин эшитилса мелодик (куйсимон) интервал деб аталади. Асосий интерваллар - прима, секунда, терция, кварта, квинта, секста, септима ва октавалардан иборат.

Soф.прима Кич.секунда Кат.секунда Кич.терция Кат.терция Соф.кварта

Соф.квинта Кич.секста Кат.секста Кич.септима Кат.септима Соф.октава

Булардан ташқари таркибий интерваллар ҳам бор. Булар октава орқали кўшилган - нона, децима, ундецима, дуодецима, терцдецима, квартдецима ва квинтдецималардан иборат:

Кич.нона Кат.нона Кич.децима Кат.децима Ундецима Дуодецима

Кич.терцдецима Кат.терцдецима Квартдецима Квинтдецима

Интерваллар тузилишларига кўра соф, кичик, катта, кичрайтирилган, орттирилган, икки марта орттирилган ва икки марта кичрайтирилган бўлиб келади. Булардан ташқари оддий интерваллар, гармоник интерваллар, мелодик интерваллар, диатоник интерваллар, хроматик интерваллар, интерваллар айланмаси, консонанс, диссонанс интерваллар бўлади.

93. Оддий интерваллар - примадан октавагача кенгликда бўлган интерваллар. Асосий интерваллар деб ҳам аталади. улар қаторига прима, секунда, терция, кварта, квинта, секста, септима ва октавалар киради.

94. Оддий тактлар - бир акцентга эга бўлган тактлар, тактда келган ўлчовларга қараб, оддий тактлар икки ва уч ҳиссали бўлади. Ҳамма оддий тактларнинг биринчи ҳиссаси кучли, яъни акцентли, қолганлари кучсиз, яъни акцентсиз бўлади.

95. Интерваллар айланиши - интерваллардаги товушлардан бирини октава кўтариш ё тушуриш (айлантириш) натижасида товушларнинг ўз ўрнини ўзгартириши. Айланиш орқали юқориги товуш пастки, пастки товуш эса юқориги бўлиб қолади, катта Интервал - кичик, кичик Интервал - каттага айланади. Орттирилган интервал - кичрайтирилган,

кичрайтирилган эса - орттирилган Интервалга айланади (фақат соф Интервалларнинг айланиши софлигича қолади). Оддий интервалларнинг айланишида фақат бир овоз октава кўтарилади ё туширилади. Бу ҳолда асосий айланган интервалларни кўрсатувчи рақам ҳам доим тўққизга тенг бўлади. Масалан: прима (1) нинг айланиши октава (8) беради, секунда (2)нинг айланиши - септима (7), терция (3) - секста (6), кварта (4) - квинта (5), квинта (5) - квартага (4), секста (6) - терция (3), септима (7) - секундага (2), октава (8) - прима (1)ларни беради.



Таркибий интервалларнинг айланишида ҳар икки овозни айлантириш лозим бўлади. Бу ҳолда асосий ва айлантирилган интервалларни кўрсатувчи рақам ҳар доим ўн олтига тенг бўлади. Масалан: нона (9) айланиши - септима (7)ни беради, децима (10) - секста (6) ни беради ва ҳ. к.

96. Интервал асоси - интервалдаги пастки асосий товуш интервалнинг асоси ҳисобланади.

97. Интерваллар кенглиги - интервалларнинг кенглиги энг пастки ва энг юқориги товушлар оралиғида қолган пағоналар сонига қараб белгиланади. Интервалларнинг кенглиги альтерация белгиларидан қатъи назар аниқланади.



98. Камайтирилган (кичрайтирилган) интерваллар - пағоналар сонини ўзгартмай туриб, кичик ва соф интервалларнинг ярим тон камайтирилгани. Масалан, кичик терция 1,5тон, агар бу терциядан ярим тон олиб ташланса, камайтирилган терция бўлиб, бир тонга тенг бўлади.

1,5тон 1тон

Кич.3 Кам.3

Соф квинта уч ярим тон, агар бу квинтадан ярим тон олиб ташланса - уч тон ҳосил бўлиб, камайтирилган квинта ҳосил бўлади.

3,5тон 3тон

Соф.5 Кам.5

Камайтирилган интерваллар қисқартириб, кам. Деб ёзилади. Октава оралиғидаги Камайтирилган соф ва кичик интервалларни (пағоналар сонини ўзгартмай туриб) бир бутун тон камайтирилса - икки бор камайтирилган интервал ҳосил бўлади. Масалан, агар соф квинтани (3,5 тон) бир бутун тон камайтирилса, икки марта камайтирилган квинта ҳосил бўлиб, 2,5 тонга тенг квинта бўлади.

3,5тон 2,5тон

Соф.5 2мартаКам.5

99. Орттирилган интерваллар - поғоналар сонини ўзгартирмай туриб катта ва соф интервалларни ярим тон орттирилгани, масалан, катта терция 2 тон, агар бу терцияга яна ярим тон қўшилса, икки ярим тон бўлиб, орттирилган терция бўлади:

2т. 2,5т.

Кат.3 Орт.3

3,5т. 4т.

Соф.5 Орт.5

Соф квинта уч ярим тон, агар бу квинтага яна ярим тон қўшилса, тўрт тон бўлиб, орттирилган квинта ҳосил бўлади. Орттирилган интерваллар

қисқартирилиб, орт. деб ёзилади. Октава оралиғидаги орттирилган интерваллар:

соф.1 орт.1 кат.2 орт.2 кат.3 орт.3

соф.4 орт.4 соф.5 орт.5 кат.6 орт.6 кат.7 орт.7 соф.8 орт.8

Соф ва катта интервалларни (поғона сонини ўзгартмай туриб) бир бутун тон оширилса - икки бор орттирилган интерваллар ҳосил бўлади. Масалан, катта терция (2 тон)га яна бир бутун тон қўтарилса, 3 тон бўлиб, икки бор орттирилган терция ҳосил бўлади:

2 тон 3 тон 3 тон 3 тон

орт.4 орт.4

100.Камайтирилган учтовушлик - терция бўйича келган учтовушлик (кичрайтирилган учтовушлик), орқали икки кичик терция (камайтирилган квинта)дан тузилган учтовушлик.


Кам.5/3

101.Квартол (лот.Quartus - тўртинчи) - тактдаги кетма - кет келган тўртта нимчорак ё ўн олтиталикни одатдаги уч нотага тенг келиши, Квартол курсивда 4 рақами билан кўрсатилади.

102. Орттирилган кварта - уч тонга тенг бўлиб, бирин - кетин келган тўрт поғона оралиғидаги интервал. Агар 4 поғона оралиғи икки ярим тонга тенг бўлса - соф кварта бўлади. Одатда, . орттирилган кварта сўзи қисқартирилиб орт. 4 тартибида ёзилади. . орттирилган кварта тритон (учтон)га тенг.

103. Орттирилган септаккорд - қисқартирилган ҳолатда уч катта терциядан ҳосил бўлган септаккорд. Орттирилган септаккордда иккита

орттирилган квинта, битта орттирилган септима учрайди. Унинг негизида орттирилган учтовушлик бўлади (фа - ля, до - диез, ми - диез). Орттирилган септаккорд қисқартирилиб орт 7 шаклида кўрсатилади.



кат.3+ кат.3+ кат.3= орт.7 кат.3+ кат.3+ кат.3= орт.7

104. Орттирилган учтовушлик - терция бўйича келган, оралиги икки катта терция (орттирилган квинта)дан тузилган учтовушлик.



кат.3

кат.3

орт.5

орт.5₃

105. Орттириш - мусиқа мавзуси ёки унинг бирор оҳанги қайтарилганида ҳар бир товуш ё паузанинг ритмик миқдорини икки баробар чўзиш.

106. Гармоник интервал - бир йўла эшитилган икки товуш оралиғи. Интервалнинг мелодик тури ҳам бўлади. Интерваллар аккорд кўринишида ва мелодик кўринишда бўлади: бир вақтда ижро қилинадиган интерваллар аккорд кўринишидаги интерваллар, бирин - кетин ижро қилинадиган интерваллар мелодик интерваллар деб аталади.

Гармоник интервал



107. Гармоник оҳангдош товушлар - тор ва турли шаклдаги найлар оралиғида бўлган ҳавонинг тўлқинланишидан ҳосил бўлган турли баландликдаги оҳангдош товушлар. Энг пастки товуши билан бир вақтда тўлқинланиб, товуш берган жисмлар оҳангдош товушлар ёки обертошлар - асосий товуш тембрини аниқлашга ёрдам беради. Ҳамма Гармоник оҳангдош товушларнинг эшитилишидан оддий товушқатор вужудга келади. Улар пастдан юқори томон белгиланиб, кўрсатилади. Гармоник оҳангдош товушлар оралиғида интерваллар юқори кўтарилган сари кичиклашиб боради ва соф октава, квинта, катта терция, икки кичик терция, уч катта секунда ва ҳ. к. ҳолда қисқариб боради. Тугмача ва винтеллари босилмай чалинган ҳар бир пуфлама чолғу асбоби Гармоник оҳангдош товушларни беради.

108. Автентик каданс (юн. Autentikos - асл, тўғри) - мусиқа тузилишидаги тугаллик. Автентик каданслар одатда тоника ёки доминанта вазифасидаги бирор аккорд билан тугалланади.

109. Зиддият - аккордларни бир - бирига қўшишда учрайдиган ходиса. Икки қўшни аккорднинг турли овозларида, бир турли пағона ҳар хил альтерация белгиси билан келиши. Зиддиятда келган аккорд жуда ўткир, кўпроқ нотўғри, кўпол эшитилади.

110. Нақарот (ўз, қайтариш) - ашуланинг бир неча бор қайтариладиган қисми. Нақарот деярли бир турли жумлалар билан қайтарилади.

111. Гексахорд (юн. Hexachorder - олти тоқ) - олти диатоник пағонали товушқатор, юнонча секста интервалининг аталиши.

112. Ҳисса - ритм, метр бирлиги. Масалан, 2 ҳиссали ритм, 3 ҳиссали ритмик шакл, 4 ҳиссали ўлчов ва б. лар.

113. Анапест (юн. Anapaistos - скарри томон қайтариш) - баъзан бир - бирига ўхшаш ритмик элементларни белгилаш учун ишлатилади.

114. Ҳарфий кўрсаткич – турли баландликдаги товушларни ҳарфлар билан ёзиш жуда узоқ вақтлардан бери давом этади. Грецияда X - асрдан бошлаб қўлланилган. Етти асосий пағона қуйидагича ҳарфлар билан ёзилади:

C(до), D(ре), E(ми), F(фа), G(соль), A(ля), H(си), B(си - бемоль).

Бу ҳарфларнинг катта, кичик ёзилиши уларнинг уст ё остига ёзилган рақам ва белги (чизикча)лар турли октаваларни аниқлашга ёрдам беради. Масалан, катта учтовушлик ва мажор бош ҳарфлар билан, кичик учтовушлик ва минор кичик ҳарфлар билан, остига ёки устига қўйилган рақамчалар нечанчи октавада ёзилган ноталарни билдиради.

Субконтроктава: - C², D², E², F², G², A², H²

Контроктава: - C¹, D¹, E¹, F¹, G¹, A¹, H¹

Катта октава: - C, D, E, F, G, A, H

Кичик октава: - c, d, e, f, g, a, h

Биринчи октава: - c¹, d¹, e¹, f¹, g¹, a¹, h¹

Иккинчи октава: - c², d², e², f², g², a², h²

Учинчи октава: - c³, d³, e³, f³, g³, a³, h³

Тўртинчи октава: - c⁴, d⁴, e⁴, f⁴, g⁴, a⁴, h⁴.

Баъзан ҳарфларга қўйилган рақамлар кичик бир чизикча билан алмаштирилади.

Асосий пағоналар ярим тон кўтарилиши лозим бўлса, ҳарфлар ёнига is (ис) қўшилади. Агар пағоналарни ярим тонга пасайтириш керак бўлса, ҳарфлар ёнига es (эс) қўшилади.

Бундан ташқари мажорни ҳарфий белгиси – dur(дур) деб кўрсатилса, минорнинг ҳарфий кўрсатилиш белгиси – moll (моль) деб кўсатилади.

115. Moll (моль, mollis - моллис, юмшоқ, бўш) - минор пардасининг белгиси, парда тоналликларини аниқлаш учун тониканинг ҳарфий

кўрсаткичини қўшиб айтилади. Масалан, а - moll - ля - минор, с - moll - до - минор, f - moll - фа - минор ва б.

116. Ҳисса – ритм, метр бирлиги. Масалан, 2 ҳиссали ритм, 3 ҳиссали ритмик шакл, 4 ҳиссали ўлчов ва б.лар.

117. Асосий тон - 1. Йиғиндиси терция бўйича тақсим қилинган аккорднинг энг пастки (бас) товуши. Бошқа ҳолатларда Асосий тон турли ўринларда келиши мумкин. У аккорднинг примаси деб аталади. Асосий тон арабча I рақами билан кўрсатилади.

2. Бошқаларига нисбатан аниқ ва равшан эшитиладиган гармоник товушларнинг энг пастгиси.


118. Асосий тоналлик - музика асарининг тонал асоси бўлиб, одатда асар Асосий тоналликдан бошланади ва шунга тугалланади.

119. Зич жойлашиш - тўрт овозли аккорднинг юқориги уч овоз оралиқлари октавадан ошиқ бўлмаган вазияти, жойлашуви (бас ва ундан юқори тенор овозлари оралиғи бундан мустаснодир).

120. Бас - (итал. Basso - пастки) - Эркакларнинг паст (йўғон) овози.

121. Бас калити - f (фа) тизимидаги калитлардан бири бўлиб, кичик октавадаги f (фа) нотаси йўлининг тўртинчи чизиғида туради. Бас калитида музикадаги пастки товушлар, шунингдек, эркакларнинг йўғон товушлари ёзилади.

Контроктава, катта - кичик ва қисман биринчи октавалардаги ноталар бас калитида ёзилади.



122. Бирикмали (таркибли) интерваллар - қўшма интерваллар, октавадаги кенг интерваллар бўлиб, октавага яна бир оддий интервалнинг бирикишидан ҳосил бўлади. Масалан, октавага секунда қўшилса - нона, терция қўшилса - децима, кварта қўшилса - ундецима ва ҳ. к. интерваллар юзага келади. Бирикмалиинтерваллар икки октавага қадар бориб, буларнинг (юқоридагидан келганларини) дуодецима, терцдецима, квартдецима ва квинтдецима деб юритилади.

123. Кичик октава - температурацияланган товушқаторнинг бир қисми, ноталари бас калитида нота йўлининг икки ва учинчи чизиқлари оралиғида до дан бешинчи чизиқ устидаги си гача бўлган оралиқда, шунингдек, альт, тенор ва скрипка калитларида ҳам ёзилади.

Кичик октава ноталари лотинча кичик ҳарфлар билан ҳам кўрсатилади (с, g, d, a, e, h, ва ҳ. к.).

124. Биринчи октава - бир текис температурацияланган товушларнинг бир қисми, унда товушлар қуйидагича кўрсатилади ва ёзилади:


1. Скрипка калитида нота йўлининг биринчи чизик тагидаги қўшимча чизикда турган до дан учинчи чизикдаги си гача бўлган ораликда ёзилган товушлар. Биринчи октавадаги товушлар бас, тенор ва альт калитларида ҳам ёзилади.



2. Лотинча кичик ҳарфларнинг юқоридан ўнг томонига “1” рақами қўйилади: c^1 , a^1 , e^1 ва х. . . . ёки кичик бир чизик чизиб кўрсатилади.

3. сўнгги вақтда лотин ҳарфлари ўрнига do^1 , re^1 , mi^1 , fa^1 тартибида ёзиш ҳам қўлланила бошлади.


125. Бешинчи октава - бир текис температурацияланган товушларнинг энг юқориси. Ундаги товушлар қуйидагича кўрсатилиши мумкин: 1. Скрипка калитида ноталарни тўртинчи октавада ёзиб, устига 8 рақам ва пунктир чизиклар қўйиш йўли билан:



2. Нота номларини лотинча кичик ҳарфлар билан кўрсатиб, бу ҳарфларнинг устига ўнг томондан 5 рақами ё устига беш чизик чизиш йўли билан кўрсатилади.

c_5 , d_5 , e_5

120. Беш ҳиссали такт. $5/4$ ёки $5/8$ ўлчовида бўлган такт.




126. Децима (лот. Decimal - ўнинчи) - ўн пағона кенглигидаги интервал, 10 рақами билан кўрсатилади. Децима октавага терция қўшилганидан ҳосил бўлгани учун октава ортидаги терция деб ҳам юритилади. Дециманинг катта ва кичик турлари бўлиб, каттаси 8, кичиги 7,5 тон оралиғида бўлади.



127. Децимет (нем. Dezimett, desem - ўн) - 1. Ўнта ижрочидан тузилган ансамбль. 2. Шундай ансамбль учун яратилган мусиқа асари. Бунда ҳар бир чолғу асбобининг ўзига хос партияси бўлади.

128. Децимоль (лот. decem) - бир текис узунликдаги махсус ўнта нота бўлиб, буни саккиз нота узунлигида ижро қилинади. Бундай ҳолатдаги ноталарни бошқа ноталардан ажратиш учун ноталарнинг усти ё остига “10” рақами ёзилади. Децимольнинг баробар икки бўлакка бўлиниши иккита квинтоль ҳосил қилади.



129. Октет (нем. Oktett, лот. Octo - саккиз) - 1. Саккизта созанда (машшоқ) дан тузилган ансамбль. 2. Ҳар бирининг ўзига хос партияси бўлган саккиз ижрочи учун ёзилган мусиқа асари.

530. Пастки бошловчи тон - VIII - поғона, яъни юқориги тониканинг ярим тон пастда бўлган VII - поғона номи. Бошқача айтганда кўтарилиувчи, бошловчи тон ёки оддий қилиб айтганда - бошловчи тон.

531. Пастки медианта - мажор - минор лади таркибидаги VI - поғона. Римча VI рақами билан кўрсатилади.

532. Пастки овоз - кўповозли мусиқада энг пастки, бас товуши. Икки овозли мусиқанинг пастгиси ҳам шу ном билан юритилади.


533. Пастки тетрахорд - тоналликларда учрайдиган икки тетрахорднинг биринчиси, яъни пастгиси. Бошқача айтганда, I - поғонадан IV - поғонага қадар бўлган оралик, интервал.


534. Пастки тоника - ладларнинг I - поғонаси. Ладнинг VIII - поғонаси юқори тоника деб аталади.

256. Затакт - тактолди, тўла бўлмаган бошланғич такт. Мусиқа асарининг бошланиши тўла бир такт ҳосил қилмаса затакт деб аталади. Затактда ноталар бир саноғидан (кучли ҳиссадан) бошланмай, аксинча иккинчи ё учинчи саноқдан (кучсиз ҳиссадан) бошланади. Затакт билан бошланадиган мусиқа асарининг тугалланиши ҳам тўла бўлмай, буларнинг ҳар иккиси, яъни тўла бўлмаган биринчи ва охириги такт йиғиндиси тўла бир такт ҳосил қилиши керак.



141. Brevis (лот. Бревис - қисқа) - қадимий нотациядаги бошқа узун ноталарга кўра қисқаси, икки бутун нота чўзимига тенг бўлган узунликдаги нота.

 142. Бутун нота - нота узунлигининг энг асосийси бўлиб, куйидаги шаклда ёзилади:

 Бутун нота ярим, чорак, нимчорак, ўн олтиталик нота ва х. ларга бўлинади.

409. Mezzo (итал. Меццо - ярим, яримта, ўрта) *m. forte* (меццо фортэ), қисқартмаси *mf* - унча қаттиқ эмас, қаттиқроқ, *mp*, яъни *mezzo piano* (меццо пиано), қисқартмаси *mp* - унча секин эмас, секинроқ.

410. Меццо пиано - (*mezzo piano* - унча секин эмас, секинроқ) - буни қисқартиб *mp* ҳолида ёзилади.

411. Мр, mp (итал. *mezzo piano*) - меццо пиано сўзининг қисқартирилгани.

412. Меццо - сопрано (итал. *Mezzo* - ўртадаги) - сопрано ва конральто оралиғидаги ўрта регистрда бўлган хотин - қизлар овози. Овоз ҳажми кичик октавадаги лядан иккинчи октавадаги ля гача. Ноталар скрипка калитида ёзилади. Р. Глиэр ва Т. С одиқовларнинг “Гулсара” операсидаги Ойсара (Гулсаранинг онаси), Рувон хола, Отин буви, Холча роллари меццо - сопрано учун ёзилган. Композитор С. Юдаковнинг “Майсаранинг иши” номли ҳажвий операсидаги Майсара партияси ҳам меццо - сопрано учун ёзилган.

413. Меццо фортэ (итал. *Mezzo forte* - унча қаттиқ эмас, қаттиқроқ) - бу



қисқартиб *mf* тартибида ёзилади.

697. Фа – асосий етти поғонадан бирининг номи бўлиб, ҳарфий белгиси F ёки f (эф) дир. Диатоник до мажор тоналлиги товушқаторининг тўртинчи поғонаси.

698. Фа - диез мажор – тоникаси Фа - диез бўлган мажор тоналлиги бўлиб, Fis - dur (фис - дур) деб ёзилади, калит олдида 6 та диез (фа – диез, до–диез, соль–диез, ре–диез, ля–диез, ми–диез) бор.

697. Фа - асосий етти поғонадан бирининг номи бўлиб, ҳарфий белгиси F ёки f (эф) дир. Диатоник до мажор тоналлиги товушқаторининг тўртинчи поғонаси.



698. Фа - диез мажор - тоникаси Фа - диез бўлган мажор тоналлиги бўлиб, Fis - dur (фис - дур) деб ёзилади, калит олдида 6 та диез (фа - диез, до - диез, соль - диез, ре - диез, ля - диез, ми - диез) бор.




Баъзан мазкур тоналликда ёзилган айрим чолғу пьесалари унинг номи билан аталади. асосий фа - диез нотасидан тузилган мажор (катта) учтовушлигидан иборат бўлиб, булар фа - диез - ля - диез ва до - диез товушларидан тузилади. Бу фа - диез мажорнинг тоникаси, яъни I - поғона учтовушлигидир. унинг энгармоник, яъни эшитилиши бўйича тенг тоналлиги соль - бемоль мажордир (Ges - dur).



698. Фа - диез минор - тоникаси фа - диез бўлган минор тоналлиги ва у fis - moll (фис - моль) деб ёзилади ёки айтилади, каоитолдида учта диез (фа - диез, до - диез, соль - диез) лар бўлади.

Фа диез минор



Табийий фа - диез минорнинг VII - поғонаси кўтарилса - гармоник, VI - ва VII - поғоналари кўтарилса - мелодик минор ҳосил бўлади. Баъзан, мазкур тоналликда ёзилган айрим чолғу пьесалар унинг номи билан

аталади. Асосий аккорди фа - диез нотасидан тузилган минор учтовушлигидан иборат бўлиб, булар фа - диез, ля ва до - диез товушларидир. Бу фа - диез минорнинг тоникаси, яъни биринчи поғона учтовушлигидир.

700. **Фа - мажор** - тоникаси фа бўлган мажор тоналлиги, у F - dur (эф - дур) деб ўкилиб, калит олдида битта (си - бемоль) альтерация белгиси бўлади.



Баъзан мазкур тоналликда ёзилган айрим чолғу пьесалари шу ном билан аталади. асосий аккорди фа нотасидан тузилган мажор учтовушлиги (фа - ля - до)дан тузилади. Бу фа мажорнинг тоникаси, яъни I - поғона учтовушлигидир. калит олди белгилари битта си - бемоль.

701. **Фа минор** - тоникаси фа бўлганминор тоналлиги f - moll (эф - моль), калит олдида 4 та бемоль (си - бемоль, ми - бемоль,ля - бемоль,ре - бемоль) мавжуд.



Табий фа - минорнинг VII - поғонаси кўтарилса - гармоник, VI - ва VII - поғоналари кўтарилса - мелодик минор бўлади.

698. Фа – диез минор – тоникаси фа - диез бўлган минор тоналлиги ва у fis - moll (фис - моль) деб ёзилади ёки айтилади, каоитолдида учта диез (фа - диез, до - диез, соль - диез) лар бўлади.


Табий фа - диез минорнинг VII - поғонаси кўтарилса –гармоник, VI - ва VII - поғоналари кўтарилса – мелодик минор ҳосил бўлади. Баъзан, мазкур тоналликда ёзилган айрим чолғу пьесалар унинг номи билан аталади. Асосий аккорди фа - диез нотасидан тузилган минор учтовушлигидан иборат бўлиб, булар фа - диез, ля ва до - диез товушларидир. Бу фа - диез минорнинг тоникаси, яъни биринчи поғона учтовушлигидир.

701. Фа минор – тоникаси фа бўлганминор тоналлиги f - moll (эф - моль), калит олдида 4 та бемоль (си - бемоль, ми - бемоль,ля - бемоль,ре - бемоль) мавжуд.

Табийй фа - минорнинг VII - поғонаси кўтарилса – гармоник, VI - ва VII - поғоналари кўтарилса – мелодик минор бўлади.

167. **Ges** (гес) - соль - бемоль товушининг ҳарфий кўрсаткичи.

168. **Ges - dur** (гес - дур) - соль - бемоль мажор тоналлиги.




169. **geses** (гэсэс) - соль - дубль бемолнинг ҳарфий кўрсаткичи.

174. **Gis** (гис) - соль - диезнинг ҳарфий кўрсаткичи.

175. **Gisis** (гисис) - соль - дубль диезнинг ҳарфий кўрсаткичи.

176. **g - moll** (гэ - моль) - соль - минор тоналлиги.

соль минор (*g moll*)



184. **D** - ре товушининг ҳарфий кўрсаткичи, доминанта сўзининг қисқартирилгани.

187. **Des** (дэс) - 1. Ре - бемолнинг ҳарфий кўрсатилиши. 2. **Des - dur** (дэс - дур) - тоникаси Des (ре - бемоль) бўлган мажор тоналлиги, яъни ре - бемоль мажор.

188. **Deses** (дэсэс) - ре - дубль бемолнинг ҳарфий кўрсаткичи.

570. **Re** - 1. Мусиқа товушидаги асосий етти поғонадан бири, ҳарфий D ёки d (дэ) ҳолида ёзилади. 2. Транспозиция қилинадиган мусиқа чолғу асбоблари сози (in d) бўлиб, нотада ёзилишига кўра бир тон (катта секунда) юқори эшитилади. Ҳозирги вақтда бу созда кичик кларнет (кларнет пиккола) қўлланилади.

571. **Re - бемоль мажор** - тоникаси ре - бемоль билан бишланган мажор тоналлиги, бу Des - dur тарзида ҳам ёзилади. Калитолди белгилари бешта бемоль (си - бемоль, ми - бемоль, ля - бемоль, ре - бемоль, соль - бемоль)дан иборат.



Ре - бемоль мажор аккорди ре - бемоль нотасидан тузилган мажор (катта) учтовушлигидан иборат бўлиб, булар ре - бемоль, фа, ля - бемоль товушларидан тузилади. Бу ре - бемоль мажорнинг тоника учтовушлиги, яъни I - поғона учтовушлигидир. калитолди белгилари бас калитида куйидагича ёзилади:



573. Ре - диез минор - тоникаси ре - диез бўлган минор тоналлиги, *dis - moll* (дис - моль) деб ҳам кўрсатилади. Калитолди белгилари олти диез (фа - диез, до - диез, соль - диез, ре - диез, ля - диез, ми - диез)дан иборат бўлади.



Ре - диез минорнинг VII - поғонаси кўтарилса - гармоник, VI ва VII - поғоналари кўтарилса - мелодик минор бўлади. Баъзан Ре - диез минор тоналлигида ёзилган пьесалар ҳам шу ном билан аталади. асосий аккорди ре - диез нотасидан тузилган минор учтовушлигидан иборат бўлиб, булар ре - диез, фа - диез ва ля - диез минордан тоника учтовушлиги, I - поғона учтовушлиги тузилади.

610. Си - бемоль мажор - тоникаси си - бемоль билан бошланган мажор тоналлиги: у В - dur (бэ дур) деб ҳам аталади, калитолди белгилари иккита бемоль (си - бемоль, ми - бемоль)дан иборат.



611. Си - бемоль мажор аккорди - си - бемоль нотасидан тузилган мажор учтовушлигидан иборат бўлиб, булар си - бемоль - ре - фа созларидан тузилади. Бу - аккорднинг тоникаси, яъни I - поғона учтовушлигидир. Калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади.

B-dur

Си бемоль
мажор учтовушлиги

612. Си - бемоль минор - тоникаси си - бемоль бўлган минор тонгаллиги. b - moll (бэ моль) деб ҳам аталади, калитолди белгилари беш бемоль (си - бемоль, ми - бемоль, ля - бемоль, ре - бемоль, соль - бемоль)дан иборат.

b-moll

Си бемоль
минор учтовушлиги

Си - бемоль минорнинг VII - поғонаси кўтарилса - гармоник, VI - ва VII - поғоналари кўтарилса - мелодик минор бўлади.

Аккорди си - бемоль нотасидан тузилган минор учтовушлигидан иборат бўлиб, улар си - бемоль - ре - бемоль - фа товушлари йиғиндисидан тузилган бирлашмадир. Бу унинг тоника, яъни I - поғона учтовушлигидир.

613. Си - мажор - тоникаси си билан бошланғич мажор тоналлиги. Белгиси H - dur (ха дур) . калитолди белгилари бешта диез (фа - диез, до - диез, соль - диез, ре - диез, ля - диез)дан иборат:

B-dur Си мажор
учтовушлиги

Си - мажор аккорди си нотасидан тузилган мажор учтовушлигидан иборат бўлиб, улар си - ре - диез - фа - диез товушларидан тузилади. Бу унинг тоника, яъни I - поғона учтовушлигидир. калитолди белгилари бас калитида қуйидагича:

Си мажор
учтовушлиги

614. Си - минор - тоникаси си бўлган минор тоналлиги. h - moll (хамоль) деб ҳам аталади, калитолди белгилари 2 та диез бўлиб (фа - диез ҳамда до - диез)дан иборат. Си - минорнинг VII - поғонаси кўтарилса - гармоник, VI - ва VII - поғоналари кўтарилса - мелодик минор бўлади.

b-moll Си минор
учтовушлиги

Си - минорнинг асосий аккорди си нотасидан тузилган минор учтовушлигидан иборат бўлиб, си, Ре, фа - диез товушларидан тузилади. Бу минолрнинг тоникаси, яъни I - поғона учтовушлигидир, калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:

Си минор
учтовушлиги

754. Эс (es) - ми - бемоль партитурада кўрсатилган айрим чолғу асбоблар сози кўрсаткичи.

730. Хроматизм (юн. chroma - ранг) - диатоник ладдаги поғоналарнинг ярим тондан ўзгариши. Булар альтерация белгилари - диез ёки бемоль билан кўрсатилади. Хроматик ярим тон поғонадаги икки турли товушдан (масалан, до ва до - диез) тузилиши билан турлича поғоналардан тузилган диатоник ярим тондан фарқ қилади. Демак, хроматизм бир поғонадаги товушларнинг ўзгаришидир.

731. Хроматик гамма - куй садоларининг ярим тонлар бўйича баланд - пастга ҳаракати. Тўла хроматик гамма 12 товуш (ярим тон)дан иборат. Гаммадаги хроматик ва диатоник ярим тонларни тартибли алмашилиб келиши лад тузилиши (мажор ва минор) ва ҳаракат йўналиши (юқориланиши ё пасайиши)га боғлиқ. Хроматик гамма диатоник гаммадаги бутун тон поғоналарини кўтариш ё пасайтириш йўли билан тўлдирилади. Мажор гаммасида Хроматик гамма кўтарилганида ҳамма поғоналар кўтарилиб, фақат VI - поғона кўтарилиши ўрнига VII - поғона пасаяди ва аслига қайтартилади. Пасайишида ҳамма поғоналар пасайиб, V - поғона пасайиши ўрнига VI - поғона кўтарилади ва аслига қайтади:



Минор гаммали ҳамма поғоналар кўтарилиб I - поғона кўтарилиши ўрнига II - поғона пасаяди ва аслига қайтади (ёки ҳамма поғоналар кўтарилади).



Пасайишида ҳамма поғоналар кўтарилиб яна аслига қайтади, фақат I - поғона ўрнига II - поғона пасаяди.


756. Этюд (фр. Etude - машқ, ўрганиш) ижрочилик маҳоратини ошириш учун маълум бир усулдан мураккаб қилиниб яратилган мусиқа асари. Атоқли композиторлар томонидан яратилган этюдлар, фақат ижрочилик маҳоратини ошириш учун хизмат қилмайди, балки бадийликка ҳам эга бўлади.

155. Гамма - октавадан кам бўлмаган ораликдаги товушқаторнинг бир текис кўтарилиши ёки пасайиши. Гамма юнонларда учинчи ҳарф номи бўлиб, у билан ўрта асрдаги энг пастки, яъни катта октавадаги соль (G) товуши кўрсатилган.

732. Хроматик интерваллар - хроматик товушқаторларидан тузилган интерваллар. Катта интервалларнинг янада ортиши, ё аксинча кичик интервалларнинг янада камайишидан хроматик интерваллар пайдо бўлади. Улар диатоник интервалларга энгармоник равишда тенгдир.

Масалан, фа - соль - диез орттирилган секунда бўлиб, бу энгармоник равишда кичик терция (фа - ля - бемоль)га тенг.

Энгармоник тенглик



Орттирилган кварта билан бунга энгармоник тенг бўлган камайтирилган квинта оралиғи, камайтирилган квинта ҳамдаорттирилган кварта - энгармоник тенгдир. Чунки буларнинг ҳар иккиси ҳам хроматик интерваллардир. Масалан, ре - соль - диез (орттирилган кварта), ре - ля - бемоль (камайтирилган квинта)га тенг.




Хроматик интервалларда тортилиш кучи зўр. Чунки булар ҳар доим турғун интервалларга кўчишга интилади. Орттирилган интервалларда кенгайиш, камайтирилган интервалларда эса торайиш хусусияти зўр бўлади.

33. Акцент (лот. accentus - урғу, таъкидлаш) - бирор товуш ёки аккордни каттиқ чалиш. Одатда тактнинг кучли ҳиссасидан келиб Акцентли нота Акцент, sfk V ва б. белгилар билан кўрсатилади. Шунингдек, Акцент ритмик чўзимни орттириш орқали гармония, тембр ва куй ҳаракатини ўзгартириш ва б. да қўлланилади.

41. All'ottava (итал. Алль оттава - октава бўйлаб) - нуқталар билан чизилиб чиқилган ноталарни октава юқорилигида кўшиб ижро этиш. Бу сўзни қисқартириб, all 8 - ва (алль октава) тартибида ёзилади.

42. All'ottava bassa (итал. Алль. Оттава басса - пастки октавада) - тагига нуқталар чизилган ноталарни бир октава пастда ижро этиш.

480. Нона (лот. Nona - тўққизинчи) - 1. Тўққиз поғона кенглигида бўлган интервал, бу 9 рақами билан кўрсатилади. Октава секунда кўшилишидан ҳосил бўлади, шунга кўра, октава орқали келган секунда маъносида тушиниш мумкин. Нонанинг катта ва кичик турлари бор. Катта нона 7 тонга тенг бўлиб, катта 9 (K9) деб кўрсатилади. Кичик нона, 6,5 тонга тенг бўлиб, кич. 9 (кич. 9) деб кўрсатилади.




2. терция бўйича келган нонаккорднинг энг юқори товуши, нона тони.

481. Non (итал. Non - йўқ, эмас, Non legato - нон легато) - боғланмаган.

482. Non troppo (нон троппо) - унча эмас.

483. Non divisi (итал. Нон дивизи - бўлинмаган) - ижрочилар гуруҳининг бўлмай, иккитали ва аккордли ноталарни ўйнаши (чалиниши).

491. Нуқта - 1. Нота ва паузаларнинг узунлигини оширувчи белги. Нуқта нота ва паузаларнинг ўнг томонига қўйилади. Нуқта қайси бир нота ё пауза ёнига қўйилса, ўшанинг узунлигини ярми миқдорида оширади (чўзади). Масалан: чорак нота ёнига қўйилган нуқта чоракнинг ярми, яъни нимчоракка тенг:



Ноталар ёнига фақат бир эмас, икки, ҳатто уч нуқта қўйилиши ҳам мумкин. 2. Нуқта нота бошининг уст ё остига қўйилса, қисқа товушлар билан узиб - узиб чалиниши, яъни стоккатони билдиради.

521. Остинато (итал. Ostinato - ўжар, кунтли) - кўп марта қайтарилувчи куй ёки ритмик тузилиш.

525. Парда - (тўсиқ) - 1. Муסיқа чолғу асбобларининг маълум баландликдаги товушларини олиш учун чап қўл бармоқлари билан босиладиган ўрни. Парда - дутор, танбур, рубобда ичак, металл ёки ёғочдан ясалади. Чангда эса парда уриладиган торлардир. 2. Парда дутор, танбур, рубобга ўхшаш чолғу асбобларда дастага боғланадиган, қуй ичагидан қилинган ип. 3. Муסיқали сахна асарларининг тугал йирик қисми - акт.

639. Сопрано калити - до калити системасидаги калитлардан бири.

640. Соф интерваллар - прима, кварта, квинта, октава ва ундан ортиқ айрим интервалларнинг диатоник турлари соф интерваллари рақами ёнида

с. - ҳарфи ёзиб кўрсатилади. Масалан, С кварта - с4 тарзида ёзилади. Соф интервалларга ярим тон қўшилиши туфайли - орттирилган, ярим тон камайтириш туфайли - камайтирилган интерваллар ҳосил бўлади.

239. Етти хиссали такт - ўлчов миқдори $7/4$ ёки $7/8$ бўлган такт. Бундай ўлчов Хоразм халқ ашулалари, шунингдек Тошкент, Фарғона ва Бухоро халқ ашулаларида учрайди.

165. Генерал – бас (нем. Jeneral bass - умумий бас) - рақам кўрсаткичлари билан ёзилган гармониянинг пастки(бас) товушлари. Рақамлар пастки товуш ноталари устига қўйилади. Генерал - бас XVI - аср охирида гомофонли - гармоник тузилиши(жўр қисми билан чалинган куй)да пайдо бўлди ва клавесин ҳамда органларда ижро этила бошланди. Ижрочи рақам кўрсаткичлари ёрдамида куй речитативга жўр бўлади. Генерал - басни ижро этувчи овозларнинг тўғри боғланишига ва ўрта овозларнинг ҳамда аккорд безакларининг чиройли қўшилишига диққат қилган. XVII - XVIII - асрда Генерал - бас билан ижро эта олиш ҳар мусиқачи - ижрочи ва композитор учун шарт бўлган. XVIII - асрнинг ўрталаридан бошлаб мусиқа асари нота ёзувчида аниқ ва тўла ёзила олиниши имконияти яратилганидан сўнг Генерал - бас ўз мавқийни йўқота бошлади. Ҳозирги вақтда рақамлар билан кўрсатилган бас гармонияни ўрганишда қўшимча қўлланма тартибида фойдаланилади.

166. Генерал - пауза - мусиқа асари ижро этилаётганида ҳамма ижрочиларнинг бир вақтда, бир тактдан кам бўлмаган миқдорда пауза қилишлари, яъни тўхташлари. Охирида Генерал - пауза лотинча “W,P” ҳарфлари билан қисқартирилган ҳолда кўрсатилади.

Генерал - репетиция - бирор спектакль ё концертни оммавий кўрсатиш олдидан охириги марта бошдан - оёқ репетиция қилиш (ижро этиш).

ТОВУШЛАРНИ ҲАРФИЙ СИСТЕМАСИ

792. Ҳарфий кўрсаткич - турли баландликдаги товушларни ҳарфлар билан ёзиш жуда узок вақтлардан бери давом этади. Грецияда X - асрдан бошлаб қўлланилган. Етти асосий поғона қуйидагича ҳарфлар билан ёзилади:

С (до), D (ре), E (ми), F (фа), G (соль), A (ля), H (си), B (си - бемоль).

Бу ҳарфларнинг катта, кичик ёзилиши уларнинг уст ё остига ёзилган рақам ва белги (чизикча)лар турли октаваларни аниқлашга ёрдам беради. Масалан, катта учтовушлик ва мажор бош ҳарфлар билан, кичик

учтовушлик ва минор кичик ҳарфлар билан, остига ёки устига қўйилган рақамчалар нечанчи октавада ёзилган ноталарни билдиради.

Субконтроктава: - $C^2, D^2, E^2, F^2, G^2, A^2, H^2$

Контроктава: - $C^1, D^1, E^1, F^1, G^1, A^1, H^1$

Катта октава: - C, D, E, F, G, A, H

Кичик октава: - c, d, e, f, g, a, h

Биринчи октава: - $c^1, d^1, e^1, f^1, g^1, a^1, h^1$

Иккинчи октава: - $c^2, d^2, e^2, f^2, g^2, a^2, h^2$

Учинчи октава: - $c^3, d^3, e^3, f^3, g^3, a^3, h^3$

Тўртинчи октава: - $c^4, d^4, e^4, f^4, g^4, a^4, h^4$.

Баъзан ҳарфларга қўйилган рақамлар кичик бир чизиқча билан алмаштирилади.

Асосий поғоналар ярим тон кўтарилиши лозим бўлса, ҳарфлар ёнига *is* (ис) қўшилади. Агар поғоналарни ярим тонга пасайтириш керак бўлса, ҳарфлар ёнига *es* (эс) қўшилади.

Бундан ташқари мажорни ҳарфий белгиси - *dur* (дур) деб кўрсатилса, минорнинг ҳарфий кўрсатилиш белгиси - *moll* (моль) деб кўрсатилади.

1. **A** - Ля товушининг ҳарфий белгиси. 2. Бош ҳарф **A** - ля - мажор тоналлигини кўрсатади. Тўла ҳолда - **A - Dur**, яъни ля - мажор деб ўқилади. 3. Кичик ҳарф **a** эса ля - минор тоналлигини билдиради. Тўла ҳолда **a - mol**, яъни ля - минор деб ўқилади.

13. **A - dur**. (a - дур) - ля - мажор тоналлиги.

16. **Ais** (аис) - ля - диез товуши белгиси.

17. **Aisis** (аисис) - ля - дубль диез товуши белгиси.

18. **Ais - mol** (аис - молль) - ля - диез минор тоналлиги.

53. **A - moll** (a - моль) - ля - минор тоналлиги.




82. As (ас - - 1. Ля - бемоль, товушининг ҳарфий кўрсатгичи). 2. Бош ҳарф билан ёзилган As - As - dur (ас - дур, ля - бемоль мажор)нинг қисқартиб кўрсатилган белгиси. Агар As кичик ҳарфлар билан ёзилса as - moll (ас - молль, ля - бемоль минор)ни қисқартириб кўрсатилган белгиси бўлади.

83. Asas (асас) - ля дубль бемоль товушининг ҳарфий кўрсатгичи.

84. As - dur (ас - дур) - ля - бемоль мажор тоналлиги.



85. as - moll (ас - моль) - ля - бемоль минор тоналлиги.



В (лот. Бэ) - си - бемоль товушининг ҳарфий кўрсатгичи. 2. Бош ҳарф билан ёзилган В - си - бемоль мажор тоналлигининг белгиси. 3. Кичик ҳарф билан ёзилган в эса в - moll си - бемоль минор тоналлигини билдиради.

117. В - dur - си - бемоль мажор тоналлиги.

118. Ves (бэс) - си - дубль бемоль нинг ҳарфий кўрсаткичи. Вв тарзида ҳам ёзилади.

130. в - moll - си - бемоль минор тоналлиги кўрсаткичи.

331

754. Эс (es) – ми - бемоль партитурада кўрсатилган айрим чолғу асбоблар сози кўрсаткичи.

154. G - соль товушининг ҳарфий кўрсатмаси. 2. Ёзма бош ҳарф G - dur соль - мажорнинг қисқа кўрсатилиши. 3. Кичик ҳарф g - moll соль - минорнинг қисқа кўрсатилиши.

208. Dis (дис) - Ре - диезнинг ҳарфий кўрсаткичи. 2. Кичик ҳарфлар билан ёзилган dis, dis - moll (ре - диез минор)нинг қисқармаси.

210. Disis (дисис) - ре - дубль диезнинг ҳарфий кўрсатилиши.

212. Dis - moll (дис - моль) - тоникаси dis (ре - диез) бўлган минор тоналлиги, яъни ре - диез минор.

213. d - moll (дэ - молоь) тоникаси ре бўлган минор тоналлиги, яъни ре - минор.

627. Соль - G . Етти асосий поғонадан бирининг номи : ҳарфий G ёки g (гэ) белгиси билан кўрсатилади. 2. Транспозицияланадиган чолғу асбоблари сози

(in G), бу чолғу асбоблар ноталари ёзилишига нисбатан икки ярим тон паст товушни беради.

628. Соль - бемоль мажор - тоникаси соль - бемоль билан бошланган мажор тоналлиги, Ges - dur (гес - дур) деб ҳам аталади. калитолди белгилари олти бемоль (си - бемоль, ми - бемоль, ля - бемоль, ре - бемоль, соль - бемоль, до - бемоль)дан иборат.



Баъзан Соль - бемоль мажор тоналлигида ёзилган айрим пьесалар шу ном билан юритилади. Унинг асосий аккорди Соль - бемоль нотасидан тузилган мажор учтовушлиги (соль - бемоль, си - бемоль ва ре - бемоль)дан иборат. Бу Соль - бемоль мажорнинг тоника, яъни I - поғонаси учтовушлигидир, калитолди белгилари бас ва соль калитларида қуйидагича ёзилади:



628. Соль - диэз мино́р - тоникаси Соль - диэз бўлган мино́р тоналлиги, gis - moll (гис - моль) деб ҳам аталади, калитолди белгилари беш диэз (фа - диэз, до - диэз, соль - диэз, ре - диэз, ля - диэз)дан иборат.



VII - поғонаси кўтарилса - гармоник, VI - ва VII - поғоналари кўтарилса - мелодик мино́р бўлади. Баъзан шу тоналликда ёзилган айрим пьесалар шу ном билан юритилади: аккорди соль - диэз нотасидан тузилган мино́р учтовушлиги (соль - диэз, си ва ре - диэз)дан иборат. Бу тоналликнинг тоника, I - поғона учтовушлигидир, калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:

629. Соль - мажор - тоникаси соль билан бошланган мажор тоналлиги: G - dur (гэ - дур) ҳам деб аталади. калитолди белгиси битта фа - диездан иборат.

Баъзан соль - мажор тоналлигида ёзилган айрим пьесалар шу ном билан юритилади. Соль - мажор аккорди соль нотасидан тузилган мажор учтовушлиги (соль - си - ре)дан иборат. Бу соль - мажорнинг тоникаси, яъни I - поғона учтовушлигидир. калитолди белгиси бас калити ва соль калитида қуйидагича ёзилади:

630. Соль - минор - тоникаси соль бўлган минор тоналлиги, g - moll (гэ - моль) деб ҳам аталади, калитолди белгилари икки бемоль (си - бемоль, ми - бемоль)дан иборат. VII - поғонаси кўтарилса - гармоник, VI - ва VII - поғоналари кўтарилса - мелодик минор бўлади. Соль - минорнинг асосий аккорди соль нотасидан тузилган минор учтовушлиги (соль, си - бемоль ва ре)лардан иборат. Бу тоналликнинг тоникаси, яъни I - поғона учтовушлигидир, калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:

g-moll

Соль минор

Гармоник соль минор

Мелодик соль минор

1. Си-бемоль – мажор тоналлиги В - dur

Си-бемоль мажор (B-dur)

Си-бемоль мажор (B-dur)

215. До - диатоник до - мажор товушқаторининг биринчи пағонаси. Асосий етти пағонали товушқаторда биринчи пағона.

До - бемоль мажор - тоникаси до - бемоль бўлган мажор тоналлиги бўлиб, калит олдида етита бемоль келади, ҳарфий кўрсатилиши $c - dur$ эшитилиши билан калит олдида бешта белгиси бўлган си мажорга тенг, яъни энгармоник тенг тоналликлардир.

216. До - диез мажор - тоникаси до - диез бўлган мажор тоналлиги бўлиб, калит олдида еттита диез белгиси бор. Ҳарфий кўрсатилиши *cis - dur*. Эшитилишига кўра калит олдида бешта бемоль белгиси бўлган ре - бемоль мажор (*des - dur*)га энгармоник тенг тоналлик.



217. До - диез минор *cis - moll* - тоникаси до - диез бўлган минор тоналлиги бўлиб, калит олдида тўртта диез белгиси бор. Ҳарфий кўрсатилиши *cis - moll* бўлиб, ми - мажор (*E - dur*) тоналлигига ёндошдир. До - диез минорнинг асл (натурал), гармоник ва мелодик турлари бор. Агар асл До - диез минорнинг VII - пағонаси ярим тон кўтарилса гармоник, агар юқоридаги ҳаракатда VI - VII - пағоналари кўтарилиб, пастга қайтишда ўз холидагича ижро этилса мелодик минор тоналликлари ҳосил бўлади. До - диез минорнинг номдош мажори до - диез мажордир.



218. До - мажор - тоникаси до бўлган мажор тоналлиги. Калитолди белгиси йўқ. Ҳарфий кўрсаткичи - *C - dur*. До - мажор тоналлиги кетма - кет келган икки тетраорднинг қўшилишидан тузилади. Яъни, $1T+1T+0,5t+1T+1T+1T+0,5t$.

До - мажор аккорди шу тоналликнинг I, III, V пағоналари товуши - яъни до, ми, соль ноталаридан тузиладики, бу биринчи пағона учтовуши деб аталади.



223. До - минор - тоникаси до бўлган минор тоналлиги. Калит олдида учта бемоль белгиси бор. Ҳарфий - *c - moll* тариқасида кўрсатилади. До - минорга параллел мажор - ми - бемоль мажор (*Es - dur*) бўлиб, кичик терция оралиғидадир. До - минорга номдош мажор - до мажордир. До - минорнинг табиий, мелодик ва гармоник турлари бор.



231. Е (лот. э) - 1. Е - ми товушининг ҳарфий кўрсаткичи. 2. Катта Е харфи *E - Dur* (ми - мажор) тоналлигининг қисқартмаси. 3. Кичик е харфи

e - moll (ми - минор) тоналлигининг қисқартмаси. E - dur (э - дур) - тоникаси E (ми) бўлган мажор тоналлиги, яъни ми - мажор.

232. Eis (эис) - ми - диезнинг ҳарфий кўрсаткичи.

233. E - moll (э - молл) - тоникаси e (ми) бўлган минор тоналлиги, яъни ми - минор.



235. Es (эс) - 1. Ми - бемолнинг ҳарфий кўрсаткичи. 2. Бош ҳарф билан кўрсатилса Es - dur (ми - бемоль мажор) тоналлигининг қисқартмаси бўлади. 3. Кичик es ҳарфи es - moll (ми - бемоль минор) тоналлигининг қисқармасидир.

236. Es - dur (эс - дур) - тоникаси Es (ми - бемоль) бўлган мажор тоналлиги, яъни ми - бемоль мажор.



237. es - moll (эс - моль) - тоникаси. Es (ми - бемоль) бўлган минор тоналлиги, яъни ми - бемоль мажор.



238. eses (эсэс) - ми - дубль бемольнинг ҳарфий кўрсаткичи.

374. Лидий лади - табиий ладлардан бўлиб, товуш қатори табиий мажордан IV - поғонаси баланд бўлиши билан ажралиб туради:



Лидий ладининг тоникаси билан IV - поғонаси оралиғи орттирилган кварта (лидий квартаси) ҳосил қилгани учун бошқа ладларга нисбатан кам қўлланилади.


379. Ля - 1. Еггинчи асосий поғоналардан бирининг номи, бунинг ҳарфий кўрсаткичи A ёки a ҳолида ёзилади. 2. Транспозицияланувчи чолғу асбобларнинг сози бўлиб, нота чизиғида ёзилган ноталарга нисбатан бир ярим тон паст товуш беради. Бу созда кларнет ва корнет қўлланилади ва бу inA деб кўрсатилади.

380. Ля - бемоль мажор - тоникаси ля - бемоль мажор тоналлиги; иккинчи номи As - dur. Калитдан сўнг тўрт бемоль (си - бемоль, ми - бемоль, ля - бемоль, ре - бемоль) қўйилади.





Айрим пьесалар шу ном билан аталади. Чунки, бу пьесаларда асосий тоналик ля - бемоль мажор бўлиб, тугалланиши ҳам шу тоника (ля - бемоль)да бўлади. Ля - бемоль мажор мажор аккорди ля - бемоль нотасида тузилган мажор катта учтовушлигидан иборат бўлиб, булар ля - бемоль, до ва ми - бемолдир. Ля - бемоль мажорнинг тоника учтовушлиги I поғона учтовушлигидир. ля - бемоль мажорнинг калитолди белгилари куйидагича ёзилади.

381. Ля - бемоль минор - тоникаси ля - бемоль минор тоналиги, as - moll деб ҳам аталади. Калит олдида еттита бемоль бор: (си - бемоль, ми - бемоль, ля - бемоль, ре - бемоль, соль - бемоль, до - бемоль, фа - бемоль). Ля - бемоль минор энгармоник соль - диэз минорга тенг.



Ля - бемоль минор тоналигининг VII - поғонаси ярим тон кўтарилса - гармоник, VI - ва VII - поғоналари кўтарилса - мелодик минор бўлади, пастга томон йўналганида табиий минордек чалинишини эсдан чиқарманг. Асосий тоналиги Ля - бемоль минор бўлган айрим пьесалар шу ном билан аталади, тугалланиши ҳам шу тоналикда Ля - бемоль минорда бўлади. Ля - бемоль минор аккорди Ля - бемоль нотасидан тузилган минор (кичик) учтовушлигидан иборат бўлиб, булар Ля - бемоль минорнинг тоника учтовушлиги, яъни I - поғона учтовушлигидир.

382. Ля - диэз минор - тоникаси ля - диэз минор тоналиги, ais - moll деб ҳам аталади. калитолдида еттита диэз бор: (фа - диэз, до - диэз, соль - диэз, ре - диэз, ля - диэз, ми - диэз, си - диэз). Ля - диэз минор энгармоник си - бемоль минорга тенг.



Ля - диез минорнинг VII - поғонаси ярим тон кўтарилса, гармоник, VI - ва VII - поғоналари кўтарилса - мелодик минор бўлади, пастга томон йўналганида табиий минордек чалинишини эсдан чиқарманг. Асосий тоналлиги ля - диез минор бўлган айрим пьесалар шу ном билан аталади, тугалланиши ҳам шу тоналликда ля - диез минорда бўлади. Ля - диез минор аккорди ля - диез нотасидан тузилган минор учтовушлигидан иборат бўлиб, булар ля - диез минорнинг тоника учтовушлиги, яъни I - поғона учтовушлигидир.

383. Ля - мажор - тоникаси ля бўлган мажор тоналлиги, A - dur деб ҳам аталади. калитолдида 3 та диез бор: (фа - диез, до - диез, соль - диез).



A dur

Ля - мажор аккорди ля нотасидан тузилган мажор учтовушлигидан иборат бўлиб, булар ля, до - диез ва ми товушларидан тузилади. Бу ля - мажорнинг тоника учтовушлиги, яъни I - поғона учтовушлигидир.

384. Ля - минор - тоникаси ля бўлган минор тоналлиги, a - moll деб ҳам аталади. калитолди белгиси йўқ.



a- moll

Ля - минорнинг VII - поғонаси ярим тон кўтарилса, гармоник, VI - ва VII - поғоналари кўтарилса - мелодик минор бўлади, пастга томон йўналганида табиий минордек чалинишини эсдан чиқарманг.

Ля - минор аккорди ля нотасидан тузилган минор (кичик) учтовушлигидан иборат бўлиб, булар ля, до ва ми товушларидир. Бу ля - минорнинг тоника учтовушлиги, яъни I - поғона учтовушлигидир.

414. Ми - мусиқадаги етти товушдан бири. Ҳарфий белгиси E ёки e (э) бўлади.

415. Ми - бемоль - ми товушининг ярим тон пасайиб келиши, ҳарфий белгиси Es ёки es. Айрим транспозицияланадиган чолғу асбоблари in Es деб юритиладики, бу чолғу асбоблар товушқатори ёзилишига нисбатан бир ярим тон юқори товуш беради.


416. Ми - бемоль мажор - тоникаси ми - бемоль бўлган мажор тоналлиги бўлиб, Es - dur (ес - дур) деб ҳам аталади. ми - бемоль мажорнинг калтолди белгилари 3 та бемоль (си - бемоль, ми - бемоль, ля -

бемоль). Айрим пьесалар шу ном билан аталади, чунки бу пьесада асосий тоналлик ми - бемоль мажор бўлиб, тугалланиши ҳам шу тоналликда (ми - бемольда) бўлади. ми - бемоль мажор аккорди ми нотасидан тузилган мажор (катта) учтовушликдан иборат бўлиб, булар ми - бемоль, соль ва си бемоллардир. Бу ми - бемоль мажорнинг тоника учтовушлиги, яъни биринчи поғона учтовушлигидир. ми - бемоль мажорнинг калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:




Ми-бемоль мажор

417. **Ми - бемоль минор** - тоникаси ми - бемоль бўлган минор тоналлиги бўлиб, *es - moll* (эс - моль)деб ҳам аталади. м - бемоль минорнинг калитолди белгилари олти бемоль (си - бемоль, ми - бемоль, ля - бемоль, ре - бемоль, соль - бемоль ва до - бемоль)дан иборат.



Ми-бемоль минор

Ми - бемоль минорнинг VII - поғонаси ярим тон юқори кўтарилса - гармоник, VI - ва VII - пағонани кўтарилса мелодик бўлади. Кўтарувчи белгилар кўтарилиши лозим бўлган ноталар олдига ёзилади. Аккорди ми - бемоль нотасидан тузилган минор (кичик) учтовушлигидан иборат бўлиб, булар ми - бемоль, соль - бемоль ва си - бемоль товушларидан тузилади. Бу ми - бемоль минорнинг тоника тоника учтовушлиги, яъни I поғонаси учтовушлигидир. Ми - бемоль минорнинг калитолди белгилари соль ва бас калитида қуйидагича ёзилади:



Ми-бемоль минор



Ми-бемоль мино́р

419. Ми - мажор - тоникаси ми бўлган мажор тоналлиги, E - dur (э - дур) деб ҳам аталади. калитолдида тўртта диез бор: фа - диез, до - диез, соль - диез, ре - диез.



Ми - мажор аккорди ми нотасидан тузилган мажор (катта) учтовушлигидан иборат бўлиб, булар ми, соль - диез ва си товушларидир. Бу Ми - мажор - тоника учтовушлиги, яъни 1 - поғона учтовушлигидир. Ми - мажорнинг калитолди белгилари қуйидагича ёзилади:



420. Ми - мино́р - тоникаси ми бўлган мино́р тоналлиги бўлиб, e - moll (э - моль) деб ҳам аталади. калитолдида битта диез бор : фа - диез.

Ми - мино́рнинг VII - поғонаси кўтарилса гармоник, VI - ва VII - поғонани кўтарилса мелодик бўлади. Ми - мино́р аккорди ми нотасидан тузилган мино́р (кичик) учтовушлигидан иборат бўлиб, булар: ми, соль, си товушларидан тузилади. Бу ми - мино́рнинг тоникаси, яъни 1 - поғона учтовушлигидир. ми - мино́рнинг калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:



577. Ре - мажор - тоникаси ре билан бошланган мажор тоналлиги, D - dur (дэ - дур) деб ҳам кўрсатилади. Калитолди белгилари иккита диез (фа - диез, до - диез)дан иборат.

Ре - мажор учтовушлиги

Ре - мажор гаммаси

Асосий аккорди ре нотасидан тузилган мажор учтовушликдан иборат бўлиб, улар - ре, фа - диез, ля товушларидан тузилади. Бу ре - мажорнинг тоника учтовушлиги, яъни I - поғона учтовушлигидир.

578. Ре минор - тоникаси ре бўлган минор тоналлиги, d - moll (де моль) деб ҳам аталади. калитолди белгилари битта бемоль, у ҳам бўлса си - бемоль.

Ре - минор учтовушлиги

Ре - минор гаммаси

Ре - минорнинг VII - поғонаси ярим тон кўтарилса - гармоник, VI - VII - поғонаси ярим тон кўтарилса - мелодик минор ҳосил бўлади. Асосий аккорд - ре нотасидан тузилган минор учтовушлигидан иборат бўлиб, улар ре, фа, ля товушларидир. Бу ре - минорнинг тоника учтовушлиги, яъни I - поғона учтовушлигидир.

гармоник ре - минор

мелодик ре - минор

421. Миниатюра (фр. Miniature, итал. Miniature) - унча катта бўлмаган мусиқа пьесаси.

Масалан, фортепиано учун миниатюра, вокал миниатюраси, оркестр миниатюраси ва ҳоказо.

426. Модерато (итал. moderato) - мусиқада қўлланиладиган allegretto (аллегретто) оралиғида келадиган ўртача тезликдаги суръат.

730. Хроматизм (юн. chroma - ранг) – диатоник ладдаги поғоналарнинг ярим тондан ўзгариши. Булар альтерация белгилари – диез ёки бемоль билан кўрсатилади. Хроматик ярим тон поғонадаги икки турли товушдан (масалан, до ва до - диез) тузилиши билан турлича поғоналардан тузилган диатоник ярим тондан фарқ қилади. Демак, хроматизм бир поғонадаги товушларнинг ўзгаришидир.

260. Икки қисмли шакл - мусиқа асарининг бир - бирига яқин икки мавзу материалдан тузилиши. Буларнинг ҳар бири бир даврий, яъни икки жумланинг бирга қўшилишидан иборат бўлади. Икки қисмли шаклдаги 1, 2, ва 4 - жумлалар мазмунан бир - бирига яқин, 3 - чиси эса мавзу ва тоника жиҳатидан уларга қарама - қарши ҳолатда бўлади. Натижада, Икки қисмли шаклнинг иккинчи қисми келиб чиқадики, бу ўзининг тузилиши билан уч қисмли шаклга ўхшаб кетади. Икки қисмли шаклнинг биринчи қисми олдидан бошланғич қисми, иккинчи қисми охирида - кода келиши мумкин.

731. Хроматик гамма – куй садоларининг ярим тонлар бўйича баланд - пастга ҳаракати. Тўла хроматик гамма 12 товуш (ярим тон)дан иборат. Гаммадаги хроматик ва диатоник ярим тонларни тартибли алмашиниб келиши лад тузилиши (мажор ва минор) ва ҳаракат йўналиши (юқориланиши ё пасайиши)га боғлиқ. Хроматик гамма диатоник гаммадаги бутун тон поғоналарини кўтариш ё пасайтириш йўли билан тўлдирилади. Мажор гаммасида Хроматик гамма кўтарилганида ҳамма поғоналар кўтарилиб, фақат VI – поғона кўтарилиши ўрнига VII – поғона пасаяди ва аслига қайтартилади. Пасайишида ҳамма поғоналар пасайиб, V – поғона пасайиши ўрнига VI – поғона кўтарилади ва аслига қайтади:

733. Хроматик модуляция - бир тоналликдан иккинчи тоналликка хроматик ҳолда ўтиш, модуляция қилиш демакдир. Бунда эски, биринчи тоналликдаги охирги аккорд - яъни янги тоналликдаги биринчи аккорд билан қўшилишидан бир ёки бир неча товушда хроматик ўзгаришлар учрайди. Эски ва янги тоналликни қўшувчи аккорд бир турда бўлмайди. Хроматик модуляция аслида хроматик куй модуляциясидир. Бу модуляция куй модуляциясининг энг асосий турларидандир.

734. Хроматик товушқатор - фақат ярим тонлардан тузилган товушқатор.

735. Хроматик ярим тон - бир турли номдаги поғонадан тузилган ярим тон, масалан, до - до - диез, ре - ре - диез, ми - ми - бемоль, ля - ля - бемоль ва б. Хроматик ярим тон орттирилган прима ҳосил қилади.

732. Хроматик интерваллар – хроматик товушқаторларидан тузилган интерваллар. Катта интервалларнинг янада ортиши, ё аксинча кичик

интервалларларнинг янада камайишидан хроматик интерваллар пайдо бўлади. Улар диатоник интервалларга энгармоник равишда тенгдир. Масалан, фа - соль - диез орттирилган секунда бўлиб, бу энгармоник равишда кичик терция (фа - ля - бемоль)га тенг.

Орттирилган кварта билан бунга энгармоник тенг бўлган камайтирилган квинта оралиғи юқоридагидан мустаснодир. Чунки буларнинг ҳар иккиси ҳам хроматик интерваллардир. Масалан, ре – соль - диез (орттирилган кварта), ре - ля - бемоль (камайтирилган квинта)га тенг.

Хроматик интервалларда тортилиш кучи зўр. Чунки булар ҳар доим турғун интервалларга кўчишга интилади. Орттирилган интервалларда кенгайиш, камайтирилган интервалларда эса торайиш хусусияти зўр бўлади.

733. Хроматик модуляция – бир тоналликдан иккинчи тоналликка хроматик ҳолда ўтиш, модуляция қилиш демакдир. Бунда эски, биринчи тоналликдаги охирги аккорд – яъни янги тоналликдаги биринчи аккорд билан кўшилишидан бир ёки бир неча товушда хроматик ўзгаришлар учрайди. Эски ва янги тоналликни кўшувчи аккорд бир турда бўлмайди. Хроматик модуляция аслида хроматик куй модуляциясидир. Бу модуляция куй модуляциясининг энг асосий турларидандир.

734. Хроматик товушқатор – фақат ярим тонлардан тузилган товушқатор.

735. Хроматик ярим тон – бир турли номдаги поғонадан тузилган ярим тон, масалан, до - до - диез, ре –ре - диез, ми - ми - бемоль, ля - ля - бемоль ва б. Хроматик ярим тон орттирилган прима ҳосил қилади.

756. **Этюд** (фр. Etude - машқ, ўрганиш) ижрочилик маҳоратини ошириш учун маълум бир усулдан мураккаб қилиниб яратилган мусиқа асари. Атоқли композиторлар томонидан яратилган этюдлар, фақат ижрочилик маҳоратини ошириш учун хизмат қилмайди, балки бадийликка ҳам эга бўлади.

669. Товуш, ун - бирор жисм (тор, сим, металл, труба оралиғидаги бўшлиқ, қопланган тери ва б.)нинг тўлқинланишидан ҳосил бўладиган овоз. Тебранишнинг кўп - озлигига қараб, товуш кучи турлича бўлади. Товушнинг асосий хусусияти баланд - пастлиги, узун - қисқалиги, тембри ва кучидир. Акустика товушларни иккига: аниқ баландликка эга бўлган товуш (мусиқий товуш), баландлиги ноаниқ товушлар (яъни, шовқинли товуш)ларга бўлади. Мусиқада буларнинг ҳар иккиси ҳам қўлланилади.

161. Гармония - (юн. Harmonia - боғланиш, оҳангдошлик) - бир йўла эшитилган бир неча товушларнинг ўзаро боғланишда келиши. Гармония

фақат бир тоналликда бўлган товушлар оҳангдошлигини таъминлабгина қолмай, тоналликлараро оҳангдошликни ҳам таъминлайди. Оҳангдошликнинг асосий тури аккорддир. Гармония мусиқа маданиятининг тобора юксалиши туфайли ўзгариб, бойиб бормоқда. Турли миллат халқлари композиторлари хилма - хил гармонияларни яратмоқда.

162. Гармониялаш - куйга муайян гармоник тузилишдаги аккордлар танлаш. Тайёр куйга монанд аккорд ёки куйчан тузилишдаги кўповозли мусиқани жўр қилиш. Бирор куйни гармонияда композиторлар унга турлича уйғун товуш беришлари мумкин. Бу куйни ижодий бойитиш демакдир. Ўзбек халқ куйларини гармония кўповозли мусиқа тарғиботида муҳим аҳамиятга эга. Куйларни гармония мусиқа ўқув юртларидаги гармония ва композиция дарсларида ўрганилади.

670. Товушларнинг бўғинли номи - товушларнинг 7 та сўз бўғинлари билан кўрсатилиши. Товушларнинг сўз бўғинлари билан кўрсатилиши XI - аср мадҳиясининг лотинча тексти бўғинларидан олинган. Гвидод Ареццо номи билан машҳур олим бу сўзларни мусиқага шундай мослаганки, куйнинг ҳар бир сатри бир поғонадан юқори кўтарилиб борган. Ҳар бир сатрнинг биринчи сўз бўғини яъни: ut, re, mi, fa, sol, la ва охириги сатрнинг икки сўздаги бошланғич ҳарфлари s ва i, яъни si октава оралиғидаги товушқаторида бўлган пардаларнинг номи бўлиб хизмат қила бошлаган. Гвидод Ареццо нафақат товушлар номини, балки ўша пайтларда мавжуд бўлган клавесинни клавиқордга айланишидаги механизмни ҳам ўйлаб топган. Кейинроқ ut бўғини ўрнига қулайлик учун do бўғини қўлланила бошланган. Бу товушларнинг бўғинли номи ҳамма октаваларда ҳам сақланади. Поғоналарнинг кўтарилиши ё пасайиши, бу сўз бўғинлари ёнига диёз, бемоль, дубль - диёз, дубль - бемоль сўзлари ёзиш ёки альтерация белгилари қўйиш билан кўрсатилади.

671. Товушқатор - чолғу асбобида чалиниши ёки киши овозида айтилиши мумкин бўлган товушқатор. У юқори кўтарилаётган ёки қуйи тушаётган қатор товушқатор тизимида тузилади.


674. Тоналлик - ладдаги товушларнинг баландлиги. Асосий товушқатор поғоналардаги бош тон, яъни тоника ўзининг ҳолатига кўра аниқланади. Тоналлик номи лад ва тоникадан тузилади. Масалан, до - мажор (C - dur), до - минор (c - moll), соль - мажор (G - dur), соль - минор (g - moll) ва ҳ. к. ҳар бир мусиқа асари маълум бир тоналликда ёзилади. Кўпинча (айниқса, йирик мусиқа асарларида) асосий тоналликдан ташқари бирмунча ёрдамчи, қўшимча тоналликлар ҳам қўлланилади. Тоналликнинг тоникаси хроматик гаммадаги 12 та поғонанинг ҳар биридан ҳам тузилиши мумкин. Айрим мусиқа асарининг номи шу асарнинг асосий тоналлик

номи билан ҳам юритилади. Масалан, соль - мажор (G - dur) сонатаси, ля - минор (a - moll) этюди ва ҳ. к. Ҳар бир тоналлик калитолди альтерация белгилари билан бир - биридан фарқ қилади. Мажор - минор системаси тоналликлари диездеги ёки бемолли бўлиб келиши мумкин. Тоналликларда калитолди белгиларининг пайдо бўлиши ҳар доим бир тартибда бўлади.

675. Тоника (итал. *tonica*, юн. *tonos* - таъкидлаш) - 1. Ладдаги энг турғун поғона. Унга ладдаги ҳамма поғоналар тортилади, яъни бўйсунди. Тоника мусиқа ҳаракатини тугалланган ҳолда тўхтатиш қобилиятига эга ва у рим рақами билан I ва VIII ёки T. (t) ҳарфи билан кўрсатилади. 2. Гармонияда мажор ёки минор тоника учтовушлиги, яъни ладдаги I поғона (тоника)дан тузилган учтовушлик.

676. Тоника функцияси - мажор - минор лад системасида I поғона учтовушлиги функцияси. Тоника функциясида тўла турғун учтовушлик аккорди бўлиб, бунда доминанта функцияли аккордлар ечилади ва гармоник ҳаракатни хотималай олади. Тоника функцияси T. (t) ҳарфи билан кўрсатилади.

682. Тўла бўлмаган септаккорд - квинта тони тушиб қолган септаккорд.



Тўла бўлмаган септаккорд

683. Тўла бўлмаган такт - мусиқа асари ё унинг айрим парчасининг биринчи такти тўла бўлмаслиги, яъни шу асарнинг такт ўлчовидан кам бўлишлиги (затакт).

O`zbekistonim-ona diyorim




Nurbek Rahmatov
notaga olgan.




686. Тўртовозли тузилма - кўповозликларнинг тўрт овозда келиши. Тўртовозли тузилма кватрет ва аралаш хорда учрайди, гармония дарси ҳам тўртовозли тузилмага асосланиб, вокал товушдаги номлар чолғу мусиқасига кўчирилади. Тўртовозли тузилмада энг юқориги овоз сопрано, унинг тагидаги иккинчиси альт, тагидаги тенор ва энг пастки, тўртинчи

овоз бас деб юритилади. Гармония курсида сопрано ва альтлар бир нота чизиғида (скрипка калитида), тенор ва баслар иккинчи нота чизиғида (бас калитида) ёзилади.



780. Қўш нота - бир чолғу асбобида бир йўла чалиш учун ёзилган қўш ноталар.

321.Квинтсекстаккорд - септаккорднинг биринчи айланмаси, яъни терция тони басда келган секстаккорд.К₆₅ рақамлари билан кўрсатилади.




322.Кенг жойлашиш - тўрт овозлиаккордлар жойлашганда иккинчи ва тўртинчи овозлар оралиғи октавадан ортиқ бўлган жойланиш.Биринчи(энг пастки - бас) ва иккинчи овозлар оралиғи бундан мустасно.



Доминантанинг кенг жойлашуви

324.Кичик бошловчи септаккорд - мажор - минор лади системасидаги II ва VII пағона септаккордлари. Ўз тузилишида ярим кичрайтирилган септаккордларга эга бўлса, Кичик бошловчи септаккорд деб аталади.

326.Кичик септаккордлар - терциялар бўйича тузилган септаккорднинг умумий оралиғи кичик септима ҳосил қилса, кичик септаккорд пайдо бўлади.Кичик септаккорднинг қуйидаги турлари бор: 1) кичик мажор ёки доминантсептаккорд(асосий мажор учтовушлиғи ва кичик септима); 2) кичик минор ёки оддий кичик септаккорд(асосида минор учтовушлиғи ва кичик септима); 3) ярим кичрайтирилган септаккорд(кичрайтирилган учтовушлик ва кичик септима).Бу септаккордлар эшитилишда майин, айниқса, мажор ва минордаги гармоник функцияга эгадир.



356. Кўмакдош нота - 1. Асосий аккорд товушидан секунда юқори ё қуйида келган нота. У аккорд товушига қайтади. Кўмакдош нота турлари : а) юқориги ё пастки қўшимча ноталар; б) ёзилган аккордлар пардасидаги товушлардан келган диатоник қўшимча ноталар ёки ярим тон кўтариб ё пасайтириб ёзилган аккордлар тоналлигидаги товушларда келган хроматик қўшимча ноталардир. 2. Асосий товушдан секунда юқори ё қуйи келган товуш - мелизм.

781. Қўш нукта - нота ва паузаларнинг ўнг ёнига қўйилган икки нукта. Бу нукталардан биринчиси асосий (нукта қўйилган нота)нинг ярмига тенг бўлса, иккинчиси биринчи нуктанинг ярмига тенг бўлади.

489. Нота ёзуви - муסיқа товушларини ёзиб кўрсатувчи график белгилар йиғиндиси. Нота ёзув шакллар турли халқларда ва турли вақтларда турлича бўлган. Қадимий вақтларда нота ёзувлари ҳарфий бўлган. 1000 - йилда Гвидод Арещо ўша вақтларда мавжуд бўлган “Интернационал” мадхиянинг бош ҳарфларини олиб, ре, ми, фа, соль, ля кейинроқ си, си - бемоль ва ниҳоят до ноталарни ўйлаб топган. Шу билан нота ёзуви пайдо бўлган. Ғарбий Европада X - асрга қадар ишлатилган қадимий юнон ҳарфий нотациялари жуда мураккаб бўлган. Ҳозир қўлланиб келаётган бу нота ёзуви билан бир қаторда чолғу муסיқаларини ёзиш учун табулатура, яъни рақамли бас қўлланилган (табулатура ҳозир ҳам камдан - кам қўлланилади). Ҳарфий нотация баъзи бир ўзгаришлар билан ҳозирги вақтда Ҳиндистонда, рақамли система эса халқ чолғу асбоблари (балалайка, домра ва б. лар) да қўлланиб келинган. Хоразмда Комил Хоразмий ҳам танбур чизигини ўйлаб топган.

287. Камайтирилган септаккорд - уч тонга тенг бўлган 5 пағона оралиғи уч ярим тонга тенг бўлса, - соф квинта бўлади. Одатда камайтирилган квинта сўзи қисқартирилиб - кам 5 тарзида ёзилади:


Камайтирилган септаккорд - уч кичик терция ҳосил бўлган септаккорд. Бу септаккордда иккита камайтирилган квинта, битта камайтирилган септима учрайди. Камайтирилган септаккорднинг негизида камайтирилган учтовушлик бўлади (ми - бемоль - си - бемоль - ре - бемоль). Камайтирилган септаккорд ум⁷ (кам⁷) тарзида кўрсатилади.



Кам.септаккорд

Бу ҳолатдаги учтовушликни унинг асосий ҳолати дейилади. Агар булардан соль нотаси (квинта тони) басда келса Кварсекстаккорд бўлади. Кварсекстаккорд турли ҳолларда келиши мумкин, лекин басда ҳар доим квинта тони бўлиши шарт. Кварсекстаккордни ҳамма пағона учтовушликларидан тузиш мумкин.

316. Квинтдецима (лот. Quinta - decima - ўн бешинчи) - ўн беш пағона кенглигидаги оралиқ бўлиб, 15 рақами билан кўрсатилади. Квинтдецима икки октаванинг қўшилишидан тузилади ва соф ҳолида 12 тон бўлади.



Квартдецима_

317. Квинтет (итал. Quintetto, лот. Duintus - бешинчи) - 1. Беш ижрочидан тузилган ансамбль. Торли квинтетга кларнет қўшилса бу тўда квинтетга айланади. Агар торли квинтетга фортепиано қўшилса, бу фортепианоли квинтет деб аталади. Шунингдек, вокал Квинтет ҳам бўлади. 2. Беш ижрочи учун ёзилган вокал ёки чолғу мусиқа асари.

490. Нотация (лот. Notation - ёзиш, белгилаш - нотация) - махсус график белгилар воситасида мусиқа асарларини ёзиш йўли.


309. Кварта (лот. Quarta - тўртинчи) - тўрт пағона оралигидаги интервал. Кварта 4 рақами билан кўрсатилади. Квартанинг соф, камайтирилган, орттирилган ва икки марта орттирилган турлари бор.



503. Октава (лот. Octava - саккизинчи) - 1. Кенглиги саккиз пағона оралиқ (паст ва юқориги до, паст ва юқориги ре ва б.). Октава 8 рақами билан кўрсатилади. Октава соф, камайтирилган ва орттирилган бўлади. Соф октава 8 пағона ва 6 тон бўлиб, С, 8 деб кўрсатилади. Соф октава иккита бир турли номдаги товушни паст ва юқорида қайтарилишидир (пастки ва юқориги ми, пастки ва юқориги фа ва б.). камайтирилган октава 8 пағона ва 5,5 тон бўлиб, кич. 8 деб ҳам ёзилади (до ва юқориги до - бемоль, ре ва




юқориги ре - бемоль ва б.). орттирилган октава 8 поғона ва 6,5 тон бўлиб, орт. 8 деб ёзилади (до ва юқориги до - диез, ре ва юқориги ре - диез ва б.).




Соф октава айланиши - соф прима, камайтирилган октаванинг айланиши - орттирилган прима, орттирилган эса - камайтирилган примадир. 2. Бир текис температурацияланган товушқаторнинг бир қисми бўлиб, бунга 12 хроматик ёки 7 диатоник поғона товушқатори киради (до дан юқориги си га қадар бўлган оралик). Муסיқада қўлланиладиган шкалалар 7 тўла, 2 тўла бўлмаган октавалардан иборат. Энг пастгиси субконтроктава фортепианода 2 - 3 энг пастки, юқоригиси 5 октава 1 - 2 юқориги товушлардан иборат. Ҳар бир октаванинг номи бор ва бу поғоналар махсус график белгилар билан кўрсатилади. Субконтроктавадаги ля, си - A_2 , H_2 контроктавали C_1 , катта октава - C , кичик октава - C , биринчи октава - C^1 , иккинчи октава - C^2 , учинчи октава - C^3 , тўртинчи октава - C^4 ва ниҳоят, бешинчи октава C^5 тартибида кўрсатилади.

3. Эркакларнинг энг паст овоз тури (бас товуши). Бу овоз ҳажми A_1 (контроктавадаги ля)дан бошланади, айрим ашулачиларда эса бундан ҳам паст бўлиши мумкин. Бундай октава - бас профундо деб аталади.

315. Квинта (лот. Quinta - бешинчи) - беш пағона кенглигидаги оралик бўлиб, 5 рақами билан кўрсатилади. Квинтанинг соф, кўпайтирилган ва камайтирилган турлари бор.



314. Кварсекстаккорд - квинта тони пастда келган учтовушлик, яъни учтовушликларнинг иккинчи айланмаси. Кварсекстаккорд 6₄ рақамилари билан белгиланади. Масалан, до - ми - соль учтовушлигида до - асосий тон, ми - терция тони, соль - квинта тони:



311.Квардецима (лот.Quarta - desima - ўн тўртинчи) - ўн тўрт пағонадан тузилган интервал.Квардецима 14 рақами билан кўрсатилади.Квардецима октава (8)га септима (7) нинг қўшилишидантузилади.Квардецимани кичик ва катта турлари бўлади.

748. Энгармонизм (юн. engarmonios - келишилган, келишган, тўғри кееладиган) - 1. бир товушнинг икки хил ном билан аталиши (до - диез - ре - бемолб, фа - диез - соль - бемоль, си - до - бемоль, си - диез - до).

2. Энгармонизм турли ҳолларда келиши мумкин: а) энгармоник интервал - бир хил товушдаги икки интервал (кичик терция ва орттирилган секунда, орттирилган кварта - камайтирилган квинта, орттирилган секста - кичик септима ваб.).

б) энгармоник аккорд - бир хил товушли турли аккордлар (камайтирилган септаккорд ва камайтирилган квинсекстаккорд, камайтирилган терцквартаккорд ва камайтирилган секундаккорд).

в) энгармоник тоналликлар - бир хил товушдаги икки турли тоналлик (фа - диез мажор - соль - бемоль мажор, до - диез мажор ва ре - бемоль мажор ва б.).

749. Энгармоник модуляция - бир тоналликдан иккинчисига модуляциялашда дастлабки тоналликнинг охирги аккорди (воситачи аккорд), янги тоналликдаги аккорд бўлган айрим товушларнинг энгармоник ўзгарувчан йўли билан ўтиш. Бундай ҳолда воситачи аккорднинг кўриниши албатта ўзгаради. Масалан, септаккорднинг асосий тури - секундаккордга, квинсекстаккорд - терцквартаккордга ва б. Структурасига кўра энгармоник модуляцияда воситачи аккорднинг энгармоник ўзгариши қуйидагича бўлади: а) доминантсептаккорд орқали энгармоник модуляция; б) камайтирилган септаккорд орқали энгармоник модуляция; в) орттирилган учтовушлик орқали энгармоник модуляция ва б. Энгармоник модуляция гармоник ҳаракатга тасодифий характер беради.

750. Энгармоник тенг тоналликлар - ҳар иккиси мажор ё минор бўлган бир хил ладдаги икки тоналлик. Бу икки тоналликнинг бири диез, иккинчиси бемоллик бўлиб, тоникаси энгармоник тенг бўлади.



Энгармоник тенг тоналликлар турлича ёзилишига қарамай бир хил янграйди. Калитолди белгилар (диез ва бемоль)нинг умумий йиғиндиси хар доим ўн иккита бўлади.

748. Энгармонизм (юн. *engarmonios* - келишилган, келишган, тўғри кееладиган) -

1. бир товушнинг икки хил ном билан аталиши (до - диез - ре - бемоль, фа - диез - соль - бемоль, си - до - бемоль, си - диез - до).

2. Энгармонизм турли ҳолларда келиши мумкин: а) энгармоник интервал – бир хил товушдаги икки интервал (кичик терция ва орттирилган секунда, орттирилган кварта – камайтирилган квинта, орттирилган секста – кичик септима ва б.).

б) энгармоник аккорд – бир хил товушли турли аккордлар (камайтирилган септаккорд ва камайтирилган квинсекстаккорд, камайтирилган терцквартаккорд ва камайтирилган секундаккорд).

в) энгармоник тоналликлар – бир хил товушдаги икки турли тоналлик (фа - диез мажор – соль – бемоль мажор, до - диез мажор ва ре – бемоль мажор ва б.).


749. Энгармоник модуляция – бир тоналликдан иккинчисига модуляциялашда дастлабки тоналликнинг охирги аккорди (воситачи аккорд), янги тоналликдаги аккорд бўлган айрим товушларнинг энгармоник ўзгарувчан йўли билан ўтиш. Бундай ҳолда воситачи аккорднинг кўриниши албатта ўзгаради. Масалан, септаккорднинг асосий тури – секундаккордга, квинсекстаккорд – терцквартаккордга ва б. Структурасига кўра энгармоник модуляцияда воситачи аккорднинг энгармоник ўзгариши қуйидагича бўлади: а) доминантсептаккорд орқали энгармоник модуляция; б) камайтирилган септаккорд орқали энгармоник модуляция; в) орттирилган учтовушлик орқали энгармоник модуляция ва б. Энгармоник модуляция гармоник ҳаракатга тасодифий характер беради.

750. Энгармоник тенг тоналликлар – хар иккиси мажор ё минор бўлган бир хил ладдаги икки тоналлик. Бу икки тоналликнинг бири диез, иккинчиси бемоллик бўлиб, тоникаси энгармоник тенг бўлади.

Энгармоник тенг тоналликлар турлича ёзилишига қарамай бир хил янграйди. Калитолди белгилар (диез ва бемоль)нинг умумий йиғиндиси ҳар доим ўн иккита бўлади.

692. Уч ҳиссали такт - оралиғи уч ҳиссали ўлчовга тенг бўлган такт. У икки турда бўлади: 1. Оддий, бир кучли ҳиссага эга бўлган такт. Асосий турлари 3_2 , 3_4 , 3_8 , 3_{16} , бўлиб, буларнинг биринчи ҳиссалари кучли, иккинчи ва учунчи ҳиссалари эса кучсиз бўлаклардан иборат.

696. Учтовушлик - терция бўйича тақсим қилиниши мумкин бўлган садолардан тузилган аккорд, масалан, до - ми - соль, ре - фа - ля, ми - соль - диез - си ва шу кабилар. Учтовушликнинг (асосий ҳолатда пастгиси) биринчи тони дейилади. Буларни тартиби билан 1, 3 ва 5 рақамлар билан кўрсатилади.



Бу товушлар ўрни алмашиб келиши мумкин, лекин бу билан номлари ўзгармайди.

Учтовушлик бир квинта ҳосил қилувчи икки терциядан тузилади. Терцияларнинг турлича келишига кўра учтовушликлар катта, кичик, орттирилган ва камайтирилган бўлади:

Унинг формуласи куйидагича:

Орттирилган учтовушлик $2T+2T$;

Мажор учтовушлиги $2T+1,5t$;

Минор учтовушлиги $1,5t+2T$;

Камайтирилган учтовушлик $1,5t+1,5t$.

Мажор учтовушлиги, катта учтовушлик деб ҳам аталади.

Минор учтовушлиги эса кичик учтовушлик деб ҳам аталади. Бу иккала учтовушликларнинг бундай аталишига сабаб, уларнинг биринчи (пастги) терциясига боғлиқ бўлади ва мана биринчи терция учтовушликнинг мажор ёки минор бўлишини аниқлаб беради. Буни аниқлаш учун юқоридаги формулага қарашнинг ўзи кифоя қилади, чунки мажор ва минорнинг биринчи ва бешинчи интервали ҳамма вақт 2,5 тонга тенгдир.

Учтовушликни тоналликдаги исталган поғонадан тузиш мумкин. Бу поғона учтовушликнинг асосий тони бўлиб, терция ва квинта тонлари шу тоналликдаги поғоналардан тузилади. Ҳар бир учтовушлик уч турда келиши мумкин. Агар учтовушликнинг асосий тони басда келса асосий учтовушлик (одатда учтовушлик) деб аталади, агар терция тони басда келса, у учтовушликнинг биринчи айланмаси бўлиб, сексаккорд деб аталади. Сексаккорд “6” рақами билан кўрсатилади. Агар

учтовушликнинг квинта тони басда келса, бу учтовушликнинг иккинчи айланмаси бўлиб ва у квартсекстаккорд деб аталади, чунки аккорднинг интерваллар оралиғи кварта ва секстадан иборат бўлади. Квартсекстаккорд 6₄ рақамлари билан кўрсатилади.



20.Акколада (фр. Accolade - қавс билан боғлаш) - икки ёки бир нечта нота йўлидаги ижрони кўрсатувчи қавс. Масалан, фортепианода чап ва ўнг қўл ижросига мўлжаллаб ёзилган асар икки нота йўлида Акколада билан бирлаштирилади. Симфоник оркестрдаги торли (камонли) чолғу асбоблар партиялари тўрт нота йўлига ёзилади. Шунингдек, ёғоч ва мис пуфлама чолғу асбоблар ҳам тўдаларга бўлиниб, қавс билан бирлаштирилади.



21.Аккомпониент (фр. Accompagnement, compagne - жўр бўлиб) - ашула айтганда ёки бирор чолғу асбобида чалганда унга жўр бўлиш. Ашулага фортепиано, халқ чолғу асбоблари, турли ансамбль (трио, квартет, квинтет) ва оркестрларда жўр бўлиш мумкин. Аккомпониент яккагон ашулачи ёки чолғучига гармоник ва ритмик ҳамоҳанг бўлиб, мусиқа асарининг бадиий даражасини чуқурлаштириш.

22.Аккомпониентчи - жўр бўлувчи, одатда фортепианода жўр бўлувчиларга нисбатан қўлланилади.

КАДЕНЦИЯ , ДАВРИЯ, ЖУМЛА

Каденция (итал. Cadenza, лот. Cadere - йиғаман, тугалланаман) - 1. Тартибли ҳолатда эшитилаётган мусиқанинг тугалланган, бир мақсадга келиб, тўхтаганини ёки мусиқа асарининг бутунлай тамом бўлгани бўлиб, у бошқача қилиб, каданс деб ҳам аталади. Каденция мусиқа асарини фақат тугалланганлигини аниқлаб қолмай, бўлақларга ҳам бўлади. Шунга кўра каданслар: а) мукамал Каденция, яъни аккордлар асосий ҳолатда ва биринчи пағона тоника учтовушлигининг мелодик ҳолатини тугалланиши; б) номукамал Каденция, яъни юқоридаги тартибларга тўғри келмайдиган

ҳолатда тугаши; в) тўла Каденция, яъни тоника учтовушлиги билан тугалланиши; г) ярим Каденция, яъни доминанта, баъзан субдоминанта аккордида тугалланиши; д) бўлинган Каденция тугалланишдаги доминанта функциясининг тоника учтовушлиги ўрнига бошқа бир аккорд билан, кўпроқ олтинчи пағона учтовушлиги билан тугалланиши; е) автентик Каденция - доминанта ва тоника функцияси билан тугалланиши; ё) плагал Каденция - субдоминанта ва тоника функцияси билан тугаши; ж) мураккаб Каденция - субдоминанта, доминанта ва каданс квартсектаккорди билан тугалланиш ҳолатларида келади.



23. Аккорд (итал. Accord фр. Accord - бирдамлик) - турли баландликдаги икки ва ундан ортиқ товушларнинг қўшилиб, яхлит ҳолда янграши. Аккорд одатда, терция интервали бўйича тақсимланадиган товушлардан ҳосил бўлади. Масалан, до - ми - соль; фа - ля - до; ре - фа - ля ва б. Аккорд тўрт товушдан тузилса - септаккорд, беш товушдан тузилса нонаккорд, олти товушдан тузилса - ундецима дейилади. Терция бўйича тузилган аккорд мажор - минор ладлари тизимидаги асосий гармонияга таянади. Аккорднинг пастки товуши асосий тон ёки прима, қолганлари (юқорига қараб терциялараро) - терция тони, квинта тони, септима тони, ундецима тони дейилади.

24. Аккордга кирмайдиган товуш - Ноаккорд товуш, кўповозли мусиқа тузилмасининг бирор овозда Аккорд таркибига кирмайдиган товуш. Одатда, бундай товуш аккорднинг терция бўйича тақсимланишига тўсиқлик қилади. Аккордга кирмайдиган товушлар қаторига ўткинчи, ёрдамчи, муқаддам ва тўхталмалар киради.

25. Аккорд турлари - энг паст, яъни бас товушига кўра турли ҳолатларда келган аккордлар. Уч товушликлар уч турли ҳолатда келиши мумкин: асосий ҳолат, сектаккорд (6 рақами билан кўрсатилади) ва квартсектаккорд 6₄ рақамлари билан кўрсатилади.

Одатда уч товушликлар асосий ҳолати рақамлар билан кўрсатилмайди. Септаккорд 4 хил ҳолатда келиши мумкин: асосий ҳолат (7 рақами билан кўрсатилади). Квинтсектаккорд (6₅), терцквартаккорд (4₃), ва секундаккорд (2).



28. Аккорд айланиши - аккорднинг бош товуши (асосий тон) ўрнида уни ҳосил қилган бошқа товушлардан бирининг келиши. Аккорд айланишлари бир неча турда бўлади. 1. Басда терция томони тарзида келган айланиш. Буни биринчи айланиш деб аталадики, натижада секстаккорд ё квинт - секстаккорд ҳосил бўлади. 2. Басда квинта тони тарзида келган айланиш, буни иккинчи айланиш деб аталадики, натижада кварсекстаккорд ёки терцквартаккорд ҳосил бўлади. 3. Басда септима тони тарзида келган айланиш, буни учинчи айланиш деб аталадики, натижада секундакорд ҳосил бўлади.



29. Аккорд товуши - аккорд таркибига кирадиган товушлар. Бу товушлардан тузилган аккорд гармоник ёки куйчан (мелодик) ҳолда келиши мумкин.

279. Каданс (фр. Cadence, итал. Cadenze) - тугалланиш, хотима.

684. Тўла каданс - асосий тони басда келиб, I - поғона билан тугалланган гармоник ҳаракат (қаранг, каданс).

185. Даврия - тугалланган кичик бир мусиқа тузилиши бўлиб, бу турлича каданслар билан тугалланган икки жумланинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу каданслардан биринчиси - гўёки савол билан тугалланувчи (кўпроқ ярим ҳолатида) бўлиб, иккинчиси жавоб берувчи мукамал тугалланган каданс ҳолатида келади. Баъзан такрорий структура, яъни ҳар икки жумла бир турли куй асосида бўлса, баъзан такрорланмайдиган структура, яъни ҳар икки жумла турлича куй асосида келади. Давриядаги жумлалар тенг масофада бўлганидек, кенгайтирилган даврияда икки жумла биринчисига нисбатан узун бўлади. Агар даврия бошланғич тоналликда тугалланса, бир тоналлик даврия, агар иккинчи жумладан каданс биринчисига нисбатан бошқа тоналликда ўтса, - модуляцияланувчи даврия деб аталади.



The image shows three staves of musical notation. The first staff has notes and chords: D7, T, S⁵⁻⁶, T, S⁶, T, D7, T. The second staff has notes and chords: T, D, S⁷⁻⁶, D₄, 5, 3, T, S. The third staff has notes and chords: T, D⁹, D⁷, D⁷, T₆, D, S. There are also some 'B.' markings above the staves.

687. Тўхталма - аккордга хос бўлмаган бир товушнинг ўзидан илгари келган аккорд товушига уланиши. Бу товуш ўзидан секунда паст ё юқорида бўлган янги аккорд тонига кўчади. Мана шу кўчишни ечилиш дейилади. Ечилиш кўпроқ пастга томон бўлади. Юқорига ечилиш деярли ҳар вақт ярим тон кўтарилиш билан бўлади. Тўхталма ва унинг ечилишини уч турли ҳолатда кузатилади:

1. Ҳозирланиш, яъни тўхталиш лозим бўлган товуш; 2. Тўхталма; 3. Ечилиш, яъни тўхтаган товушнинг ечилиши. Тўхталма функциясининг бир элементиدير.

Largo ♩ = 100

The image shows a musical score for Piano. It is in 3/4 time and marked Largo with a tempo of 100. The score consists of two staves: a treble clef staff and a bass clef staff. The treble staff has a key signature of two sharps (F# and C#) and contains a sequence of notes and chords. The bass staff contains a sequence of notes and chords. The overall mood is slow and expressive.

691. Уч қисмли шакл - уч қисмдан иборат кенг тарқалган мусиқа шакли. Бу уч қисмнинг учинчиси биринчининг қайтарилишидан иборат бўлиб, мазкур шакл ҳарфлар билан қуйидагича кўрсатилади: А - В - А.

Биринчи қисм бошланиши олдидан муқаддима, охириги учинчи қисмдан сўнг эса кода, яъни тугалланиш бўлаги келиши мумкин. Бу шакл оддий ёки мураккаб ҳолатда келади. Оддий уч қисмли шаклда ҳар бир қисм даврия ҳолатида бўлиб, ўрта қисм, биринчидан учинчига ўтувчи тартибида келиши мумкин. Мураккаб Уч қисмли шаклда эса ҳар бир қисм ўз навбатида оддий, икки ё уч қисмдан тузилиши мумкин. Оддий Уч қисмли шакл бошидан охирига қадар фақат бир (асосий) тоналликда ёзилади.

Мураккаб турида эса ўрта (иккинчи) қисм тобэ тоналликда келиши мумкин.

762. Янги тоналлик - Бир Тоналликдан (Илгариги Тоналликдан) иккинчи (янги) тоналликка ўтилган (модуляция қилингани) тоналлик.

763. Ярим каданс - доминанта аккордида (камдан - кам субдоминантада) тугалланган гармоник ҳаракат.

706. Финал (итал. finale, лот. finis - хотима) - симфония, соната, концерт, трио, квартет ва шу каби кўп қисмли мусиқа асарларининг охириги қисми. Шунингдек, опера, мусиқали драма, оперетта, балет каби сахна асарларининг охириги кўриниши ё айрим актининг тугалланиши.

716. Фугато (итал. fugato - , лот. fuga) - фуга экспозицияси тарзидаги мусиқа асари ёки йирик асар эпизоди, баъзан мустақил бир чолғу пьеса бўлиб ҳам келади. Кўпинча эса фугато йирик (симфония, оратория каби) мусиқа асарининг бир бўлагини ривожланган бир бўлагидир.

717. Фугетта (итал. fughetta - кичик фуга) - фуганинг экспозицияси ҳажмига тўғри келадиган, эркин шаклли кичик пьеса.

280. Каданс квартсекстаккорди - биринчи пағона квартсекстаккорди бўлиб, 1/64 тарзида ёзилади, кадансинг кучли ё нисбатан кучли хиссасида келади. Кадакс квартсекстаккорди субдоминанта ва доминанта аккордлари оралиғида келади ва охириги тугалланиш тоникасини бўрттириб беради. Мажор - минор лад системасида кадакс квартсекстаккорди муҳим гармоник воситадир.



436. Мотив (итал. Motive - мусиқий мотив, куй, мавзу, оҳанг) - 1. Мусиқа мавзусини ифодаловчи кичик бир мусиқа бўлаги - оҳанги. Мотив одатда кучли хиссага эга бўлган тактдан иборат бўлади. 2. Мусиқа асарини қайта кенгайтириб ишланишида маълум хусусиятга эга бўлган мавзунинг характерли қисми. 3. Турмушда - куй, оҳанг кўпинча бир маънода ишлатилади. “Куйи қанақа?” дейиш ўрнига “Оҳанги қанақа?” деб ишлатилади.

658. Тема, мусиқий мавзу - (юн. thema - ҳикоя ё муҳокама мавзуи) - шаклан тугал, у қадар катта ҳажмда бўлмаган, қайта ишлаш кенгайтирилиши учун тўла имкониятларга эга бўлган куй, мавзу маълум бир фикр юргизувчи, ғоя, характер ва мусиқа қаҳрамони образини

драматик ёки баёнот тариқасида гавдалантириб берувчи муҳим композицион элемент. Муסיқа асарининг сифати, оҳанги ва ритмик хусусияти, куйнинг очик, эсда қоларли бўлиши мавзунинг яхши ва чиройли бўлишига боғлиқ. Демак, мавзу муסיқа асарининг энг асосий элементиدير.

736. Цезура (лот. caesura - ёритиш) –куйнинг ҳаракати узоқ вақтга қадар тинимсиз давом этмай, жумлалар орасида қисқача тўхташлар бўладики, мана шуни цезура дейилади. Цезура ўринларини ижрочи аниқлаб ўтади. Баъзан цезура композитор томонидан белгиланади, бундай ҳолда цезура ўрнига v белгиси вергуль қўйилади.

456. Муסיқа шакли - муסיқа асарининг композицияси, яъни тузилиши. Бунга мусиқанинг куй, ритм, гармония ва бошқа воситалари киради. Муסיқа шакли - тор маънода муайян муסיқа асарининг тузилиши, қисмларининг бир - бирига бўлган боғланишидир. Муסיқа шакли элементлари оҳанг, жумла ва давриядир. Оддий икки қисмли шакли - икки қисмнинг бир - бирига қарама - қарши қўйилиши ва биринчи қисмининг қайтарилишидан (қайтариқ ўзгариб келиши ҳам мумкин) иборат. Куплет шакли - бир мусиқанинг турли шеърларда қайтарилишидан тузилади. Вариация шакли - бир мавзунинг баъзи бир ўзгаришлари билан бир неча бор қайтарилиши. Бир хил муסיқа парчасининг бошқа (янги) парчалар орасида қайтарилиб келиши рондо деб аталади. мураккаб икки қисмли ва уч қисмли шакл - бир неча даврияларни ўз ичига олган оддий шакллардан тузилади. Муסיқа шакллари ичида кенг таракқий қилгани соната шаклидир. Циклли шакллар - ўзига хос бир неча қисмлардан тузилади (масалан, соната цикли, сюита). Кўп қисмли тузилиш - опера, балет, оратория ва б. ларга характерлидир. Муайян муסיқа шаклига тушмайдиган муסיқа асарлари ҳам бўладики, бу эркин шакл деб аталади. Масалан, прелюдия, фантазия ва б. лар. Рондо - соната каби аралаш шакллар ҳам учрайди. Полифоник шакллар - канон, фуга, полифоник вариациялар ўзига хос алоҳида гуруҳ ҳисобланади.

783. Қўшалок фуга - оддий бир овозли мавзуда тузилган фуга. Унда икки мавзу бир йўла бир экспозицияда бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда контрапункт қўшилиши фуга репризасида келади.

785. Қўшимча жумла - давриядаги иккинчи жавоб берувчи жумла.

329. Кода (итал. Coda, лот. cauda - дум) - айрим муסיқа асарларининг охирида келадиган қўшимча қисм бўлиб, бу асарнинг тузилиш шаклини аниқлашда ҳисобга кирмайди. Кода муסיқа асарининг охирги қисми асосий тоналликда каданс билан тугаллангандан сўнг, бу тугалланишни янада мустаҳкамлайди. Кодада тоника аккорди бир неча марта

қайтарилиши ё мукаммал каданс аккордларининг келиши билан мустаҳкамланади. Баъзан субдоминанта доираси томон модуляция оғишмаси бўлиши мумкин. Кода миқдори аниқ бўлмай, бир неча аккорддан кенг бир тузилишга қадар бўлиши мумкин. Бундай ҳолда асосий мавзу базаси қўлланилмайди.



729. Хотима - 1. Фугада мавзунинг охирги марта қўлланишидан сўнг келадиган қисм. 2. Каданснинг иккинчи хил аталиши.

736. Цезура (лот. caesura - ёритиш) - куйнинг ҳаракати узоқ вақтга қадар тинимсиз давом этмай, жумлалар орасида қисқача тўхташлар бўладики, мана шуни цезура дейилади. Цезура ўринларини ижрочи аниқлаб ўтади. Баъзан цезура композитор томонидан белгиланади, бундай ҳолда цезура ўрнига v белгиси вергуль қўйилади.

737. Циклли шакллар (юн. kyklos - айлана цикл) - турлича характер ва суръатдаги мусиқа пьесаларининг қўшилишидан ҳосил бўлган йирик, туркум мусиқа шакллари. Цезурадаги ҳар бир пьеса тугал бўлиб, улар ички принциплар ё қарама - қаршилиги билан бир - бирига боғланади. Цезурага сюита ва соната цикллари киради. XVIII - асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб соната циклида - сонаталар, симфониялар, чолғу концертлари яратила бошланди. Булар алоҳида номга эга бўлмай сюита, соната, симфония ва ҳ. к. деб аталади.

332. Комма (лот. Comma - бўлак) - мусиқа акустикасида энг кичик, тинглаб - ажратиб бўлмайдиган интервал (бир бутун тоннинг 1_8 бўлаги). Пифагор коммаси бир бутун тоннинг 1_9 бўлагига тенг. Иккинчи октавадаги до (C^2) ва биринчи октавадаги си - диез (his^1) оралиғида C^2 дан квинта бўйлаб юқорига кўтариб октава қуйи туширилишидан ҳосил бўлади.

334. Композиция (лот. Composition - тузиш, ташкил этиш) - 1. Мусиқа асарининг ижодий ҳолати. Мусиқа ижодиёти. 2. Тугалланган мусиқа асари. 3. Мусиқа асарининг тузилиши, яъни мусиқа асарининг шакли.

347. Куй (юн. Melodia - ашула айтиш, melos - ашула айтиш ва куйлаш) - турли баланд ва узунликдаги товушларнинг маълум бир ритм ва ладда бадий ҳолатда келиши. Мусиқа асари бир ё бир неча куйдан тузилиши мумкин. Куй асарнинг асоси ҳисобланади. Гармонизация қилиниш билан

куйнинг характери ўзгариши мумкин. Куйнинг энг характерли ўрни унинг оҳангдор бўлишидадир. Чолғу мусиқа куйлари вокал мусиқа куйлари билан яқин бўлишига қарамай, булар турлича тузилишда ва кенгайиб, ривожланиб боришида фарқ қиладилар. Ашула айтишга нисбатан, катта имкониятларга эга бўлган чолғу асбобларида куй мураккаб бўлади. Демак, куй мусиқадаги асосий ифода воситалари бўлган лад, ритм, метр ва тембрни ўз ичига олади. Шунинг учун бировозли мусиқа ҳам, кўповозли мусиқа ҳам, асосан, куй билан эса қолади.

348. Кульминация (лот. *Cu men* - чўкки) - мусиқа асари ё унинг маълум бир қисмининг энг юқори нуктаси, авжи. Масалан, симфониянинг бирор бир қисмидаги кульминация.

328. Кичик учтовушлик - кичик ва катта терциялардан тузилган умумий йиғиндиси соф квинта бўлган учтовушлик. Кичик учтовушликдаги пастки терция - кичик, юқоригиси катта терция бўлиши шарт. Кичик учтовушлик минор учтовушлиги, деб ҳам аталади. Чунки, минор ладининг биринчи пағонасидан тузилган учтовушлик минор учтовушлиги (тоника учтовушлиги) бўлади.

352. Кутилмаган модуляция - кутилмаган ҳолда бир - бирига яқин бўлмаган тоналликларга ўтиш.

The image shows a musical score for a modulation exercise. The top staff is in treble clef and contains five chords: C major (C-E-G), C major (C-E-G), E major (E-G-B), E major (E-G-B), and E major (E-G-B). The bottom staff is in bass clef and contains five chords: V7 (G-F-E-D), I (C-E-G), VI-IV (F-A-C), V7 (G-F-E-D), and I (C-E-G). Brackets above the top staff indicate the key signature change from C major to E major between the second and third chords.

252. Жумла - гармоник тугалланиш (каданс) да бўлган кичик бир мусиқа тузилмаси.



2. Вертуоз шаклда бўлган мусиқа асари одатда чолғу концертида бирор қисми ёки хотимасининг импровизация характерида тамом бўлиши, Каденцияда ёлғиз бир чолғу асбоби фортепиано, скрипка ва б. ижро этиб, ҳеч қандай ансамбль ё оркестр жўр бўлмайди, чолғучининг ижрочилик маҳорати мураккаб, қийин бўлган турли аккорд ва пассажлар билан кўрсатилади. XIX - асрнинг биринчи ярмига қадар Каденция ижрочи томонидан ижод қилинган.

711. Фраза (юн. phrase - жумла, ибора) - 1. Мусиқа шакли элементи, яъни бир неча оҳангларнинг қўшилиб келиши. 2. Мусиқа шаклининг маълум даражада тугалланган, унча катта бўлмаган мусиқа жумласи.

712. Фразировка - мусиқа асари ижросида айрим жумлаларни аниқ, бадий бўрттириб бериш, ҳар бир ижрочи (чолғу ё ашулачи)нинг ўзига хос ижро услуби ва характери, яъни фразировкаси бўлади.

713. Автентик каданс (юн. Autentikos - асл, тўғри) - мусиқа тузилишидаги тугаллик. Автентик каданслар одатда тоника ёки доминанта вазифасидаги бирор аккорд билан тугалланади.

6.Плагал каданс - субдоминанта ва тоника аккордлари билан тугалланадиган каданс.


7.Тўлиқ каданс – тоника - субдоминанта, доминанта ва яна тоника аккордларининг қўшилиши.

752. Эпизод - соната, рондо ва шунга ўхшаш йирик мусиқа шаклларида учраши мумкин бўлган ўрта қисмлардан бири бўлиб, ўзига хос мавзу, алоҳида тоналлик. Суръат ва ниҳоят қўшни қисмлардан маълум миқдорда ажралиб турувчи хусусиятга эга бўлган қисм.

31.Акт (лот.Actus - ҳаракат) - мусиқали драма, опера, балет, оперетта ва бошқа сахна асарларининг тугалланган бир қисми, пардаси.Сахна асарлари одатда бир неча (2 - 5).Актдан иборат бўлиб, булар орасида танаффус, яъни антракт бўлади.Айрим сахна асарлари бир актдан иборат бўлади.

32.Акустика (юн. Akustikos - тинглашга оид) - 1.Физика фанида товушларнинг келиб чиқишини ўрганувчи соҳа.Акустиканинг асосий бўлақларининг бири мусиқа Акустикасидир.У мусиқада қўлланиладиган товушлар ҳақида баҳс қилади.2.Театр, концерт залларида товушларни бинонинг ҳар бир қисмида баробар этилиши.

48.Альберти баслари - фортепиано учун ёзилган пьесанинг чап қўлда ижро этиладиган партияси(қисми) бўлиб, гармоник аккордга кирадиган товушларнинг маълум бир ҳаракатда такрорланиши.Альберти баслари XVIII - асрда яшаган италян композитори Доменико Альберти номи билан аталган.

49.Альт калити - до калити тизимига кирадиган калит.Унда  биринчи октавадаги до(c¹) нота йўлининг учинчи чизигига тўғри келади.Камонча билан чалинадиган чолғу асбоблардан (альт, шунингдек Альт ғижжак ва б.турдош созлар партияси шу калитда ёзилади).

51. Альтерация (лот. Altero - ўзгартаман) - етти пағонадаги товушлар (до, ре, ми, фа, соль, ля, си)нинг баландлигини ярим ё бутун тонга ўзгартиш.

Асосий пағонанинг кўтарилиши ёки пасайтирилишига альтерация деб айтилади. Асосий Альтерация белгилари диез (товушларни ярим тон кўтарилиши учун), бемоль (товушларни ярим тон пасайтириш


учун) бўлиб, агар асосий товуш бир бутун тон юқори кўтарилиши лозим бўлса, - дубль диез, аксинча бир бутун тон пасайтириш керак бўлса, дубль - бемоль қўлланилади. Кўтарилган товушларни пасайтириш ё пасайган товушни кўтариб, асли ҳолига қайтариш учун бекар белгиси қўйилади. Альтерация белгилари кўтарилиши ё пасайиши лозим бўлган нота олдида қўйилади. , калитдан сўнг қўйилса, калитолди белгилари деб аталади ва шу сатрнинг охирига қадар Альтерация белгилари қўйилган пағоналар ярим тон кўтарилади ё пасаяди. Агар Альтерация белгилари бирор такт орасида қўйилса, у ҳолда фақат шу тактдаги белги қўйилган пағоналарнигина ўзгартириш кучига эга бўлади.

Альтерация (лот. Altero - ўзгартаман) - етти пағонадаги товушлар (до, ре, ми, фа, соль, ля, си)нинг баландлигини ярим ё бутун тонга ўзгартиш.



Асосий пағонанинг кўтарилиши ёки пасайтирилишига альтерация деб айтилади. Асосий Альтерация белгилари диез (товушларни ярим тон кўтарилиши учун), бемоль (товушларни ярим тон пасайтириш учун) бўлиб, агар асосий товуш бир бутун тон юқори кўтарилиши лозим бўлса, - дубль диез, аксинча бир бутун тон пасайтириш керак бўлса, дубль - бемоль қўлланилади. Кўтарилган товушларни пасайтириш ё пасайган товушни кўтариб, асли ҳолига қайтариш учун бекар белгиси қўйилади. Альтерация белгилари кўтарилиши ё пасайиши лозим бўлган нота олдида қўйилади. , калитдан сўнг қўйилса, калитолди белгилари деб аталади ва шу сатрнинг охирига қадар Альтерация белгилари қўйилган пағоналар ярим тон кўтарилади ё пасаяди. Агар Альтерация белгилари бирор такт орасида қўйилса, у ҳолда фақат шу тактдаги белги қўйилган пағоналарнигина ўзгартириш кучига эга бўлади.

115. Бекар - альтерация белгиси бўлиб, кўтарилган ёки пасайтирилган товушларни бекар қилади. Диез товушни ярим тон кўтарса, бемоль эса товушни ярим тон пасайтиради. Мана шу кўтарилган ёки пасайтирилган товушларни ўз ҳолига қайтариш учун бекар белгиси қўлланилади.



Агар асосий товушнинг олдида дубль - диез қўйилган бўлса, товушни бир тон кўтариб чалишга тўғри келади, чунки дубль - диезнинг вазифаси ҳар қандай товушни бир тон кўтаришдан иборат. Бекар белгиси булардан бир диезни йўқотиб ярим тон пасайтиради. Агар асосий товуш олдида дубль - бемоль қўйилган бўлса, у товушни бир тон кўтариб чалиш кераклигини билдиради, чунки унинг вазифаси ҳам шундан иборат, лекин қўлланилган дубль бемолдан кейин бекар ишлатилса. У ҳолда асосий товушни ярим тон кўтариб чалишга тўғри келади.

116. Бемоль - товушларни ярим тон пасайтириш белгиси. Бу белги пасайтирилиши лозим бўлган нотанинг чап томонига қўйилади. Бундан ташқари аниқ тоналлик бўлган вақтда калит олдида ҳам бемоль ёки бемоллар қўйилади. Бу бемоллар албатта қайси тоналликда мусиқа асари ёзилганлигига боғлиқдир. Масалан: Калит олдидаги қўйилган си - бемоль шу асарнинг бошидан охиригача си - бемоль ишлатилиши керак эканлигини билдиради. Тактлар орасида учраши мумкин бўлган бошқа белгилар фақатгина ўша тактга таълуқли бўлишини ёддан чиқармаслик керак. Бекарнинг ҳарфий белгиси ҳам мавжуд бўлиб, бунда бемоль сўзи

ўрнига es (эс) ёзилади. Асосий етти поғона ҳарф номлари билан ёзилганида булардан керак бўлганларини пасайтириш лозим бўлса қўшилади. Масалан: до - бемоль ўрнига ces (цес), ре - бемоль ўрнига des (дэс) ҳолида ёзилади. Фақатгина ми - бемоль - es, ля - бемоль - as, си - бемоль - b (бэ) тартибида ёзилади. Bb (бэбэ) - си - бемолнинг ҳарфий кўрсаткичи билан белгиланади ёки bes деб ҳам ёзилади.

225. дубль бемоль – қўш бемоль. Иккита ярим тон (бир бутун тон) пасайиши белгиси. Бу белги пасайтирилиши лозим бўлган нотанинг чап томонига ь шаклида қўйилади. Масалан: ля - дубль бемоль, си - дубль бемоль ва ҳ. к. Ҳарфий кўрсатилишида асосий ҳарфга eses (эсэс) қўйилади. Масалан, до - дубль бемоль - ceses, ре - дубль бемоль - deses, соль - дубль бемоль - geses, ва б. Ми, ля, ва си ноталарига дубль бемоль қўйилганда бир оз ўзгаради. Ми - дубль бемольни - eses, ля - дубль бемольни - ases, си - дубль бемольни ь ёки bes деб юритилади. Фортепианода си - дубль бемоль учун - ля, ля - дубль бемоль учун соль, фа - дубль учун бемоль учун ми - бемоль клавишлари чалинади ва ҳ. к.

201. Диез (юн. Diesis - кўтариш) - товушларни ярим тон юқори кўтариш белгиси. Диез белгиси кўтарилиши лозим бўлган нотанинг чап томонига ёки калит белгисидан сўнг ёзилиши мумкин. Дастлаб кўтарилиши лозим бўлган нотанинг номи, сўнг диез ўқилади. Масалан, до - диез, соль - диез, ля - диез, ва б. Ҳарфий кўрсатилишда диез сўзи ўрнига is (ис) қўйилади. Масалан, до - диез ўрнига cis соль - диез ўрнига dis ва б.

226. Дубль - бекар - қўш бекар. Иккита ярим тон (бир бутун тон) пасайиши белгиси. Бу белги пасайтирилиши лозим бўлган нотанинг чап томонига ь шаклида қўйилади, лекин ўқилганда дастлаб пасайиши лозим бўлган нота, сўнг белги ўқилади. Масалан: ля - дубль бемоль, си - дубль бемоль ва ҳ. к. Ҳарфий кўрсатилишида асосий ҳарфга eses (эсэс) қўйилади. Масалан, до - дубль бемоль - ceses, ре - дубль бемоль - deses, соль - дубль бемоль - geses, ва б. Ми, ля, ва си ноталарига дубль бемоль қўйилганда бир оз ўзгаради. Ми - дубль бемольни - eses, ля - дубль бемольни - ases, си - дубль бемольни ь ёки bes деб юритилади. Фортепианода си - дубль бемоль учун - ля, ля - дубль бемоль учун соль, фа - дубль бемоль учун ми - бемоль клавишлари чалинади ва ҳ. к. Дубль бекар белгиси эса вақтинчалик кўтарилган товушни бир тонга пасайтириш кераклигини ёки вақтинчалик 1 тон пасайтирилган товушни 1 тон кўтариш учун қўлланилади. Унинг ёзилиши қуйидагича:



227. Дубль - ✕ диез - қўш диез. Иккита ярим тон (бир бутун тон) юқори кўтариш белгиси. Бу белги кўтарилиши лозим бўлган нотанинг чап ✕ томонига, яъни олдига шаклида қўйилади, лекин ўқилганда дастлаб нота, сўнг белги ўқилади. Масалан: до дубль - диез, ре дубль - диез ва ҳ. к. Ҳарфий кўрсатилишда асосий ҳарфга isis (исис) қўйилади. Масалан: до дубль - диезни - cisis, ре дубль - диезни disis, фа дубль - диезни - f isis ва б. Фортепианода до дубль - диез учун - ре, ре дубль учун - ми, ми дубль - диез учун - фа диез клавишлари чалинади ва ҳ. к.

ЛАД ҲАҚИДА ТУШУНЧА

359. Лад - 1. Турли баландликда бўлган товушларнинг ўзаро алоқаси, беқарор товушларнинг бир тоникага интилиши, ўзаро боғлиқ товушлар тизилмаси. Ладдаги товушлар тоникадан иборат консонанс аккорд, яъни тоника учтовушлиги томон тортилиши. Ладдаги асосий учтовушликда пастки (тоника) товуши асосий тон деб аталиб, терция ва квинта товушлари шу ладдаги III ва V - пағона товушларидан тузилади. Пағоналар рим рақамлари билан тоникадан юқори томон саналади:




Пағоналардан гамма тузилади. Ладдаги тоника тоналликни аниқлайди. Масалан. Мажор ладида тоника до бўлса, тоналлик до - мажор бўлади. Лад етти асосий пағоналардан тузилса - диатоник, булар оралиғидаги ярим тонлар, яъни 12 та товушдан тузилса - хроматик бўлиб келади. Ладлар бир - биридан таъсирчанлик имкониятлари ва характери билан ажралади. Лад қоидалари асосида куй тузилади, у эса жўрнавот товушлар боғланишини ҳосил қилади. 2. Чолғу асбоблари дастасига ўрнатилган ичак, металл ва ёғоч пардалар. Буларни босиб чалиш орқали турли баланд - паст товушлар чиқарилади.

318. Квинта доираси - калитолди белгилари 1 дан 12 диезга қадар ортиб борувчи 12 та диез тоналликлари. Квинта доирасида калитолди белгилари доиранинг ўнг томон (соат милининг ҳаракати бўйича) - ортиб боради (С,

G, D, A, E, H, Fis, Cis). Охирги his тоналлиги C - dur тоналлигига энгармоник тенг. Квинта доираси хроматик товушқаторнинг 12 товушини ҳар биридан тузилса диез тоналликларидан иборат.

310.Кварта - квинта доираси - энгармоник бир - бирига тенг Кварта - квинта доирасининг қўшилиши.Кварта - квинта доирасининг кўрсаткич белгиси 12 жуфт энгармоник тенг диез ва бемоль тоналликларини ўз ичига олиб, булар доирада ўнг томон боришда (соат стрелкасининг ёки милининг юриш томонига) диезлар ортиб боради.Тескарисига, яъни чап томон боришда бемоллар ортиб боради.Натижада хроматик товушқаторидаги 12 та товушнинг ҳар биридан иккитадан бир - бирига тенг(бири диезли, иккинчиси бемолли) энгармоник тоналликлар ҳосил бўлади.Ҳар бир энгармоник тенг тоналликлардаги альтерация белгилари(диез ва бемоль) ва Ges - dur (7 та бемоль), Fis - dur (6 та диез) ва Ges - dur (6 та бемоль) ва б.



771. Ўрта аср ладлари - Ўрта асрларда касбий ва халқ муסיқаларида тарқалган диатоник натурал ладлар, улар черков ладлари деб ҳам аталади. чунки ўрта аср муסיқа назарияси черков муסיқаси билан бир бўлган. Ўрта аср ладлари пастки ва ўрта таянч тонлари оралиғида квинта интервали билан келган автентик ладлари ҳамда кварта интервали билан келган

плагал ладлари орқали ажралади. Ўрта аср ладларининг номлари қадимий юнон мусиқа назариясидан олинган бўлса ҳам лекин қадимий юнон ладлари тузилиши билан ўхшаш бўлмаган. Плагал ладлари автентик ладлардек кўрсатилиб, фақат бунга “гипо” сўзи қўшилган (юн. Гипо - остида деган маънони англатади). Плагал ладининг (гипо - лад) бошланғич товуши учун автентик ладнинг квинта тони қўлланилган. Ўрта аср мусиқа назариясида 4 та автентик ва 4 та плагал ладлар системага солинган. Товушларнинг эшитилиш характери билан ўрта аср ладлари мажор ёки минорга ўхшаб кетади.


Ионий лади	
Дорий лади	
Фригий лади	
Лидий лади	
Миксолидий лади	
Эолий лади	
Локрий лади	

XVIII - асрда буларга яна икки лад қўшилиб, умумий сони 12 тага етказилди.

775. Ўхшаш тоналликлар - аккордлари бир турли товушлардан тузилган икки тоналликнинг ўзаро муносабати. Ўхшаш тоналликлар уч даражада бўлади.

Биринчиси - тоника учтовушлиги умумий бўлган тоналликлар. Масалан, до мажор ва соль мажор. Ҳар бир мажор тоналлиги 6 та биринчи даражадаги ўхшаш тоналликларга эга (2 та мажор ва 4 та минор). Буларнинг тоника аккорди II, III, IV, IV^Г, V ва VI - поғоналардан тузилган учтовушликлардир. (до мажорга - ре - минор, ми - минор, фа - мажор, фа - минор, соль - мажор ва ля - минорлар. - яқин ўхшаш тоналликлардир).

Ҳар бир минор тоналлиги ҳам 6 та биринчи даражадаги ўхшаш тоналликларга эга (2 та минор ва 4 та мажор), буларнинг тоника аккорди - III, IV, V, VI ва VI пағоналардан тузилган учтовушликлардир (ля - минорда - до - мажор, ре - минор, ми - минор, ми - мажор, фа - мажор ва соль - мажорлардир).



Иккинчи даражадаги ўхшаш тоналликлар тоникадан бўлак бир умумий учтовушликка эга бўлган тоналликлар, масалан, до мажор ва ре мажор ҳар бир мажор ва минор тоналликлари 11 та иккинчи даража ўхшаш тоналликка эга, булардан 8 таси асосий ладда, 3 таси бошқа ладда.

Учинчи даражада ўхшаш тоналликларда бирорта ҳам умумий учтовушлик бўлмайди, ҳар бир мажор ва минор тоналликлари 5 та учинчи даража яқин тоналликларга эга. Булардан 1 таси асосий ладда, 4 таси бошқа ладда бўлади. Тоналликларнинг ўхшашлик даражаси модуляция содир бўлишига характерли ва сабабчидир.

776. Қадимги юнон ладлари - қадимги юнон муסיқа ладлари юнон олимлари томонидан ўрганилиб, тартибга солинган. Ладлар қадимий юнон қабиалари номига қўйилган, энг муҳимлари: дорий, фригий, лидий, миксолидий, гиподорий, гиполидий ва б. Бу ладлар диатоник тузилишга яқин бўлиб, хроматик ва энгармоник турлари ҳам бўлган. Бу ладлардаги тетракордлар ўрнини алмаштириш билан гипер ладлар ҳосил бўлади.

360. Лад альтерацияси - ладдаги беқарор товушларни ярим тон кўтариш ё пасайтириш орқали унинг барқарор товушга бўлган яқинлигини кучайтириш. Лад альтерацияси орқали беқарор товушлар барқарор товушларга яқинлашиб, хроматик интерваллар ҳосил қилади. Лад альтерацияси белгилари калит олдида эмас, кўтарилиши ё пасайиши лозим бўлган ноталар олдида қўйилади. Мажорда II - ва IV - пағоналар кўтарилиб, тоника учтовушлигининг терция ва квинтасига бўлган тортилишини кучайтиради. II - ва IV - пағоналар пасайтирилиб, тоника учтовушлигининг асоси ва квинтасига бўлган тортилишини зўрайтиради.



Минорда II - пағона пасайтирилиб, тоникага бўлган тортилишни кучайтиради. IV - пағоналар кўтарилиб, тоника учтовушлигини квинта тонига бўлган тортилишини зўрайтиради. IV - пағонанинг пасайиши тоника учтовушлигининг терция тонига бўлган тортилишини кучлантиради. Оддий минорда VII - пағонанинг кўтарилиши гармоник минорни ўзгартиради ва бошловчи тон ҳосил қилади; бу билан тоникага бўлган мелодик тортилиш кескинлашади. Гармоник минорда VI - пағонанинг кўтарилиши мелодик минорни яратади. Бу билан VI - пағонанинг тоникага тортилиши гармоник VII - пағона (яъни бошловчи тон) орқали пайдо бўлади.



361. Лад модулясияси - тоникаси сақланган ҳолда ўзгарган лад. Масалан, до - мажордан - до - минорга, ре - мажордан - ре - минорга, ми - мажордан - ми - минорга ва ҳ. к. қилинган модулясия. Бошқачасига номдош тоналликларга модулясия деб аталади.

362. Лад тоналлик - лад ва тониканинг бир вақтда аниқланиши (масалан, E - dur, a - moll, F - dur ва б.). Лад тоналлиги термини амалиётда тоналлик деб юритилади.

363. Лад пағоналари - ладдаги товушларнинг тоникадан бошлаб, юқори томон рим рақамлари билан кўрсатиладиган пағоналари:



Мажор - минор лад системасидаги бу пағоналарнинг ладдаги ҳолатлари, яъни мавқеларига кўра номлари бор:

- I - Тоника (пастки) тон;**
- II - юқориги бошловчи тон;**
- III - юқориги медианта;**
- IV - субдоминанта;**
- V - доминанта;**
- VI - пастки медианта;**
- VII - пастки бошловчи тон;**
- VIII - юқориги тоника.**

Булардан I - , IV - ва V - пағоналарни - асосий (бош) пағоналар , II - , III - , VI - ва VII - пағоналарни кўшимча (ёрдамчи пағоналар), VIII - пағона юқориги тоника деб юритилади.

364. Ладнинг ёндош пағоналари - ладда асосий пағоналардан ташқари ёндош пағоналар ҳам бўлади. Булар ладнинг II - , VI - ва VII - пағоналаридан иборат. Шулардан тузилган аккордлар кўшимча аккорд бўлади.

365. Ладнинг турғун пағоналари - музикани тугаллаш қобилиятига эга бўлган лад пағоналари. Ҳар бир ладдаги тўла ўрнашган товуш тоника (I - пағона) дир. Мажор - минор лад тизимида III - ва V - пағоналар ҳам маълум даражада турғун пағона бўлиб келади.

366. Ладнинг нотурғун пағоналари - ладлардаги турғун товушлар томон интилувчи пағоналари. Мажор - минор тизимидаги ладда II - , IV - , VI - ва VII - пағоналар, яъни тоника учтовушлигига қирмайдиган ҳамма товушлар нотурғун пағоналардир.



7. Автентик ладлар - ўрта аср ладлари. Автор (лот. Autor - яратувчи, ижодкор) - илмий, бадиий ва турли соҳада яратувчи. Муаллиф. Музыка асарларининг автори - композитор, бастакор.

224. Дорий лади - ўрта аср ладларидан бири. Дорий лади соф минор ладидан олтинчи пағонаси баланд бўлиши билан ажралиб туради. Дорий ладини ташкил қилган ҳар икки тетракорд бир турлидир:



225. Дорий секстаси - 1. Соф минор ладининг олтинчи пағонаси кўтарилгани. 2. Дорий ладининг I - VI - пағоналаридан тузилган интервал.

172. Гипо - ладлар - доминантадан бошланиб, доминантага қадар бўлган пағоналардан тузилган товушқатор лад бўлиб, қадимги замон музика назариясида қўлланилган. Бу лад асосий тоника товушқатор ўртасида келади. Гипо - ладлар - черков, ўрта аср, григориан ладлари деб ҳам юритилади.

173. Гипофригий лади - гипо - ладлар турларидан.

276. Ионий лади - соф мажор товушқатори билан бир хилда бўлган



лад.

98. Атоналлик - муסיқа асарининг аниқ бир оҳангда, яъни маълум бир ладда бўлмаслиги. Атоналлик йўсиндаги муסיқа кишининг табиий овозда айтиладиган ашула, муסיқа садоларига асосланмай, турли баландликдаги тартибсиз товушлардан тузилган аккорд, маъносиз боғланишдаги товушлар йиғиндисидан иборат (баъзи математик муносабатлар заминидан юзага келган) бўлади. 1920 - 1930 - йиллари давомида А. Шёнберг, Й. Хауэр, А. Веберн, А. Берг (барчаси Австриялик), Н. Рославцев (Россия) каби композиторлар ижодида Атоналлик муайян (додекафония, серия техникаси) қодалари асосида тартибга солинди ва шу тарзда кўп мамлакатларда тарқалди.

158. Гармоник мажор - мажор ладининг олтинчи поғонасининг ярим тон пасайтирилган тури:



159. Гармоник минор - оддий минор ладининг еттинчи поғонасининг ярим тон кўтарилган тури:



751. Эолий лади - ўрта аср ладларидан бири бўлиб, буни ташкил қилган икки тетракорд турличадир:



1 - 0,5 - 1 - (1) - 0,5 - 1 - 1

Эолий ладининг товушқатори табиий минордагидек.

Минор гаммали ҳамма поғоналар кўтарилиб I – поғона кўтарилиши ўрнига II - поғона пасаяди ва аслига қайтади (ёки ҳамма поғоналар кўтарилади).

Пасайишида ҳамма поғоналар кўтарилиб яна аслига қайтади, фақат I – поғона ўрнига II – поғона пасаяди.

160. Гармоник функция - гармоник ҳаракатдаги аккордда ладнинг аҳамияти, роли. Асосий Гармоник функциялар - тоника, субдоминанта ва доминанталардир.

378. Локрий лади - табиий ладлардан бўлиб, товушқатори оддий минор ладидан II - ва V - пағоналарининг паст бўлиши билан ажралиб туради:



Локрий ладининг тоникаси билан V - пағонаси оралиғи кичрайтирилган квинтага тенг бўлгани учун бу лад бадиий асарларда жуда кам учрайди.

384. Мажор, мажор лади - турғун товушлари катта (мажор) учтовушлигини ҳосил қилган лад. Мажор Dur (дур) деб ҳам аталади. бу турғун учтовушликка бошқа нотурғунлари тортилади. Мажорда 7 поғона бўлиб, булардан I - III ва V поғоналари турғундир. Мажор ладининг бир неча тури бор, булардан энг асосийси табиий мажордир.

$$B=2T+1,5T$$

385. Мажор аккорди - мажор учтовушлиги.


386. Мажор гаммаси - мажор ладидаги ҳамма поғоналарининг тартиби билан юқори (I - дан VII - поғонасигача) ёки (VII - дан I - поғонасигача) мелодик ҳолатда келиши.



387. Мажор субдоминантаси - мажор ладининг IV - поғонасидан тузилган учтовушлик. Бунда катта (мажор) учтовушлиги ҳосил бўлади.

388. Мажор тузилмаси - мажор ладининг номи.

389. Мажор учтовушлиги - катта ва кичик терцияларнинг устма - уст жойлаштирилиши (умимий йиғиндиси соф квинта)дан тузилган учтовушлик. Бу учтовушликларнинг пастада катта, юқорисида кичик терция бўлиши шарт. Мажор учтовушлиги катта учтовушлик деб аталади.



Мажор учтовушлиги консонансдир.

390. Мажор - минор лад системаси - фақат айрим товушлардагина эмас, комплекс аккордларга, биринчи навбатда, мажор ё минор

тузилишидаги доминантсептаккорд ва тоника учтовушлигига таянувчи ладлар тизими. Мазкур тизим асосида бир - бирига қарама - қарши бўлган икки лад, яъни мажор ва минор ладлари, XVII - асрдан бошлаб Ғарбий Европа муסיқасида мажор - минор лад системаси асосий ўрин ола бошлаган.

397. Мелодик минор - минор ладининг бир тури. Табиий минор ладининг VII - поғонаси ярим тон кўтарилишидан гармоник, Ля - минорнинг VII - поғонаси ярим тон кўтарилса, гармоник, VI - ва VII - поғоналари кўтарилса - мелодик минор бўлади, пастга томон йўналганида табиий минордек чалинишини эсдан чиқарманг. Демак, мелодик минори гармоник минорда VI - ва VII - поғоналари оралиғида 1,5 тонни (орттирилган секундани), бир бутун тонга (катта секундага) ўзгариши билан ажралади.



Мелодик минорида VI - ва VII - поғоналарнинг кўтарилиши учун кўйилган альтерация белгилари калитолди белгилари ҳисобига крмайди, шунинг учун бу VI - ва VII - поғонани кўтарувчи белгилар кўтарилиши лозим бўлган ноталар олдига ёзилади. VI - ва VII - поғоналарни кўтариш учун диез, дубль - диез, агар тоналликда калитолди белгилари бемолли бўлса, бекар қўлланилади.

398. Мелодик минор гаммаси - асосий поғоналарини пастдан юқорига (I - дан VIII - поғонасигача) ё юқоридан пастгача, яъни VIII - дан I - поғонасигача мелодик тартибда келиши.

399. Мелодик интервал - бирин - кетин эшитилган товуш оралиғи, овознинг паст - баландлигидаги фарк. Бир йўла икки овознинг эшитилиши - гармоник оралик бўлади.



400. Мелодик ҳолат - аккорднинг тақсимланиши. Бунинг қай тариқа келиши юқори овозда қандай товуш келишига кўра аниқланади. Масалан, учтовушликда асосий тон мелодик ҳолати (буни нота устига ёзилган “I”

рақами билан кўрсатилади), терция тони мелодик ҳолатида (“3” рақами билан кўрсатилади) келиши мумкин. Агар септаккорд бўлса, аккорд септима тони мелодик ҳолатида (буни “7” рақами билан кўрсатилади) келиши мумкин.



Мелодик ҳолат

404. Мензурали нотация - XII - XVI - аср, яъни ўрта аср мусика товушларининг ёзув системаси. Унга қадар бўлган нота ёзув системаси товушнинг фақат баландлигини ёзиб, узунлик миқдорини аниқлай олмаган эди.

418. Миксолидий лади - табиий ладлардан бўлиб, товушқатори табиий мажор ладининг VII - поғонаси паст бўлиши билан ажралиб туради.



Миксолидий ладининг тоникаси билан VII - пағона оралиғи катта септима ўрнига кичик септима (миксолидий септимаси) келади. Миксолидий лади кўтарилувчи, юқорига бошловчи тоннинг йўқлиги билан характерланади. Ўзбек мусиқасида миксолидий лади кўп учрайди.

422. Минор, минор лади (итал. Minor - кичик минор) - турғун товушларидан кичик (минор) учтовушлиги ҳосил бўладиган лад. Минор иккинчи турда moll (моль) деб ҳам аталади. бу турғун учтовушликка бошқа нотурғунлари тортилади.

Минорда етти поғона бўлиб, булардан I - III ва V поғоналари турғундир. Минорнинг турлари - табиий минор, гармоник минор ва мелодик минордир.

423. Минор гаммаси - минор ладидаги ҳамма поғоналарнинг тартиби билан юқори (I дан VIII поғонага қадар) ёки қуйи (VIII дан I поғонага қадар) мелодик ҳолатда келиши. Қаранг : гармоник минор гаммаси, мелодик минор гаммаси.

424. Минор тузилиши - минор лади, минорнинг иккинчи турли аталиши.

425. Минор учтовушлиги - учтовушликни ташкил қилувчи терциялардан биринчиси (пастгиси) кичик, иккинчи (юқоригиси) катта

терция ва умумий йиғиндиси соф квинта бўлган учтовушлик, иккинчи хил айтганда кичик учтовушлик.


428. Moll (моль, mollis - моллис, юмшоқ, бўш) - минор пардасининг белгиси, парда тоналликларини аниқлаш учун тониканинг ҳарфий кўрсаткичини қўшиб айтилади. Масалан, а - moll - ля - минор, с - moll - до - минор, f - moll - фа - минор ва б.

432. Монотоналлик (юн. Monos - бир, якка ва tonos - диққат билан) - бир тонли, бир товушли, яъни якка овозли. Шунингдек, бир хил, бир товушнинг кучайтирмай, пастламай қайта - қайта бир текис такрорланиши.

478. Номдош тоналликлар - турли ладларда бўлиб, тоникаси бир хил бўлган тоналликлар. Масалан, до - мажор ва до - минор, ре - мажор ва ре - минор, соль - мажор ва соль - минор ва б. лар. бир номдаги мажор ва минор тоналликлари кварта - квинта доирасига кўра ҳар доим уч альтерация белгиси билан ажралади. Мажор тоналлигининг III - ва VII - поғоналари минор тоналлигининг шу поғоналарига нисбатан ҳар доим ярим тондан юқори бўлади.

536. Пентатоника - (юн. Pente - беш, tonos - тон) - октава оралиғидаги турли баландликка эга бўлган беш товушли тизим. Пентатоника товушқаторидаги поғоналар оралиғи бутун тон (катта секунда) ва бир ярим тон (кичик терция) лардан иборат бўлади (фортепианонинг қора клавишлари оралиғидек). Ярим тонсиз пентатоника кўпроқ тарқалган бўлиб, у ангемигон, яъни ярим тонсиз пентатоника деб аталади. Катта секунда ва кичик терция интерваллари ўз ўринларини алмашиб келишларига кўра, бешта пентатоника ладлари ҳосил бўлади. Пентатоника ладларининг эшитилиши характери мажор ва минорга бир оз яқинлашиб кетади.

Юқоридаги мисоллардан биринчиси, яъни биринчи товушқаторидан мажор учтовушлиги, бешинчи товушқаторидан эса минор учтовушлиги тузиш мумкин. Тўртинчи товушқатор - мажорга, учинчиси эса минорга бир оз яқинлашиб келади. Иккинчисидан - товушқаторнинг лад табиати ноаниқдир. Пентатоника хитой, шотланд, мўғил, корейс, япон ва б. халқлар мусикаси учун характерли. Татар, бошқирд, чуваш, бурят мусика фольклорлари ҳам пентатоникага асосланган.



58. Ангемитон товушқатори (anhevitonos - ярим тонсиз) - пентатоника.

537. Пентатон товушқатори - баъзан бу беш тонли товушқаторни ангемитон, яъни ярим тонсиз товушқатор деб ҳам аталади.

538. Пентахорд (юн. Pente - беш, chordo - тор) - товушқатордаги беш пағонанинг кетма - кет келиши. Бирор ладнинг тоникадан доминантагача бўлган биринчи беш поғонаси.

557. Поғонадош тоналликлар - аккордлари бир турли товушлардан тузилган икки тоналликларнинг ўзаро муносабати. Поғонадош тоналликлар уч хил бўлади. Биринчи даражада поғонадошлик - тоника учтовушлиги умумий бўлган тоналликлар (масалан, до - мажор ва соль - мажор). Ҳар бир мажор тоналлигида 6 та биринчи даража Поғонадош тоналликлар бор .

Иккинчи даража поғонадошлик - тоникадан ташқари бир умумий учтовушликка эга бўлган тоналликлар киради.

Учинчи даражали поғонадошликда - тоналликда бирорта ҳам умумий учтовушлик бўлмайди, ҳар бир мажор ва минор тоналлиги 5 та учинчи даража поғонадош тоналликка эга, булардан биртаси асосий ладда, 4 таси бошқа ладда. Яқинлик даражаси модуляция учун мойил бўлган ва унга сабабчи бўлган поғонадош тоналликлардир.

196. Диатоника (юн. Diatonikos - бир тондан иккинчи тонга ўтиш) - ладдаги асосий пағоналардан тузилган қатор мусиқа товушлари. Табиий мажор, минор ва ўрта аср ладлари учун асос бўлган асосий етти пағонадаги тон ва ярим тонлар Диатоникага киради.

197. Диатоник интерваллар - асосий Диатоник товушлардан тузилган соф, кичик ва катта интерваллар. Диатоник интерваллар икки тўдага бўлинади: биринчиси соф (прима, кварта, квинта ва октавалар), иккинчисига катта ва кичик интервал (секунда, терция, секста ва септималар) киради.

198. Диатоник модуляция - бир тоналликдаги охирги аккорд (воситача аккорднинг) янги тоналликда учрайдиган шу номда бўлган товушларидан тузилади. Шунга кўра Диатоник модуляция тоналликлардаги биринчи ва

иккинчи даражадаги модуляцияларда учрайди. Диатоник модуляцияда бир тоналликдан иккинчи тоналликка оҳиста, равон ўтилади.

Диатоник товушқатор - альтерация белгиларисиз, яъни асосий пағоналар (до,ре,ми,фа,соль,ля,си) дан тузилган товушқатор. Пағоналари альтерацияли товушқатор бўлиши ҳам мумкин.

199. Диатоник яримтон - товушқатордаги икки турли пағонадан тузилган ярим тон бўлиб, кичик секунда интервалини ҳосил қилади. Масалан, до -

200. ре - бемоль, ми - фа, фа - диез - соль ва б.

Диатоник тон - диатоник бутун тон. Товушқатордаги икки турли пағонадан тузилган бутун тон. Масалан, до - ре, ми - фа - диез, ля - си ва б.

202. Диминуэндо (итал. Diminuendo - кичрайтириб. Қисқартмаси - Dim) товушни аста - секин пасайтириб чалиш. Бу ҳарфий ёзма, махсус белги билан кўрсатилади:



Бу белги қаттиқ товушдан аста - секин пасайтириб бориш маъносида: F (Форте) - қаттиқ, кучли, баланд; p (пиано) - секин ёки паст деб ёзилади.

651. Табиий гамма - асосий, табиий пағоналардан тузилган гамма.

652. Табиий минор - минор учтовушлигини ҳосил қилган лад. Табиий минор, минор турлари (гармоник, мелодик)нинг асоси ҳисобланади.

1 тон - 0,5 тон - 1 тон - 1 тон - 0,5 тон - 1 тон - 1 тон тарзида тузилади.

713. Фригий лади - ўрта аср ладларидан, товушқатори табиий минор лади товушқатори II - пағонасининг ярим тон пасайиши билан ажралади. Натижада тоника билан катта секунда эмас, фригий секундаси деб аталувчи кичик секунда ҳосил бўлади. Фригий ладини ҳосил қилган ҳар икки тетракорд бир турлидир.

фригий лади



714. Фригий секундаси - 1. Фригий ладининг I - ва II - пағоналаридан ҳосил бўлган интервал. 2. Табиий минор лади II - пағонасининг ярим тон пасайтирилгани.

751. Эолий лади – ўрта аср ладларидан бири бўлиб, буни ташкил қилган икки тетракорд турличадир:

1 - 0,5 - 1 - (1) - 0,5 - 1 - 1

Эолий ладининг товушқатори табиий минордагидек.

ТЕМП – СУРЪАТ АТАМАЛАРИ

8. Агогика - (лот. *Agoge* - юргизиш, эргаштириш) - мусиқа ижрочилигида бадий ниятни кўзлаб асар суръатини бир оз ўзгартириш, тезлатиш ё секинлатиш ҳақидиги билим.

9. Адажио, тўғрироғи адажо (итал. *Adagio* - оғир, тинч) - 1. Асарни оғир. Вазмин суръатда ижро этиш белгиси. 2. Балетда асосий қаҳрамонлар характери очиб берувчи. Одатда вазмин, салобатли рақс. 3. Салмоқли ижро этиладиган чолғу асар, пьеса.

10. Адажиэтто (итал. *Adagietto* - кичик адажио) - ижро суръати белгиси, адажиодан тезроқ.

14. Agiato (итал. *Аджато* - имиллаб) - оғир ва тинч ижро суръати кўрсаткичи.

15. Agitato (итал. *аджитато*) - ҳаяжонли, таъсирланиб ижро этиш.

26. Accordare (итал. *аккордарэ*) - мослаш, созлаш.

27. Accoppiare (итал. *аккопиаре*) - қўшмоқ, уйғунлашмоқ.

30. Accrescendo (итал. *аккрэшендо*) - *crescendo* (крешчендо).

34. Alla breve (итал. *Алла брэвэ*) - тўрт чоракли ўлчовда ёзилган тактдаги ноталарни ҳар икки чораги “бир” ҳисобидан, яъни такт 2/2 ўлчовида саналишини кўрсаткичи. *Alla breve*да ҳар бир такт икки саноғида кучли ва кучсиз ҳиссаларидалигини аниқлайди. *Alla breve* сўзлари нота йўлининг бошланишида калит ва альтерация белгиларидан сўнг ёзилади.

35. Allargando (итал. *алларгандо*) - кенгайтириб, вазминлаштириб ижро этиш.

36. Allegretto (итал. *Аллегретто* - тезроқ) - мусиқа суръатини кўрсаткичи. *Allegro* билан *Andante* ўртасидаги тезлик белгиси. Қискартириб *alito* холида ҳам ёзилади.

37. Allegro (итал. - жонли, хушчақчақ) - 1. Тез ва жонли ижро кўрсаткичи. 2. шу суръатда ёзилган, лек алоҳида номга эга бўлмаган мусиқа асари - пьеса. 3. Сонатанинг биринчи қисми, яъни соната аллегроси.

38. Allegro moderato (итал.) - ўртача суръатда ижро этиш.

40. Allentando (итал. *аллентандо*) - салмоқли, оғирроқ суръатдаги ижро кўрсаткичи.

43. Allegretto нинг қисқартирилган шакли All - to.

44. All - segno (аль - сэнью) - шу белгига қадар ижро этиш.

59. Andante, andare (анданте - бармоқ, юрмоқ) - 1. Ўртача тезликда бўлган суръат кўрсаткичи. Шошмасдан, осойишта ижро этиладиган суръат. 2. Муайян номга эга бўлмаган мусиқа асар (одатда чолғу пьеса) ҳам Andante деб аталади. 3. Соната циклининг вазмин ижро қисми кўпроқ шу суръа ижро этилади.

60. andantino (итал. андантино) - ўртачадан тезроқ бўлган суръат кўрсаткичи. Муайян номга эга бўлмаган кичик чолғу пьеса.

61. Ancord (итал. анкорд) - яна, яна бир марта.

71. Аранжировка (фр. Arranger - тартибга солиш, тузатиш) - бир ё бир нечта чолғу асбоблари учун ёзилган мусиқа асарини бошқа бир ё бир неча чолғу асбобларда ижро этиш учун мослаштириш. Аранжировка фақат чолғу мусиқа асарларигина эмас, вокал мусиқа учун ҳам хосдир. Аранжировка қилганда чолғу асбоблар, овозлар сонини кўпайтириш ё камайитириш мумкин. Шунингдек, оркестр учун ёзилган мусиқа асарларини фортепианога Аранжировка қилиш мумкин. Бир чолғу асбоби учун яратилган мусиқа асарини шу чолғу асбобида чалиш учун енгиллаштириш (осонлаштириш) ҳам Аранжировка деб аталади. Кўпроқ опера, симфоник, камер ансамбллари фортепианода 2 ёки 4 қўлда чалиш учун Аранжировка қилинади.

77. Arpeggiare, Arpeggio - (итал. Арпеджио - арфага чалиш) - аккорд товушларини бир йўла эмас, тартиб билан бирин - кетин ижро қилиш. Аксарият Арпеджиолар пастки товушлардан бошланади. Арпеджио йўли билан ижро қилиниши лозим бўлган аккордларнинг чап томонига тикка тўлқинсимон чизик чизилади. Арпеджио арфада, шунингдек фортепиано, чанг, қонун каби чолғу асбобларда кенг қўлланилади.

78. Articulado, articulo (нем. Артикуляция - майда бўлакларга бўламан) - мусиқа чолғу асбоблари ва ашулачи овозида сурункасига келган товушларни ижро этиш усуллари. Артикуляция турлари кўп бўлиб, асосийлари - легато, стаккато, глоссандо, портаменто. Артикуляциянинг тўғри бажарилиши мусиқа асарини бадиий ва таъсирли чиқишига ёрдам беради.



95. Assai (ассай - етарли) - жуда хам, ғоят маъноларида бўлиб, сўзнинг асосий мазмунини янада бўрттириб беради. Масалан: *allegro assai* (аллегро ассай) - жуда тез, *adagio assai* (адажио ассай) - жуда вазмин.

68. Appoggiatura (итал. Аподжатура - суянч, таянчик) - форшлаг.

96. A tempo (итал. Э темпо) - илгариги суръатда. Бирор мусиқа асарини ижро этиш вақтида тез ё вазминлаштирилганидан сўнг яна асл ҳолига қайтиш, қискартириб, а. т. деб хам кўрсатилади.

Лучик солнца

О. Романова

Lento ♩ = 43 *а tempo* *mp* *росо rit.* О. Романова

Lento ♩ = 43 *а tempo* *mp* *росо rit.*

1. Лучик солнца есть,

mf *росо rit.* *mp*

97. Аттака (итал. аттака) - хужум қилмоқ - мусиқа асарининг бир қисмидан иккинчи қисмига кўчишда тўхтовсиз ўтилишини кўрсатувчи белги.

100. Аччелерандо (итал. *Accelerando* - тезлатиш) - суръатнинг аста - секин тезлатилиши. Кўпроқ қискартириб, *accel* деб ёзилади.

112. Basso cantante (итал.) - юқори бас.

113. Basso ostinato (итал. Тиргак бас) - мусиқа асари куйининг ҳар доим бас товушида такрорланиб туриши. Бу фақат юқори товушда эркин, турли ҳолатда ўзгариб, алоҳида куй ташкил қилиб боради. Уни кўпроқ XVIII - XIX - асрлардаги мусиқа асарларида учратиш мумкин. *Basso ostinato* полифоник вариациянинг бир туридир. Яна бир тури бор ва у *пассакалья* деб аталади.

114. Battuta (итал.) - 1. Акцент, каттиқ уриш. 2. Такт деган маънони англатади.


129. Bis (лот. - икки марта) - қайтармоқ маъносида. Кўрсатилган ё ижро этилган парчанинг икки марта қайтарилиши.

140. Bravo, bravissimo (итал. Браво - аъло даражада, гўзал) - концерт ва спектаклларда катта маҳорат билан ижро этган созанда, хонанда, раққоса, шунингдек, композиторни олқишлаш.

150. Vivace (итал. виваче) - жуда тез. Аллегро ва престо ўрталиғидаги суръат.

151. Vivo (итал. виво) - Vivace қисқача қилиб Vivo деб ҳам юритилади.

153. Вольта (итал. volta) - бир нота ёзувида мусиқа асарининг маълум қисмини қайта такрорлашда турлича тугатиш учун қўйиладиган белги. Қайтариладиган қисмининг тугалланиши ҳар сафар турлича бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, тугалланишда ўзгартириладиган ноталар устига 1, 2 рақамлари қўйилади, бу ишора “биринчи такрорлаш учун”, “иккинчи такрорлаш учун” деган маънони англатади. Агар мусиқа асарининг ўрта қисми қайтарилиши лозим бўлса, такрорлаш белгиси такрорланиши лозим бўлган нотанинг ҳар икки томонида қўйилади:



2. Аббассаментто - (итал . Abbassamento - пасайтириб, тушуриб) - товуш кучини пасайтира бориш .

3. Аббревиатура (итал . Abbrevitura, лот . Brevis - қисқа: нутқ ёки ёзувда қисқартириш) - нота ёзувини қисқартириш ва ўнғайтириш белгилари . **Аббревиатура** - (лот . absolutus - сўзсиз, мутлақ, баркамол) . - Товушларнинг аниқ баландлигини тинглаш орқали фарқлай билиш қобилияти . Абсолют эшитув қобилиятига эга бўлган киши мусиқани тез ўзлаштиради .

45. Alto, Altos (фр.Альт, альтос) - альт, альтлар.

46. Altri (итал.Альтери - бошқалар, қолганлар маъносида) - солист, яккахон ёки якканавоздан ташқари асар ижросида ҳамма қатнашувчилар.

47. Alzare (итал. альтцаре - қўтариш, олиш маъносида) - сурдинани олиш.

50. Альт овози - кўповозли мусиқада (хор асарларида) баландлиги бўйича сопранодан кейинги овоз.

56. Анализ (юн. Analsis - қисмларга бўлиш, таҳлил қилиш) - мусиқа асарини тузилиш ва эстетик жиҳатдан таҳлил қилиш.

177. Глиссандо (итал. Glissando - сирғаниб) - бир товушдан иккинчи товушга сирғаниб ўтиш. Глиссандо асосан торли чолғу асбоблари ижросида учрайди. Глиссандо фортепианода клавишлар устидан бармоқларни тез юргизиш билан юзага келади.




179. Граммофон - махсус юпқа пластинкаларга ёзилган мусиқаларни эшиттирувчи аппарат.


180. Гран (итал. gran) - катта.

183. Группетто (итал. Gruppetto - кичик группа, тўда) - одатда 4 ёки 5 нотадан иборат бўлган мусиқий безак, асосий товушнинг пастки ва юқориги қўшимча (ёрдамчи) товушлар билан алмашуви, мелизмнинг бир тури. Группетто белгиси билан кўрсатилади. Бу белги лозим бўлган нотанинг устига ё икки нота оралиғига қўйилади. Биринчи тури юқориги қўшимча товушда бошланган тўрт нотадан, иккинчиси биринчи асосий товушдан бошланган беш нотадан иборат. Агар Группетто белгисининг усти ё остига диез ёки бемоль қўйилса, қўшимча товуш ўзгаради (кўтарилади ёки пасаяди).

Ёзилиши:



Ижро этилиши:



189. Деташе (фр. Detache, detacher - бўлиш, ажратиш). Торли - камончали чолғу асбобларда ҳар бир товуш камончани бир томон (паст ёки юқорига томон ҳаракат қилишини кўрсатиш) тортилишида идро этиш.

190. Детонлаш - (detonner - бузиб чалмоқ) - муайян товуш баландлигини нотўғри (ноаниқ) ижро этиш. Детонлаш кўпроқ вокал санъатида қўлланилиб, товушни асосий баландлигига нисбатан паст олинганида айтилади. У чолғу асбобларининг нотўғри ижро этилишида ҳам қўлланилади. Детонлаш ижрочининг эшитув сезгиси ё аҳамиятсиз ижро қилишидан келиб чиқади.

196. Диатоника (юн. Diatonikos - бир тондан иккинчи тонга ўтиш) - ладдаги асосий пағоналардан тузилган қатор мусиқа товушлари. Табиий мажор, минор ва ўрта аср ладлари учун асос бўлган асосий етти пағонадаги тон ва ярим тонлар Диатоникага киради.

203. Динамика (юн. Dinamikos - кучли) - мусиқа товушларининг қаттиқ - секин ижро қилиниши. Динамикада товушни турлича чиқазиш, яъни бир йўла қаттиқ ёки секин, аста - секин кучайтириш ё секинлаштириш, айрим товушларни алоҳида таъкидлаб (қаттиқ) эшиттириш в. б. бўлиши мумкин. Динамиканинг асосий турлари forte (форте - нота ёзувида қисқартириб - f ҳолида ёзилади) - қаттиқ, кучли; piano (пиано, нота ёзувида қисқартиб - p ҳолида ёзилади) - секин; crescendo (крещендо - товушни аста - секин кучайтириш); diminuendo (диминуэндо - товушни аста - секин пасайтириш).

204. Динамик туслар - мусиқа асарини ижро этишда бадий чикишини назарда тутиб, товуш кучини ўзгартириш. Бунинг учун турлича белги ва кўрсаткичлар қўлланилади. Булардан энг муҳимлари:



228. Дуоль (лот. Duo - икки) - уч ҳиссали (3, 6, 9 ўлчовли) тактларда икки ҳиссали узунликлар тўдаси келиши. Шу тартибда келган икки ҳиссалилар уч саноғи миқдорида ижро қилинади. Дуольни оддий узунликдаги ноталардан ажратиш учун ноталарнинг усти ё остига 2 рақами қўйилади. Масалан:



229. Dur - дур (лот. Durus - дурус - қаттиқ) - мажор, мажор лади.

256. Затакт - тактолди, тўла бўлмаган бошланғич такт. Мусиқа асарининг бошланиши тўла бир такт ҳосил қилмаса затакт деб аталади. Затактда ноталар бир саноғидан (кучли ҳиссадан) бошланмай, аксинча иккинчи ё учинчи саноқдан (кучсиз ҳиссадан) бошланади. Затакт билан бошланадиган мусиқа асарининг тугалланиши ҳам тўла бўлмай, буларнинг ҳар иккиси, яъни тўла бўлмаган биринчи ва охириги такт йиғиндиси тўла бир такт ҳосил қилиши керак.

262. Имитация (лот. Immitatio - ўхшатиш, эргашиш) - мусиқа асаридаги мавзу ёки унинг бир қисми чалинганидан сўнг, уни бошқа овозларда қайтарилиши. Имитацияга fuga ва полифония шакллари асосланади, айниқса, канонда тартибли келади. Имитация дастлабки ё бошқа пағона ва ритмда келиши ҳам мумкин. Унинг эркин ва аниқ турлари мавжуд.

263. Импровизация (лот. Improvises - тўсатдан, кутилмаганда, тасодифий) - мусиқа асарининг бир йўла ижод қилиниб, бадиҳа тарзида ижро этилиши. Импровизация концертларда ҳам бўлади, бундай ҳолда ижро эркин фантазия ёки берилган маълум бир мавзунини турлича вариациялаш тарзида бўлиши мумкин. Композитор мусиқа образини яратиш асосида турлича мусиқа парчаларини тайёргарликсиз чашиб чиқади. Айрим ижрочилар ўзларининг концерт программаларига Импровизацияни алоҳида номер қилиб ҳам киритадилар.

- 264. Импровизациячи** - олдиндан тайёргарчиликсиз муסיқа асари яратувчи - ижодкор, бадиҳа тарзида талқин этувчи - ижрочи.
- 265. Инвенция** (лот. Invention - ўйлаб топиш, ижод этиш) - полифоник пьесага берилган ном. Инвенция прелюдия, фуга турида бўлиб, эркин имитацияли тузилишда бўлади (буюк немис композитори И. С. Бах клавесин учун кўп миқдорда инвенция ёзган).
- 270. Интерлюдия** (лот. Inter - ўртасида ва ludus - ўйин) - муסיқа асаридаги икки қисм оралиғида келадиган кичик эпизод, яъни муסיқа парчаси ёки кичик бир пьеса. Интерлюдия кўпроқ опера, чолғу вариациялар оралиғида келади.
- 271. Интермедия** (лот. Intermendia - ўртасида турувчи) - 1. Саҳна асарларида (опера, оперетталарда) парда оралиқларида чалинадиган муסיқа.
2. Фугада навбатдаги мавзуга ўтишга тайёрловчи, боғловчи қисм.
- 272. Интермеццо** (лот. Intermezzo - пауза, антракт) - эркин шаклда яратилган ва унча катта бўлмаган чолғу пьеса. Бу иборани биринчи марта немис композитори Р. Шуман ўзининг фортепиано учун ёзган пьесаларида қўллаган. Рус композитори М. П. Мусоргский оркестр учун интермеццо яратган. Баъзан операда оркестр учун ёзилган айрим эпизодлар ҳам шу ном билан юритилади.
- 273. Интерпритация** (лот. Interpretation - тушунтириш, талқинлаш) - муסיқа асарининг ижодий ижро этилишидаги талқин. Муסיқа асарининг интерпритацияси ижрочи - созанда ёки хонанда (лар)нинг характер ва мазмунни баён қилишига боғлиқ.
- 274. Интонация** (лот. Intono - қаттиқ айтаман) - кенг маънода, бадий образни муסיқа товушлари билан тўғри ифода этиш. Тор маънода: 1. Муסיқа товушлари ҳаракатида юқориги товушлар муносабати. 2. Муסיқада баланд - паст товушларнинг тўғри (аниқ) ижро қилиниши. Айниқса, ашула айтганда ёки пардасиз чолғу асбоблар (торли - камончали асбоблар) ижросида товушларни “соф” (аниқ) ё “нософ” (ноаниқ) эшитилиши. Интонация товуш баландлигини тўғри ё нотўғри ижро этилишини билдиради.
- 275. Интродукция** (лот. Introduction - муқаддима, дебоча) - 1. Ўйрик муסיқа асарлари, масалан, соната, симфония, увертюраларда муסיқали кириш қисми. 2. Операда катта бир саҳна ёки биринчи вокал ансамбль.
- 277. Кабалетта** (итал. Cabalare - ҳаёл сурмоқ) - ариоза ёки каватинанинг унча катта бўлмаган тури. Кабалетта кўпроқ қахрамонлик характери билан ажралиб туради, ритмик тузилиши равон. У кўпроқ композитор Россини операларида учрайди.

278. Каватина (итал. cavatina) - операнинг кичик бир арияси бўлиб, одатда лирик характерга эга. Ариядан оддий шакли ва ашула тузилишида бўлиши билан ажралади. Каватина мураккаб шаклда ҳам бўлиши мумкин. Унча катта бўлмаган чолғу пьесасини ҳам баъзан шу ном билан атайдилар.

282. Какафония (юн. Kakos - бемаъни, бузук, phone - товуш) - мусиқада носозлик, кулоққа ёқмайдиган хунук, ёқимсиз товуш.

283. Калит - 1. Нота йўлининг бошига қўйиладиган махсус белги бўлиб, товушнинг баландлиги ва номини аниқлаб беради. Чолғу асбобларидан чиқадиган товушлар турли баландликда бўлишига кўра ҳар хил калитлар қўлланилади. Калитларнинг скрипка (соль - калити), бас (фа - калити), сопрано, меццо - сопрано, альт, тенор ва баритон турлари бор. Булардан кўпроқ скрипка, бас, альт ва тенор калитлари қўлланилади. Бу калитларда биринчи октавадаги до нотаси қўйидагича ёзилади:



Соль калити



Бас калити



Альт калити



Тенор калити

2. Фортепиано, арфа, чанг ва шу каби чолғу асбобларини созлашда “кулоқ”ни бурайдиган махсус асбоб.

284. Калитолди белгилар - калитдан сўнг қўйиладиган альтерация белгилари. Калитдан сўнг қўйилган альтерация белгилари шу номда бўлган ҳамма октаваларга таъсир қилади. Масалан, калитдан сўнг фа диёз қўйилган бўлса, ҳамма октавадаги фа товушлари ярим тон кўтарилиб келади. Агар мусиқа асарида калитолди белгилари керак бўлмаса, ё ўзгарса, бекар белгиси қўйилади.

Диёзлар тартиби: фа, до, соль, ре, ля, ми, си

Бемоллар тартиби: си, ми, ля, ре, соль, до, фа

285. Калитолди белгиларни ўзгартиш - янги тонгалликка кўра калитолди белгиларини қўйиш ёки мавжуд белгиларни йўқотиш (агар янги тоналликда бу белгилар учрамайдиган бўлса), сўнг керакли янги белгиларни ёзиш. Калитолди белгиларини ўзгартиш бир тоналликдан иккинчисига кўчиб (яъни модуляция қилиб), янги тоналликда узоқ турилган такдирдагина қўлланилади. Масалан, А. Козловскийнинг “Улуғбек” операсида Улуғбек ариозасида фа - минордан фа - мажорга кўчирилади, яъни калитолди тўрт бемоль ўрнига бир бемоль қолади.

293. Камертон - Камертон (нем. - уй, хона ва тон - товуш) - муайян баландликка эга бўлган ва аниқ товуш берувчи кичик бир асбоб. Камертон ижрочилик амалиётида чолғу асбобларни созлаш учун ижлатилади. А капелла ижрочилигида хор раҳбари асарнинг учтовушлигини Камертон ёрдамида аниқлаб, хордагиларга секин эшиттиради, яъни овозини созлайди.

297. Кантилена (итал. Cantilena - оҳанг, ашула) - сероҳанг, завқли куй, мулойим овоз.

298. Canto (итал. канто) - 1. Ашула, нақарот, ашулачи партияси. 2. Юқори овоз, сопрано, дискант.

330. Колоратура (итал. Coloratura - безаш) - куйни турли майда ўлчовдаги товушлар билан безаш.

Колоратура ижрочи - ашулачининг маҳоратига боғлиқ. Колоратура XVII - асрда Италия операларида пайдо бўлган бўлиб, XVIII - асрда кенг тараққий қилган. Колоратура ашулаларда композиторлар томонидан ижод қилинганидек, ижрочи - ашулачилар томонидан ҳам импровизация қилинади.

346. Крешчендо (итал. crescendo - зўрайиб) - чалинаётган муסיқа асарининг суръатини ўзгартмай, товуш кучини аста - секин зўрайиб бориши. Крешчендо қилиниб, чалинадиган ноталар тагига crescendo қисқартиб cresc деб ёзилади ёки махсус белги қўйилади. Масалан, муסיқа асарининг айрим қисми секин (P - пиано) товушдан каттиқ (f - forte - баланд) товушига аста - секин кучайиб борса, бу ҳолда P - F белгиси қўйилади.




351. Купюра (фр. Coupure, coupure - қирқмоқ) - муסיқа асарини қисқартмаси. Қисқартишни ижрочи ўз хоҳиши бўйича киритиши мумкин бўлганидек, баъзан композитор томонидан нотада ҳам кўрсатади.


351. Купюра (фр. Coupure, coupure - қирқмоқ) - муסיқа асарини қисқартмаси. Қисқартишни ижрочи ўз хоҳиши бўйича киритиши мумкин бўлганидек, баъзан композитор томонидан нотада ҳам кўрсатади.

355. Кўзгисимон реприза - соната шаклида экспозициянинг қисмларини тескари қайтарилиши, яъни аввал ёрдамчи партия, сўнг асосий партия келиши.



major: 

C: I V V V₄⁶ V⁷ I

minor: 

a: i V/III III III V₄⁶ V⁷ i

367. Ларгетто (итал. *largetto*) - андантега яқин вазмин суръат.

368. Ларго - (итал. *Largo* - кенг) - 1. Мусиқада қўлланиладиган энг вазмин суръат. 2. Махсус номга эга бўлмаган ва шу суръатда ёзилган ва ижро этилиши лозим бўлган мусиқа асари.

370. Легато (*legato* - боғлаб, силлиқлаб) - бир товушдан иккинчи товушга тўхтовсиз ўтиш. Легато сўзи ўрнига махсус қавссимон белги - лига қўйилади. Бу белги боғланиб ижро этиши лозим бўлган ноталарни қамраб олади:

Рахматов Нурбек
notaga olgan

Moderato ♩ = 90



Легато белгиси билан боғланган турли баландликдаги товушлар узилмай, боғланиб ижро этилади.

371. Лейтмотив (нем. *Leitmotiv* - оҳанг олиб борувчи) - опера, балет, оперетта, мусиқали драма, программали чолғу мусиқа асарларида муайян образбоп бир мавзу бўлиб, асар қахрамонлари ё маълум бир қисмида келиши (такрорланиши) мумкин.

373. Лига (лот. *Liga* - боғлайман) - нота ёзувида бир хил баландликдаги ноталарни ўзаро боғлаб, уларнинг узунлигини орттирувчи махсус (горизонтал) қавсча. Лига билан боғланган бир хил баландликдаги ноталарнинг иккинчи алоҳида урилмайди, узунлик миқдори эса биринчи нотага ўтади.

ring O'z-be-kis - ton O'z-be kis

Лига ноталарнинг остидан ҳам боғланади. Вокал асарларда лига сўзининг бир бўғинида келган бир неча товушларни боғлайди.

375. Ли́ра (лот. *lyra*) - 1. Қадимий юнон торли тирнама чолғу асбоби, қайрилган ён оралиғида торлар тортилади. Лирани чап қўлда ушлаб, ўнг қўл бармоқлари билан плектр ёрдамида товушлар чиқазилади. Лиранинг умумий шакли мусиқа эмблемаси қилиниб қабул қилинган. 2. Украин ва Белоруссиянинг торли, қадимий халқ чолғу асбобларидан. Лиранинг умумий тузилиши гитарани эслатади. 3 - 6 тори бор. Ли́ра оралиғига жойлаштирилган ғилдиракчаларни ҳаракатга келтириш орқали товуш чиқазилади. Ғилдиракчалар ўнг қўл бармоқлари билан махсус дастани айлантирилиши орқали ҳаракатга келтирилади. Чап қўл бармоқлари билан Лиранинг ён қисмидаги клавишлар босилади. Клавишлар 8 - 11 та, товушқатори диатоник. Четдаги торлар квинта интервали орқали соланади. Булар ижро вақтида ўзгармай, ҳар доим бир товуш беради, натижада доимий эшитилиб турувчи товуш - орган пункти ҳосил бўлади. Ли́ра XVII - асрда пайдо бўлиб, кўпроқ кўр мусиқачилар ўртасида тарқалган. Лиранинг бирмунча тури XIX - асрдан бошлаб қўлланила бошланди. 376. Лирик - юмшоқ, майин ва ижрочилик хусусиятига бой бўлиши билан бошқа турдагилардан фарқ қилувчи овоз (бу кўпроқ ашулачиларга хос).



395. Мелизм - куйни турлича қисқа товушлар билан безатувчи белгилар, XVII - асрдан бошлаб қўлланила бошлаган мелизмларга форшлаг, группето, мордент, чизилган мордент, трель ва б. лар киради.

396. Мелодикламация - мусиқа (одатда фортепиано, баъзан оркестр) жўрлигида бадий ўқиш (аксари шеърлар ўқилади). Бу кўпроқ мелодраматик характерда бўлади.

403. Мензура - (лот. Mensura - ўлчов) - мусиқа асбобларида овоз юксаклигини ўлчови. Мусиқа асбобларида товуш чиқадиган тешикчаларнинг жойи, торнинг узунлигини белгиловчи ўлчов бирлиги.

408. Метроном (лот. Metron - мезон ва pomos - қонун) - мусиқа асарининг аниқ суръатини белгилашда қўлланиладиган махсус асбоб. Бу асбоб кичкина, учбурчак шаклида бўлиб, унинг девор соатига ўхшаш механизми ва тебрангичи бор. Девор соатини тез ва секин юргизиш учун унинг доира шаклидаги тебрангичини юқори ё қуйи суриш мумкин бўлганидек, метроном устунчасига ҳам худди шундай тош ўрнатилган. Бу тош қанча юқори кўтарилса, устунчанинг ҳаракати секинлашади, аксинча тошни қанчалик қуйи туширилса, у шунчалик тезлашади. Мусиқа асарининг суръати кўрсатилган жойга баъзан метроном белгиси қўйилади. Масалан, М. М. 80 дебёзилган бўлса, метроном тошини 80 рақамига тўғрилаб қўйилади. М. М. ҳарфларининг биринчиси - метроном сўзини билдирса, иккинчи ҳарф - Мельцель (бу асбоб ихтироچиси) номини англатади. Демак, М. М. - Мельцель метрономи. И. Н. Мельцель бу асбобни 1816 - йили ихтиро қилган - ясаган.

428. Moll (моль, mollis - моллис, юмшоқ, бўш) - минор пардасининг белгиси, парда тоналликларини аниқлаш учун тониканинг ҳарфий кўрсаткичини қўшиб айтилади. Масалан, а - moll - ля - минор, с - moll - до - минор, f - moll - фа - минор ва б.

429. Мольто (molto) - кўп, жуда, allegro molto - жуда тез.

434. Мордент (итал. Mordent - ўткир, учи ўткир) - мелизм турларидан бири бўлиб, уч нотанинг тез чалинишини кўрсатади. Мордент белгиси - ноталар устига ёзилади. Мордентда - асосий товуш, ёрдамчи товуш (бир поғона юқори ё паст турган) ва яна асосий товуш ижро этилишидир. Оддий мордентлардан ташқари икки қиррали чизилган мордентлар ҳам бўлади.



435. Мотет (лот. Motetus, motus - сўз) - 12 - 14 - асрларда айtilган кўповозли ашула. Бунда бир йўла бир неча ўзига хос кўшиқлар айtilган. Баъзан бу кўшиқлар турлича сўзлар билан бир йўла ижро этилган.


Кейинчалик кўповозли полифоник тузилишидаги а капелла учун яратилган асарлар.

475. Новеллетта (итал. *Novelletta* - кичик ҳикоя) - қисқа мавзунинг алмашинуви натижасида лирик ёки драматик характердаги бир неча эпизодлар ўзгариши таасуротини берувчи пьеса. Бу пьеса жуда кам учрайди.

476. Ноктюрн (фр. *Nocturne* - тунги, кечки) - XIX - аср бошларида тарқалган лирик характердаги пьеса. Кўпроқ хаёлий орзуларни тараннум қилувчи чолғу мусикаси. Вокал тури ҳам бўлиб, лекин у жуда кам учрайди. Ноктюрндаги асосий куй мавзуи мунгли, хушоҳанг бўлишига кўра, ўзига хос чолғу “ашула” бўлиб эшитилади. Одатда фортепиано учун, баъзан бошқа чолғу асбоблари, хатто ансамбль учун яратилган турлари ҳам учрайди.

477. Нола (йиғлаш) - ашула айтганда сўзнинг бир бўғинда овозни титратиб чўзиш.

535. Пауза (юн. *Pausis* - тўхташ, тиниш, дам олиш) - 1. Вақтинча жим туриш, яъни мусика асарининг бирор қисмида ёки айрим овозларида товуш чиқазмай тўхташ. 2. Маълум бир муддат тўхташ белгиси. Пауза товушларнинг узун - қисқаликлардек ўлчовларига тенг. Паузалар бутун, ярим, чорак, нимчорак, ўнолтиталик, ўттиз иккиталик, олтмиш тўртталик бўлиб келади. Паузаларнинг ўнг ёғига қўйилган нуқта уларнинг узунлигини ярим миқдорига оширади, иккинчи нуқта эса, биринчисининг ярмига тенг миқдорда бўлади.



539. Пианиссимо (итал. *Piano* - оҳиста, секин) - мусика асарининг жуда секин ижро этилиши. Пианиссимони қисқартиб, лотинча ҳарфлар билан *pp*, ҳарфлари билан кўрсатилади.

540. Пиано (итал. *Piano* - секин, бўш, оҳиста) - секин паст овоз билан ижро этиш демакдир. Пианони қисқартириб, лотинча *P* ҳарфи билан кўрсатилади.

542. Пиццикато (итал. *Pizzicato* - тирналиб) - 1. Торли - камончали чолғу асбобларини камончасиз, бармоқлар билан тирнаб чалиш. Тирнаб чалганда товушлар қисқа ва секин эшитилади. Бу сўзни қисқартириб

лотинча *pizz.* Деб кўрсатилади. Пиццикатосиз камонча билан чалишни давом этириш керак бўлганида - *arco* (арко - камонча билан) сўзи ёзилади. Пиццикатони чап бармоқлари билан ҳам чалиш мумкин, бундай ҳолда бир нота устига белги қўйилади. 2. Фақат Пиццикато йўли билан чалинадиган пьеса.

546. Poco in poco (итал. Поко ун поко - оз - оздан) - оз - оздан, бир оз.

551. Попурри (фр. *Pot - pourri* - турли гўшт ва сабзавотлардан қилинган овқат) - турли мусиқа асарларидан олинган парчалар асосида тузилган пьеса.

12. A - due (итал. Адўэ - икки киши бўлиб) - икки чолғу асбобида унисон ҳолда ижро этиш. Қисқартирилганда “а - 2” тарзида ёзилади. Яъни деҳқонча айтганда дуэт деган маънони билдиради.

552. Портаменто (итал. *Portamento* - кўчирмоқ) - 1. Торли - камончали чолғу асбобларда ва ашула айтганда бир товушдан иккинчисига сирғаниб ўтиш. Портаменто натижасида куйнинг оҳангдорлиги мукаммалашади. Портаменто асарни бадиий ижро этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, асарнинг таъсирчанлигини кучайтиради. Портаментони ҳаддан ташқари қўллаш сунъийликка олиб боради. 2. Ритмик ва динамик бир текис ва чўзиб ижро этишни кўрсатувчи белги, нотанинг ост ё устида кичик чизикча билан кўрсатилади.



561. Престиссимо - (итал. *Prestissimo* - жуда тез) - жуда ҳам тез суръат кўрсаткичи.

562. Престо (итал. *Presto* - тез) - жуда тез чалинадиган суръат кўрсаткичи. 2. Шу ном билан юритиладиган пьеса.

575. Рез - торли тирнама чолғу асбобларда ҳосил қилинадиган қиска товуш. Европа мусиқа истилоҳида тремоло деб аталади. Рез чолғу асбобларидан - дойра, ноғора, танбур, дутор ва б. ларда қўлланилади. Масалан, дойра резлардан - “Дучава рез”и, “Даромади Садр рези”, “Чор қарс Рези” ва б. дойра усулларидан “Уфори сохта”да қўлланилади.

579. Репертуар (фр. *Repertito* - рўйхат) - якка созанда, ашулачи ёки ансамбль, оркестр, театр жамоалари томонидан ижро этиладиган жами асарлардир.

581. Реприза (фр. *Reprise* - қайтарилиш) - 1. Мусиқа асари ё унинг айрим қисмини қайтариб чалиш учун қўйиладиган белги. Бу белги

қайтариб чалинадиган парчанинг ҳар икки томонидан қўйилади. Қайтариб чалинадиган қисм олдидан, қайтариладиган қисм охирида қўйилади.



Реприза нуқталари, албатта, нота чизиғининг 2 - 3 ва 3 - 4 чизиклари оралиғида қўйилади. Агар қайтариладиган қисмининг охири иккинчи марта ўзгариб келса, у ҳолда ҳар икки вариант ҳам ёзилиб, буларнинг устига 1 - 2 рақамлари қўйилади ва у вольта дейилади:



585. Ритарданто (итал. Ritardanto - кечикиб қолмоқ) - суръатни секинлаштириб (оғирлаштириб) бориш. Одатда, қисқартиб rit. Ёки retard. Тарзида ёзилади.

586. Ритенуто (итал. Ritenuto, ritenere - кечиктирмоқ, ушлаб қолмоқ) - суръатни секинлаштириб (оғирлаштириб) бориш, ритардандо га нисбатан камроқ. Қисқартиб riten. ёки rit. шаклида ёзилади.

592. Рубато (итал. Rubato - ўғирланган) - ноталарнинг узунлик миқдорини аниқ сақламагани ҳолда ижро этиш (ижрочининг хохиши бўйича, бир жумлани торайтириб, иккинчисини кегайтириб чалиш).

593. Рулада (фр. Roulande, rauler - олд ва орқага юргизмоқ, юмалатмоқ) - ашулани моҳирлик билан тез айтмоқ. Бу кўпроқ колоратурали сопранода учрайди.

595. Секвенция (лот. Seguentia - изидан бориш, эргашиш) - 1. Бир ва кўповозли мусиқа асари ё айрим парчасининг аста - секин юқорилашиб ёки пасайиб бориши. Секвенция бир тоналликда бўлганидек, турли тоналликларда ҳам келиши мумкин. Агар секвенция бир тоналликда давом этса, бир тоналликдаги секвенция, аксинча турли тоналликда келса - модуляцияланувчи секвенция дейилади. 2. Ўрта асрда Европа мамлакатларида расмийлашган диний ашула.

602. Семиография (юн. Sema - белги, graphe - ёзув белгиси) - нота ёзуви.

623. Синкопа - (итал. Юн. Syncopé - қисқартиш) - қаттиқ чалинадиган (акцентли) нотанинг одатдаги кучли ҳиссадан кучсиз ҳиссага кўчиши. Синкопа ритмда кутилмаган ўзгариш ва кескинлик пайдо қилади.

Синкопа куйидаги вазиятларда пайдо бўлади: а) бир тактнинг сўнги кучсиз ҳиссаси, иккинчи тактнинг кучсиз ҳиссаси билан боғланиб келса:



Б) тактдаги кучсиз ҳиссалар кучлироқ ҳиссаларга қўшилган бўлса;



В) акцентли ҳисса ўрнига пауза келса. Синкопа ўзбек халқ ашула ва мақомлари, умуман, ўзбек муסיқаси учун характерлидир.



624. Скрипка калити - муסיқадаги баланд (юқори), ингичка товушларнинг кўрсатувчи калитлардан бири: соль калити ҳам дейилади. Бунга сабаб калит нота чизиғининг иккинчи чизиғини қамраб олишидир. Шу иккинчи чизиқда биринчи октавадаги соль нотаси туради. Скрипка калитида кичик октавадан бешинчи октавага қадар бўлган ноталар ёзилади.

642. Стоккато (итал. *Staccato* - ажратилган, алоҳида) - товушларни қисқа - қисқа, бир - бировидан пауза билан ажратиб ижро этиш. Легатога қарама - қарши товуш чиқариш йўллари билан бири. Стоккато ҳар бир нотанинг уст ё остига қўйилган нуқта ёки *staccato* (стоккато) деб ёзилган сўз билан кўрсатилади.



Торли - камонли чолғу асбобларда *staccato* камончани қисқа ҳаракатлар билан узиб - узиб чалинади. Стоккатонинг турлари *saltanto*, *spiccato*, *sautille* кабилардир.



643. Стретта (итал. *Stretta* - сиқиш, қисши) - 1. Фугада мавзуни канон тарзида қўллаш. Бунда мавзу бир овозда тугалланмай, иккинчисида бошланади. 2. Муסיқа асари ёки унинг бирор бўлагининг тугалланиш қисмида суръатни тезлатиб бориш.

644. Стретто (итал. *Stretto* - сиқилган, қисилган) - муסיқа асари суръатини тезлатиш.

653. Табулатура (фр. *Tablature*, лот. *tabulator* - тахта, жадвал) - чолғу муסיқасини ҳарф ё рақамлар билан ёзишдаги қадимий система. Бу система XV - XVII - асрларда қўлланилган. Табулатуранинг испанча, французча ва немисча турлари бўлган. Турли чолғу асбоблари учун чизиқли ва чизиқсиз турлари ҳарфлар, рақамлар ва турлича белгилар билан кўрсатилган. Табулатура аста - секин нота белгилари билан алмаштирилди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Хоразмда қўлланилган “танбур чизиғи” ҳам Табулатуранинг бир туридир.

667. Тесситура (итал. *tessitura*) - чолғу асбоби ёки киши овозининг бирор муסיқа асарида ишлатилган энг пастки ва юқориги товушлари оралиғи (ҳажми).


668. Тетрахорд (юн. *tetra* - тўрт ва *chorde* - тор) - кетма - кет келган тўрт поғона товушқатори оралиғи, интервал.



1-тетрахорд 2-тетрахорд

Ладда икки тетракорд бўлиб, бунинг биринчиси пастки тетракорд, иккинчиси юқориги тетракорд деб юритилади. Тетракордлардан тузилган табиий мажор.

679. Трель (итал. *trillare* - титрамоқ, тебранмоқ) - мелизм турларидан бири. Нота йўлида ёзилган бир нотанинг юқориги қўшни поғона билан бирин - кетин тез ва узлуксиз қайтарилиб чалиниши. Трель нотанинг уст ё остига қўйилади ва *tr* . белгиси билан кўрсатилади.



680. Тремоло (итал. *tremolo* - титраб турувчи) - 1. Бир товушни кўп марта тез - тез қайтариб чалиш. Тремомони ҳамма чолғу асбобларида ижро этиш мумкин бўлмайди, лекин, камонча билан чалинадиган торли чолғу асбоблари, литавралар, ўзбек халқ асбобларидан ғижжак, дутор, танбур. Рубоб, дойра, ноғора ва шунга ўхшашларда ижро этиш имконияти бор. 2. Бир - бирига қўшни бўлмаган икки товуш ёки икки оҳангдош (интервал, аккорд) ёки бир товушни оҳангдош товуш билан тез суръатда кўп марта

қайтарилиши, бутун ва яримталик узунликда бўлган ноталарнинг қисқартирилган белгилари - ноталарнинг уст ё остига қўйилган “қобирға”лар ҳам бир товушни неча марта қайтарилишини билдиради.




681. Триоль (лот. tres - сўзидан) - уч нотадан тузилган махсус ритмик шакл бўлиб, бунинг узунлик миқдори шу турдаги, одатда икки нотага тенг. Триоль курсивда ёзилган 3 рақами билан кўрсатилади. Баъзан шу рақам уст ё остидан қавс қўйилиб, ўртасига 3 рақами билан кўрсатилади:



320. Квинтоль (лот. Quintus - бешинчи) - бир текис келган нимчорак ё ўн олтиталик бешта нотанинг одатдаги тўртта нотага тенг бўлиши. Квинтоль курсив билан ёзилган 5 рақами билан кўрсатилади.



703. Фермата - (итал. fermata - тўхташ, тўхтаб туриш) - нота ва паузаларнинг узунлик миқдорини исталганича чўзиш учун қўлланиладиган махсус белги: у шаклда бўлиб, нота ва паузаларнинг устига ёки остига қўйилади. Фермата белгиси қўйилган нота, аккорд ёки паузаларнинг чўзилиш миқдори ижрочига, унинг дидига ва маҳоратига боғлиқ.




707. Форте (итал. forte - қаттиқ, кучли) - товуш кучини кўрсатувчи белгилардан бири, f ҳарфи билан кўрсатилади.

708. Фортиссимо (итал. fortissimo - оширма даража) жуда баланд овозда ижро этиш лозимлигини билдирувчи динамик белги.

709. Форшлаг (нем. vorschlag - олдиндан, босим олдиндан уриш) - кичик нотачалар билан кўрсатилган бир ёки бир неча товуш бўлиб, бунинг узунлик миқдори такт ўлчовига ўз таъсирини ўтказмайди. Форшлагнинг ижроси ўзидан сўнг келган одатдаги асосий нота билан боғланиб келади,

Ўзига қўшни бўлган нотанинг узунлик миқдорини қисқартиш ҳисобига ижро этилади. Қисқа ёки устидан чизилган форшлаг тез ва ўзидан илгариги нота ҳисобида ижро этилади.

чизилган форшлаг



Узун ёки устидан чизилмаган форшлаг ўзидан сўнг келган нота узунлиги ҳисобидан олинади.

форшлаг



Форшлаг ўзбек халқ ашула ва мақомларида тез - тез учраб туради.

710. Фрагмент (лот. fragmentus - бир бўлак, парча) - бирор мусиқа асаридан фрагмент, парча.

738. Чизилган мордент - мелизм турларидан бўлиб, уч товушни тез ижро этишни кўрсатади, биринчи нота асосий бўлиб, унинг устига чизилган мордент белгиси ёзилади, иккинчи қўшимча товуш, бу асосий товушдан секунда пастда, учинчиси, яна асосий товушга қайтади.

86. Асосий (босқичлар) пағоналар - мажор ва минор тоналликларининг биринчи (I), тўртинчи (IV) ва бешинчи (V) пағоналари.

87. Асосий интерваллар - оддий интервалларнинг иккинчи номи.

88. Асосий (бош) мавзу - соната шаклида бошпарда.


89. Асосий (бош) партия - 1. Соната шаклининг биринчи қисми бўлган экспозициядаги бош партия. Бу қисмдаги мавзуй (тематик) материаллар асосий тоналликда мусиқа образини гавдалантириб беради. Ёрдамчи партияга ўтишга қадар ўртада келган боғловчи қисмда ёрдамчи партиядаги мавзу оҳангидан фойдаланилади. 2. Баъзан уч қисми ёки рондо шаклларида асосий (қайтарилувчи) қисм шу ном билан аталади.

до, ре, ми, фа, соль, ля,
си

С Д Е F G А Н

Альтерацияланган асосий пағоналарнинг ҳарфий кўрсатилиши диез учун is (до - диез - cis) дубль диез учун isis (до - дубль диез - cisis) қўшилади. Альтерация қилинган бемоль учун es (ре - бемоль - des), дубль - бемоль учун eses (ре - дубль бемоль - deses) қўшиб ёзилади.

Асосий пағоналар рим рақамлари билан кўрсатилади ва бу пағоналар маълум номларга эга бўлади.



Иккинчи даражадаги ўхшаш тоналликлар тоникадан бўлак бир умумий учтовушликка эга бўлган тоналликлар, масалан, до мажор ва ре мажор ҳар бир мажор ва минор тоналликлари 11 та иккинчи даража ўхшаш тоналликка эга, булардан 8 таси асосий ладда, 3 таси бошқа ладда.

Учинчи даражада ўхшаш тоналликларда бирорта ҳам умумий учтовушлик бўлмайди, ҳар бир мажор ва минор тоналликлари 5 та учинчи даража яқин тоналликларга эга. Булардан 1 таси асосий ладда, 4 таси бошқа ладда бўлади. Тоналликларнинг ўхшашлик даражаси модуляция содир бўлишига характерли ва сабабчидир.

784. Қўшимча поғоналар - мажор ва минор ладларининг II, III, VI ва VII поғоналари. Булар гармоник тузилиши бўйича асосий поғоналарга (I, IV ва V поғоналарга) нисбатан камроқ аҳамиятга эга.


786. Қўшимча интерваллар - октавадан кенг интерваллар бўлиб, бу октавага яна бир оддий интервалларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади, масалан, октавадаги секунда қўшилса - нона, терция қўшилса - децима, кварта қўшилса - ундецима ва ҳ.бўлади. Қўш интерваллар икки октавагача номланиб, булар - нона, децима, ундецима, дуодецима, терцдецима, квартдецима ва квинтдецима деб аталади.

136. Бош тоналлик - мусиқа асари бошланадиган ва тугалланадиган асосий тоналлик. Асар минор билан бошланган бўлса, унга номдош мажорда тугалланиши мумкин (до - минордаги пьеса до - мажорга тугалланиши мумкин). Баъзан йирик мусиқа асари Бош тоналлик номи билан юритилади. Масалан: F - dur (фа - мажор) сонатаси. Ля - мажор этюди (А - Dur), g - moll - соль - минор симфонияси ва б. лар.

137. Бошловчи тон - товушлар тизими (лад) нинг нотурғун товуши бўлиб, тоникадан бир пағона паст ёки юқорида жойлашадиган тон ва у тоникага томон тортилади. Ладнинг VII - пағонаси пастки (ё кўтарилувчи), II - пағонаси эса - юқори (ёки тушувчи) бош тонлар сифатида ажралади. Одатда бошловчи тон деганда унинг кўтарилувчи тури кўз олдимизга келади, чунки бу кўтарилувчи бошловчи тон асосий тон (тоника) дан ярим тон оралиғида бўлиб, тоникага тортилиши ниҳоятда

кучлидир. Бундай бошловчи тон натурал ва гармоник мажор, мелодик ва гармоник минор ладларида учрайди.

138. Бош(асосий) учтовушликлар - мажор ва минор тоналликларида I - III - ва V - пағоналардан тузилган учтовушликлар. Мажор - минор оҳанг системасидаги Бош (асосий) учтовушликлар доминантсептаккорд ва каданс кuartсекстаккордлар билан биргаликда муסיқадаги асосий гармоник воситалардандир.



308. Катта учтовушлик - энг яқин ораликда (терция бўйича келган ҳолатда) пастдан катта, сўнг кичик терция ҳосил қилган учтовушлик. Бу терциялар йиғиндиси соф квинтани ташкил қилади. Катта учтовушликни - мажор учтовушлиги деб ҳам аташади.

306. Катта септаккордлар - терция бўйича тузилиб, паст ва юқориги товушлар оралиғи катта септима ҳосил қилинадиган аккорд. Катта септаккордлардаги интерваллар турли ҳолатларда келиши мумкин. Катта орттирилган катта мажор, катта минордек турлари бор. Булардан катта мажор септаккорди кўпроқ қўлланилади. Катта септаккордлар бирмунча кескин эшитилади.




484. Nonakkord - (нонаккорд) - терция бўйича тақсим қилиниши мумкин бўлган 5 товушдан тузилган аккорд.



Нонаккорд септаккордга (7га) терция қўшилишидан ҳосил бўлади. Унинг катта ва кичик турлари бор. Катта наонаккорд катта наонадан, кичик

нонаккорд кичик нанадан тузилади. Лад поғонасидан тузилган нанаккорд, яъни доминантнонаккорд бошқаларга нисбатан кўпроқ қўлланилади.



485. Нонет (итал. nonetto) - 1. Тўққиз созанда ёки шунча ашулачилардан тузилган ансамбль. 2. Циклли соната шаклида 9 созанда учун ёзилган мусиқа асари.

139. Боғловчи қисм, боғловчи партия - соната шаклида, асосий партиянинг охирида, иккинчи мавзу - ёрдамчи партияни тайёрловчи қисм. Боғловчи қисм одатда бош партия мавзусининг кенгайтирилиши натижасида юзага келади. Экспозицияда боғловчи қисм бош тоналликдан ёндош тоналликка модуляцияланади. Репризада эса ёрдамчи партия тоналлиги ўзгарганлигига кўра, боғловчи қисм ҳам ўзгаради.

93. Асосий тур - терция бўйича тузилган аккордларнинг басиджа асосий тони бўлган аккорд. Уч товушликнинг Асосий тури махсус рақам кўрсаткичига эга эмас. Асосий септаккорд “7” рақами билан кўрсатилади. Асосий нанаккорд эса “9” рақами билан кўрсатилади.

94. Асосий ҳолат - аккорднинг (учтовушлик, септаккорд, нанаккорднинг) терция бўйича келиши. Асосий ҳолат баъзан асосий тур деб ҳам юритилади.

496. Овозлар йўналиши - кўп овозли мусиқа асарларида ҳар бир овоз ҳаракати. Бир вақтда эшитилаётган икки ёки кўп овознинг бир - бирига бўлган муносабати. Овозлар йўналиши ўзига мустақил ҳаракат қилаётган, бир асосий (юқори) куйчан овозга бўйсунувчи аккорд, ё фигурация тартибида келиши мумкин. Овозлар йўналиши тўғри, яъни бир томон (паст ё юқорига) ёндош, қарама - қарши (турли томон ҳаракат қилувчи) ва бири бир баландликда туриб, иккинчиси ҳаракат қилувчи ҳолда бўлиши мумкин.

497. Овозларнинг қарама - қарши йўналиши - бир вақтда икки овознинг турли томон ҳаракати, яъни бир товушнинг юқори, иккинчисининг паст томон кетиши.

733. Хроматик модуляция - бир тоналликдан иккинчи тоналликка хроматик ҳолда ўтиш, модуляция қилиш демакдир. Бунда эски, биринчи

тоналликдаги охириги аккорд - яъни янги тоналликдаги биринчи аккорд билан қўшилишидан бир ёки бир неча товушда хроматик ўзгаришлар учрайди. Эски ва янги тоналликни қўшувчи аккорд бир турда бўлмайди. Хроматик модуляция аслида хроматик куй модуляциясидир. Бу модуляция куй модуляциясининг энг асосий турларидандир.


738. Чизилган мордент - мелизм турларидан бўлиб, уч товушни тез ижро этишни кўрсатади, биринчи нота асосий бўлиб, унинг устига чизилган мордент белгиси ёзилади, иккинчи қўшимча товуш, бу асосий товушдан секунда пастда, учинчиси, яна асосий товушга қайтади.

МУСИҚАГА ОИД АТАМАЛАР

19. А капелла (а capella) - созсиз, чолғу жўрисиз одатда хор томонидан ижро этиладиган муסיқа асари. Кўповозли муסיқанинг бу тури Европада қадимдан ривожланиб келган. Ўзбекистонда 1940 - йиллардан кейин равақ топган. Ўзбек а капелла муסיқасининг асосчиси Мутаваккил Бурнонов қайта ишлаган ўзбек. Тожик. Уйғур. Қорақалпоқ, қозоқ, сўнги йилларда афғон, эрон халқ ашулалари нафақат мамлакатимизда, балки хорижий шарқ мамлакатларида ҳам ижро этилмоқда.

108. Баритон (итал. baritono) - Бас ва тенор товушлари ўртасидаги эркаклар овози. Баритоннинг драматик тенорга яқин лирик ва драматик турлари бўлиб, овоз ҳажми катта октавадаги ля ё си - бемоль дан биринчи октавадаги соль ё ля - бемоль гача, ноталарибас калитида ёзилади.

54. Амплитуда (лот. Amplituduo - кенглик, ҳажм) - тор ва бошқа тебранувчи жисмнинг тебраниш кенглиги. Муסיқа товушининг кучи тебранишнинг кенг - қисқалигига боғлиқ. Тебраниш қанча кенг бўлса, товуш шунча қаттиқ бўлади ва аксинча. Амплитуда товушнинг баланд - пастлигига таъсир қилмайди.



62. Ensemble (фр. Ансамбль - биргаликда) - 1. Вокал ё чолғу мусиқа асарининг бир неча ижрочи томонидан ижро этилиши. 2. Бир гуруҳ артистларнинг бир бутун бадий жамоа ҳолида чиқиши. 3. Унча катта бўлмаган ашулачи (вокал) ё чолғу (созанда)лар жамоаси учун яратилган мусиқа асари. Ижрочилар сонига қараб, бу ансамбллар турлича аталади. Агар иккит ижрочи учун бўлса - дуэт, уч ижрочи - трио ёки терцет, тўрт ижрочи - кваттет, беш ижрочи - квинтет, олти ижрочи - секстет, етти ижрочи - септет, саккиз ижрочи - октет ва ҳ. к. Баъзан Ансамбль сўзи оркестр ёки хор атамасининг кичрайтирилган турига ёки оркестр, хор ва балетнинг кичик тўдасига нисбатан ҳам айтилади. Опера, оратория, кантата ва мусиқали драмаларда ҳам Ансамбллар бўлади. Ансамбль атамаси яхши тузилган ва юксак ижроси билан ажралиб турадиган бадий жамоаларга нисбатан ҳам қўлланилади: Ўзбекистон Давлат телерадиосининг дуторчи қизлар, Ю. Ражабий номидаги мақомчилар, М. Турғунбоева номидаги “Баҳор” Ўзбек Давлат рақс Ансамбллари ва б.

65. Апофеоз (юн. Apotheosis - илоҳиёлаштириш) - сахна асари (айниқса, опера, балет) сўнггидаги оммавий - тантанали қисм. Бунда халқнинг халқ қаҳрамонлари ёки маълум бир воқеликнинг тантана қилиши. Байрам концертларининг катта тантана билан тугалланиши. Сахна асарларидаги Апофеозда одатда қатнашувчиларнинг ҳаммаси иштирок этади. Р. М. Глиэр ва Т. Содиковларнинг “Гулсара” операсидаги охирги сахна Апофеоз тантанали хор билан тугалланади.


66. Аппассионата (итал. Appassionato) - завқли, серзавқ. Немис композитори Л. ван Бетховеннинг машҳур 23 - фортепиано сонатасига - асарига Аппассионата номи берилган.

63. Антракт (фр. Entre - оралик, акте - парда) - 1. Сахна асарларида пардалар орасидаги ва концертларда бўлим оралиғидаги танаффус. 2. Опера, балет, оперетта ва мусиқали драмаларда танаффусдан сўнг, парда очилиши олдидан ижро этиладиган бошланғич чолғу мусиқаси.

64. Аншлаг (anselag) - опера, балет, умуман сахна асарларида, концертларда ҳамма билетнинг сотилиши, залнинг тўла бўлиши. “спектакль аншлаг билан ўтди”, яъни томошабинлар яхши қабул қилдилар, деган маънода.

67. Аппликатура (нем. Applicator, лот. Applico - қўймоқ, босмоқ) - мусиқа чолғу асбобларини ижро қилганда бармоқларни тўғри қўйиш ва алмаштириш тартиби. Бу тартибнинг ноталарда кўрсатилиши ҳам Аппликатура деб аталади. Аппликатура араб рақамлари билан ноталарнинг ости ёки устига қўйилади. Клавишли чолғу асбобларида 1, 2, 3, 4 рақамлари “кўрсаткич бармоқлари”дан бошлаб саналади (бош бармоқ, дагани ушлаш учун қўлланилади). 0 (ноль) торли чолғу асбобларида очик

торни чалиш учун кўрсатилади. Аппликатурани тўғри ва аниқ қўлланилиши мусиқа асарини бадиий ижросига имконият туғдиради. Фортепиано, скрипка, альт, виолончель ва бошқа чолғу асбобларида ижро қилувчи Аппликатураси белгиланган мусиқа асарларини кўп қийналмай ижро қиладилар.



70. Аралаш хор - эркеклар ва хотин - қизлардан тузилган хор.



72. Arietta (ариетта - кичик ария) - кичик ария, куйининг содда ва ашуласимон бўлиши билан ажралади. Айниқса француз ҳажвий операси учун характерли.

73. Arioza (итал. Ариоза - арияга ўхшаш) - ария тури эркин тузилишда бўлиб, опера (баъзан кантата ва оратория)нинг речитативли сахналарида қўлланилади.

74. Aria (итал. ария - ашула) - 1. Ашула каби куйчан, мукаммаллашган ва кенг қўламли шаклга эга, одатда лирик ва драматик мазмунли тугалланган асар. Ария асосан опера, мусиқали драма, шунингдек кантата ва ораторияларда қўлланилади. Ария қаҳрамон характери, ҳис - туйғулари, воқеа ва ҳодисаларга бўлган муносабатини тасвирлайди. Жиддийлиги, мазмунининг ғоявий бир мақсадга эгалиги билан ария драмадаги монолог билан тенгдир. Шунинг учун ҳам ария баъзан монолог деб юритилади. Ўзбекистон композиторларидан А. Козловскийнинг “Улуғбек” операсидаги Улуғбек



монологлари, Р. Глиэр ва Т. Содиқовларнинг “Гулсара”, “Лайли ва Мажнун” операларидаги Лайли, Қайс чиқишлари арияларга мисоллардир. Ария одатда фақат бир ашулачи томонидан ижро этилиб, унга симфоник оркестр жўр бўлади. 2. Концертларда ижро этиладиган айрим вокал асарлар ҳам опера арияси характерида яратилган. 3. Чолғу асбоблар ёки фортепиано жўрлигида ижро этувчи ёлғиз бир асбоб учун ёзилган, лирик, одатда оғир суръатли мусиқа асари.

76.Armonizzare (итал.армонизарэ) - гармониялаш.

75.Armonia (итал.Армония - келишиш, бирдамлик) - гармония, оҳангдошлик, хушовозлик.

105. Б - 1. Катта мажор учтовушлиги. 2. Партитурада пуфлама оркестр чолғу асбоблари созланишининг(труба, кларнет каби) лотинча “в” ёзувида кўрсатилади.

125.Бир турдаги аккорд - иккихил тоналликнинг турли пағоналада бир турли (умумий аккорд).Масалан, до - мажорнинг биринчи пағонасидан тузилган учтовушлик (аккорд) соль - мажорнинг тўртинчи пағонасидан тузилган учтовушликка тенг, яна шу до - мажорнинг иккинчи пағонасидан тузилган аккорд ре - минор тоналлигининг биринчи пағонасидан тузилган аккордга тенг.До - мажорнинг олтинчи пағонасидан тузилган аккорд эса ля - минор тоналлигининг биринчи пағонасидан тузилган аккордга тенг.

126.Бир турдаги овозлар - фақат хотин - қизлар, ё фақат эркаклар овози.



79. Артист (фр. Artiste - санъаткор, ижодкор) - мусиқа, драма ва бошқа шу каби санъат турларини кўпчилик ўртасида ижро қилувчи, бажарувчи ва бу санъатни ўзига асосий касб қилиб олган киши. Артистлар халқимизнинг бадиий, ғоявий жиҳатдан тарбиялашда катта хизмат қиладилар. Шунинг

учун ҳам Артистларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, хизмат кўрсатган санъат арбоби, халқ артисти, халқ ҳофизи каби унвонлар билан тақдирлайди.

80. Архитектура акустикаси - катта бинолар (айниқса, театр ва концерт заллари)даги акустика - товуш эшитилишининг бир меъёردа бўлишини таъминлайдиган товуш ютқичдир.

81. Асар, ижод - 1. Композитор яратган мусиқа асари. 2. Айрим мусиқа асарларининг кўрсатилиши, яъни рақамлар билан ёзиб бориш. Буни қисқартириб ас. Ҳолда лотинча opus (опус) сўзи билан (одатда қисқартириб - op) деб ёзилади. Ҳар бир композитор ўз асарининг яратилишини изчил рақамлаб боради. Баъзан композиторлар нашрдан чиққан асарларинигина рақамлаб борадилар. Бундай ҳолда асарлар яратиш тартибида эмас, нашр этилиши тартибида рақамланади. Баъзан ижод қилинган бир туркумдаги асарлар (улар сони қанча бўлишидан қатъи назар) бир рақам билан берилади. Табиийки, бундай рақамлар кичик шаклда мусиқа асарларига хос.

99. Афиша (фр. Affischer, afficche - кўйиш, кўрсатиш маъносида) - спектакль, концерт маърузали концерт ва б. лар ҳақида чиқарилган эълон.

101. Ашула - кенг тарқалган вокал мусиқа жанри ва шакли бўлиб, унда шеърий ва мусиқий образлар бир - бирига уйғунлашган ҳолда гавдаланади. Ашуланинг халқ оғзаки ижоди, яъни муаллифи аниқ бўлмаган ва муаллифли турлари бор. Муаллифига эга Ашулани бастакор ва композиторлар кўпроқ халқ Ашулаларига яқин тарзда яратадилар. Ашула тузилиши ва ижроси бўйича турли жанрларга бўлинади. Масалан, оммавий эстрада, ансамбль, хор ва б. Шунингдек, шеърий ва мусиқий тузилиши ҳам турличадир. Халқ термалари йўлида айтиладиган кичик ҳажмли Ашула кўшиқ деб ҳам айтилади. Ўзбек меросидаги Ашуланинг яна бир тури катта ашуладир.

101. Ашула - кенг тарқалган вокал мусиқа жанри ва шакли бўлиб, унда шеърий ва мусиқий образлар бир - бирига уйғунлашган ҳолда гавдаланади. Ашуланинг халқ оғзаки ижоди, яъни муаллифи аниқ бўлмаган ва муаллифли турлари бор. Муаллифига эга Ашулани бастакор ва композиторлар кўпроқ халқ Ашулаларига яқин тарзда яратадилар. Ашула тузилиши ва ижроси бўйича турли жанрларга бўлинади. Масалан, оммавий эстрада, ансамбль, хор ва б. Шунингдек, шеърий ва мусиқий тузилиши ҳам турличадир. Халқ термалари йўлида айтиладиган кичик ҳажмли Ашула кўшиқ деб ҳам айтилади. Ўзбек меросидаги Ашуланинг яна бир тури катта ашуладир.

102. Ашула ва рақс ансамбли - ашула ва чолғу мусиқасининг турли шакллари, хореография, бадий ўқиш ижрочиларидан тузилган ансамбль. Ашула ва рақс ансамблида хор, яккахонлар, оркестрлар, халқ чолғу асбоблари, фортепиано ва бошқалар бўлади. Ўзбек Давлат филармонияси қошида “Шодлик”, “Лазги”, “Зарафшон” каби ансамбллар мавжуд.

103. Ашулачи - ашула, кенг маънода барча вокал жанрлар ижроچиси. Терма ва ялла ижрочиларини яллачи, сатанг, халфа, йирик шаклдаги ашулалар ва мақом йўллари ижро этувчилар ашулачи дейилади. Ўз ижрочилик санъатлари билан халқ орасида танилган ашулачи ҳофиз дейилади.

104. Ашулачилар - Ашула айтиш санъатини асосий касб қилиб олган санъаткор.

106. Багатель (фр. Bagatelle - бекорчи, арзимаган нарса) - чолғу мусиқа асари бўлиб, ҳажми кичик, чуқур маънога эга бўлмаган, ижроси енгил асар.


107. Баллада - (итал. ballade) - адабий - поэтик жанр бўлиб, халқ ўтмиши ё ўтган давр ҳақида шеърий қисса. Қисса ё ҳикоя қилиб айтиб бериш характерида ёзилган чолғу ё вокал мусиқа асари. XII - асрда рақс характеридаги халқ хорларини баллада дейилган. XIV - XV - асрларда лирик ашулалар шу ном билан юритилган. XVIII - XIX - асрларда балладада хаёлий ва эртак қахрамонлари асосий ўрин олди. XIX - асрдан бошлаб вокал, қисман чолғу мусиқа асарлари баллада дейила бошлади. Шуберт асарлари бунга мисол бўла олади. Рус композиторларидан М. И. Глинка, А. Бородин, А. С. Даргомижский, А. Рубинштейнларнинг вокал Балладалари, Ф. Шопен, Э. Григ, Ф. Лист, А. К. Лядовларнинг фортепиано Балладалари танилган. Рус композиторларидан И. Белий овоз ва фортепиано учун “Капитан Гастелло ҳақида баллада”, А. Бабажянн фортепиано ва симфоник оркестр учун “Қахрамонлик балладаси”, С. Урбах “Симфония - баллада”сини яратдилар. Ўзбек композиторларидан М. Бурхонов овоз ва симфоник оркестр учун Машраф ғазалига “Ишқ ўти”, А. Умарий шеърига “Баҳор қушлари”, А. Отажонов овоз ва симфоник оркестр учун баллада яратдилар. Ғафур Қодиров симфоник оркестр учун “Поэма - баллада” ёзган.



111. Бастакор (форсча баста - боғлов, кор - иш, машғулот) - монодия услубида асар (қўшиқ, куй, ашула)лар яратувчи ижодкор. Ўзбек мусиқа меросида Бастакорлик анъаналари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Т. Жалилов, Ю. Ражабий, Н. Ҳасанов, Ф. Содиков, К. Жабборов, Ғ. Тошматов, М. Мирзаев каби Бастакорлар бу соҳадаги анъанани бирмунча

кенгайтириб нафақат куй, кўшиқларгина яратиб қолмай, мусиқали драма, опера, кантата, оратория каби жанрлар ривожига муҳим ҳисса қўшишди.

123. Бир турдаги мусиқа чолғу асбоблари - турли катта - кичикликдаги, бир хил тузилишда ва ижро қилиш йўли ҳам бир хил бўлган чолғу асбобларига - . Бир турдаги мусиқа чолғу асбоблари дейилади. Буларнинг тембрида катта ўхшашлик бўлса ҳам товушнинг баландлик ва куч даражаси турличадир. Симфоник оркестрда - флейта, гобой, кларнет, фагот, труба, тромбон ва скрипкалар, рус халқ чолғу асбобларидан домра, балалайка, гуслилар, ўзбек халқ чолғу асбобларидан - ғижжак, дутор, рубоб ва б. чолғу асбобларининг турлари мавжуд. Бу чолғу асбоблари турларининг ўзига хос номлари ҳам бор. Масалан, скрипка турлари: скрипка, альт, виолончель, контрабас; домра турлар: пиккола, прима, секунда, альт, тенор, бас ва контрабас. реконструкциялаштирилган дутор, рубоб ва ғижжак турлари ҳам шу каби номлар билан аталади.



124. Бир овозли мусиқа - монодия тарзида ривожланиб фольклор (маросим, меҳнат кўшиқлари ва б.) ҳамда касбий мусиқа (мақом, мугам, муғом, дастгоҳ сингари) турларни ўз таркибига олган мусиқа. Бир овозли мусиқанинг турли намуналари, асосан, Шарқ (хусусан, ўзбек, тожик, озарбайжон ва б.) халқларнинг мусиқа мероси туфайли бизгача етиб келган. Европа халқлари мусиқасининг аксарияти кўповозли мусиқа сифатида шаклланган. Ҳозирги кунда композиторларимиз олдида турган долзарб масалалардан бири Бир овозли мусиқа ва кўповозли мусиқа анъаналарини узвий боғлаш, уйғунлаштиришдир.

127. Бир турдаги (жинсдаги) хор - фақат хотин - қизлар ёки фақат эркеклардан тузилган хор. Хотин - қиз ва эркеклардан тузилган хор - аралаш хор деб аталади.

128. Бир қисмли асар - алоҳида бўлақларга бўлинмайдиган бир қисмли муסיқа асари. Одатда йирик чолғу муסיқа асари шу ном билан юритилади. Масалан, симфоник поэма, увертюра в. б. Шунингдек, бир қисмли соната, концерт ҳам бўлиши мумкин.

131. Болалар муסיқаси - болаларнинг ижроси ё тинглаши учун мўлжалланган муסיқа. Болалар муסיқаси мактабгача тарбия ёшидаги, кичик ва ўрта ёшдаги болалар учун яратилган муסיқа асарлари мазкур даврларга кўра ажратилади. Яратилган ашулаларда болаларнинг айтиш имкониятлари (овозларининг ҳажми), болалар нутқига алоҳида эътибор қилинади. Чолғу мусиқаларида эса техника мураккаблиги, бармоқ имкониятлари ҳисобга олинади. Рус композиторлари П. И. Чайковский, А. К. Лядов, М. П. Мусоргский, С. С. Прокофьев, Д. Б. Каболевскийлар Болалар мусиқасининг турли жанрларида асарлар яратганлар. Ўзбек муаллифларидан К. Абдуллаев, Икром Акбаров, А. Мухаммедов, Ғ. Қодиров, А. Норхўжаев, А. Мансуров, Ш. Ёрматов ва б. бу соҳага ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

132. Болалар муסיқа мактаблари - бошланғич махсус таълим берувчи мактаблар. Болалар муסיқа мактабларига муסיқий қобилиятли мактаб ёшидаги болалар қабул қилинади. Унда муסיқа назарияси, турли чолғу асбоблар бўйича таълим берилади. Етти ҳамда ўн - ўн бир йиллик Болалар муסיқа мактаблари бор.

133. Болалар овози дискант ёки альт, сопрано деб ҳам юритилади.



147. Вариация - 1. Муסיқа асари мавзуи, куйи ёки жўр қисмининг турланиши. 2. Тез суръатда жонли ва яқка ижро этиладиган мумтоз рақс.

148. Вариациялар (лот. Variation - ўзгариш) - шакл жиҳатидан тугал мусиқа асарининг баъзи бир ўзгаришлар билан қайтарилиши. Мана шу ўзгартириб қайтарилган мавзу вариация дейилади. Вариациялар халқ ва касбий мусиқаларда узоқ вақтлардан бери қўлланилади. Мусиқа асарлари (соната, симфония кабилар)нинг айрим қисмлари ҳам Вариациялар шаклида ёзилади. Баъзан Вариацияларнинг шундай турлари ҳам бўладики, бунда асосий мавзу ҳеч қандай ўзгаришсиз қайтарилиб, унинг жўр қисми ҳар бир қайтариқда ўзгариб туради. Масалан пассакалья, чаккона шулар жумласидан.

149. Вариацияли мавзу, мавзу ва вариациялар - вариация шаклидаги мусиқа шакли.

152. Виртуоз (итал. Virtuoso, лот. virtus - талант, виртуоз) - мусиқа асарларини зўр маҳорат билан ижро этувчи созанда. Одатда виртуозлар мураккаб, таъсирчан мусиқа асарларини чаладилар. Бундай мусиқа асарлари кўпроқ этюд ва концерт шаклларида бўлади.

163. Гастроль - (нем. Gast - меҳмон ва rolle - роль) - хонанда, созанда ёки ансамбль, оркестр, хор каби ижрочи бутун бир театрнинг бошқа шаҳар, чет давлатларда тингловчи ва томошабинлар олдида чиқишлари.

170. Гетерафония (юн. Heteros - бошқа, phone - товуш, овоз) - бир куйнинг бир неча ашулачи томонидан импровизация (тайёргарликсиз ижро) қилинаётганда овозларни турлича ўзгариб кетиши. Гетерафонияни унисон билан турли оҳангдош товушларнинг қўшилмасидан иборат деб бўлмайди. Гетерафония чолғу асбобларида ижро этилган мусиқаларда ҳам бўлади.

171. Гимн - (юн. Hymnos - тантанали кўшиқ) - бадий - рамзий маънога эга асар, кўшиқ. Гимннинг турлари кўп: Давлат Гимни; инқилобий Гимн; ҳарбий Гимн; талабалар Гимн ва б. Ҳар бир мустақил давлатнинг ўз Гимни бўлади ва рамзий тантаналар, воқеаларда ижро этилади. Ўзбекистон Давлат Гимни (1993й.) композитор М. Бурхонов томонидан А. Орипов шеърига ёзилган.

O'zbekiston Respublikasi Davlat madhiyasi

(State Anthem of the Uzbek SSR)

Mutal Burkhanov



186. Декада (юн. Dekas - ўнлик) - миллий санъат Декадалари, халқларнинг санъат соҳасида қўлга киритган ютуқларини кўрсатиш. Декадаларни ўтказиш анъанаси 1936 - йилдан бошланган. Ўзбекистонда биринчи санъат Декадаси 1937 - йили, иккинчи адабиёт ва санъат Декада 1951 - йили, учинчиси эса 1959 - йилда ўтказилди. 1956 - , 1963, 1969, 1982, 1993 - йиллари Ўзбекистонда Қорақалпоқ автоном республикаси санъат ва адабиёт Декадаси ўтказилган. Кейинчалик барча қардош республикалар декадаси Ўзбекистонда, ўзбек адабиёти ва санъати Декадалари қардош давлатларда ўтказиш одат тусига кирди. Баъзан Декадалар ўрнига - адабиёт ва санъат кунлари ўтказилади. 1994 - йили Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ўзаро адабиёт ва санъат кунлари ўтказилди.

194. Диалог (юн. Dialogos - икки кишининг ўзаро сўзлашуви) - икки овоз ёки икки чолғу асбобда бир куйни навбат билан ижро этиш. Диалог мусикали драма, опера, п\оперетталарда айниқса кенг қўлланилади (икки персонаж).

205. Диний мусиқа - диний мавзудаги мусиқа. Бу кўпроқ черковларда ижро этилади.

206. Дипломат - турли ижодий конкурс комиссияси қарорига кўра фахрий диплом билан мукофотланган шахс, олий ўқув юртини битирувчи.

207. Дирижёр - (фр. Diriger - бошқариш, йўлга солиш) - мусиқа асарини ижро этувчи жамоалар (солистлар, хор, оркестр, ва б.)га раҳбарлик қилувчи санъаткор. Дирижёр мусиқа асарини оммавий ижросига қадар ижрочи жамоа билан бўлган ҳамма тайёргарлик

(репетиция)ни олиб боради. Асосий ижро вақтида эса (концерт ёки спектаклда) асарнинг ўйналиш тезлиги, динамик туслар, айрим тўда ё яқка ижрочиларни тўхташ ёки ижро қилиш вақтларини кўрсатиб туради, жамоани бирлаштиради, руҳлантиради ва асарни бадиий ижроси учун ҳаракат қилади. Дирижёр ўнг қўлида кичик таёқча ушлаб, мусиқа асаридаги тактларнинг биринчи кучли саноғини пастга тушириш билан кўрсатиб туради. Юз, қўл, бош ва гавда ҳаракатлари ва мимикалар билан асар моҳиятини кўрсатиб, қандай ижро этишини билдиради.

211. Дискант - 1. Болаларнинг баланд товуши. Биринчи октавадаги до дан иккинчи октавадаги соль оралиғидаги овоз. 2. Вокал ансамбли хорда ё болаларнинг, ё хотин - қизларнинг юқори (сопрано) овоз партиялари.

230. Duett (дуэт, лот. Duo - икки). 1. Икки ижрочидан тузилган ансамбль. 2. Икки ижрочига мўлжаллаб яратилган мусиқа асари. Ижрочиларнинг ҳар бири ўзига хос алоҳида партияга эга бўлади. 3. Опера, оратория, мусиқали драмаларда қўлланиладиган вокал ансамбли. Дуэт асарнинг мусиқа драматургиясида муҳим роль ўйнайди. Опереттада эса дуэт ансамблани хореография элементлари билан боғлайди.

234. Енгил мусиқа - кенг омманинг тинглаши ва осон тушуниб олиши учун қулай бўлган мусиқа. Енгил мусиқанинг асосий хусусияти мазмунан мураккаб бўлмаслиги, тез хотирада қолиши, куйнинг тушунарли бўлиши, мусиқа шакли оддий бўлишидир. Одатда Е, мусиқа хушчақчақ, шўх бўлади. Унинг учун турли жанрдаги ракс мусиқалари, рапсодия, оперетта мавзуларидаги попури, фантазия, ҳазил эстрада ашулалари, романс ва ашулаларнинг айрим турлари характерлидир. Е, мусиқанинг мумтоз намуналарини XIX - асрда И. Штраус, Ж. Оффенбах ва б. яратдилар. Жаз мусиқаси ҳам Енгил мусиқага киради.

248. Жаз (анг. jaz - джаз) - XIX - аср охири XX - аср бошларида Америка Қўшма Штатларида пайдо бўлиб, тез вақт ичида бошқа давлатларга тарқалган мусиқа. Жазга Америка негрлари мусиқасининг баъзи хусусиятлари, чунончи: ритм, лад, чолғулаш, товуш чиқариш ва б. таъсир қилган. Жаз мусиқасининг кўп тарқалган турлари: фокстрот, блюз, чарлстон, танго, румба, буги - вуги лардир.

249. Жаз - банд - (анг. Jaz - band жаз - оркестр) - жаз мусиқаларини ижро этувчи чолғу ансамбли ё оркестри. Жаз - банд таркибига 4 - 6 саксафон, 2 - 4 труба, 2 - 3 тромбон, котрабас ёки труба, банжо, гавай гитараси, бир неча скрипка, фортепиано ва турлича уриб чалинадиган чолғу асбоблари киради. Булар кенгайиши ё қисқариши мумкин. Жаз - банд шундай оркестрни биринчи марта Америкада ташкил қилган ва унинг

раҳбари бўлган негр Джазбо Броун номига кўйилганлиги тахмин қилинади.

250. Жанр - (фр. *genre* - тур, услуб) - музика асарларининг турлари. Асарнинг тузилиши, ижрочиларнинг таркиби, характери ва б. ҳолатлар билан жанрлар бир - биридан ажралади. Масалан, ўзбек музикали драмаси ва комедияси жанри, опера жанрига - лирик опера, ҳажвий опера ва б, симфоник музика жанрлари - симфония, увертюра, поэма ва б, камер музика жанрларига - кватрет, квинтет, романс ва б. киради. Шунингдек, кенг миқёсда опера жанри, симфоник жанр деб ҳам юритилади.

251. Жинс - ўтмиш Шарқ музика илмида тўрт - беш пағонали товушқатор тури (тетрахорд ва пентахорд).

253. Жюри (анг. *jury* - суд маслаҳатчилари) - санъаткорларнинг турли танловларда чиқишини мезонловчи, ғолибларни аниқловчи ҳайъат.

254. Жўрнавозлик - 1. Ўзбек ижрочилигида бир соз (лар) билан бошқа соз (лар)га жўр бўлиш. 2. Хоразмда мақомларнинг чертим йўллари танбур, ғижжак, буламон ва доирада ижро қилиниши.

255. Жўр овоз, қўшимча овоз - хорда яқкаҳон овознинг бошқа овозлар билан полифоник муносабатда бўлиши. Бир ёки бир неча жўр овозлар мазкур қўшимча овозларни давом эттириб, кенгайтириб музика образини бойитади.

290. Камер музикаси (итал. *Camera* - уй, хона, палата) - оркестр ва хорлардан фарқ қилувчи кичик бир тўда ижрочилари учун яратилган чолғу ё вокал музика. Камер музикасига дуэт, трио, кватрет, шунингдек ёлғиз бир чолғу асбоби учун ёзилган кичик



ҳажмдаги музика пьесалари ҳам киради. Масалан, фортепиано, скрипка ва фортепиано ва бошқа бирор чолғу асбоби учун ёзилган соната, фуга, ноктюрнлар. Вокал музикаларидан романс ҳам Камер музикасига киради. Камер музикасини энг кўп ижро этувчи жамоа - торли кватретдир.

291. Камер концерти - камер музика асарларидан тузилган концерт.

292. Камер оркестри - асосан, XVII - XVIII - асрларда оркестр учун яратилган музика асарларини ижро этувчи чолғу ансамбли. композиторлар томонидан махсус шундай ансамбллар учун яратилган музика асарлари бор.



Камер оркестри одатда 12 - 20 ижрочидан тузилади. Бунга камончилар торли тўда, пуфлама ёғоч чолғу асбобларидан - флейта, гобой ва б. киради. Баъзан қадимий чолғу асбобларидан - клавесин, виола да гамба ҳам киради. Ўтмишда Камер оркестри дирижёрсиз ижро этилган. Ижрочилар биринчи скрипкачи раҳбарлик қилган. Ҳозирги оркестрларнинг аксарияти дирижёрга эга.

294. Канон - (юн. *Canon* - қоида, нусха) - 1. Бир куй бир неча овозда олдин - кетин қайтариладиган кўповозли мусиқа. Канондаги куй бир овозда тугалланмасдан иккинчи овозда бошланади, иккинчи, учинчи овозларда куй деярли ҳеч қандай ўзгаришсиз қайтарилсада, ритмик жиҳатдан баъзи бир ўзгаришлар билан ҳам келиши мумкин. Каноннинг кўшканон тури ҳам бор. Бунда бир йўла турли овозларда иккита куй қайтарилади. Канон иммитациянинг бир тури. 2. Бармоқлар билан тирнаб чалинадиган арман халқ торли чолғу асбоби.

The image shows a musical score for Clarinet and Bassoon. The title is "Allegro vivace". The Clarinet part is in the treble clef and the Bassoon part is in the bass clef. The key signature has two flats (B-flat and E-flat). The time signature is common time (C). The score consists of two systems. The first system has four measures. The second system starts with a measure number "5" and also has four measures. The music features melodic lines with slurs and dynamic markings like "p dolce".

295. Кантабилэ (итал. *Cantabile* - ёқимли, *cantare* - ашула айтиш) - кўповозли мусиқада бир овознинг алоҳида бўрттириб ижро қилиниши. Куй ёки мусиқа пьесасининг оҳангдор, мулойим характерда ижро этилиши. Баъзан чолғу пьесалар ёки унинг бирор қисми кантабилэ деб юритилади.

296. Кантата - (итал. *Cantata*, *cantata* - ашула айтмоқ) - якка хонандалар, хор ва оркестр учун ёзилган йирик вокал - симфоник мусиқа жанри. Кантата ҳозирги турмушнинг муҳим воқеаларини ёки тарихий даврни хор, ария, ансамбль ва чолғу мусиқаларида тасвирлаб беради. Кантатанинг ҳар бир қисми тугалланган бир маънога эга. Кантата тантанали, лирик ва эпик характерда бўлади. Ўзбекистон композиторлари ҳам бу жанрда тарихий ва замонавий мавзуларда асарлар яратганлар. Композитор С. Юдаковнинг "Мирзачўл" номли кантатасимон вокал - симфоник сюитаси Давлат мукофотига сазовор бўлган. Сўнгги йилларда қатор канталалар замонавий мавзуда яратилди. Рашид Хамроевнинг "Гулгун пойтахтим", Икром Акбаровнинг "Менинг шахрим" ва бошқа Канталалари шулар жумласидандир.

300. Канцона (итал. Canzone - ашула) - XV - XVI - асрларда полифоник тузилишда бўлган кўповозли ашула, XVI - аср охирларида ричеркар ёки фуга типдаги кичик чолғу пьеса ҳам шу ном билан аталган. XIX - XX - асрлардан бошлаб “сўзсиз кўшиқ” даражасида куйни канцона деб аташган.

301. Канцонетта (итал. Canzonetta - кичик ашула) - унча катта бўлмаган канцона.

302. Капелла (итал. capella - кичик бутхона) - профессионал хор жамоаси. Капелла симфоник, халқ чолғу асбоблари оркестри ёки ёлғиз фортепиано жўрлигида мусиқа асарларини ижро этади. Агар чолғу асбоблари жўрлигисиз хор асарларини ижро этса а капелла деб аталади. Ўзбекистон Давлат қошида 1952 - йили ташкил топган профессионал ўзбек хор капелласи мавжуд. Баъзан чолғу ансамбли ҳам капелла деб аталади.

303. Капельмейстер (нем. Capellmeister - капелла раҳбари) - оркестр ёки хор жамоаларининг раҳбари, дирижёри.

304. Каприччо (итал. Capriccio - каприз, инжиқ) - ёқимли, ўйноқи ва моҳирона ижро қилинадиган чолғу пьеса. Буюк рус композиторларидан П. И. Чайковскийнинг “Итальянча каприччио”, Н. А. Римский - Корсаковнинг “Испанча каприччио”лари шу типдаги ажойиб асарлардандир. Композиторлар Каприччода кўпроқ халқ куйларидан фойдаланадилар.

305. Картина (манзара, кўриниш) - 1. Саҳна асарларида парда (акт)нинг бир қисми. Картина маълум бир тугалликка эга бўлиб, илгариги ва сўнгги кўринишларни ажратади. Картина оралиқларида танаффус (антракт) бўлмай, қисқа бир муддатга парда ёпилади.

307. Катта симфоник оркестр - икки - учтадан ёғоч пуфлама (флейта, гобой, кларнет, фаготлар ва буларнинг турлари), тўртта валторна, икки - уч труба, уч тромбон, туба, литавралар ва б. турлича урилиб чалинадиган асбоблар ва ниҳоят, камонча билан чалинадиган асбоблар (14 - 18 та биринчи скрипкалар, 12 - 16 та иккинчи скрипкалар, 10 - 14 та альт, 8 - 12 та виолончель, 6 - 10 та контрабас)дан тузилган ва энг кўп қўлланиладиган симфоник оркестр тури. Булардан ташқари, арфа, фортепиано ва бошқа чолғу асбоблари ҳам оркестр таркибига киритилади. Катта симфоник оркестр XIX - аср ўрталарида шаклланган.



312. Квартет - 1. Тўрт кишилиқ вокал ёки чолғу ансамбли. Квартет турлича бўлиши мумкин: икки скрипка, бир альт

ва бир виолончелдан тузилса - торли Квартет; флейта, гобой, кларнет ва фаготлардан тузилса - ёғоч асбоблар квартет бўлади. Вокал квартет - сопрано, альт, тенор ва бас овозларидан иборат бўлиб, аралаш квартет деб аталади. Икки тенор, баритон ва бас овозларидан тузилса - эркаклар Квартет дейилади. Икки сопрано, меццо - сопрано ва контральто овозларидан тузилса - хотин - кизлар Квартет бўлади. Бу квартетлар ичида энг кўп тарқалган ва мусиқа адабиётида энг бойи торли квартетдир.

2. Тўрт созанданинг ижро этиши ё тўрт ашулачининг айтиши учун яратилган мусиқа асари. Бу шаклда торли квартет учун композиторлардан Моцарт, Глиэр, Шостаковичлар бир қанча асарлар яратдилар. Торли квартет асарлари соната шаклида ёзилган. Ўзбекистон композиторларидан В. Мейен, Икром Акбаров, Д. Зокиров, С. Юдаков, Б. Гиенко, Д. Соатқулов ва б. торли Квартет учун бир қанча мусиқа асарлари яратдилар.

323. Кинофильм мусиқаси - кинофильмларда эшитиладиган чолғу ва вокал мусиқа. Дастлабки даврларда (1920 йилларда) экранда қўйилаётган кинога фортепиано, ансамбль ёки кичик оркестр жўр бўлиб турган. Кинодаги воқеанинг боришига қараб мусиқа характери ҳам ўзгарган. Овозли кинонинг яратилиши билан (1932 йил) мусиқа товушлари ҳам махсус киноленталарга олина бошланган. Шу даврдан бошлаб мусиқа кинода муҳим ўрин эгаллаган. Атоқли рус композитори Д. Д. Шостаковичнинг “Учрашув” (1932) Кинофильмига ёзган шу номли қўшиғи лейфмотив вазифасини бажарган. И. Дунаевскийнинг “Цирк” кинофильмига ёзган мусиқаси (1936)даги “Ватан ҳақида қўшиқ” халқимизнинг сеvimли асарларидан бўлиб қолди. Мусиқа Кинофильмдаги воқеани бўрттириб, бадийлаштириб беришда муҳим вазифани бажаради. Кинофильм мусиқасида композиторлар халқ мусиқасидан ҳам фойдаланадилар. Фильмга ашула ва хорлардан ташқари, якка чолғу асбоблар, ансамбль, халқ чолғу асбоблари оркестрлари ва симфоник оркестрлардан фойдаланилади. Мусиқали Кинофильмларда, мусиқали кинокомедияда, тарихий - биографик мусиқа фильмларда (композитор, дирижёр, ашулачилар ҳаётидан олинган фильмларда), кино - концерт, кино - опера, хореографик киноларда мусиқа асосий ўринда туради. Айрим композиторлар кинофильмлар учун яратган мусиқалари асосида сюита ва кантаталар яратадилар. Масалан, атоқли рус композиторларидан С. Прокофьев “Александр Невский” номли кинофильм учун яратган мусиқаси асосида кантата, А. Хачатурян ва бошқа бир қанча композиторлар Кинофильмлар учун ёзган мусиқалари асосида симфоник сюиталар яратганлар. Кинофильмлар учун ёзган ашула, марш, увертюралар концерт репертуарларидан жой олди. 1920 - йилларнинг



охирлари ва 30 - йилларнинг бошларида “�збекфильм” киностудияси томонидан ишлаб чиқилган “Работ кашқирлари”, “Иккинчи хотин” Кинофильмлари учун В. А. Успенский махсус мусиқа ёзган эди. 1950 - йиллардан кейин яратилган “Ўзбекфильм” маҳсулотида ўзбек

композиторлари (М. Бурхонов, Ик. Акбаров, С. Юдаков, М. Левиев, Д. Зокиров ва б.) ижоди самарали ва салмоқлидир. “Ибн Сино”, “Мафтунингман”, “Ҳамза”, “Навоий”, “Фурқат” каби фильмлар учун ёзилган ашулалар ва айрим куйлар ижрочилар репертуарларидан муносиб жой эгаллади. М. Бурхонов, Ик. Акбаров, С. Юдаковлар ҳам кино учун ёзган мусикалари асосида сюиталар яратганлар. XX - аср охирлари ва XXI - аср бошларида Р. Вилданов, Ф. Янов - Яновский, М. Маҳмудов, Н. Зокиров, С. Жалил, Э. Қаландаров ва б. лар бадий фильм, мультфильм ва телефильмлар учун мусикалар яратдилар.

327. Кичик симфоник оркестр - XVIII - аср ўрталарида XIX - аср ўрталаригача кенг тарқалган оркестр. Бу оркестр таркибида иккитадан ёғоч пуфлама чолғу асбоблар (2 флейта, 2 гобой, 2 кларнет, 2 фагот), мис чолғу асбобларидан 2 валторна, 2 труба, урма чолғу асбоблардан литавралар ва торли камонча билан чалинадиган чолғу асбоблар (8 - 12 биринчи, 6 - 10 иккинчи скрипкалар, 4 - 8 альти ва виолончель, 2 - 4 контрабас) бўлган.

331. Колоратурали сопрано - хотин - қизларнинг энг юқори ўйноқи овози. Овоз ҳажми кичик октавадаги си дан учинчи октавадаги ми, до - диз гача бўлади. Композитор М. И. Глинка “Руслан ва Людмила” операсида Людмила учун, шунингдек, Н. А. Римский - Корсаков, В. А. Моцарт, Ж. Верди ва б. лар. Колоратурали сопрано учун махсус асарлар яратганлар. Рус композиторларидан Р. М. Глиэр Колоратурали сопрано ва оркестр учун концерт яратди. Р. Глиэр ва Т. Содиқовларнинг “Гулсара” операсидаги Асал (Гулсаранинг дугонаси) партияси ҳам Колоратурали сопрано учун ёзилган.

333. Композитор (лот. Compositor - ижодкор) - мусиқа асарини яратувчи ижодкор. Ўз касбининг аси бўлган композиторлар олий мусиқа мактаби - консерваториянинг композиторлик факультетида таълим оладилар. Баъзи мусиқа илмидан хабардор кишилар ҳам, масалан, мусиқа ўқитувчилари, консерваторияни тугалламаган бўлсаларда, мисли кўринмаган тарзда ижод

киладилар. Халқ ижодиётида моҳир хонанда ва созандалардан бастакорлар чиқади. Композитор маълум бир мавзунини бадиий тасвирлаганидек, халқ ижодиёти, яъни фольклордан фойдаланиб ёки шу фольклор материалини ўзгартмаган ҳолда, уни бойитиб, бадиийлаштириб беради. Композиторларнинг ижоди халқ ижодиёти билан ҳамбарчас боғланган, улар ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак савиядаги мусиқа асарлари яратувчи ижодкорлардир. Опера, кантата, оратория, симфония ва кичик шаклдаги асарларнинг асосий мавзуси - давримизнинг буюк иншоотлари бўлган қурилишлар, ватанпарварлик, халқлар ўртасидаги дўстлик ғоясини талқин этишдан иборат. 1940 - йилдан бошлаб, йирик мусиқа асарлари яратила бошланган.



335. Конкурс (лот. Concursus - тўқнашиш, мусобақа) - турли ижрочилар (одатда кўпроқ чолғу ижрочилари) ўртасида ўтказиладиган мусобақа. Мусобақа туманлараро, шаҳарлараро бўлганидек, жаҳон мамлакатлари ўртасида ҳам ўтказилади.

336. Консерватория (итал. Conservatorio, лот. Conservo - сақлайман) - олий музика ўқув юрти. Илгарилари Италияда ота - онасиз етим болаларни турли хунарларга ўргатувчи мактаб консерватория деб аталган (биринчи марта 1537 йили Неаполда ташкил қилинган). XVII - асрда бу етимхонада музика ўргатила бошланади ва бу асосий машғулотга айлана боради. XVIII - асрга келиб, Италияда Консерватория музика ижрочилари, композиторлар тайёрлай бошлайди. Бу ерда Европанинг бошқа мамлакатларидан келиб тарбияланадилар. 1793 - йили Парижда ташкил қилинган Миллий музика ва декламация консерваторияси, ҳозирги турдаги Консерваторияга ўтишда муҳим босқич бўлди. XIX - XX - асрларда Европанинг йирик шаҳарларида Консерваториялар ташкил қилина бошланди.

Россиядаги энг кекса консерватория Санкт - Петербургдаги (1862 - йили ташкил этилган). Н. А. Римский - Корсаков номидаги ва Москвадаги (1866 - йили ташкил этилган) П. И. Чайковский номидаги Консерваториялардир.



Ўзбекистонда Тошкент Давлат Консерваторияси 1936 - йили ташкил қилинган. (1934 - йили ташкил қилинган Олий музика мактаби заминида), у турли чолғу асбоблар (мис ва ёғоч пуфлама чолғу асбоблар, торли - камонли чолғу асбоблар, фортепиано) ижрочилари, музика назарчилари ва тарихчилари, яққохон ашулачилар, композиторлар, хор дирижёрлари тайёрлайди. Айрим Консерваторияларда халқ чолғу асбоблари факультети ҳам мавжуд. Бундай факультет Тошкент Консерваториясида ҳам мавжуд (1948 - йилдан), 1972 - йили Шарқ музикаси кафедраси очилган. 1975 - йилдан бошлаб Тошкент Консерваторияси М. Ашрафий номи билан атала бошланди. 2019 - йилда Бухоро Давлат Университети санъатшунослик факультети хузурида консерваториянинг икки йўналиши бўйича: 1) чолғучилик ва 2) мақомчилиқ йўналиши бўйича кадрлар тайёрланиши йўлга қўйилди.

339. Концерт (лот. Concerto, лот. concestare - мусобақалашмоқ) - 1. Симфоник оркестр ёки халқ чолғу асбоблари оркестрининг жўри билан ёлғиз бир чолғу асбоби ёки овоз учун йирик шаклда ёзилган мусиқа асари. Концерт кўпроқ уч қисмдан иборат бўлади: биринчи қисми - драматик характерда, тез ижро қилинади, соната аллегроси шаклида, иккинчи қисми - лирик характерда, салмоқли (andante) суръатида, одатда уч қисмли шаклда, учинчи қисми - финал, тантанали рақс тарзида (одатда рондо шаклида) ёзилади. Мазкур қисмлар бошқа турли шаклда ҳам бўлиши мумкин. Рус композиторларининг турли чолғу асбоблари учун ёзган жуда кўп концертлари мавжуд. Чунончи, буюк рус композитори П. И. Чайковскийнинг фортепиано ва скрипка учун концертлари дунёга машҳурдир. Композиторлардан А. Хачатуряннинг скрипка, Р. Глиэрнинг овоз билан оркестр учун, Г. Мушельнинг фортепиано учун ёзган концертлари репертуарлар ичида салмоқли жой олган. Ўзбек композиторларидан Икром Акбаров, С. Хайитбоев, Р. Ҳамроев, С. Жалиллар скрипка билан симфоник оркестр учун концертлар яратганлар. Б. Гиенко, Н. Зокиров, Р. Абдуллаевлар фортепиано ва симфоник оркестр, шунингдек композиторларимиз альт, гобой, труба каби созлар ва оркестр учун концертлар яратдилар. И. Ҳамроев чанг ва ўзбек халқ чолғулар асбоблари оркестри, В. Князев рубоб ва ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри учун концертлар яратганлар. 2. Мусиқа асарлари ва рақсларнинг кўпчилиги олдида ижро этилиши. Бундай концерт программаси турлича бўлиши мумкин. Чунончи, симфоник оркестр, ашула ва рақс концерти, камер концерти, байрам концерти ва б. лар.

340. Концертина (инг. consortina) - олти бурчакли кичик қўл гармончаси. Клавишлари босилганда тайёр аккорд эмас, фақат биргина товуш беради. Концертино хроматик тузилишда бўлиб, унинг турлича овоз ҳажмидаги хиллари бўлади.

341. Концертино (итал. consortino) - 1. Бир қисмдан иборат бўлган кичик ҳажмдаги концерт. 2. Кончерто гроссдаги яқка ижро қилинувчи чолғу асбоблари.

342. Концертмейстр (нем. konzertmeister) - (нем. konzertmeister) - 1. Оркестрда бир турли чолғу асбоблари тўдасидаги биринчи (бош) мусиқачи. Концертмейстр бошқа созандаларни ўзига эргаштириб боради, айрим вақтларда яқка ўзи (соло) ижро этади. Симфоник оркестрда одатда бундай Концертмейстрлик вазифасини биринчи скрипкачи бажаради, унинг зиммасига оркестрдаги чолғу асбобларини тўғри созлаш вазифаси юкланади. Симфоник оркестрдаги иккинчи скрипкачилар, альтчилар, виолончелчиларнинг ҳам етакчи Концертмейстри бўлади. 2. Опера

артистлари (яккахон солистлар), турли чолғу асбоблари (скрипка , кларнет ва б. лар.)да ўрганувчи студентлар, ашулачилар билан машғулот ўтказувчи, уларнинг ижро этиладиган мусиқа асарларини ўрганишда ёрдам берувчи ва концертларни уларга жўр бўлувчи пианиночи - аккомпанементчи.

343. Концерт заллари - очик концертлар уюштириш учун қурилган махсус зал. Залнинг ҳар бир қисмидан нормал товуш эшитилиши учун акустикасига аҳамият бериб, махсус жиҳозлар билан таъминланган бундай концерт залларида катта ижрочи жамоалар томонидан концертлар уюштирилади. Камер (унча катта бўлмаган) концертлар учун махсус кичик заллар бўладики, бунда ёлғиз ашулачи, чолғучи, камер чолғу асбоблари, вокал ансамбль (трио, квартет ва б.)лари қатнашади. Тошкентда “Баҳор”, “Халқлар дўстлиги”, “Туркистон” каби йирик Концерт заллари мавжуд.

344. Кончерто гротто (итал. Concerto grosso - катта концерт) - бир неча қисмдан иборат бўлган концерт. Кончерто гроттода оркестрдаги ҳамма чолғу асбоблар овози алоҳида ажратилган бир тўда якка ижро этувчи чолғу асбоблар (кочертино)га қарама - қарши қўйилади. Бу жанр XVII - ва XVIII - аср композиторлари учун характерлидир.

345. Корифей (юн. Κορυφαῖνος - йўлбошчи, бошлиқ) - 1. Қадимги юнон театрида хорда группани бошқариб борувчи ашулачи. 2. Балетда рақс ансамблининг бошқариб борувчи раққос ё раққоса.

369. Лауреат - (лот. Laureates - дафна дарахтининг баргидан ясалган гулчамбар кийгизмоқ) - махсус мукофот, унвон билан тақдирланган киши ё жамоа.

372. Либретто (итал. Libretto - китобча) - 1. Театрга мосланган йирик мусиқа асарининг мукамал ёзма матни. Либретто мусиқали драма, опера, балет, оперетталарнинг бадиий - ғоявий асоси. Операнинг муваффақиятли чиқиши либреттога боғлиқ. Либретто учун бадиий асарлар, турли тарихий ё замонавий муҳим воқеалар асос бўлиши мумкин. Либретто мусиқа шакли (ария, хор, ансамбль - речитатив, рақс номерлари ва б.) хусусиятини кўзда тутиб яратилади. Либретточи либреттони композитор билан ҳамкорликда, унинг яқинроқ иштирокида яратади. Баъзан композитор берган сценарий, яъни бўлғуси асарнинг қисқа мазмуни ва тузилиш режаси асосида либретто ёзади. Композитор операни ёзиш жараёнида либреттони тузатиш, тўлдириш ё қисқартириши мумкин. Баъзан композитор яратаётган операсига ўзи либретто ёзади. 2. Балет ёки пантомиманинг сценарийси, матни. 3. Опера, оперетта, балет, мусиқали драма, кинофильмларнинг қисқача мазмунидан иборат алоҳида нашр қилинган театр программалари ё либретто тўпламлари. Ўзбек операларидаги кўпгина либреттолар (“Бўрон”, “Гулсара”, “Дилором” ва б.)ни драматург

Комил Яшин ёзган. Шунингдек, Ойбек, Зулфия, С. Абдулла, Ҳ. Гулом, Ж. Жабборов каби адиблар ҳам қатор либреттолар яратишган.

377. Лирик - драматик - ашулачилар овозига хос атама бўлиб, лирик ва драматик товуш оралиғини, яъни ҳар икки хусусиятни ўз ичига олган овоз.

392. Маэстро (итал. Maestro - ўқитувчи, уста) - оркестр, ансамбль раҳбари (дирижёр, концертмейстер)нинг ҳурмат билан аталиши. Бу ном бирмунча эскириб қолган бўлишига қарамай, музикачилар (оркестрантлар) ўртасида ҳозиргача ҳам қўлланиб келинмоқда.

393. Медиум - ашулачи хотин - қизларнинг ўрта товуши (регистри).

394. Мейстерзингер (нем. Meistersinger - уста ашулачи) - XIV - XVII - асрларда Германиядаги музикачилар уюшмаси (цехи)да шоир - ашулачи.

396. Мелодикламация - музика (одатда фортепиано, баъзан оркестр) жўрлигида бадий ўқиш (аксари шеърлар ўқилади). Бу кўпроқ мелодраматик характерда бўлади.

401. Мелодрама (юн. Melos - ашула ва drama - ҳаракат) - 1. Музикали драматик пьесанинг монолог ва диалогларида музика жўр бўлиши ё ўрни билан чалиниб туриши. Операдагидек ашула қилиб айтмай, кўпроқ сўзлайди, декламация қилади. Бу жанр XIX - асрдан бошлаб қўлланила бошланган. 2. Музика билан берилган драматик асар қисми. 3. Мелодекламация туридаги концертларда ижро этиладиган асар.

402. Меломан - музика ва ашулани жуда яхши кўрувчи киши, мухлис.

405. Минуэт (фр. Menuet, menu - кичик, майда) - текис ҳаракатлар билан салмоқли суръатда ижро этиладиган қадимий француз халқ рақси. Такт ўлчови уч хиссали. Минуэт чолғу музикасида қўлланила бошлангандан сўнг жонли характер ва тез суръатга кўчади. XIX - асрнинг дастлабки йилларига қадар цикли соната шаклида ёзилган симфониянинг учинчи қисми ва бошқа чолғу музика асарларидаги минуэт ўрнини скерцо эгаллади.

406. Месса (итал. Messa, фр. Messe, лот. missa) - католикларнинг ибодат вақтида ижро этишларига мўлжалланиб, лотин тилида яратилган кўп қисмли хор бўлиб, бу асар чолғу асбоблари жўрлигида ё жўрлигисиз айтилади.

408. Метроном (лот. Metron - мезон ва nomos - қонун) - музика асарининг аниқ суръатини белгилашда қўлланиладиган махсус асбоб. Бу асбоб кичкина, учбурчак шаклида бўлиб, унинг девор соатига ўхшаш механизми ва тебрангичи бор. Девор соатини тез ва секин юргизиш учун



унинг доира шаклидаги тебрангичини юқори ё куйи суриш мумкин бўлганидек, метроном устунчасига ҳам худди шундай тош ўрнатилган. Бу тош қанча юқори кўтарилса, устунчанинг ҳаракати секинлашади, аксинча тошни қанчалик куйи туширилса, у шунчалик тезлашади. Мусиқа асарининг суръати кўрсатилган жойга баъзан метроном белгиси қўйилади. Масалан, М. М. 80 дебёзилган бўлса, метроном тошини 80 рақамига тўғрилаб қўйилади. М. М. ҳарфларининг биринчиси - метроном сўзини билдирса, иккинчи ҳарф - Мельцель (бу асбоб ихтирочиси) номини англатади. Демак, М. М. - Мельцель метрономи. И. Н. Мельцель бу асбобни 1816 - йили ихтиро қилган - ясаган.

430. Монодия - (юн. Monos - бир ва ode - ашула) - куйнинг якка ё ансамблда жўрсиз ёлғиз ижро этилиши. Агар ансамблда бўлса, унисон ё октава тартибида ижро этилади. Кўп Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек мусиқа мероси монодиянинг хилма - хил кўринишларига бой.

431. Монодрама (юн. Monos - бир ва drama - якка) - бир киши ижросига мўлжалланган драма.

442. Мусиқа (musike, musa) - турли - туман товушлар билан бадий образ яратиб берувчи, ғоявий - эмоционал мазмунга эга бўлган санъатнинг бир тури. Инсоннинг жамиятда тутган мавқеи, маданий - тарбиявий, ғоявий ташкилотчилик ролида мусиқа юксак ўринда туради. Ҳар бир халқнинг мусиқаси миллий хусусиятига кўра бир - биридан фарқ қилади. Халқ мусиқаси узок йиллар давомида шаклланиб, бадийлашиб, юксак поғонага кўтарилди, халқнинг бой хазинасига айланди. Халқ мусиқаси билан мустаҳкам боғланган ҳолда касбий мусиқа ҳам тараққий қилиб, унинг вужудга келишида моҳир созанда, бастакор ва композиторлар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Мусиқадаги образларни гавдалантириб берувчи асосий элемент - мусиқа товушидир. Мусиқанинг асоси куйдир. Бундан ташқари ритм, лад, метр, гармониялар унинг муҳим воситаларидандир. Мусиқа ижро этилиши бўйича икки асосий турга бўлинади:

Чолғу мусиқаси, иккинчиси вокал, яъни ашулали мусиқа. Мусиқа бир овозли (монодия) ва кўповозли (полифония, гомофония) бўлади. Булар кўп жиҳатдан бир - биридан фарқ қилади. Маълум бир мавзуда яратилган чолғу мусиқаси программали мусиқа деб аталади. Вокал мусиқаси эса бирор чолғу асбоби жўрлигида ижро қилинади. Айрим кўповозли хорлар чолғу асбоблари жўрлигисиз ижро қилинадик, бу а капелла деб аталади. мусиқа сахна асарлари:

Опера, оперетта, мусиқали драма, балет, драма ва киноларда муҳим роль ўйнайди.

444. Мусиқа асарларини таҳлили - 1. Турли характердаги мусиқа асарининг мазмуни, услуби, шакли ва мусиқий хусусияти бўйича илмий текшириш иши олиб бориш. Бу илмий текшириш мусиқа асарининг маълум бир турида бўлиши мумкин. Бундай ҳолда олиб борилган илмий ишга қараб гармоник таҳлил, шаклий таҳлил, полифоник таҳлил ва ҳ. к. деб аталади. 2. Мусиқа билим юртлари ва консерваторияларда ўрганиладиган асосий назарий фанлардан бири.

445. Мусиқа асбоблари - чолғу мусиқа асбоблари. Маълум бир тембрда мусиқа товушлари берадиган асбоблар. Касбий мусиқа чолғу асбоблари уч гуруҳга бўлинади : торли, пуфлама ва урма. Торли (торларнинг тебраниши орқали товуш берувчи чолғу асбоблар) ўз навбатида яна турларга бўлинади. Улар камончали - скрипка, альт, виолончель ва контрабас, тирнама - арфа, болғачалар билан уриб чалинадиган фортепиано (рояль ва фортепиано), пуфлама, яъни карнай ичидаги ҳавонинг тўлқинланиши орқали товуш берувчи чолғу асбоблари эса ишланиш қуроллари орқали мис пуфлама - труба, альт, тенор, баритон, бас, тромбон, туба, валторна, ёғоч пуфлама - флейта, гобой, кларнет, фагот ва буларнинг катта - кичик турлари киради. Айрим ёғоч пуфлама чолғу асбоблар - металл, пластмасса, ҳатто ойнадан ҳам ясалади. Урма чолғу асбоблар эса маълум баландликка (муайян созга) эга бўлмаган - катта ва кичик барабан, бубен (дойра, тарелка, треугольник (учбурчак), кастанъета (қошиқ), там - там ва б. аниқ баландликка (созга) эга бўлган - литавралар, кселофон, колокольчиклардан иборат. Мазкур чолғу асбоблар ҳисобланиб, булардан ташқари ҳар бир халқнинг ўзига хос чолғу асбоблари бор. Булар ҳам ўз навбатида турларга бўлинади.

446. Мусиқа билим юрти - ўрта маълумотли мусиқа кадрлари етказиб берадиган махсус ўқув юрти. Мусиқа билим юртига етти йиллик мусиқа ҳамда саккиз йиллик (ва ундан ортиқ) умумий маълумотга эга бўлганлар қабул қилиниб, ўқув давомида мусиқада ўрта ва ўн йиллик умумий маълумот оладилар. Ватанимизда илк мусиқа билим юрти Туркистон халқ консерваторияси номи билан 1918 - йили ташкил қилинган. Мусиқа билим юрти бизга - фортепиано, торли ва пуфлама чолғу асбоблар, ашула (вокал), мусиқа тарихи ва назарияси, хор дирижёрлиги, ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлимлари мавжуд. Ҳозир диёримизнинг деярли барча вилоятларида Мусиқа билим юртлари (баъзиларида санъат билим юрти) барпо этилди.

448. Мусиқий конкурс (танлов) лари - созанда, хонанда, композиторлар мусобақаси. Мусиқий конкурслари илгарилари эълон қилинган шарлар ассосида бирор давлат ёки давлатлараро миқёсда ўтказилар эди. конкурсда

етук баҳоланганлар ҳайъат хаками томонидан турли ўрин ва мукофотларга сазовар бўлар эди, уларга лауреат унвонлари берилар эди. Мана hozирда XXI - асрнинг бошларига келиб - бу конкурслар бошқача дид, нуқтаи - назар билан ташкил этила бошланди. “Нихол” номли конкурслар, Самарқандда ҳар икки йилда бир маротаба “Шарқ тароналари” ва шу кабилар пайдо бўлди. Бу каби конкурслар далқлараро дўстликни, тотувликни тараннум этиб, дунёда тинчлик бўлиши учун, ўзаро хурмат бўлиши учун хизмат қилиб келмоқда. Биринчи композиторлик конкурси (Рим мукофоти номи билан машҳур) 1803 - йили Францияда ўтказилган. Бу муסיкий конкурс Париж консерваториясининг композиция курсини битирувчилар учун эълон қилинган эди. кейинчалик композиторлар учун муסיқанинг турли жанрлари (қўшиқ, ашула, романс, опера, балет ва б.) яратиш бўйича ҳам конкурслар ўтказиладиган бўлди. Хонандалар, муайян жанр (масалан, мақом, катта ашула, алла) ижроси соҳасида ҳам конкурслар ўтказилмоқда.

460. Муסיқа ҳаваскорлиги - бирор касб билан шуғулланувчи, асосий иш ўқишларидан бўш, ҳордиқ чиқариш соатларида доимий муסיқа машғулотлари олиб борувчилар фаолияти. Муסיқа ҳаваскорлиги тўғараклари Ўзбекистонда кенг тарқалган. Улар яккама - якка, турли ансамбль, оркестр ва хор жамоаларида қатнашишади. Муסיқа ҳаваскорлиги тўғаракларининг кўпайиши муסיқа ммаданиятимизнинг ривож топиши, омма ўртасида кенг тарқалишида муҳим омил бўлди. Ҳаваскорлик муסיқа ва хор тўғаракларидан касбий жамоалар, атоқли муסיқа арбоблари, мохир ашулачилар етишиб чикди. Марказий Осиё халқлари муסיқани асрлар давомида монодия тарзида ижро қилиб келган бўлса, кўповозли услуб жорий этилишида муסיқа ҳаваскор тўғараклари ўз хиссаларини кўшмоқдалар. Илгарилари Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистонда рақс санъати бўлмаган ё жуда ибтидоий ҳолда бўлган бўлса, ҳозир юзлаб ҳаваскорлар рақс тўғараклари ташкил этилган. Ҳар йили туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида муסיқа ҳаваскорларининг кўриклари, фестиваль ва олимпиадалар ўтказиб турадилар.

461. Муסיқали декламация - 1. Мелодикламациянинг иккинчи номи. 2. Речитатив ҳам шу ном билан аталади. бундан вокал муסיқаси, ашуланинг декламация (речитативли) услуби муסיқали декламация билан узвий боғлиқ. 3. Сўзни вокаллаштириб, речитатив ҳолда айтиш.

467. Муסיкий (муסיқа) - Шарқда ўтмишда (баъзи мамлакатларда ҳозир ҳам) муסיқа атамаси.

468. Мюзик холл (инг. Music - hall - концерт зали) - ўзига хос алоҳида программа ва тематик номерлардан тузилган концерт репертуари бўлган эстрада театри.

443. Муסיқа акустикаси - муסיқа товушларининг ҳосил бўлиши, тузилиши ва созланишини ўрганувчи фан. Бу физика фани акустикасига асосланган бўлиб, турли шаклдаги муסיқа чолғу асбобларида товушларнинг ҳосил бўлишини, уларнинг темри, яъни “ранг - баранглигини”, баланд - пастлигини, қаттиқ ёки юмшоқлигини ўрганади.




469. Муқаддима (бошловчи муסיқа) - 1. Театр томошаларида парда очолиши олдидан ижро этиладиган чолғу муסיқаси, пьеса. 2. Сюитанинг биринчи қисми.

492. Нюанс (фр. Nuans - оҳанг, тус) - товуш оҳангдошлиги. Муסיқада динамик ўзгаришлар ва товушларнинг эшитилиш характерини ўзгартириш (булар аксари итальян тилида ёзилади) белгилари. Масалан, dolce - майин, мулойим, appassionato - серзавқ ва б. лар. Нюансни қўллаш ижро қилинадиган муסיқа асарининг шакли, айрим жойларини бўрттириш ёки аксинча, секин берилишига, шунингдек, ижрочилик маҳоратига боғлиқ.

699. Фальцет (итал. falsetto - сохта, ясама) - эркаклар овозига хос энг юқори (ингичка) регистр. Фальцетда товуш боғичлари (связка) торайиб, бунинг оралиғида тешик пайдо бўлади. Шунинг учун фальцетнинг кучи кам бўлиб, обертонлари оз ва юмшоқ эшитилади. Фальцет сунъий оҳанглар ва ўзига хос тембри билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам товушни алоҳида тембрда бериш вақтида фальцет қўлланилади.

493. Обертон (нем. Oberton, ober - юқори) - гармоник оҳангдош товушлар.



494. Обон - қирғизларда оҳанг шу ном билан юритилади.

495. Овоз ёзиш - нутқ, садо, мусиқа ва шу кабиларни турли техник воситалари - магнетофон лентаси, граммафон пластинкаси, кино плёнкаси ва б. лар билан ёзиб олиш.

498. Ода (юн. Ode - ода, қасида) - бирор шахс ёки бирор воқеага бағишлаб, мақтов тариқасида ёзилган тантанали характердаги мусиқа асари. Ода атамаси бадий адабиётдан олинган.

507. Оммавий кўшиқ - бастакор ва композиторлар томонидан касбий ашулачи, ҳаваскор мусиқачи ва кенг омма ижросига мўлжаллаб яратилган кўшиқ. Оммавий кўшиқ халқ ўртасида қанчалик кўп айтилса ва кенг тарқалса, у халқ мусиқа амалиётига шунчалик сингиб боради, унинг халқ ўртасида турли йўл (вариант)лари пайдо бўлади. Бастакорлар - Т. Жалилов, К. Жабборов, Ф. Содиқов, Н. Ҳасанов, М. Мирзаевлар, композиторлардан С. Юдаков, М. Левиёв, Д. Зокиров. И. Акбаровларнинг Оммавий кўшиқлари халқимиз ўртасида кенг тарқалган.

508. Опера (итал. Лот. Opera - ижод, асар) - мусиқали драматик асар. Операда нутқнинг маълум бир қисми ёки деярли ҳаммаси куйланади. Унда мусиқа санъатининг бир неча тури бўлиши мумкин. Бошланишидаги увертюра (муқаддима)си, пардалар оралиғида чалинадиган антрактларидан ташқари, ария, ариоза, дуэт, терцет, квартет, хор, речитативларни ўз ичига олади. Драматургия, тасвирий санъат (декорация, костюм) ва хореография (ракс) операда салмоқли ўрин эгаллайди. Операнинг тузилиши асарнинг ғоявий мақсади, сюжет характерини сценария режаси бўлган либретто аниқлайди, асосий мақсаднинг тўла - тўқис бадий гавдалантирилиши композиторлик маҳоратига боғлиқ.

Опера XVI - асрнинг (1597 йил)да Италияда “мусиқадаги драма” номи билан пайдо бўлган. Тарихий воқеалар, ўзгаришларга кўра, опера турли жанрларда тараққий қилди. У тарихий қахрамонлик, тарихий - романтик. Эпик, халқ ҳикоя - афсоналари, лирик, драматик, ҳажвий ва б. жанрларда

яратилди. Шунга кўра, опера - буффа, опера - водивель, опера - серия каби номлар билан аталадиган бўлди.

Опера - буффа - ҳажвий опера бўлиб, у ҳам XVIII - асрда Италияда пайдо бўлган. Унда халқ ашулалари асосий ўрин эгаллаган.

Опера - водивель - енгил мусикали комедия. XVIII - асрнинг иккинчи ярмида Францияда бу жанр касбий театр жанри қаторидан ўрин олган.

Опера - серия - афсонавий ё қаҳрамонлик жанридаги Италия операси. Бу операда хор ва балет деярли қўлланилмаган. У XVIII - аср охири ва XIX - аср бошларида майдонга келган неаполитан опера мактабида шаклланган. Бу жанрда бир қанча Италия композиторлари асар яратганлар.

Россияда опера XVIII - асрнинг иккинчи ярмида бунёдга келиб, рус классик операсининг равнақи XIX - асрдан бошланган. Рус миллий мусика мактабининг ривожининг унинг бунёдга келишига замин бўлди. Рус операси мазмунга бой бўлиши, куйларнинг оҳангдор ва кенг кўламлиги, халқчиллиги, мусиқий шаклларнинг аниқлиги билан ажралиб туради. Ғоявий ва бадий жиҳатдан у энг юқори босқичга кўтарилди. Рус опера санъатига М. И. Глинка асос солган. Глинканинг “Иван Сусанин”, “Руслан ва Людмила”си, А. С. Даргомижскийнинг “Сув париси”, М. П. Мусоргскийнинг “Борис Годунов”, “Ховашчина”, А. П. Бородиннинг “Князь Игорь”, Н. А. Римский - Корсаковнинг “Рождество арафасидаги тун”, “Май кечаси”, “Олтин хўрозча”, П. И. Чайковскийнинг “Евгений Онегин”, “Пиковая Дама”, “Иоланда” опералари рус санъатининг ифтихоридир.

XIX - асрда Украинада, XX - асрда Озарбайжон, Арманистон ва Грузияда, кейинчалик бошқа давлатларда ҳам опера санъати ривожлана бошлади.

Ўзбекистонда опера жанри 1939 - йили “Бўрон” операси билан вужудга келди. С. Н. Василенко ўз шоғирди М. Ашрафий билан яратган бу асар ўзбек опера санъатининг тараққий этиши учун дастлабки поғона бўлди. Ундан кейин Р. М. Глиэр ва Т. Содиковларнинг “Лайли ва Мажнун”, Мухтор Ашрафийнинг “Дилором”, Р. Ҳамроевнинг “Зулматдан зиё”, “Номаълум киши”, С. Бобоевнинг “Ҳамза”, Икром Акбаровнинг “Сўғд элининг қоплони”, У. Мусаевнинг “Мангулик”, Н. Зокировнинг “Соҳилдаги тўкнашув”, шунингдек сўнгги йилларда С. Жалилнинг “Зебинисо”, М. Бурхоновнинг “Алишер Навоий”, Р. Абдуллаевнинг “Садоқат”, “Хева ордени” каби опералари яратилди. С. Юдаковнинг “Майсаранинг иши” - биринчи ўзбек операси нафақат Ўзбекистонда, балки бир қатор қўшни давлатларда ҳам, шу жумладан, Москва (Ромэн) ва Польша (Лодзь шаҳри) театрларида ҳам сахналаштирилди.

С. Бобоев биринчи болалар операси “Ёрилтош”ни яратди.

509. Опера ва балет театри - опера ва балет асарларини кўрсатувчи катта ижодий жамоа. Россиядаги энг тажрибакор ва кекса Опера ва балет театри Москвадаги катта театр дир. У 1776 йили ташкил қилинган. Иккинчи - Ленинграддаги театрдаги театр 1860 йили очилган. Республикамиздаги Опера ва балет театри 1939 - йили Тошкентда Ўзбек Давлат мусиқали театри асосида ташкил қилинди. У ҳозир Алишер Навоий номидаги Ўзбек Академик Катта театри номи билан аталади. Бу театр сахнасида рус, Ғарбий Овропа классиклари, Ўзбекистон ҳамда қўшни республика композиторларининг опера ва балетлари қўйилмоқда. 1964 йили Самарқандда ҳам Опера ва балет театри очилган. 1992 йилда Ҳамид Олимжон номидаги ўзбек мусиқали драма театри билан бирлаштирилди.

510. Оперетта (итал. Operetta, фр. Operette - кичик опера) - шўх, кувноқ характердаги мусиқали сахна асари бўлиб, бунда айрим нутқлар ашула қилиб айтилса, айримлари фақат сўз билан берилади. Оперетта XVIII - аср ўрталаридаги ҳажвий опера заминида юзага келган. Опереттада асосий ўринни лирик характердаги мусиқа, ҳазил қўшиқ, дуэт, турли вокал ансамбллари, хор ва қўшиқли ракс сахналари эгаллайди.

1972 йили Ўзбекистонда ҳам Оперетта театри ташкил қилинди. Унинг сахнасида Ўзбек композиторларидан Э. Солиховнинг “Пари Ойгулнинг совғалари”, “Хўжа Насриддин” ва б. Оперетталар кўрсатилмоқда.



511. Опус (лот. Opus - асар) - композитор яратган мусиқа асарини тартиби билан номерлаб бориш учун қўлланиладиган атама. Баъзан композитор бир опус номери билан бир неча пьесаларини рақамлайди. Одатда, опус сўзи қисқартирилиб, лот. - ор, ёки русча - оп. Деб ёзилади. Сўнгги вақтларда бу атама ўрнига асар деб ҳам ёзила бошланди.

512. Оратория (итал. Oratoria, лот. Ого - сўзлайман) - кантатага ўхшаш яккахон ашула-чилар, хор ва симфоник, баъзан халқ чолғу асбоблари оркестрлари учун ёзилган кўп қисмли йирик мусиқа асари. Оратория одатда драматик мавзуда бўлсада, сахнада кўрсатиш учун эмас, балки концертларда ижро этиш учун мўлжалланган. Оратория кантата ва опералар билан деярли бир вақтда пайдо бўлди. Оратория кантатадан ҳажм

жихатдан катталиги, эпик - драматик характерда бўлиши, мавзунинг кенглиги билан фарқ қилса, операдан драматик ривож ўрнига қиссасимон бўлиши билан ажралиб туради. Ораторияда ария, речитатив, вокал ансамллари, хор қатори, чолғу мусикалари ҳам бўлади. Оракториянинг лирик - эпик мавзусини очиб беришда хор ва чолғу мусиқа катта ўрин тутди. Оракториянинг ҳар қисми ўзига хос, мустақил тугал бир асардек бўлади. Ўзбекистонда шоир М. Шайхзоданинг “Тошкентнома” достони асосида композитор Ик. Акбаров шу номдаги Оракториясини яратди. Шунингдек, М. Маҳмудов “Тошкент садоси”, М. Бафоев “Тошкент ҳақида кўшиқ” ва б. лар яратганлар.

514. Оркестр (юн. Orchestra - қадимги юнон театри сахнада олдидаги майдонча) - турли чолғу асбобларда чалувчи созандалардан тузилган жамоа бўлиб, шу таркиб учун яратилган мусиқа асарини ижро этилади. Камер чолғу ансамбллар (квартет, квинтет ва бошқалар)дан оркестрнинг фарқи шундаки, баъзи созандалардан унисонда чалувчи тўдалар тузилади. Оркестрдаги чолғу асбобларнинг тўдалари ва тузилишларига кўра, улар турлича бўлади. Чунончи, симфоник Оркестр, пуфлама созлар (духовой) Оркестр, торли Оркестр, халқ чолғу асбоблари Оркестрлари ва б. Симфоник Оркестрга торли - камончали, пуфлама ва урма чолғу асбоблари кирса, пуфлама созлар Оркестрига мис ва ёғоч, пуфлама ҳамда урма чолғу асбоблари киради. Ўзбек Давлат филармонияси ва Ўзбекистон радио кўмитаси қошида тузилган ўзбек халқ чолғу асбоблари Оркестри турли миллатлар мусикасини нота билан чалишга имкон берадиган қилиниб, қайта ишланган созлардан ташкил топган. Ўзбек халқ чолғу асбоблари Оркестрда турли катта - кичикликда температура ланиб ишланганига кўра, унда энг паст (йўғон) ва энг баланд (ингичка) товушларни ичалиш мумкин. Бу Оркестрга қўйидиги чолғу асбоблар киради: а) катта най, қўшна ва сурнайлардан иборат пуфлама ёғоч чолғу асбоблар; б) катта ва кичик чанглардан иборат торли урма чолғу асбоблар; в) катта - кичик рубоблар ҳамда дуторлардан иборат тирнама чолғу асбоблар; г) дойра ва ноғоралардан иборат урма чолғу асбоблар ва ниҳоят; д) катта - кичик ғижжаклардан иборат камонли торли асбоблар.

515. Оркестрлаштириш - 1. Мусиқа асарини маълум бир оркестрга, чунончи, симфоник, духовой, халқ чолғулари оркестрлари, турли камер ансамбллари (трио, квартетлар)га татбиқ қилиш, мослаш. 2. Мусиқий ислоҳатда оркестрлаштиришни баъзи чолғулаштириш деб ҳам аталади. Бу атама кичикроқ оркестрларга, баъзан вокал ансамбль ва хорларга нисбатан қўлланилади. Композитор мусиқа яратар экан (агар яратилаётган асар симфоник ё бошқа бирор оркестр учун яратилиши кўзда тутилса), уни

оркестрнинг қайси асбоблари ижро этишини ҳисобга олади. Фортепианони кўзда тутиб ёзилган асарни оркестрга мослашда ижодий куч ва тажриба бўлиши керак. Бундай ҳолда оркестрдаги чолғу асбобларни яхши билишдан ташқари, композиторнинг ижодий фикри, асар мазмунини тўла ўрганиб, чиқиш лозим бўлади. Чунончи, асарнинг характери, мусиканинг қандай жанрда яратилганлиги, унинг куй тузилиши, гармония, ритм хусусиятларини синчиклаб ўрганиш зарур бўлади. Чолғулаштирилган асар мазмунини, бадиийлигини янада бўрттиришда оркестрнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам чолғулаштирилган асарнинг маҳорат билан ижро этилиши муҳим аҳамиятга эга. Аксинча, бўш чолғулаштирилган ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак мусиқа асари бадиий кучга эга бўлмайди. Чолғу асбобларининг тобора такомиллашиб бориши, ижрочилик маҳоратининг янада юқори поғоналарга кўтарилиши оркестрлаштиришни мураккаб ижрочилик техникасининг ривожига бўйсундирилган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

526. Партита (итал. Partita - бўлакларга бўлинган) XVII - XVIII - асрларда рақсбоп пьесалардан тузилган сюита ёки орган учун ёзилган хорал куйга вариациялар.

Алёр

Миртемир шеъри С.Юдаков мусикаси

Allegro

SOPRANO
ALTO
TENOR
BASS

Дав-ри-миз қан-доқ ях-ши жу-ра лар!
Дав-ри-миз қан-доқ ях-ши жу-ра лар!
Дав-ри-миз қан-доқ ях-ши жу-ра лар!
Дав-ри-миз қан-доқ ях-ши жу-ра лар!

527. Партитура (итал. partitura - ,бўлинган, тақсимланган) - ансамбль, хор, оркестр мусикасининг нота ёзуви. Барча ижрочиларнинг партиялари ост - уст тик бир қанча нота йўлларида партитурада ёзиладики, булар бир йўла ижро этилишини билдириб туради. Партияларнинг тақсимланиб келиши юқоридан қуйи томон турдош чолғу асбоблар бўйича келади. Ўз навбатида бир турдаги чолғу асбобларнинг энг юқори регистрлиги юқорида, қолганлари регистри бўйича пастки сатрларда ёзилади. Партитура симфоник, духовой, халқ чолғу асбоблари оркестрлари, квартет, квинтет, хор ва б. лар учун бўлиши мумкин.

Симфоник оркестр партитурасида энг юқоридаги пуфлама ёғоч чолғу асбоблари (флейта, гобой, кларнет, фагот ва буларнинг турлари), сўнг пуфлама мис (валторна, труба, тромбон, тубалар), урма чолғу асбоблар (литаврлар, учбурчак, қошиқ, дойра, катта - кичик барабан, тарелка, там - там, кселофон, челлиста), арфа, фортепиано, торли - камончали асбоблар (I - ва II - скрипкалар, альтлар, виолончеллар, котрабаслар) жойлашади. Шунингдек, духовой оркестр, халқ чолғу асбоблари оркестри, камер оркестрларнинг ўзига хос партитура тузилишлари мавжуд. Хор партитурасида юқорида хотин - қизлар овози (сопрано, альт) қуйида эркаклар овози (тенор - бас) ёзилади.

Culloden III
"We Toomed Our Stoops for the Gaudy Sodgers"

Commissioned by Lt Col Alan L. Bonner, USAF (Ret.) for Kappa Kappa Psi & Tau Beta Sigma
(Excerpt)

Julie Giroxx

Allegro giusto (♩ = 144)

528. Партия - 1. Ансамбль, оркестр, хор қатнашчиларидан бирининг ёки унисон ҳолда ижро этивчиларнинг ноталари. 2. Соната шаклининг экспозициясида асосий мавзулар бош партия, ёрдамчи партия, яқунловчи партия сифатида келади.



529. Пассаж (фр. Passage - ўтиш) - тез суръатда ижро этиладиган мусиқа асарининг бир қисми. Одатда пассаж бир (юқори ё қуйи) томон йўналган бўлади. Пассаж аккордлараро, гаммага ўхшаш, хроматик тузилишда ва б. бўлиши мумкин.

541. Пианола (инг. piano, фр. piano) - фортепианода куй чалиш учун ўйлаб топилган махсус асбоб. Пианола XIX - аср охирларида пайдо бўлди. Фортепианонинг ҳар бир клавиши устида пианола болғачалари

ўрнаштирилган бўлиб, шу орқали клавишлар урилиб, керакли товушлар олинади.

545. Позиция (лот. *Positio* - вазият) - 1. Чолғу асбоблари (масалан, скрипка)да ижро этишда қўл вазияти. 2. Торли чолғу асбобларини ўзгартириб, қуйи томон (“бўғин” томон) товуши - позициянинг ўзгариши бўлади. Позициялар пастки регистрдан юқориги регистр томон рақамлар билан кўрсатилади. Охирги позицияларда ижро этиш анча мураккаб. Созанданинг ижрочилик техникаси юксалган сари, бу мураккаб позициялар қулай ўзлаштирилиб, чолғу асбобининг овоз ҳажми кенгайиб боради.

547. Полиметрия (юн. *Poli* - кўп, *metron* - ўлчов, миқдор) - кўп овозли мусиқада турли метрдаги тактларнинг бир вақтда қўлланилиб келиши. Полиметриянинг асосий хусусиятлари турли овоздаги акцентларнинг бир вақтда келмаслигидир. Полиметрия мисоллари бир овозли мусиқада ҳам куй ва унга жўр бўлувчи усул орасида учрайди.



553. Портатив (фр. *Orgnes portatives*, лот. *Porto* - кўчириш, кўтариб юриш) - қўлда кўтариб юриш мумкин бўлган кичик орган. Портатив XV - асрда кенг тарқалган эди.

554. Портато (итал. *Portato, portare* - таъкидламоқ, ифодаламоқ) - торли - камончали чолғу асбобларда айрим товушларни бўрттириб “ҳар нафас”да ижро этилиши. Портатони қўллаш декламацион таъсирчанликни зўрайтиради. Одатда портато мусиқа асарини рубато суръатида ижро этилганида қўлланилади. Портатони портаменто билан чалкаштирмаслик зарур.

555. Постановка - мусиқали драма, опера, балет ва оперетталардек, кинода ҳам постановкачи режиссорлар зиммасига катта масъулият юкланади.

433. Монохорд (юн. *Monos* - бир, *chorde* - тор) - 1. Тор ва унинг айрим қисмидаги товуш баландлигини аниқловчи махсус асбоб. Монохорд товуш

берувчи узун бир қути шаклида бўлиб, бунга тор тортилади, бу тор махсус харак ўрнатилган. Харрак торни ҳар бири ўзича товуш берувчи икки бўлакка ажратилади. Резонанс берувчи қопқоқ шкалага бўлинган. Баъзан Монохордда қисқартирилган торлардан чиққан товуш билан тафовудлаш учун махсус бўш тор ҳам тортилади. 2. Бир торли қадимий юнон тирнама чолғу асбоби. 3. Бир торли чолғулар номи. 4. Фортепианога ўрнаштирилган махсус механизм бўлиб, унда болғачалар урадиган 2 - 3 тор ўрнига фақат бир тор урилади. Ҳозирги фортепианода Монохорд вазифасини чап педаль бажаради. 5. XVIII - асрга қадар тарқалган клавиқорд.

556. Поэма (юн. Poëma - ижод қиламан) - 1. Унча катта бўлмаган лирик ёки хикоявий лирик характердаги чолғу мусиқа асари, пьеса. 2. Бир қисмли, оркестр ё ансамбль жўрлигида ёлғиз бир чолғу асбоби ёки яккахон овоз учун яратилган йирик мусиқа асари, масалан: Иқром Акбаровнинг “Шоир хотираси” номли симфоник поэмаси. Шунингдек, М. Махмудов “Хотира”, У. Мусаевнинг “Тантанали поэма”си каби поэмалар яратишган. 3. Фортепиано, халқ чолғу асбоблари, симфоник оркестр учун яратилган чолғу ёки вокал - чолғу мусиқа асари. Поэма атамаси мусиқага бадиий адабиётдан кирган.

559. Прелюдия (лот. Prae - олдин, ludus - ўйин) - чолғу пьеса. Дастлаб ижро этиладиган, асосий мусиқа олдидан келадиган даромад, яъни кичик пьеса, муқаддима. XV - асрдан бошлаб лютия, кейинроқ клавесин ва орган чолғу асбобларини чалувчи созандалар ўртасида тарқала бошлади. XVI - XVIII - асрларда прелюдия орган мусикасида бирмунча мураккаблашди. Туркумли чолғу асарлар (масалан, прелюдия ва fuga туркумларида бошловчи қисм) сифатида қабул қилинди. Композиторлар прелюдия номи билан фортепиано учун кичик ҳажмдаги чолғу пьесалар яратдилар (Д. Шостакович, Д. Б. Каболевский, ўзбек композиторларидан Г. Мушель, Б. Гиенко ва б. лар).

560. Примьера (фр. Premier - биринчи, бош) - опера, балет, мусиқали драма, оперетта каби сахна асарларининг биринчи марта кўрсатилиши. Эстрада ва циркларда янги программанинг кўрсатилиши.

564. Программали мусиқа - мусиқанинг асосий жанрларидан бири. Программали мусиқанинг аксарияти чолғу мусиқаси (кўпроқ оркестр учун) бўлиб, маълум бир мавзу - тарихий воқеалар, халқ қаҳрамонлари ҳаёти ва жасорати, халқнинг урф - одатлари, фантастик воқеалар ва бошқаларга асосланиб ёзилиши мумкин. Кўпроқ программали мусиқанинг мавзуси бадиий адабиёт, санъат турларидан олинади. Программали мусиқа турли шакл (симфония, сюита, поэма, соната, кичик пьеса ва б. лар)да ёзилиши

мумкин. Программали мусиқа учун симфоник поэма, симфоник манзара, увертюралар айниқса характерли жанрлардир. Программали мусиқага махсус номларга эга бўлган чолғу пьесалар, масалан: “Хайрлашув”, “Ов”, “Момақалдиروق” ва б. лар ҳам киради. XIX - асрда программали мусиқа рус композиторлари ижодиётида юқори поғоналарга кўтарилди. П. И. Чайковскийнинг “Ромео ва Жульетта” увертюраси, М. П. Мусоргскийнинг “Кўргазмадан манзаралар”, А. К. Глазуновнинг “Ўрмон”, “Денгиз” номли симфоник фантазия ва манзаралари, С. В. Рахманиновнинг “Қоя” номли симфоник поэмаси, Д. Д. Шостаковскийнинг симфонияси ва бошқа жуда кўп йирик мусиқий асарлари шулар жумласидандир. Ўзбекистон композиторлари ҳам программали мусиқасоҳасида жуда кўп асарлар яратдилар.

565. Пролог (юн. Prologos - кириш, муқаддима) - опера ва умуман сахна асарларида асосий воқеани олдиндан баён қилувчи манзара - актнинг бир қисми. Баъзан пролог ўзига хос мустақил бир асар ҳолида бўлиши ҳам мумкин.

566. Пьеса (фр. Piese) - 1. Театр сахнасида кўрсатишга мўлжаллаб ёзилган драматик асар. 2. Ёлғиз бир чолғу асбоби ёки ансамбль учун ёзилган чолғу мусиқа асари. Одатда, кичик ҳажмда фортепиано, скрипка ва ансамбллар учун пьесалар ёзилади.

567. Рапсодия (юн. Rhapsodia - куйланадиган ёки декламация этиладиган эпик дostonлар, эпик кўшиқ) - халқ мавзу (куй)ларида эркин шакли яратилган чолғу асар. Рапсодия халқ мавзуларини эркин ҳолатда қайта ишланиши ва кенгайтирилиши билан фантазиядан фарқ қилади. XIX - асрнинг бошларида - у классик соната шаклига яқинлашади. Ф. Листнинг фортепиано учун яратган “Венгерча”, “Испанча” рапсодиялари шулар жумласидандир. Композиторлардан А. Дворжак, С. Рахманинов, М. Равель, И. Брамс, А. Ляпуновлар ҳам фортепиано, скрипка ва оркестр, фортепиано ва оркестр учун рапсодиялар яратдилар. Баъзан оркестр ва хор учун ҳам рапсодия яратилади (Брамсинг якка альт, хор ва оркестр учун рапсодияси бунга мисол бўла олади).

574. Режиссёр - (фр. Regisseur, лот. Rego - бошқараман) - опера, оперетта, мусиқали драма, комедия ва б. лар драматик асарларни сахналаштирувчи ижодкор. Режиссёр сахна учун ёзилган мусиқа асари партитурасидаги асосий мазмунни очиб бериш ва уни сахнадаги драматик воқелик билан боғлаб бориш қобилиятига эга бўлиши шарт. Режиссёр дирижёр билан ҳамкорликда асарнинг бунёдга келиши ва унинг асосий мазмунини ёритиб бериш учун сахнадаги ижодий жамоа билан иш олиб бориши ва унга раҳбарлик қилиши керак бўлади.

575. Резонанс (фр. Resonance - акс - садо) - асосий товуш берувчи жисмининг бошқа товушнинг кучайиши. Масалан, асосий чалинадиган тор ёнидан ё тагидан тортилган тор ижро этувчи торнинг тўлқинланиши билан бу кўшимча тор ҳам тўлқинга келади. Натижада бу кўшимча тордан ўзига хос тембрда чиққан товуш асосий товушни кучайтиради. Бу кўшимча торлар турлича интервалларда созланади.

576. Резонатор - мусиқа асбобида товушни кучайтириб берувчи мослама. Торли чолғу асбобларида коса устига қопланган қопқоқ. Резонаторлик вазифасини бажаради. Қопқоқдаги турли ҳажмдаги тешикчалар товушнинг кучайиши ва чўзилишига ёрдам беради.

580. Репитиция - (лот. Repitito - қайтариқ) - машқ, тайёргарлик. Концертларда ижро этиладиган мусиқа асарлари ё сахнада кўрсатиладиган сахна асарларини расмий ижроси олдидан ўтказиладиган тайёргарлик. Тайёрланидиган асарнинг охириги генерал (бош) репитицияси одатда бевосита расмий ижродан аввал ўтказилади.

582. Рефрен (фр. Refrain - нақарот) - 1. Куплетли кўшиқдаги нақарот. 2. Рондо шаклида асосий, бош мавзу бўлиб, бир неча марта қайтарилувчи қисм.

583. Речитатив (лот. Recitare - овоз чиқариб ўқиш, декламация қилиш) - вокал мусиқанинг бир тури бўлиб, интонация ва ритм жиҳатидан декламацияли сўзга яқин бўлади. Речитатив ритм жиҳатидан эркин ҳолда ёзилиб, ҳеч қандай мусиқа тузилишлари (даврия, жумла ва б. лар)га бўйсунмайди. Кўпроқ операдаги ариялар олдидан берилиб, унга қарама - қарши қўйилади ва ариянинг оҳангдорлиги оширилади. Речитатив опера, оратория ва кантаталарда алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон композиторлари яратаётган операларда Речитатив учун катта ашула йўлларидаги оҳанглардан фойдаланмоқда.

589. Рондино (итал. Rondino - кичик рондо) - рондо шаклидаги унча катта бўлмаган пьеса.

590. Рондо (фр. Rondeau, rond - доира) - бош мавзуни бир неча бор, турли мазмундаги эпизод (лавҳа)лардан сўнг ҳар доим қайтарилишидан тузилган мусиқа шакли. Рондода бош мавзу камида уч марта асосий тоналликда қайтарилиши шарт. Ораликда келган янги мавзулар турли тоналликларда бўлиши мумкин. Қайтариладиган асосий куйни - рефрен, янги келадиган мавзуларни - куплет деб ҳам аташади. Рондонинг кенг тарқалган тури беш қисмлидир:

А - Б - А₁ - С - А₂

Соната циклидаги мусиқа асарларининг охириги финал қисми кўпроқ рондо шаклида ёзилади.

591. Рондо - соната - рондо ва соната шакли белгилари аралашиб келган мусиқа шакли. Соната шаклидаги экспозиция, реприза ва асосий қисми (рефрен) бош тоналликда камида уч марта рондога ўхшаб келиши мумкин. Бу кўпроқ соната қисмининг охирида, яъни финалида қўлланилади.

594. Саҳна (лот. scaena) 1. Театр ва концертлар қўйиш учун томоша залининг махсус кўтарилган қисми. 2. Опера ва балетдаги актнинг маълум бир қисми ё кўриниши бўлиб, драматик воқеликни бирлаштиради, бунда саҳнада персонажларнинг бир гуруҳи қатнашади. Операда яқка саҳна (речитатив ва арияли) ансамбль ва хорли (бир неча эпизоддан тузилган) бўлиши мумкин.

615. Симфонietta (итал. Simfonietta, simfonia - кичрайтиш) - кичик ҳажмдаги симфония.

616. Симфоник манзара - тасвирий ё бирор нарсани баён қилиш программаси характерида бўлган бир қисмли симфоник асар. Симфоник манзара программали мусиқанинг турларидан бири бўлиб, кўпроқ эркин шаклда бўлади.

617. Симфоник концерт - 1. Симфоник оркестр ва унинг жўрлигида ёлғиз бир чолғу асбоб ё овоз учун ёзилган мусиқа асарларидан тузилган концерт. Симфоник мусиқа асарларидан тузилган концерт.

618. Симфоник мусиқа - симфоник оркестр учун ёзилган мусиқа.

619. Симфоник оркестр - турли чолғу асбоблардан тузилган ва нисбатан бой ва мураккаб турдаги оркестр. Узоқ давр мобайнида ўзгариб, ниҳоят XVIII - асрнинг иккинчи ярмида Симфоник оркестрҳозирги ҳолга келган. Таркибига торли - камончали чолғу асбоблардан - скрипка, альт, виолончель ва контрабаслар, пуфлама ёғоч чолғу асбобларидан - флейта, гобой, кларнет, фагот ва буларнинг катта - кичик турлари, пуфлама мис чолғу асбоблардан - валторна, труба, тромбон ва тубалар; урма чолғу асбоблардан - литавра, барабан, тарелка, дойра, ноғора, ксилофонлар қиради. Арфа, фортепиано Симфоник оркестрни янада бойитади.

XVIII - асрнинг иккинчи ярмида торли - камончали чолғу асбоблари, 2 флейта, 2 гобой, 2 кларнет, 2 фагот, 2 валторна, 2 труба ва литавралар қўшилишидан тузилган, такомиллашган состав Симфоник оркестр деб аталади. Бу чолғу асбобларнинг сон жиҳатдан кўпайтирилиши ва тромбон, тубалар қўшилишидан ҳосил бўлган составни катта Симфоник оркестр дейишади. Катта Симфоник оркестрда пуфлама чолғу асбобларнинг ҳар бири 2 - 3 ва ундан кўпроқ бўлиши мумкин. Ўзбекистонда Симфоник оркестр асосан Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат опера ва балет театри, Ўзбек Давлат филармониясининг Симфоник оркестрлари

кўповозли мусиқа маданиятининг тараққийси учун ўз ҳиссаларини кўшмоқда. Булардан ташқари Муқимий номидаги Ўзбек мусиқа театри, Тошкент Давлат консерваториясида, Ёшлар Симфоник оркестрлари мавжуд. Симфоник оркестр мусиқа асаридаги образларни бўрттириб, бадиийлаштириб беришда ва композиторларнинг ижодий фикрини тўлароқ ифода этишда катта имкониятга эга.

620. Симфоник поэма - симфоник оркестр учун ёзилган программали мусиқанинг характерли жанрларидан бири. Симфоник поэма лирик ё драматик бирор мавзуни баён қилиш йўсинида бўлади, шакли композиторнинг мақсадига қараб турлича бўлиши мумкин. Одатда симфоник поэма эркин шаклда бўлади. Ўзбекистонда симфоник поэмаларнинг аксарияти 1950 - йилларда яратилган.

621. Симфоник фантазия - аниқ бир мавзу ва мазмун (программа)да симфоник оркестр учун ёзилган мусиқа асари. Симфоник фантазия симфоник поэманинг бир тури.

622. Симфония - (юн. Symphonia - оҳангдошлик) - соната шаклида симфоник оркестр учун яратилган монументал мусиқа асари. Симфония XVIII - асрда пайдо бўлиб, тез орада мураккаб мусиқа асари сифатида кенг тарқалди. XIX - асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Россияда симфония юқори поғоналарга кўтарилди. Симфония одатда тўрт йирик қисмдан иборат бўлади:

1. Соната аллегроси шаклида драматик характерда ва тез суръатда ижро этишдан иборат бўлади, баъзан вазмин чалинадиган бошланғич қисми ҳам бўлиши мумкин.

2. Уч қисмли соната ёки вариация шаклида лирик характерда вазмин чалинадиган қисм (бу қисмни андантэ деб ҳам атайдилар).

3. Кўпинча уч қисмли минуэт ёки скерцо, жонли суръатда, кескин ритмда, рақс характерида чалинадиган қисм.

4. Рондо ёки вариация баъзан соната, рондо - соната шаклида тез чалинадиган хушчакчақ характерли мусиқадир.

Баъзи композиторлар симфония ҳажмини беш, олти, ҳатто етти қисмга қадар кенгайтирсалар, баъзилари бир қисмгача қисқартирганлар. Симфония чолғу мусиқа асарларининг энг тараққий этган шакли бўлиб, симфоник оркестрдаги ҳамма имкониятлардан мукамал фойдаланиш йўли билан ғоявий эмоционал мазмунни ифодалаб беради. Рус композиторлари (Глинка, Чайковский, Бородин ва б.) ва Ғарбий Европа классиклари яратган (Бетховен, Шуберт, Шуман, Лист ва б.) симфониялар бу турдаги асарларнинг энг ажойиб намуналаридир. XX - аср рус

композиторларидан Мясковский, Прокофьев, Шостакович ва б. симфонияларининг мавзуи бугунги ҳаётимизни акс эттирган.

Ўзбекистон композиторларидан Ашрафий, Мушель, Қурбонов, Ҳамроев, Тожиевлар 1960 - 70 - йилларда симфониялар яратганлар. Улар яратган симфониялар одатда рақамлар билан кўрсатилган. Баъзиларининг эса симфониялари аниқ номга эга.

625. Солист (итал. Solista - якканавоз, якка ижрочи) - а) якка овоз ёки бирор чолғу асбоби учун ёзилган мусиқа асарини ижро этувчи якканавоз созанда, яккахон хонанда, яккаовоз хонанда, б) мусиқа асарини ансамблда ижро этилганида айрим партиянинг бир ижрочи томонидан олдинги планда бажарилиши. Масалан, симфоник оркестр ижросида бирор мусиқа асари чалинаётганда якка скрипка, кларнет ёки бошқа бирор ижрочи асарнинг энг муҳим қисмини (оркестр жўрлигида ё усиз) ёлғиз ижро этиши.

626. Соло (итал. Solo - бир, якка) - бир ижрочининг якка ўзи ижро этиши, ансамбль, хор ёки оркестрдаги энг муҳим партия, парча.

631. Сольфеджио, сольфеджо (итал. Solfeggio - ноталар, мусиқа белгилари, гамма) - эшитув малакасини юксалтириш ва нотага қараб уларни тез ўқишни ўрганиш учун ўтказиладиган нафақат вокал дарси, балки тез ва аниқ тоналликни анқлаш, соф куйлаш ва куйлашга ўргатувчи фандир. Сольфеджио мусиқа диктантлари ёзиш, мусиқа асарлари ва турли машқларни нотага қараб, нота номини айтиб куйлаш ҳамда чалиш тариқасида олиб боришга асосланади. Сольфеджио термини soll - fa нота номларидан олинган.

632. Соната (итал. Sonata, лот. sonare - товуш бериш) - камер чолғу мусиқа жанрларидан. XVIII— аср ўрталаридан бошлаб, циклли соната шакли 1 ёки 2 чолғу асбоби учун, 3 - 4 баъзан икки қисмли тарзида яратилган. Сонатанинг бир қисмли тури ҳам учрайди. XVI - XVII - асрларда вокал мусиқа асарини кантатадан фарқ қилиш мақсадида чолғу мусиқасини соната деб атаганлар. Илгарилари Соната торли - камонли чолғу асбоблар ва орган учун сюита тарзида яратилиб, аниқ бир таркибга эга бўлмаган. Сонатанинг классик цикли XVIII - асрнинг иккинчи ярмида В. А. Моцарт ва И. Гайдн ижодида шаклланган, XIX - асрнинг биринчи ярмида буюк немис композитори Л. в. Бетховен ижодиётида соната ўз ривожининг юқори поғонасига чиқди. Фортепиано, скрипка ва фортепиано, виолончель ва фортепиано учун ёзилган сонаталар кенг ривож топди. Соната одатда маълум бир номга эга бўлмай, қайси тоналликда яратилган бўлса, шу тоналлик номи билан ёки (ижод) номери билан аталар эди. Фақат Л. в. Бетховеннинг машҳур 8 - “Патетик” ва 23 -

“Аппасионата” сонаталари ана шу номлар билан юритилади. Ўтмиш - П. И. Чайковский, С. В. Рахманинов, А. Н. Скрябин ва кейинчалик - С. С. Прокофьев, Н. С. Мясковский, Д. Д. Шостаковичлар яратган сонаталар бошланғич, ўрта ва олий мусиқа ўқув юртларида, концертларда кўп ижро этилган. Сўнгра ўзбек композиторлари ҳам турли чолғу асбоблари учун сонаталар ярата бошладилар.

633. Сонатина (итал. Sonatina - кичик соната) - кичик ҳажмдаги соната. Сонатинанинг ижро этилиши бирмунча енгил.

634. Соната аллегроси - соната циклининг биринчи қисми, доим соната шаклида ва аллегро суръатида (тез) ижро этилади, шунинг учун ҳам “соната шакли” деб аташ ўрнига “Соната аллегроси” ёки “Соната аллегроси шакли” деб юритилади. Суръати турлича бўлишидан қатъи назар, соната шаклида ёзилган пьесаларга ҳам шу атама қўлланилади.

635. Соната дуэти - икки чолғучи (ансамбль) ижроси учун ёзилган соната.

636. Соната шакли - уч асосий бўлимдан иборат мусиқа асарининг тузилиши. Булар экспозиция, ривожлов ва репризалардан иборат бўлиб, асар мазмунига кўра кенгайиб маълум бир мавзунини ифода қилади. Буларга қандайдир баъзан бошланғич қисм қўшилади. Сонатанинг экспозиция қисми, ўз навбатида, бош партия ва ёрдамчи партияларга бўлинади. Булар икки қисмга - қарши мавзу ёки мавзули гуруҳлар турли тоналликларда келади. Ривожловда экспозиция мавзуидаги айрим оҳанглар кенгайтирилиб ишлов берилади. Реприза - бош ва ёрдамчи партия тоналликларини бирлаштириб (ёрдамчи партия тоналлигини бош тоналликка кўчириш йўли билан), экспозицияни қайтаради. Шу тариқа, соната шакли тоналликларни экспозицияда бир - бировидан ажратади, репризада эса бирлаштиради. Булар, айниқса реприза, композиторнинг хоҳиши билан ўзгартирилиши мумкин. Соната шакли драма ёки романлардек бадиий ифода воситалари, ҳар хил мавзудаги мусиқа асарлари яратиш имкониятига бой. Шунинг учун ҳам соната шакли энг кенг тарқалган мусиқа асари шаклидандир. Соната шаклида соната циклининг биринчи қисми, шунингдек, бир қисмли увертюра, симфоник поэма ва б. ёзилади. Ривожловсиз соната шакли кам учрайди. Бунда икки асосий қисм экспозиция ва реприза бўлади.

637. Соната цикли - тўрт ва баъзан уч қисмдан иборат бўлган туркумли чолғу мусиқа асари. Бунинг биринчи қисми соната шаклининг тез суръатли драматик характердаги қисми, баъзан бошланғич қисми ҳам бўлади. Иккинчи қисми оғир суръатли, лирик характерда бўлиб, адажио, анданте, ларго ва б. деб юритилади. Бу қисм одатда уч қисмли ёки соната шаклида бўлади. Учинчи қисм лирик трио шаклида бўлади. Тўртинчи қисми жуда тез суръатдаги финал. Бу қисм тантанали, драматик характерда

бўлиб, рондо ёки вариация, баъзан соната, рондо - соната шаклида келади. Соната шаклининг классик шакли XVIII - аср ўрталарида тараққий эта бошлаган. Унда турли сонаталар ва симфониялар яратилган. Ёлғиз бир чолғу асбоби ёки икки чолғу асбоби учун мусиқа ёзилса бу соната деб аталади, турли ансамблларга ёзилса, чолғу асбобларнинг сонига қараб - трио, кuartет каби номлар билан аталади. симфоник оркестр учун соната циклида ёзилган йирик мусиқа асари симфониядир.

638. Сопрано (итал. *Sopra* - юқорида) - 1. Хотин - қизларнинг юқори товуши, овоз ҳажми биринчи октавадаги до дан учинчи октавадаги до гача. Колоратурали сопрано янада юқори бўлади. Ноталар скрипка калитида ёзилади. Сопрано овоз темрига кўра колоратурали, лирик ва драматик турларга бўлинади. Шунингдек, аралаш ҳолда лирик - колоратурали, лирик - драматик сопранолар ҳам учрайди. 2. Гармония курсидаги мусиқавий масалаларда энг юқorigи (биринчи) овоз.

641. Соф тузим - 1. Калитолди белгиси бўлмаган до - мажор (C - dur) ёки ля - минор (a - moll) тоналликлари. 2. Чолғу асбобларининг ёки вокал ансамблидаги ашулачилар овозининг яхши созланиши, аниқ баландликда бўлиши.

645. Студия (итал. *Studio* - ўрганиш, машғулот ўтказиладиган уй, лот. *studio* - ўрганаман, шуғулланаман сўздан олинган) - 1. Бадий мактаб ёки синф (масалан, маданият уйлари, клублар қошида мусиқа, опера, балет студиялари). 2. Ўқув жараёнини амалий кўрсатувчи театр жамоаси.

Опера студияси Тошкент Давлат консерваториясида ҳам ташкил қилинган. Унинг актёрлари, чолғучилари ҳам асосан консерваториянинг юқори курс студентларидан ташкил топган. Улар рус ва Ғарбий Европа классик композиторлари қаторида ўзбек композиторларининг опера асарларини сахналаштирадilar.

648. Сценарий (итал. *Scenario*, лот. *scaeno* - сахна сўзи) - мусиқали драматик асарлар (опера, балет, кино ва б.) мазмунининг қисқача ёки мукамал баёни. Мазмуннинг қисқача баёни либретто деб ҳам аталади.

649. Сюита (фр. *suita* - қатор, тизма) - ҳар бир қисми мустақил асар бўлган турли характердаги мусиқа пьесаларининг боғланиб келиши. Халқ мусиқасида сюита турлича рақсларнинг қўшилиб келишидан тузилади. Сюита XVI - асрда Италияда пайдо бўлган. Бу сюита икки қисмли бўлиб, биринчи қисми вазмин, иккинчиси эса тез суръатдаги рақс пьесаларидан иборат бўлган. XVII - XVIII - асрларда аллеманда, куранта, сарабанда ва жигалардан тузилган, тўрт қисмли рақсбоп сюиталар пайдо бўлган. Буларнинг ҳаммаси турлича бўлиши билан бир - биридан фарқ қилади. Қисмларнинг яна кўпайиши билан фақат рақс мусиқаси бўлиб қолишдан

кутилади. Охирги юз эллик йил ичида сюита йирик муסיқа асарлари (опера, балет, кинофильмлар, драматик асарлар учун ёзилган муסיқа ва б.)дан парчалар олиниб тузилган.

XX - аср композиторларидан С. Прокофьев, Д. Шостакович, А. Хачатурян ва б. лар ўнлаб сюиталар яратганлар. Буларнинг кўпчилиги қисми балет ва кинофильмлар учун ёзилган муסיқалар асосида яратилган.

Ўзбекистон композиторларидан А. Козловский, Г. Мушель, М. Бурхонов, М. Ашрафий, С. Юдаков, Икром Акбаров, Б. Гиенко, В. Мейен, С. Бобоев ва б. симфоник, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ва фортепиано учун бир қанча сюиталар яратганлар. Уларнинг маълум бир қисми балет муסיқалари ва кинофильмлар учун ёзилган муסיқалар асосида яратилган.

Чолғу ва вокал муסיқалардан тузилган сюиталар ривожланмоқда. Масалан, композитор С. Юдаковнинг “Мирзачўл” номли вокал - симфоник сюитаси.

405.Минуэт (фр.Menuet, menu - кичик, майда) - текис ҳаракатлар билан салмоқли суръатда ижро этиладиган қадимий француз халқ рақси.Такт ўлчови уч хиссали. Минуэт чолғу муסיқасида қўлланила бошлангандан сўнг жонли характер ва тез суръатга кўчади.XIX - асрнинг дастлабки йилларига қадар цикли соната шаклида ёзилган симфониянинг учинчи қисми ва бошқа чолғу муסיқа асарларидаги минуэт ўрнини скерцо эгаллади.

Бир неча асрлар давомида Шарқ халқлари ўртасида ижро этилиб келинаётган халқ ижодий бойлиги - мақом, дастгях ва мугамлар шаклан сюитага яқиндир.

650. Сўзсиз кўшиқ - ашулага ўхшаш чолғу муסיқа асари.

657. Театр муסיқаси - театр спектаклларидаги чолғу ва вокал муסיқалари. Кенг маънода олганда муסיқали театрлар (опера, балет, оперетта, муסיқали драма, муסיқали комедия)да, драматик асарлар (драма,



трагедия ва б.) мусиқада кенг қўлланилади. Мусиқали театрларда мусиқа сахнадаги драматик воқеани ва унинг образларини ёритиб, гавдалантириб бериш учун хизмат қилса, драматик сахна асарларида мусиқа ёрдамчидир. Драманинг айрим қисмларида мусиқа асосий роль ўйнаши ҳам мумкин. Театр мусиқаси ҳиссиётни чуқурлаштиради, спектаклнинг бориши ва унинг бадиий кучайишига кўмакдош бўлади. Шунинг учун ҳам айрим драматурглар ўз асарларининг муайян сахналарида қайси ё қандай мусиқа ижро этилишини кўрсатиб кетадилар. Драматик кульминацияда увертюра ва антракт бўлиши ҳам мумкин. Театр мусиқаларини яратишда деярли ҳамма атоқли композиторлар қатнашадилар.

672. Токката (итал. toccata, toccare - териш) - бир текис қисқа садоларда қатъий тўхтовсиз ҳаракатлар билан тез ижро этиладиган чолғу мусиқа асари, пьеса. Илгарилари клавишли чолғу асбоблари учун ёзилган ҳар қандай мусиқа асари токката номи билан юритилган. Ўзбек композиторларидан Икром Акбаров ва Хайри Изомовлар фортепиано учун токката яратганлар.

677. Транскрипция (лот. transcription - кўчириб ёзмок) - аранжировка сўзининг иккинчи турли аталиши.

678. Транспозиция (лот. transponere - жойини ўзгартмок) - товушларни бошқа баландликка кўчириш. Транспозиция турли шароитда қилинади: ёзилган мусиқа асари (вокал мусиқаси) ашулачи овозига ноқулай бўлса (баланд ёки пастлик қилса); бир чолғу асбобдан иккинчисига кўчириш (тадбиқ қилиш) зарурияти бўлса; ёзилган ноталар ўқиш учун ноқулай бўлса. Мазкур ҳолларда мусиқа асарини бир тоналликдан иккинчи тоналликка (ижро этиш учун қулай тонгалликка) транспозиция қилинади, бунда унинг характери, ритми, аккорд тузилиши, интерваллар муносабати ўзгармайди. Транспозиция турлича йўллар билан бошқа тоналликка кўтариш ё тушириш, калитларни алмаштириш йўли билан амалга оширилади. Иккинчи йўл билан транспозиция қилинганида мусиқа асари фақат ярим тон юқори кўтарилади ёки ярим тон пасаяди. Хоразм чолғу куйларидан “Алиқамбар” ми - минор тоналлигида ёзилган. Агар шу куйни бир тонга пасайтирилса, ре - минорга кўчади.

427. Модуляция (лот. Modulation - риюя қилиш, итал. Модуляция, овозни мавж урдириш, товлаш) - мусиқа асарида бир тоналликдан иккинчи тоналликка кўчиш. Янги тоналликка кўчиш оҳиста, маълум тайёргарликдан сўнггина эмас, кутилмаган ҳолда, кўкқисдан бўлиши ҳам мумкин. Модуляциянинг диатоник, хроматик ва энгармоник турлари бор. Модуляцияга оғишма ҳам киради. Оғишма асосий тоналликдан янги бир тоналликка қисқа муддатга ўтиш ва яна асл тоналликка қайтишдир.

437.Мукаммал модуляция - бир тоналликдан иккинчисига ўтиб, янги тоналликда мустаҳкамланган модуляция.

479.Номукаммал модуляция - бир тоналликдан иккинчи тоналликка ўтиш, янги тоналликда мустаҳкамланган модуляция, яъни оғишма.

438.Мураккаб каданс - турли ҳолатдаги нотурғун аккордлардан тузилган каданс.Субдоминанта ва доминанта функциясидаги аккордлардан тузилган тўла каданс - биринчи турдаги мураккаб каданс, каданс квартсекстаккорди билан келган тўла каданс - иккинчи турдаги мураккаб каданс деб аталади.

688. Увертюра (фр. *ouverture* - бошлаш, муқаддима) - 1. Опера, балет, оратория, драма. Кинофильм ва б. ларнинг бошланиши олдидан ижро этилувчи чолғу пьесаси бўлиб, оркестр учун ёзилади. 2. Соната шаклида оркестр учун ёзилган мусиқа асари. Саҳна асарлари учун ёзилган. Увертюра кўпроқ шу асарнинг қисқача мазмунини баён қилиб беради. Увертюрадаги мусиқа мавзулари кўпроқ шу ёзилган асардан олинади. XIX - асрдан бошлаб концерт увертюралари салмоқли ўрин ола бошладики, бу маълум бир программа асосида яратилди. Буюк рус композитори П. И. Чайковскийнинг симфоник оркестр учун яратган “1812 - йил” номли тантанали увертюраси, кейинчалик Д. Д. Шостаковичнинг “Байрам увертюра”си ва б. машҳур. Духовой, халқ асбоблари оркестрлари учун ҳам увертюра яратилган. Одатда увертюра муайян программали ном билан аталади (баъзан номсиз бўлиши ҳам мумкин), масалан: Р. Ҳамроев ўз увертюрасини “Ёшлик байрами” деб атаган бўлса, С. Бобоев ва М. Тожиевлар ўз увертюраларини “Байрам увертюраси” деб атаганлар.

702. Фантазия - (юн. *phantasia* - тасаввур этиш, хаёл суриш) - эркин шаклда ёзилган чолғу асари, пьеса. Фантазия мусиқада камер жанри ҳолатида майдонга келган. Дастлабки даврда фантазия бадиҳа (импровизация) характерда, эркин шаклда бўлган, кўпроқ орган ё клавесинлар учун ёзилган. XIX - асрдан бошлаб фортепиано учун ёзилган, маҳорат билан ижро этилган пьесаларни фантазия деб атай бошлаганлар. Фантазия бошқа муаллифлар ёзган асарлар мавзусида ҳам ёзилган. Атоқли венгер композитори, моҳир пианист ва дирижёр Ф. Листнинг “Реголетто” (Ж. Верди), “Фигаронинг уйланиши” ва “Дон Жуан” (В. Моцарт) опералари асосида ёзилган фантазиялари машҳурдир. Бу даврда фантазиянинг симфоник оркестр жўрлигида ёлғиз бирор чолғу асбоби (кўпроқ скрипка, фортепиано) учун ёзилган турлари пайдо бўлди. Н. А. Римский - Корсаковнинг симфоник оркестр билан скрипка учун ёзган рус халқ ашулалари мавзусидаги фантазияси, П. И. Чайковскийнинг симфоник оркестр билан фортепиано учун ёзган концерт фантазияси,

шунингдек, Ф. Шопен, Ф. Лист ва бошқа композиторларнинг шу турдаги фантазиялари машҳурдир. Оркестр учун ёзилган маълум бир программадаги йирик симфоник фантазиялар ҳам пайдо бўлди. Немис композиторлари Л. Бетховеннинг фортепиано, хор ва оркестр учун яратган фантазияси алоҳида ўрин эгаллайди. Фантазия учун асос бўлган мавзулар вариацион тартибда ишланган халқ ашулалари, рақслари, опера ва балетларда эркин ҳолда олиниши мумкин. Симфоник фантазия асосий жанр ҳисобланади.

704. Фестиваль (инг. ва фр. festival, лот. festivus - хушчакчақлик, байрам) - катта маданият ва санъат байрами, мусиқа санъати кўриги, конкурси ва байрами. Байрам кунларида бадий чикишлар, дунё бўйича, хореография ва бошқа фестиваллар ўтказилади. Масалан, 1935 - йил Лондонда дунё халқларининг рақс фестивали ўтказилди. Бу фестивалда Ўзбекистон санъат арбобларидан Тамарахоним (рақс), Уста Олим Комилов (дойра), Тўхтасин Жалилов (ғижжак) ва Абдуқодир Исмоилов (най)лар қатнашиб, 2 та олтин медалини кўлга киритганлар. 1947 - йилдан расмийлаштирилган жаҳон ёшларининг халқаро фестиваллари ҳар 2 - 3 йилда ўтказилиб, ёшлар ўртасида дўстликни, ҳамкорликни мустаҳкамламокда.

705. Филармония - (юн. Philos - дўст, тарафдор, - harmonia - гармония) - юксак бадий мусиқа асарлари ва ижрочилик санъатини тарғиб этувчи концерт ташкилоти. Ўзбекистонда М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат Филармонияси 1936 - йили ташкил қилинган. Бу концерт ташкилоти қошида симфоник ва ўзбек чолғу асбоблар оркестрлари, хор, ўзбек ашула ва рақс ансамбли, “Баҳор” номли хотин - қизлар Давлат рақс ансамбли. “Гўзал”, “Шодлик”, “Лазги” ансамбллари ва яққохон ижрочилар ижодий ижрочилик ва мусиқий - тарғибот ишларини олиб бордилар. Филармония ўзининг доимий ижрочилик жамоаларидан ташқари, бошқа шаҳар, вилоят ва республикалардан турли ижрочи санъат усталари ва жамоаларини таклиф қилиб, концертлар уюштиради.

711. Фраза (юн. phrase - жумла, ибора) - 1. Мусиқа шакли элементи, яъни бир неча оҳангларнинг қўшилиб келиши. 2. Мусиқа шаклининг маълум даражада тугалланган, унча катта бўлмаган мусиқа жумласи.

712. Фразировка - мусиқа асари ижросида айрим жумлаларни аниқ, бадий бўрттириб бериш, ҳар бир ижрочи (чолғу ё ашулачи)нинг ўзига хос ижро услуби ва характери, яъни фразировкаси бўлади.

715. Фуга (лот. fuga - югуриш) - полифоник шаклда тузилган мусиқа асари. Бир, баъзан икки ё уч мавзу бадиҳа (импровизация) тарзида маълум тоналликда кенгайиб (ривожланиб) боради. Фуга полифониянинг энг

юксак шаклидир. Фуга оддий (бир мавзули) ва мураккаб (икки, уч баъзан эса тўрт мавзули) бўлиши мумкин, шунингдек овоз сонига қараб ҳам аниқланади. Энг кенг тарқалган фуга 3 ва 4 овозликларидир. Фуганинг асосий (2 - чи) қисми экспозиция бўлади. Экспозицияда дастлабки биринчи овоз мавзуси бош тоналликда, иккинчиси доминанта тоналлигида, учинчиси яна бош тоналликда келади (баъзан асарларда доминантадаги қисм субдоминанта тоналлигида ҳам келиши мумкин). Биринчи экспозициядан сўнг иккинчиси (контрэкспозиция) келиб, бунда овозлар бошқача тартибда келади ёки ривожлов қисми бошланади. Сўнг одатдаги реприза қисми келади. Ривожлов қисмида мавзу турли тоналликларда (бош тоналликдан бўлак) келиб, тугалланиши бош тоналликда бўлади. Фуга мавзуси маъноли, эса қолувчи ва таъсирли бўлиб, ривожловида дастлабки бадиий образ янги тусларда мукаммаллашиб боради. Фуга полифоник шаклда XVII - асрдан бошлаб қўлланила бошланиб, XVIII - асрнинг биринчи ярмида И. С. Бах ва Гендель ижодида юксак поғоналарга кўтарилди. Фуга мустақил бир асар шакли ҳолида фойдаланилганидек, чолғу шаклларнинг бир қисми бўлиб ҳам келиши мумкин (соната, симфония ва б.). йирик вокал - симфоник асарлар (кантата, оратория ва б.)нинг айрим қисмлари ҳам шу шаклда ёзилиши мумкин.

718. Халқ ашулалари - бадиийхалқ мусиқа бойликларининг турлари кўп: эпик, меҳнат, турли урф - одат, турмуш билан боғланган, тарихий ва бошқалар. Айрим ашулалар турли ўйин ва рақслар билан боғланадики, бир овозли, икки овозли ва кўп овозли бўлиши мумкин. Ўрта Осиё халқларининг ашулалари асрлар давомида бир овозли ҳолда таракқий қилиб келган, чолғу асбоблари жўрлигида ва жўрсиз ижро этилади. Ўзбек халқининг мусиқа мероси ашула, катта ашула (патнис ашула) каби мукаммал асарларга бой.

Халқ ашулалари турли давр воқеаларига кўра бирмунча ўзгариши, турли намуналари пайдо бўлиши мумкин. Бир халқ ашуласини бир неча ижрочи томонидан турлича ижро этилиши ҳам мумкин. Шу тариқа оммавийлашган ашулаларнинг турли вариантлари юзага келади. Бир оҳангда турли сўзлар айтилганидек, бир сўзда бир неча куй ва ижро этиш мисоллари ҳам учрайди.

719. Халқ консерваторияси - Россияда ташкил қилинган мусиқа ўқув юрти, режали мусиқа машғулоти, лекция, концертлар орқали кенг омма ўртасида мусиқани тарғиб этишни ўзига мақсад қилиб қўйган. Москвада биринчи Халқ консерваторияси 1906 - йил ташкил қилинган. У халқ университетининг бир секцияси тариқасида иш олиб борган. **Тошкентда Туркистон Халқ консерваторияси 1918 - йил ташкил топган.** Сўнгги

Халқ консерваториялари дунёнинг ҳамма йирик шаҳарларида очилди, уларга мавжуд консерваторияларнинг тажрибали профессор, доцент ва педагоглари жалб қилинган.

720. Халқ мусиқаси - халқларнинг чолғу ва вокал мусиқа ижодиёти - мусиқа фольклоридир. Халқ мусиқаси халқларнинг турли меҳнат шароитида, тарихий воқеаларда, хушчақчақ ўйин - кулгу ё мусибатларида яратилиб, узок йиллар давомида силликланиб, авлоддан - авлодга, оғиздан - оғизга ўтиб, сақланиб келган. Айрим номаълум ашулачи, созандалар томонидан яратилиб, йиллар давомида халқ ўртасида сайқал топиб, бадийлашган ва халқ ижодига қўшилиб кетган. Халқ мусиқасининг энг муҳим тури халқ ашулаларидир. Халқ мусиқаси асарлари якка ижрочи ё ҳаваскор жамоа, созанда ва ашулачилар ансамбли томонидан ижро этилганидек, касбий халқ созанда, ашулачиларини - бахши, оқин, дostonчи, ашуг, жирав ва б. номлари бор. Ўтмиш композиторлари ўз ижодиётларида доим халқ мусиқаси бойликларига мурожаат қилганлар. Классик мусиқа асосчиларидан бири: “Мусиқани халқ яратади, биз санъаткорлар эса уни фақат аранжировка қиламиз, яъни қайта ишлаймиз”, - деган эди.

Асрлар давомида тараққий этиб келган ўзбек халқ мусиқасининг турли жанрлари тобора бадийлашмоқда. Ҳатто вилоятлардаги мусиқалар ҳам бир - биридан бир оз бўлсада фарқ қилади. Шунинг учун ҳам Фарғона мусиқаси, Хоразм мусиқаси, Бухоро мусиқаси деган атамалар қўлланилади. (Бу “мусиқа этнографияси” китобида аниқ ва равшан қилиб кўрсатилган).

721. Халқ рақси - халқ томонидан яратилиб, халқ турмушида тарқалган рақс. Ҳар бир халқнинг ўзига хос рақслари бор. Масалан, русларда - трепак, украинларда - козачок, гопак, итальянларда - тарантелла ва б. ўзбек рақслари “Гул Ўйин”, “Катта Ўйин”, “Занг”, “Ноғора Ўйин” ва б. Рақс чолғу асбоблари жўрлигида ашула билан ёки қарсак билан ижро этилиши мумкин.

722. Халқ чолғу асбоблари - халқлар ўртасида кенг тарқалган чолғу асбоблар. Ҳар бир халқнинг ўзига хос Халқ чолғу асбоблари - торли, пуфлама ва урма турлари бор, русларда - домбра, балалайка, гусли, жалеика,



баянлар, украинларда - бандура, кавказларда - тар, саз, италянларда - мандолина, испанларда - гитара. Ўзбек Халқ чолғу асбоблари ҳам ниҳоятда ранг - баранг бўлиб, улар қаторига - най, дўмбира, дутор, танбур. Сато, ғижжак, чанг, қўшнай, карнай, сурнай, ноғора, дойра ва б. киради. Халқ мусиқа маданиятининг тобора тараққий қилиб бориши билан Халқ чолғу асбоблари ҳам такомиллашиб бормоқда. Булардан айримлари ўзгартирилиб талабга жавоб берарли ҳолда келтирилган бўлса, айримлари талабга жавоб бера олмай, ўз - ўзидан йўқолиб боради. , ўрнига янгилари пайдо бўлади. Ҳозирги симфоник ва духовой оркестрлардаги чолғу асбоблар байналминал чолғу асбоблардир. Уларнинг аксарияти Халқ чолғу асбобларининг қайта ишланган, такомиллашиши натижасида юзага келган.



Ҳар бир халқ ўзининг Халқ чолғу асбобларидан турли ансамбль ва оркестрлар тузган.

723. Халқ чолғу асбоблари оркестрлари -халқ чолғу асбоб-ларидан тузилган оркестрлар. Бир турли асбоблар (фақат домралар, бандуралар, мандолиналар, рубоблар ва б.) ёки аралаш (турли халқ чолғу асбоблари)дан тузилиши мумкин. Узоқ вақтлардан бери турли миллатларда Халқ чолғу асбоблари оркестрлари халқ мусиқаси ва рақсларини ижро этиб, сақлаб келган. Бундай ансамбллар деярли ҳамма халқларда мавжуд. Масалан, Россиядаги энг йирик В. В. Анедреев номидаги Рус Давлат Халқ чолғу асбоблари оркестрлари. Беларус Халқ чолғу асбоблари оркестрлари, Қурмонғози номидаги Қозоқ Давлат Халқ чолғу асбоблари оркестрлари ва бошқалар. Ўзбек Халқ чолғу асбоблари оркестри 1936 йил ташкил топган.

724. Хор (юн. *choros*) - 1. Вокал, хор мусиқасини айтувчи ижрочи жамоа. Хор жамоаси бир жинсда (эркаклар хори, хотин - қизлар хори ё болалар хори) ва аралаш хор бўлиши мумкин. Одатда аралаш хор тўртта хор партияси - яъни, сопрано, альт (хотин - қизлар овози), тенор ва бас (эркаклар овози) ёки болалар овози - дискантлардан тузилади. Аралаш хордаги партиялардан бири бўлмай, мукамал бўлмаган аралаш хор бўлиши ҳам мумкин. Ҳар бир хор партияси ўз навбатида яна бир неча бўлақларга бўлиниши мумкинки, бу бўлинишни *divisi* деб аталади. аралаш

хор энг камида 12 та ижрочидан иборат бўлиб, булар ҳар бир хор партиясида 3 тадан бўладилар. Катта жамоада эса 100 - 120 ижрочи бўлади. Бундай хор жамоаларида партиялар баробар (бир хил миқдорда) тақсим бўлмай, овозларнинг бир - бирига бўлган тенглик муносабатига кўра турлича тақсимланади. Опера, оратория ва кантаталарда хор муҳим аҳамиятга эга бўлиб, чолғу ансамбли (оркестри) жўрлигида ё усиз мустақил айтилган. Хорлар сахна асарларига ҳам салмоқли ҳисса қўшади.

2. Хор жамоаларига мўлжаллаб ёзилган мусиқа асари. Чолғу асбоблари жўрисиз айтиладиган хор жамоалари а капелла деб аталади.

725. Хор ашуласи, хор санъати - вокал мусиқасининг жамоа бўлиб ижро этилиши. Хор ашулалари бир овозли (унисон) ва кўповозли бўлади.



Шунингдек, хор ашуласи чолғу асбоблар жўрлигида ва усиз (а капелла) ижро этади.

726. Хор жамоаси - хор санъатини пропаганда қилувчи жамият. Бутунроссия хор жамияти 1957 - йили ташкил этилган. Ўзбекистонда эса хор жамияти ё958 - йили ташкил этилиб, кейинчалик фаолиятини тўхтатган.

727. Хорал - (лот. choralis) - черков жамоаси ижро этадиган диний ашула бўлиб, католикларда бир овозли (унисон), протестантларда - орган чолғу асбоби жўрлигила айтиладиган кўповозли мусиқа. Қадим замонларда хорал мусиқасининг куйи суст ва бўш, ритми содда бўлган.

728. Хорал прелюдияси - хорал бошланиши олдидан ижро этиладиган чолғу мусиқаси. Одатда, хорал прелюдияси орган учун ёзилади. Бу мусиқада хорал прелюдиясига контрапункт овозлар қўшилиб, биргаликда олиб борилади.

738. Чертма чолғу асбоблари - бармоқлар билан чертиб ёки мизроб (медиатор), нохун ёрдамида чалинадиган торли чолғу асбоблар. Улар қаторига арфа, бандура, балалайка, гитара, гусли, домбра, домра, дутор, танбур, рубоб, тор, конун, канон. Мандолина, уд, соз ва шу қабилар қиради. Торли - қамончали чолғу асбоблар (скрипка, альт, виолончель, контрабас)ни пиццикато йўсинида ижро этилганда ҳам торлар чертиб чалинади.



739. Чолғулаштириш - мусиқа асарини бир тўда чолғу асбобларга татбиқ қилиш. Масалан, симфоник мусиқани халқ чолғу асбоблари оркестрига, фортепиано асарини турли чолғу ансамбллар ва б. га мослаштириш. Чолғулаштириш композиторнинг симфоник, камер ва бошқа чолғу мусиқаси яратишдаги ижодиётининг бир қисмидир. Одатда, композитор яратиши лозим бўлган асарнинг эскизини аниқлайди ёки клавирини ёзади, сўнг унинг партитурасини яратади. Композитор ўз асарини ё бошқалар асарини фортепианодан қандайдир бирор оркестр таркибига татбиқ қилиши ҳам чолғулаштириш деб аталади.

740. Чолғу мусиқаси - чолғу асбобларда ижро этиш учун мўлжалланган мусиқа асарлари, ёлғиз бир чолғу асбоби учун, турли ансамбль, оркестрлар учун ва оркестр жўрлигида ёлғиз бир чолғу асбоб учун мўлжалланади. Бирор чолғу асбобида ижро этувчи мусиқачини чолғучи (пианиночи, скрипкачи, виолончелчи, кларнетчи, рубобчи ва б.) дейилади. Ўзбек халқ чолғу асбобюларидан тузилган ансамбль ва яққа

чолғу асбоблари учун ҳам махсус куйлар мавжуд. Масалан, Роҳат, Тўрғай, Дутор баёти, Қўштор каби куйлар кўпроқ ёлғиз дуторда ижро қилинади. Шунингдек, най, танбур ва ғижжакларда чалинадиган айрим куйлар ҳам кенг тарқалган.

745. Экспозиция (лот. *exposito* - баён қилиш) - 1. Соната шаклининг биринчи бўлими бўлиб, бунда асосий мавзулар баён этилади. Соната аллегросининг экспозицияси бир неча мавзу (партия)лардан иборат бўлади: а) бош партия асосий мавзунини баён қилиб, кўпроқ драматик характерда бўлади (баъзан бу бош партияда бир неча мавзу келиши ҳам мумкин); сўнг боғловчи партия бошқа тоналликка молдуляция қилиниб, янги мавзу материални тайёрлайди; б) ёрдамчи партия бир ва баъзан бир неча мавзуда тузилади; кўпроқ лирик характерда, бош мавзуга қарама - қарши характерда бўлади ва боғловчи партия тайёрлаган тоналликда давом этади (мажорда кўпроқ доминантада, минорда эса ёндош мажор тоналлигида). Кўпинча яқунловчи партия ҳам бўлиб, бу ёрдамчи партия тоналлигини мустаҳкамлайди. Баъзан бош ва ёрдамчи партия мавзулари бирлаштирилади, унда икки мавзунинг тугалланиши учун характерли бўлган янги мавзу материалдан фойдаланилади. Боғловчи ва яқунловчи партиялар бутунлай бўлмаслиги ҳам мумкин. 2. Фуганинг биринчи қисми бўлиб, бунда асосий мавзу бирин - кетин ҳамма овозларда келади.

746. Экспромт (лот. *expromtus* - ҳамма вақт тайёр) - ҳеч қандай тайёргарликсиз бир йўла бадеҳа (импровизация) тарзида яратилган мусиқа асари. Экспромт ўзининг лирик ва жўшқинлиги билан ажралиб туради, фортепиано ва б. чолғу асбоблар учун яратилган кичик бир пьеса.

747. Элегия (юн. *elegia* - ҳасрат, зорланиш) - ўйчан, қайғули характерда бўлган мусиқа асари - пьеса.

752. Эпизод - соната, рондо ва шунга ўхшаш йирик мусиқа шаклларида учраши мумкин бўлган ўрта қисмлардан бири бўлиб, ўзига хос мавзу, алоҳида тоналлик. Суръат ва ниҳоят кўшни қисмлардан маълум миқдорда ажралиб турувчи хусусиятга эга бўлган қисм.

753. Эркин услуб - чолғу шаклидан кенг фойдаланилган ҳолда куйни эркин характерда, турлича тузилишда полифоник мусиқа услубида яратиш, XVII - асрдан ҳозиргача бўлган турли композитор ва композиторлик мактабларининг ҳар хил услублари учун ҳам хосдир. Эркин услубнинг юқори чўққиси И. С. Бах ва Г. Ф. Гендель ижодиётига хосдир. Эркин услуб XV - XVI - асрлардаги қатъий услубга қарама - қарши қўйилган.

755. Эстрада (фр. *estrade* - тахтасупа, минбар) - 1. Концерт ижрочилари учун қурилган сахна. 2. Эстрада ёки эстрада санъати - сахна санъатининг бир тури бўлиб, турли шаклдаги ижрочиларни (чолғучи, ашулачи, бадий

ўқиш, рақс, цирк санъати номерлари ва б.) бирлаштирувчи ташкилот. Эстрада концертлари одатда маълум бир мавзули программа асосида тузилиши ҳам мумкин.



757. Эхо, акс садо (лот. echo - акс садо) - айрим композиторлар ўзларининг асарларида мусиқа жумласи ёки садоларни секин қайтаришларидан акс садо ҳосил қиладилар. Эхо хор, опера, оркестр ва б. ларда қўлланилган.

761. Ялла - кенг тарқалган ўзбек халқ ашулаларидан. Одатда



яллани уч - тўрт ашулачи ижро этади, даромад - бошланғич қисмини ҳамма яллачилар баробар (унисон ҳолда) ижро этадилар. Ўрта авж бўлимини айрим ашулачилар, ниҳоят катта авжини бир ашулачи бошлаб унинг ўрта қисмида бошқа ашулачилар қўшиладилар. Бундай халқ эллалари Навоий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Оразий, Ҳислат каби шоирларнинг шеърлари билан айтилган. Аксарият яллалар куплетли шаклда бўлади.

767. Ўзбек опера ва балет театри, Алишер Навоий номидаги ўзбек Академик катта Опера ва Балет театри - Ўзбекистонда опера ва балет театри 1939 - йилда ташкил қилинган. Унгача бўлган Ўзбек Давлат мусиқали театри опера театрининг ташкил топишига асос бўлди. Алишер Навоий номи билан аталган бу театрға махсус бино Тошкентнинг

марказида қад кўтарди ва драматург Комил Яшин либреттоси асосида композитор С. Василенко ўз шогирди М. Ашрафий билан ҳамкорликда яратган “Бўрон” операси билан иш бошлади. Театр репертуари рус ва Ғарбий Европа классикларининг опера ва балетлари, ҳамдўстлик кўшни давлатлар композиторларининг опера ва балетлари билан тобора кенгайиб борди. Ўзбекистон композиторлари дастлабки даврларда атоқли рус композиторларининг ёрдами билан ва улар ҳамкорлигида опералар яратдилар. С. Василенко билан М. Ашрафий “Улуғ канал”, Р. Глиэр билан Т. Содиқов “Лайли ва Мажнун”, “Гулсара”, Б. Бровцин билан Т. Жалилов “Тоҳир ва Зухра” операларини, шунингдек, О. Чишко “Маҳмуд Таробий”, В. Успенский ва Г. Мушель “Фарход ва Ширин” операларини ёздилар. Сўнги йилларда яратилган операларни ўзбек композиторлари мустақил равишда яратишди. Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” номли комедияси асосида Собир Абдулла ва Музаффар Муҳамедовлар опера либреттосини яратдилар. Бу либретто бўйича композитор С. Юдаков биринчи ўзбек хажвий операсини ёзди. 1959 - йил Москвада ўтказилган учинчи ўзбек санъат ва адабиёт декадасида кўрсатилган бу опера катта муваффақият қозонди: бир неча кўшни давлатлар театрларида бу операни ўз репертуарларига қўшдилар. Театр сахнасида Ўзбекистонда яшаётган композиторлардан А. Козловскийнинг “Улуғбек”, С. Бобоевнинг “Ҳамза”, М. Ашрафийнинг “Дилором” ва “Шоир қалби” (“Фурқат”), Р. Ҳамроевнинг “Зулматдан зиё”, Т. Содиқов, Б. Зейдман, Ю. Ражабий ва Д. Зокировларнинг “Зайнаб ва Омон”, С. Бобоевнинг биринчи болалар операси “Ёрилтош” ва б. опералар, Икром Акбаровнинг “Орзу”, Г. Мушелнинг “Раққоса”, Б. Гиенко ва Д. Зокировларнинг “Ойниса” ва б. балетлари қўйилди.



768. Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри - узоқ даврлардан бери халқ ўртасида қўлланилиб келган миллий чолғу асбобларидан 1936 йил тузилган Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, ундаги халқ чолғу асбобларининг кўпчилиги қисми температура қилиниб, катта - кичик турлари ишлаб чиқилди: катта - кичик чанглар; катта - кичик рубоб ва дуторлар, ниҳоят дойра ва ноғоралардир.

769. Ўзбек композиторлари ва бастакорлари уюшмаси - 1939 - йилда тузилган. Ҳозир уюшмада 100 дан ортиқ композитор, бастакор ва музикашунослар бор. 1967 - йилда Қарақалпағистан уюшмаси бўлими ташкил қилинган.



777. “Қудратли тўда” - XIX - асрнинг 60 - йилларида ташкил топган атоқли рус композиторларининг ижодий тўдаси “Қудратли тўда” - “Балакирёв тўғараги” ёки “Янги рус музика

мактаби” номи билан аталган. Питербургда тузилган бу “Қудратли тўда”га М. А. Балакирёв (тўғарак раҳбари), А. П. Бородин, М. П. Мусоргский, Н. А. Римский - Корсаков, Ц. А. Кюилар кирган. Бу ижодий жамоага “Қудратли тўда” номини машҳур танқидчи В. В. Стасов берган. “Қудратли тўда” миллий услубни тараққий эттириш ва мустаҳкамлаш, халқчиллик, ғоявийлик ва музикадаги реализм учун курашган. Бу билан у буюк рус композитори М. Т. Глинка анъаналарини давом эттирди ва юксалтирди. “Қудратли тўда” азолари ўз ижодларида Кавказ, Ўрта Осиё, Испания, Украина, Польша, Чехия, Венгрия ва б. халқларнинг музика фольклори куйларидан фойдаландилар. “Қудратли тўда” музикасидаги реакцион оқимга қарши ҳар доим курашиб келди. Музикани халқ ўртасида кенг тарқатиш, концерт - тарғиботчиликни кучайтиришга асосий ўрин ажратди. “Қудратли тўда”нинг ижодий - ғоявий таъсири кейинги рус композиторлари ижодида давом этди, кўпмиллатли Россия халқлари миллий композиторларининг етишиб чиқишига ўз таъсирини ўтказди.

299. Кантус - фирмус (лот. Cantus firmus - мастаҳкам, ўзгармайдиган) - полифоник музика асарларида бошловчи куй бўлиб, ҳеч қандай ўзгаришсиз турли контрапункт товушлар билан бир неча марта қайтарилади.

782. Қўш хор - икки тўдага бўлинган хор. Буларнинг ҳар бири аралаш, яъни сопрано, альт, тенор ва бас партияларидан тузилади. Бу икки хорнинг қўшилиши саккиз овозлик ансамблни ташкил қилади.



787. Қўшиқ - шеър ва куйи халқ томонидан ижод қилиниб ва халқ орасида кенг тарқалган жанр. Қўшиқ шеърлари бир неча банд бўлиб, баъзан нақаротли бўлади. Қадимда халқ орасида кенг тарқалган бу жанрнинг шеъри ва мусиқаси бир йўла яратилган. Ҳозир Ўзбекистонда бастакор ва композиторлар яратаётган қўшиқлар мавзуси бой ва турли - туман. Улар турли маросим, меҳнат, ишқий - лирик, қаҳрамонлик мавзуларини ўз ичига олади.

349. Куплет (фр.Cuplet - строфа, банд) - бир неча бор қайтариладиган қўшиқнинг бир банд шеърда қайтарилиши.Куй иккинчи марта янги шеър билан қайтарилиши мумкин.Куплет кўп вақт бошловчи ижроси билан бошланиб, нақарот билан тугалланади.Куплетни турли сўзлар билан бир неча марта қайтарилишидан куплет шакли ҳосил бўлади.

350. Куплет шакли - икки қисмли нақарот ва куплетдан тузилган вокал асари бўлиб, бир неча марта турли шеърлар билан қайтарилади.Ҳар бир қайтарилишида куплет шеърлари ўзгариб, нақаротдаги шеър ўзгаришсиз такрорланади.Хор ашулаларида куплетни кўп вақт яккахон ашулачи айтиб, нақаротни хор ижро этади.Куплет шакли халқ фольклори, оммавий қўшиқларда кўп учрайди.

720. Халқ мусиқаси - халқларнинг чолғу ва вокал мусиқа ижодиёти - мусиқа фольклоридир. Халқ мусиқаси халқларнинг турли меҳнат шароитида, тарихий воқеаларда, хушчакчак ўйин - кулгу ё мусибатларида яратилиб, узоқ йиллар давомида силликланиб, авлоддан - авлодга, оғиздан - оғизга ўтиб, сақланиб келган. Айрим номаълум ашулачи, созандалар томонидан яратилиб, йиллар давомида халқ ўртасида сайқал топиб, бадийлашган ва халқ ижодига қўшилиб кетган. Халқ мусиқасининг энг муҳим тури халқ ашулаларидир. Халқ мусиқаси асарлари якка ижрочи ё хаваскор жамоа, созанда ва ашулачилар ансамбли томонидан ижро этилганидек, касбий халқ созанда, ашулачиларини - бахши, оқин, дostonчи, ашуг, жирав ва б.номлари бор. Ўтмиш композиторлари ўз ижодиётларида доим халқ мусиқаси бойликларига мурожаат қилганлар. Классик мусиқа асосчиларидан бири: “Мусиқани халқ яратади, биз санъаткорлар эса уни фақат аранжировка қиламиз, яъни қайта ишлаймиз”, - деган эди.

Асрлар давомида тараққий этиб келган ўзбек халқ мусиқасининг турли жанрлари тобора бадийлашмоқда. Ҳатто вилоятлардаги мусиқалар ҳам бир - биридан бир оз бўлсада фарқ қилади. Шунинг учун ҳам Фарғона мусиқаси, Хоразм мусиқаси, Бухоро мусиқаси деган атамалар қўлланилади. (Бу “мусиқа этнографияси” китобида аниқ ва равшан қилиб кўрсатилган).

788. Ғазал - ўзбек мумтоз шеърятининг асосий лирик жанри. Дастлабки икки мисра ўзаро бир - бирига қофиядош бўлиб, кейинги ҳар бир байтнинг иккинчи мисраси матлаъга қофиядош бўлади. Бундай шеърлар йирик шаклли ўзбек халқ ашулалари, катта ашула ва мақомларни шўьбаларида жуда кўп учрайди.

789. Ҳажвий опера - ҳажвий мавзудаги опера. XVIII - асрда Италияда, сўнгра Англия, Франция, Россияда ҳажвий операнинг турли хиллари яратилди. Ҳажвий опера одатда ҳаётий воқеалар асосида яратилади. XIX - асрда рус композиторларидан М. П. Мусоргский “Сорочин ярмаркаси”, П. И. Чайковский “Черевички” номли опералар яратдилар. Биринчи ўзбек ҳажвий операсини композитор С. Юдаков ёзди. “Майсаранинг иши” номи билан аталган бу асар С. Абдуллаев ҳамда М. Муҳамедовлар либреттоси асосида ёзилган.

790. Ҳарбий мусиқа - ҳарбий юриш, марш, парад ва ҳарбий ҳолатларда ижро этилади. Ҳарбий мусиқани ҳарбий оркестр, ансамбль ё икки ижрочилар бажаради. Ҳарбий мусиқа ҳарбий мавзудаги чолғу ё икки

ижрочилар бажаради. Ҳарбий мусиқа ҳарбий мавзудвги чолғу ва вокал куйлардан иборат. Сигналлар ҳам ҳарбий мусиқага киради.



791. Ҳарбий оркестр - ҳарбий қисмлардаги махсус духовой оркестр. Ўзбекистон композиторларидан В. Зудов, П. Халиков, Ҳ. Раҳимов ва б. ҳарбий оркестр учун қатор асарлар яратганлар.

694. Учлик таркиб - симфоник оркестрдаги пуфлама ёғоч чолғу асбобларнинг сонига кўра тузилган таркиби, икkitаси асосий (2 катта флейта, 2 кларнет, 4 гобой, 2 флейта) ва биттадан буларнинг турларига кирувчи мусиқа асбоблар (кичик флейта - инглиз бурғуси, бас - кларнет, контрафагот) бўлади. Шу тартибда пуфлама мис чолғу асбоблар тўдаси ҳам ортади (4 - 6 валторна, 3 - 4 труба, 3 тромбон, труба ва б.).



550. Полифония - (юн. Poli - кўп, phone - товуш, овоз) - кўповозли мусиқа тури, ҳар бири алоҳида мустақилликка эга бўлган бир неча куйнинг гармоник қўшилиб, мураккаблашиб ривожланиши. Полифониядаги овозлар турли оҳанг (интонация), ритм, авж (кульминация), каданслар, ҳатто динамик туслар ва тембрларда бўлишларидан қатъи назар, улар қўшилиб, бир умумий эшитилишга бўйсундилар. Мусиқа тузилишида полифониянинг аҳамияти жуда муҳим, чунки бундаги куй, ритм, лад ва гармониялар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. Ўзига хос бир неча

кўйнинг кўшилиб келиши. Гармоник юксалиши турлича бадий образларни яратишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам музика жанрларининг турли шакллари (фуга, инвенция, канон ва б.) да полифоник тузилишлардан кўлланилади.

Контрапунктли, имитацияли, инвенцияли полифония услублари бўлади. Шунга кўра, полифония кенг маънодаги контрапункт истилоҳи бир тушунчани англатади. Полифония халқ ижоди маҳсулоти бўлиб, касбий музикада турлича ва кенг тарқалган ва ривож топмоқда.

Ғарбий Европада ва рус классик композиторлари ўз асарларида полифониядан кенг фойдаланганлар. Композиторлардан И. С. Бах ва Гендель ижодида полифония янада ривожланган. Рус классик музикасида, рус композиторлари ижодиётида полифония муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбек халқ музикасига кўповозли музика анъаналарини тадбиқ этишда полифония алоҳида аҳамиятга эга бўлди. 1920 - йилларда ўзбек халқ кўйларини гармониялашда полифония шаклларида фойдаланилди ва бу тажриба келгусида кўповозли йирик асарлар яратишда Ўзбекистон композиторларига омил бўлди.

433. Монохорд (юн. Monos - бир, chorde - тор) - 1. Тор ва унинг айрим қисмидаги товуш баландлигини аниқловчи махсус асбоб. Монохорд товуш берувчи узун бир қути шаклида бўлиб, бунга тор тортилади, бу тор махсус харак ўрнатилган. Харрак торни ҳар бири ўзича товуш товуш берувчи икки бўлакка ажратилади. Резонанс берувчи қопқоқ шкалага бўлинган. Баъзан Монохордда қисқартирилган торлардан чиққан товуш билан тафовудлаш учун махсус бўш тор ҳам тортилади. 2. Бир торли қадимий юнон тирнама чолғу асбоби. 3. Бир торли чолғулар номи. 4. Фортепианога ўрнаштирилган махсус механизм бўлиб, унда болғачалар урадиган 2 - 3 тор ўрнига фақат бир тор урилади. Ҳозирги фортепианода Монохорд вазифасини чап педаль бажаради. 5. XVIII - асрга қадар тарқалган клавиқорд.

261. Илми музикаий - ўтмиш Шарқда музика тарихи назарияси ва эстетикасига оид фан, илм соҳаси.

55. Амфибрахий (юн. Amphibrachus - ҳар икки томондан қисқа) - шеър вазни ўлчови ҳақида таълимотда биринчи урғусиз, иккинчиси кучли урғули ва учинчиси урғусиз бўғиндан иборат бўлган уч бўғинли турок. Музикада ёрқин ифодаланиб, бир - бирига ўхшаш ритмик элеменларни белгилаш учун ишлатилади.

63. Антракт (фр. Entre - оралик, акте - парда) - 1. Саҳна асарларида пардалар орасидаги ва концертларда бўлим оралиғидаги танаффус. 2.

Опера, балет, оперетта ва мусиқали драмаларда танаффусдан сўнг, парда очилиши олдидан ижро этиладиган бошланғич чолғу мусиқаси.

64. Аншлаг (anselag) - опера, балет, умуман сахна асарларида, коцертларда ҳамма билетнинг сотилиши, залнинг тўла бўлиши. “спектакль аншлаг билан ўтди”, яъни томошабинлар яхши қабул қилдилар, деган маънода.

56. Анализ (юн. Analusis - қисмларга бўлиш, таҳлил қилиш) - мусиқа асарини тузилиш ва эстетик жиҳатдан таҳлил қилиш.

45. Alto, Altos (фр. Альто, альтос) - альт, альтлар.

46. Altri (итал. Альтери - бошқалар, қолганлар маъносида) - солист, яккахон ёки якканавоздан ташқари асар ижросида ҳамма қатнашувчилар.

47. Altzare (итал. альтцаре - қўтариш, олиш маъносида) - сурдинани олиш.

48. Альберти баслари - фортепиано учун ёзилган пьесанинг чап қўлда ижро этиладиган партияси (қисми) бўлиб, гармоник аккордга кирадиган товушларнинг маълум бир ҳаракатда такрорланиши. Альберти баслари XVIII - асрда яшаган итальян композитори Доменико Альберти номи билан аталган.

49. Альт калити - до калити тизимида кирадиган калит. Унда биринчи октавадаги до (с¹) нота йўлининг учинчи чизиғига тўғри келади. Камонча билан чалинадиган чолғу асбоблардан (альт, шунингдек Альт ғижжак ва б. турдош созлар партияси шу калитда ёзилади). Альт калитининг белгиси:

50. Альт овози - кўповозли мусиқада (хор асарларида) баландлиги бўйича сопранодан кейинги овоз.

32. Акустика (юн. Akustikos - тинглашга оид) - 1. Физика фанида товушларнинг келиб чиқишини ўрганувчи соҳа. Акустиканинг асосий бўлақларининг бири мусиқа Акустикасидир. У мусиқада қўлланиладиган товушлар ҳақида баҳс қилади. 2. Театр, концерт залларида товушларни бинонинг ҳар бир қисмида баробар этилиши.



31. Акт (лот. Actus - ҳаракат) - мусиқали драма, опера, балет, оперетта ва бошқа сахна асарларининг тугалланган бир қисми, пардаси. Сахна асарлари одатда бир неча (2 - 5). Актдан иборат бўлиб, булар орасида

танаффус, яъни антракт бўлади. Айрим сахна асарлари бир актдан иборат бўлади.

21. Аккомпониент (фр. *Accompaniment, compsgner* - жўр бўлиб) - ашула айтганда ёки бирор чолғу асбобида чалганда унга жўр бўлиш. Ашулага фортепиано, халқ чолғу асбоблари, турли ансамбль (трио, квартет, квинтет) ва оркестрларда жўр бўлиш мумкин. Аккомпониент яккахон ашулачи ёки чолғучига гармоник ва ритмик ҳамоҳанг бўлиб, мусиқа асарининг бадий даражасини чуқурлаштириш.

22. Аккомпониентчи - жўр бўлувчи, одатда фортепианода жўр бўлувчиларга нисбатан қўлланилади.

11. Адаптер (лот. *Adapto* - уйғунлаштирмоқ, мослаштираман) - граммофон пластинкаларини радиоприёмник ёки махсус проигривателлар орқали кучли овоз билан эшиттириш мосламаси.

5. Авж - мусиқа баёни ва ривожда энг юқори нуқта. Араб - форс мусиқа назарияси, хусусан, ўн икки мақом тизимидаги шўъбалардан бири. Ўзбек мусиқа меъросининг мақом, ашула, катта ашула каби йирик шаклдаги намуналарида бир неча хил А. лар учрайди. Булар ўрта А. лар, катта А. Деб белгиланиб, “Ушшоқ”, “Мухайяр”, “Турк”, “Зебопариди” сингари номлар билан аталади. А. лар айниқса мақомларда алоҳида аҳамиятга эга. Мақомларнинг турли қисмларида кетма - кет бир неча А. учраши мумкин. Агар бир мақом авжидан кичик бир қисми иккинчи мақомнинг авжида келса намуд деб аталади. “Уззал”, “Мухайяр”, “Наво”, “Зебопариди”, “Турк” авжлари дейилганда “намуд” атамаси қўшилмайди. Бузрук мақомининг Сарахбор, Талқини Уззол, Уфори Уззолларида келадиган “Мухайяр” авжи Бузрук мақомидаги “Мухайяр” авжи билан оҳангдош.

108. Баритон (итал. *baritono*) - Бас ва тенор товушлари ўртасидаги эркеклар овози. Баритоннинг драматик тенорга яқин лирик ва драматик турлари бўлиб, овоз ҳажми катта октавадаги ля ё си - бемоль дан биринчи октавадаги соль ё ля - бемоль гача, ноталари бас калитида ёзилади.



20. Акколада (фр. *Accolade* - қавс билан боғлаш) - икки ёки бир нечта нота йўлидаги ижрони кўрсатувчи қавс. Масалан, фортепианода чап ва ўнг қўл ижросига мўлжаллаб ёзилган асар икки нота йўлида Акколада билан бирлаштирилади. Симфоник оркестрдаги торли (камонли) чолғу асбоблар партиялари тўрт нота йўлига ёзилади. Шунингдек, ёғоч ва мис пуфлама чолғу асбоблар ҳам тўдаларга бўлиниб, қавс билан бирлаштирилади.

181. Gran cassa - (гран касса) - катта барабан сўзининг қисқартирилгани.

182. Гранд - опера - (grand - opera - катта опера) - Францияда миллий мусиқа ва рақс академияси ҳисобланмиш йирик Давлат опера театри.

349. Куплет (фр. Couplet - строфа, банд) - бир неча бор қайтариладиган кўшиқнинг бир банд шеърда қайтарилиши. Куй иккинчи марта янги шеър билан қайтарилиши мумкин. Куплет кўп вақт бошловчи ижроси билан бошланиб, нақарот билан тугалланади. Куплетни турли сўзлар билан бир неча марта қайтарилишидан куплет шакли ҳосил бўлади.

350. Куплет шакли - икки қисмли нақарот ва куплетдан тузилган вокал асари бўлиб, бир неча марта турли шеърлар билан қайтарилади. Ҳар бир қайтарилишида куплет шеърлари ўзгариб, нақаротдаги шеър ўзгаришсиз такрорланади. Хор ашулаларида куплетни кўп вақт яккахон ашулачи айтиб, нақаротни хор ижро этади. Куплет шакли халқ фольклори, оммавий кўшиқларда кўп учрайди.

355. Соната дуэти - икки чолғучи(ансамбль) ижроси учун ёзилган соната.

356. Соната шакли - уч асосий бўлимдан иборат мусиқа асарининг тузилиши. Булар экспозиция, ривожлов ва репризалардан иборат бўлиб, асар мазмунига кўра кенгайиб маълум бир мавзуни ифода қилади. Буларга кода ва баъзан бошланғич қисм қўшилади. Сонатанинг экспозиция қисми, ўз навбатида, бош партия ва ёрдамчи партияларга бўлинади. Булар икки қарама - қарши мавзу ёки мавзули гуруҳлар турли тоналликларда келади. Ривожловда экспозиция мавзуидаги айрим оҳанглар кенгайтирилиб ишлов берилади. Реприза - бош ва ёрдамчи партия тоналликларини бирлаштириб(ёрдამчи партия тоналлигини бош тоналликка кўчириш йўли билан), экспозицияни қайтаради. Шу тариқа, соната шакли тоналликларни экспозицияда бир - бировидан ажратади, репризада эса бирлаштиради. Булар, айниқса реприза, композиторнинг хоҳиши билан ўзгартирилиши мумкин. Соната шакли драма ёки романлардек бадиий ифода воситалари, ҳар хил мавзудаги мусиқа асарлари яратиш имкониятига бой. Шунинг учун ҳам соната шакли энг кенг тарқалган мусиқа асари шакллари дандир. Соната шаклида соната циклининг биринчи қисми, шунингдек, бир қисмли увертюра, симфоник поэма ва б.ёзилади. Ривожловсиз соната шакли кам учрайди. Бунда икки асосий қисм экспозиция ва реприза бўлади.

313. Квартол (лот. Quartus - тўртинчи) - тактдаги кетма - кет келган тўртта нимчорак ё ўн олтиталикни одатдаги уч нотага тенг келиши, Квартол курсивда 4 рақами билан кўрсатилади.



204. Динамик туслар - мусиқа асарини ижро этишда бадий чикишини назарда тутиб, товуш кучини ўзгартириш. Бунинг учун турлича белги ва кўрсаткичлар қўлланилади.

ГАРМОНИЯГА ХОС АТАМАЛАР

523. Оҳангдошлик - бир неча товушларнинг бир йўла эшитилиши. Оҳангдошликнинг асосий турлари қуйидагилар: а) унисон - бир хил баландликда бўлган бир неча товушнинг бир йўла эшитилиши; б) интервал - турли баландликда бўлган икки товушнинг бир йўла эшитилиши; в) аккорд - турли баландликда ва турли баландликда ва турли номда бўлган, учдан кам бўлмаган товушларнинг бир йўла эшитилиши.



Оҳангдошлик - бир - бирдан кичик терция оралиғида жойлашган, бир хил товушлар. Калит белгиларига эга бўлган мажор ва минор тоналликлар. Товушлар тартиби бир хил бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бирининг функцияси (лад системасидаги ўрин) турличадир. (масалан, до - мажор - ля - минор, ре - мажор - си - минор, ми - бемоль - до - минор ва ҳ. к.).

75. Armonia (итал. Армония - келишиш, бирдамлик) - гармония, оҳангдошлик, хушовозлик.

76. Armonizzare (итал. армонизарэ) - гармониялаш.

23. Аккорд (итал. Accord фр. Accord - бирдамлик) - турли баландликдаги икки ва ундан ортиқ товушларнинг қўшилиб, яхлит ҳолда янграши. Аккорд одатда, терция интервали бўйича тақсимланадиган товушлардан ҳосил бўлади. Масалан, до - ми - соль; фа - ля - до; ре - фа - ля ва б. Аккорд тўрт товушдан тузилса - септаккорд, беш товушдан тузилса нонаккорд, олти товушдан тузилса - ундецима дейилади. Терция бўйича тузилган аккорд мажор - минор ладлари тизимидаги асосий гармонияга таянади. Аккорднинг пастки товуши асосий тон ёки прима, қолганлари

(юқорига қараб терциялараро) - терция тони, квинта тони, септима тони, ундецима тони дейилади.

24. Аккордга кирмайдиган товуш - Ноаккорд товуш, кўповозли мусиқа тузилмасининг бирор овозда Аккорд таркибига кирмайдиган товуш. Одатда, бундай товуш аккорднинг терция бўйича тақсимланишига тўсиқлик қилади. Аккордга кирмайдиган товушлар қаторига ўткинчи, ёрдамчи, муқаддам ва тўхталмалар киради.

25. Аккорд турлари - энг паст, яъни бас товушига кўра турли ҳолатларда келган аккордлар. Уч товушликлар уч турли ҳолатда келиши мумкин: асосий ҳолат, секстаккорд (6 рақами билан кўрсатилади) ва квартсекстаккорд 6₄ рақамлари билан кўрсатилади.

Одатда уч товушликлар асосий ҳолати рақамлар билан кўрсатилмайди. Септаккорд 4 хил ҳолатда келиши мумкин: асосий ҳолат (7 рақами билан кўрсатилади). Квинтсекстаккорд (6₅) , терцкварттаккорд (4₃) , ва секундаккорд (2).



28. Аккорд айланиши - аккорднинг бош товуши (асосий тон) ўрнида уни ҳосил қилган бошқа товушлардан бирининг келиши. Аккорд айланишлари бир неча турда бўлади. 1. Басда терция томони тарзида келган айланиш. Буни биринчи айланиш деб аталадики, натижада секстаккорд ё квинт - секстаккорд ҳосил бўлади. 2. Басда квинта тони тарзида келган айланиш, буни иккинчи айланиш деб аталадики, натижада кварсекстаккорд ёки терцкварттаккорд ҳосил бўлади. 3. Басда септима тони тарзида келган айланиш, буни учинчи айланиш деб аталадики, натижада секундаккорд ҳосил бўлади.




29. Аккорд товуши - аккорд таркибига кирадиган товушлар. Бу товушлардан тузилган аккорд гармоник ёки куйчан (мелодик) ҳолда келиши мумкин. **3. Аккорд товушлари** асосий тон, терция тони, квинта тони, септима тони номлари билан аталади. 4. Лад поғоналари. Булардан I - поғонани асосий тон ёки тоника деб, II - VII - поғоналарни - етакчи тонлар деб аташади.

646. Субдоминанта (лот. Subdominant - пастки ҳукмрон) - мажор - минор ладларининг тўртинчи асосий поғонаси. Субдоминанта тоникадан квинта пастда келса пастки доминанта деб аталади. Субдоминанта римча IV -

поғона ҳам дейилади. Субдоминанта функцияси лотинча S ҳарфи билан кўрсатилади.

686. Тўртовозли тузилма - кўповозликларнинг тўрт овозда келиши. Тўртовозли тузилма кuartет ва аралаш хорда учрайди, гармония дарси ҳам тўртовозли тузилмага асосланиб, вокал товушдаги номлар чолғу мусиқасига кўчирилади. Тўртовозли тузилмада энг юқориги овоз сопрано, унинг тагидаги иккинчиси альт, тагидаги тенор ва энг пастки, тўртинчи овоз бас деб юритилади. Гармония курсида сопрано ва альтлар бир нота чизигида (скрипка калитида), тенор ва баслар иккинчи нота чизигида (бас калитида) ёзилади.




86. Асосий (босқичлар) пағоналар - мажор ва минор тоналликларининг биринчи (I), тўртинчи (IV) ва бешинчи (V) пағоналари.

87. Асосий интерваллар - оддий интервалларнинг иккинчи номи.

88. Асосий (бош) мавзу - соната шаклида бошпарда.

93. Асосий тур - терция бўйича тузилган аккордларнинг басыда асосий тони бўлган аккорд. Уч товушликнинг Асосий тури махсус рақам кўрсаткичига эга эмас. Асосий септаккорд “7” рақами билан кўрсатилади. Асосий нонаккорд эса “9” рақами билан кўрсатилади.

94. Асосий ҳолат - аккорднинг (учтовушлик, септаккорд, нонаккорднинг) терция бўйича келиши. Асосий ҳолат баъзан асосий тур деб ҳам юритилади.



105. Б - Катта мажор учтовушлиги. Партитурада пуфлама оркестр чолғу асбоблари созланишининг (труба, кларнет каби) лотинча “b” ёзувида кўрсатилади.

125. Бир турдаги аккорд - иккихил тоналликнинг турли пағоналада бир турли (умумий аккорд). Масалан, до - мажорнинг биринчи пағонасидан

тузилган учтовушлик (аккорд) соль - мажорнинг тўртинчи пағонасидан тузилган учтовушликка тенг, яна шу до - мажорнинг иккинчи пағонасидан тузилган аккорд ре - минор тоналлигининг биринчи пағонасидан тузилган аккордга тенг. До - мажорнинг олтинчи пағонасидан тузилган аккорд эса ля - минор тоналлигининг биринчи пағонасидан тузилган аккордга тенг.

126. Бир турдаги овозлар - фақат хотин - қизлар, ё фақат эркаклар овози.

136. Бош тоналлик - муסיқа асари бошланадиган ва тугалланадиган асосий тоналлик. Асар минор билан бошланган бўлса, унга номдош мажорда тугалланиши мумкин (до - минордаги пьеса до - мажорга тугалланиши мумкин). Баъзан йирик муסיқа асари Бош тоналлик номи билан юритилади. Масалан: F - dur (фа - мажор) сонатаси. Ля - мажор этюди (A - Dur), g - moll - соль - минор симфонияси ва б. лар.

138. Бош (асосий) учтовушликлар - мажор ва минор тоналликларида I - III - ва V - пағоналардан тузилган учтовушликлар. Мажор - минор оҳанг системасидаги Бош (асосий) учтовушликлар доминантсептаккорд ва каданс квартсекстаккордлар билан биргаликда муסיқадаги асосий гармоник воситалардандир.

241. Ёндош (параллель) тоналликлар - мажор - минор лад системасида калитолди белгилари бир хил бўлган: бири мажор, иккинчиси минор тоналликлар. Оддий ёндоштоналликлар турдош товушга эга бўлиб, улар турли тоникада келадилар; бир - биридан кичик терция оралиғида ажраладилар. Булардан юқоригиси - мажор, пастгиси - минордир. Масалан, до - мажор - ля минор, фа мажор - ре минор, си - бемоль мажор - соль минор ва бошқалар.

До - мажор

Ля - минор

242. Ёндош овозлар оҳангдошлиги - бир турли ораликдаги икки товушнинг паст ва юқорига баробар ҳаракати. Натижада, қатор параллель интерваллар ҳосил бўлади.



161. Гармония - (юн. Harmonia - боғланиш, оҳангдошлик) - бир йўла эшитилган бир неча товушларнинг ўзаро боғланишда келиши. Гармония фақат бир тоналликда бўлган товушлар оҳангдошлигини таъминлабгина қолмай, тоналликлараро оҳангдошликни ҳам таъминлайди. Оҳангдошликнинг асосий тури аккорддир. Гармония мусиқа маданиятининг тобора юксалиши туфайли ўзгариб, бойиб бормоқда. Турли миллат халқлари композиторлари хилма - хил гармонияларни яратмоқда.

162. Гармониялаш - куйга муайян гармоник тузилишдаги аккордлар танлаш. Тайёр куйга монанд аккорд ёки куйчан тузилишдаги кўповозли мусиқани жўр қилиш. Бирор куйни гармонияда композиторлар унга турлича уйғун товуш беришлари мумкин. Бу куйни ижодий бойитиш демакдир. Ўзбек халқ куйларини гармония кўповозли мусиқа тарғиботида муҳим аҳамиятга эга. Куйларни гармония мусиқа ўқув юртларидаги гармония ва композиция дарсларида ўрганилади.

244. Ёрдамчи пағоналар - мажор ва минор ладларининг иккинчи, учинчи, олтинчи ва еттинчи (II, III, VI ва VII) пағоналари бўлиб, гармоник тузилиши бўйича асосий пағона (I, IV ва V -)ларга нисбатан камроқ аҳамиятга эга.



245. Ёрдамчи мавзу - соната шаклининг ёрдамчи партиясидаги таъсирли мавзу.

246. Ёрдамчи тоналлик - асосий тоналликдан вақтинча бошқасига ўтилганда ҳосил бўлган тоналлик.

247. Ёрдамчи учтовушликлар - ладнинг ёндош II, III, VI ва VII пағоналарида тузилган учтовушликлар.



779. Қўш мордент - мелизмнинг бир тури бўлиб, мордент тез суръатда беш нота чалишини кўрсатади: асосий товуш, асосий товушдан секунда юқориги - юқориги ёрдамчи товуш, асосий товушнинг қайтарилиши, яъни

юқориги ёрдамчи товуш ва асосий товушнинг қайтарилиши. Қўш мордент белгиси W тарзида ёзилади.

Агар Қўш мордент белгисининг ўртасидан тўғри тик чизиқ чизилса, у ҳолда асосий товуш пастки ёрдамчи товуш билан навбатма - навбат чалинади.

601. Секундаккорд - септима тонибасда келган септаккорд. Секундаккорд септаккорднинг учинчи айланмасидир. Аккорд кўрсаткичи пастига 2 рақами билан белгиланади. Секундаккордда бас товуши билан асосий тон оралиғида секунда интервали ҳосил бўлади (шунга кўра, Секундаккорд номи берилган).

The image shows two musical staves in 4/4 time. The first staff, labeled 'Мелодик секундаккорд', contains a melody of four quarter notes: G4, A4, B4, and C5. The second staff, labeled 'Т-септаккорд', shows a triad of three notes: G4, B4, and C5, represented by three stacked eighth notes.

603. Септаккард - терция бўйича тақсим қилиниши мумкин бўлган, тўртта товушдан тузилган аккорд. Масалан, до - ми - соль - си ёки фа - ля - до - ми - бемоль, ёки ре - фа - ля - до ва ҳ. к. Септаккардни ташкил қилган бу тўртта товушлар ҳар бири маълум бир номга эга; энг пастки биринчи товуш аккорднинг асосий тони деб аталади ва у I рақами билан кўрсатилади. Терция бўйича келган иккинчи товуш аккорднинг терция тони деб аталади ва у 3 рақами билан кўрсатилади. Терция бўйича келган учинчи товуш аккорднинг квинта тони деб аталади ва у 5 рақами билан кўрсатилади. Ниҳоят, терция бўйича келган охириги тўртинчи товуш аккорднинг септима тони деб аталади ва у 7 рақами билан кўрсатилади. Септаккарддаги бу товушлар қайси тартибда келишидан қатъи назар, номлари ўзгармайди. Септаккарднинг терция бўйича келиши:


Септаккарднинг асосий тони билан септима тони оралиғидаги септима интервалининг ўзгаришига кўра, Септаккардлар уч турга бўлинади:

катта септаккард, кичик септаккард, камайтирилган септаккард. Септаккардлар тоналликларнинг ҳамма поғонасидан тузилиши мумкин. Септаккарддаги тўртта товушнинг қайси бири басда келишига кўра, улар турлича бўлади. Агар басда асосий тон келса, бу асосий Септаккард ёки Септаккард деб аталади ва 7 рақами билан кўрсатилади. Басда терция тони келса, биринчи айланмасы бўлиб, бу квинтсексаккорд деб аталади ва 6₅ рақами билан кўрсатилади. Басда квинта тони келса, иккинчи айланмасы бўлиб, у терцквартаккорд деб аталиб, 4₃ рақами билан кўрсатилади. Агар

басда септима тони келса, учинчи айланмасы бўлиб, у - секундаккорд деб аталади ва 2 рақами билан кўрсатилади.



597. Сектаккорд - аккорднинг терция тони басда келган айланмасы. Сектаккорд учтовушликларнинг биринчи айланиши бўлиб, 6 рақами билан кўрсатилади.



243. Ёрдамчи партия - соната шакли экспозициясида бош партиядан сўнг келадиган иккинчи партия - мавзу. Ёрдамчи партия ўзга тоналликда ёзилади ва бу тоналлик мустақамланганлигидан сўнг бошланади. Баъзан бош партиядан тугалланиши ва ёрдамчи партиядан бошланиши аниқлаш мумкин бўлмай қолади. Аксари вақт ёрдамчи партия бош партиядан нисбатан кўп ҳажмли ва аниқ кучли қадансда экспозицияни тугатади. Ёрдамчи партиядан бир неча мавзу бўлиш ҳодисалари кўп учрайди. Репризадан ёрдамчи партия асосий ёки унинг номдош тоналлигидан қайтарилади.

244. Ёрдамчи пағоналар - мажор ва минор ладларининг иккинчи, учинчи, олтинчи ва еттинчи (II, III, VI ва VII) пағоналари бўлиб, гармоник тузилиши бўйича асосий пағона (I, IV ва V -)ларга нисбатан камроқ аҳамиятга эга.



245. Ёрдамчи мавзу - соната шаклининг ёрдамчи партиядан таъсирли мавзу.

246. Ёрдамчи тоналлик - асосий тоналликдан вақтинча бошқасига ўтилганда ҳосил бўлган тоналлик.

247. Ёрдамчи учтовушликлар - ладнинг ёндош II, III, VI ва VII пағоналарида тузилган учтовушликлар.




214. Диссонанс (фр. Dissonanse, лот. Dissono - созланмаган товуш) - тингловчини безовта қилувчи, гўё ўзаро қовушмаган (мунофират) товушлар. Катта ва кичик секунда, септима ва нона, орттирилган кварта (учтовушлик), кичрайтирилган квинта интерваллари диссонансга киради. Катта ва кичик учтовушликлардан бошқа ҳамма аккордлар ҳам диссонансга киради. Диссонанс ўткирлик, кескинлик, қайғу - уқубат ва бошқа шу каби ҳолатларни ифодалашда кучли қуролдирки, бу ҳаяжонли ҳолатлар юқори нуктага кўтарилиб, сўнг эмоционал оҳиста ва мулойим товушларда очилиши, яъни консонанс (мулойимат)га ўтиши билан тўла бир образ гавдалантирилади. Диссонансни ўринсиз, хаддан ташқари кўп қўлланилиши формалистик мусиқага хос бўлган бемаъниликка олиб боради.

337. Консонанс (лот. Consonans - келишилган товушлар) - бараварига чалинадиган юмшоқ ва осойишта эшитиладиган икки ва ундан ортиқ товушларнинг биргаликда янграши. Шарқ мусиқа назариясида мулойимат деб аталади. Консонанс товушлар диссонанс (Шарқ мусиқа назариясида мунофират) товушлар билан алмашиб келади. Бошқача айтганда, Консонанс барқарор интервал ёки барқарор аккордир. Консонансга соф прима, квинта, октавалар, катта ва кичик терция, сексталар, айрим вақтларда соф кварта интерваллари, аккордлардан катта ва кичик учтовушликлар киради.




57. Зиддият - аккордларни бир - бирига қўшишда учрайдиган ҳодиса. Икки қўшни аккорднинг турли овозларида, бир турли пағона ҳар хил альтерация белгиси билан келиши. Зиддиятда келган аккорд жуда ўткир, кўпроқ нотўғри, қўпол эшитилади.




598. Секстет (нем. Sextet, лот. sextus - олтинчи) - 1. Олтита ижрочидан тузилган ансамбль. 2. Ҳар бир овози мустақил партияни ташкил этиб, олти ижрочи учун ёзилган муסיқа асари.

599. Секстоль (лот. Sextus - олтинчи) - узунлик миқдори бир турдаги оддий тўрт нотага тенг бўлган олти нота. 6 рақами билан кўрсатилади. Секстоль икки триолнинг қўшилмасига тенг.




604. Септет (нем. Septet, лот. septem - етти) - 1. Еттита ижрочидан тузилган ансамбль. 2. Ҳар бир партияси мустақил бўлиб, етти ижрочи учун ёзилган муסיқа асари.

599. Секстоль (лот. Sextus - олтинчи) - узунлик миқдори бир турдаги оддий тўрт нотага тенг бўлган олти нота. 6 рақами билан кўрсатилади. Секстоль икки триолнинг қўшилмасига тенг.



607. Септоль (лот. Septem - етти) - умумий узунлик миқдори оддий тўрт нота узунлигига тенг бўлган етти нота бўлиб, айрим вақтларда шу кейингиси тўрт нота ўрнига қўлланилади. Септоль 7 рақами билан кўрсатилади.



165. Генерал - бас (нем. Jeneral bass - умумий бас) - рақам кўрсаткичлари билан ёзилган гармониянинг пастки (бас) товушлари. Рақамлар пастки товуш ноталари устига қўйилади. Генерал - бас XVI - аср охирида гомофонли - гармоник тузилиши (жўр қисми билан чалинган куй)да пайдо бўлди ва клавесин ҳамда органларда ижро этила бошланди.

Ижрочи рақам кўрсаткичлари ёрдамида куй речитативга жўр бўлади. Генерал - басни ижро этувчи овозларнинг тўғри боғланишига ва ўрта овозларнинг ҳамда аккорд безакларининг чиройли қўшилишига диққат қилган. XVII - XVIII - асрда Генерал - бас билан ижро эта олиш ҳар мусиқачи - ижрочи ва композитор учун шарт бўлган. XVIII - асрнинг ўрталаридан бошлаб мусиқа асари нота ёзувчида аниқ ва тўла ёзила олиниши имконияти яратилганидан сўнг Генерал - бас ўз мавқийни йўқота бошлади. Ҳозирги вақтда рақамлар билан кўрсатилган бас гармонияни ўрганишда қўшимча қўлланма тартибида фойдаланилади.

166. Генерал - пауза - мусиқа асари ижро этилаётганида ҳамма ижрочиларнинг бир вақтда, бир тактдан кам бўлмаган миқдорда пауза қилишлари, яъни тўхташлари. Охирда Генерал - пауза лотинча “W,P” ҳарфлари билан қисқартирилган ҳолда кўрсатилади.

167. Генерал - репетиция - бирор спектакль ё концертни оммавий кўрсатиш олдидан охирги марта бошдан - оёқ репетиция қилиш (ижро этиш).

598. Секстет (нем. Sextet, лот. sextus - олтинчи) - 1. Олтита ижрочидан тузилган ансамбль. 2. Ҳар бир овози мустақил партияни ташкил этиб, олти ижрочи учун ёзилган мусиқа асари.


214. Диссонанс (фр. Dissonance, лот. Dissono - созланмаган товуш) - тингловчини безовта қилувчи, гўё ўзаро қовушмаган (мунофират) товушлар. Катта ва кичик секунда, септима ва нона, орттирилган кварта (учтовушлик), кичрайтирилган квинта интерваллари диссонансга киради. Катта ва кичик учтовушликлардан бошқа ҳамма аккордлар ҳам диссонансга киради. Диссонанс ўткирлик, кескинлик, қайғу - уқубат ва бошқа шу каби ҳолатларни ифодалашда кучли қуролдирки, бу ҳаяжонли ҳолатлар юқори нуктага кўтарилиб, сўнг эмоционал оҳиста ва мулойим товушларда очилиши, яъни консонанс (мулойимат)га ўтиши билан тўла бир образ гавдалантирилади. Диссонансни ўринсиз, ҳаддан ташқари кўп қўлланилиши формалистик мусиқага хос бўлган бемаъниликка олиб боради.

337. Консонанс (лот. Consonans - келишилган товушлар) - бараварига чалинадиган юмшоқ ва осойишта эшитиладиган икки ва ундан ортиқ товушларнинг биргаликда янграши. Шарқ мусиқа назариясида мулойимат деб аталади. Консонанс товушлар диссонанс (Шарқ мусиқа назариясида мунофират) товушлар билан алмашиб келади. Бошқача айтганда, Консонанс барқарор интервал ёки барқарор аккорддир. Консонансга соф прима, квинта, октавалар, катта ва кичик терция, сексталар, айрим

вақтларда соф кварта интерваллари, аккордлардан катта ва кичик учтовушликлар киради.




321. Квинтсекстаккорд - септаккорднинг биринчи айланмаси, яъни терция тони басда келган секстаккорд. К₆₅ рақамлари билан кўрсатилади.



324. Кичик бошловчи септаккорд - мажор - минор лади системасидаги ПваVII пағона септаккордлари. Ўз тузилишида ярим кичрайтирилган септаккордларга эга бўлса, Кичик бошловчи септаккорд деб аталади.

326. Кичик септаккордлар - терциялар бўйича тузилган септаккорднинг умумий оралиғи кичик септима ҳосил қилса, кичик септаккорд пайдо бўлади. Кичик септаккорднинг қуйидаги турлари бор: 1) кичик мажор ёки доминантсептаккорд (асосий мажор учтовушлиги ва кичик септима); 2) кичик минор ёки оддий кичик септаккорд (асосида минор учтовушлиги ва кичик септима); 3) ярим кичрайтирилган септаккорд (кичрайтирилган учтовушлик ва кичик септима). Бу септаккордлар эшитилишда майин, айниқса, мажор ва минордаги гармоник функцияга эгадир.




328. Кичик учтовушлик - кичик ва катта терциялардан тузилган умумий йиғиндиси соф квинта бўлган учтовушлик. Кичик учтовушликдаги пастки терция - кичик, юқоригиси катта терция бўлиши шарт. Кичик учтовушлик минор учтовушлиги, деб ҳам аталади. Чунки, минор ладнинг биринчи пағонасидан тузилган учтовушлик минор учтовушлиги (тоника учтовушлиги) бўлади.

322. Кенг жойлашиш - тўрт овозли аккордлар жойлашганда иккинчи ва тўртинчи овозлар оралиғи октавадан ортиқ бўлган жойланиш. Биринчи (энг пастки - бас) ва иккинчи овозлар оралиғи бундан мустасно.



Доминантанинг кенг жойлашуви

603. Септаккард - терция бўйича тақсим қилиниши мумкин бўлган, тўртта товушдан тузилган аккорд. Масалан, до - ми - соль - си ёки фа - ля - до - ми - бемоль, ёки ре - фа - ля - до ва ҳ. к. Септаккардни ташкил қилган бу тўртта товушлар ҳар бири маълум бир номга эга; энг пастки биринчи товуш аккорднинг асосий тони деб аталади ва у I рақами билан кўрсатилади. Терция бўйича келган иккинчи товуш аккорднинг терция тони деб аталади ва у 3 рақами билан кўрсатилади. Терция бўйича келган учинчи товуш аккорднинг квинта тони деб аталади ва у 5 рақами билан кўрсатилади. Ниҳоят, терция бўйича келган охириги тўртинчи товуш аккорднинг септима тони деб аталади ва у 7 рақами билан кўрсатилади. Септаккарддаги бу товушлар қайси тартибда келишидан катъи назар, номлари ўзгармайди. Септаккарднинг терция бўйича келиши:



Т-септаккорд

Септаккарднинг асосий тони билан септима тони оралиғидаги септима интервалининг ўзгаришига кўра, Септаккардлар уч турга бўлинади:

катта септаккард, кичик септаккард, камайтирилган септаккард. Септаккардлар тоналликларнинг ҳамма поғонасидан тузилиши мумкин. Септаккарддаги тўртта товушнинг қайси бири басда келишига кўра, улар турлича бўлади. Агар басда асосий тон келса, бу асосий Септаккард ёки Септаккард деб аталади ва 7 рақами билан кўрсатилади. Басда терция тони келса, биринчи айланмаси бўлиб, бу квинтсексаккорд деб аталади ва 6₅ рақами билан кўрсатилади. Басда квинта тони келса, иккинчи айланмаси бўлиб, у терцквартаккорд деб аталиб, 4₃ рақами билан кўрсатилади. Агар басда септима тони келса, учинчи айланмаси бўлиб, у - секундакорд деб аталади ва 2 рақами билан кўрсатилади.



601. Секундаккорд - септиматонибасда келган септаккорд. Секундаккорд септаккорднинг учинчи айланмасидир. Аккорд кўрсаткичи пастига 2 рақами билан белгиланади. Секундаккордда бас товуши билан асосий тон оралиғида секунда интервали ҳосил бўлади (шунгакўра, Секундаккорд номи берилган).



438. Мураккаб каданс - турли ҳолатдаги нотурғун аккордлардан тузилган каданс. Субдоминанта ва доминанта функциясидаги аккордлардан тузилган тўла каданс - биринчи турдаги мураккаб каданс, каданс квартсектаккорди билан келган тўла каданс - иккинчи турдаги мураккаб каданс деб аталади.

543. Плагал каданс - субдоминанта ва тоника аккордлари билан тугалланадиган каданс.


471. Неаполитан сектаккорди - минорда субдоминанта аккордларидан бирининг альтерация қилиниши, яъни иккинчи поғонанинг асосий тони, пасайтирилган сектаккорд (учтовушликнинг биринчи айланмаси). Неаполитан сектаккорди кўпроқ XVIII - асрдаги неаполитан опера мактабининг композиторлари томонидан қўлланилганлиги учун шу ном билан аталган.

646. Субдоминанта (лот. Subdominant - пастки ҳукмрон) - мажор - минор ладларининг тўртинчи асосий поғонаси. Субдоминанта тоникадан квинта пастда келса пастки доминанта деб аталади. Субдоминанта римча IV - поғона ҳам дейилади. Субдоминанта функцияси лотинча S ҳарфи билан кўрсатилади.

671. Терцквараккорд - квинта тони басда келган септаккорд, яъни септаккорднинг иккинчи айланиши. Терцквараккорд 4₃ рақамлари билан кўрсатилади:



Терция тонини мажор ва минор ладларининг исталган поғоналаридан тузиш мумкин.



3. Аккорд товушлари асосий тон, терция тони, квинта тони, септима тони номлари билан аталади. 4. Лад поғоналари. Булардан I - поғонани асосий тон ёки тоника деб, II - VII - поғоналарни - етакчи тонлар деб аташади.


695. Учлик фуга - учта оддий бир овозли мавзудан тузилган фуга бўлиб, булар контрапункт ҳолатида бир йўла уч овозда эшитилади, мавзулар навбат билан уч экспозицияда келиб, сўнг контрапункт тартибида бир экспозицияда қўшиладилар. Бу қўшилишда дастлаб биринчи асосий мавзу, сўнг бунга жавобан келган мавзулар бир йўла қўшилади.

441. Мураккаб уч қисмли мусиқа шакли - уч қисмли шаклнинг кўповозли, ҳар хил қарама – қарши йўналишлар билан, параллел йўналишлар билан ва қияли йўналишларда келиши, бу ўз ўрнида бир овоз жойида қолиб, иккинчиси бошқа томонга йўналиши биланг изоҳланади.

513. Орган пункти - бир товушнинг басда узоқ вақт чўзилиб туриши ёки бир хил баландликдаги товушнинг басда қайтарилиши. Бу вақт юқоридаги товушларда мусиқа асарининг аккордлари (басдаги чўзилаётган товушдан қатъий назар) алмашиб туради. Иккинчи тур орган пункти “педаль” деб аталади. Орган пункти тоника ёки доминантада тузилади. Баъзан бир йўла икки товуш орган пункти бўлиб келадики, буни кўшалок орган пункти деб аталади. бундай орган пункти бир йўла тоника ва доминантада келади (бу кўпроқ халқ мусиқаларида учрайди). Орган пункти бирор ритмик шакл ёки кичик бир куйнинг кўп марта қайтарилишида тузилиши мумкин.




484. Nonakkord - (нонаккорд) - терция бўйича тақсим қилиниши мумкин бўлган 5 товушдан тузилган аккорд.



9

Нонаккорд септаккордга (7га) терция қўшилишидан ҳосил бўлади. Унинг катта ва кичик турлари бор. Катта наонаккорд катта наонадан, кичик наонаккорд кичик наонадан тузилади. Лад поғонасидан тузилган наонаккорд, яъни доминантнонаккорд бошқаларга нисбатан кўпроқ қўлланилади.




V9

485. Нонет (итал. nonetto) - 1. Тўққиз созанда ёки шунча ашулачилардан тузилган ансамбль. 2. Цикли соната шаклида 9 созанда учун ёзилган мусиқа асари.

504. Октет (нем. Oktett, лот. Octo - саккиз) - 1. Саккизта созанда (машшоқ) дан тузилган ансамбль. 2. Ҳар бирининг ўзига хос партияси бўлган саккиз ижрочи учун ёзилган мусиқа асари.

596. Секста (лот. Sexta - олтинчи) - кенглиги олти поғона оралиғида бўлган интервал. Масалан, до - ля, ми - до, фа - ре, ре - си ва б. Секста 6 рақами билан кўрсатилади. Секста катта, кичик, кўпайтирилган ва камайтирилган бўлади. Катта Секста 4,5 тонга тенг бўлиб, қисқартирилган ҳолда К6 деб ёзилади. Кичик Секста 4 тонга тенг, у қисқартириб кич. 6 деб ёзилади. Орттирилган Секста 5 тонга тенг бўлиб, қисқартириб орт. 6 ниҳоят камайтирилган Секста 3,5 тон бўлиб, қисқартириб - кам. 6 деб ёзилади.

597. Сектаккорд - аккорднинг терция тони басда келган айланмаси. Сектаккорд учтовушликларнинг биринчи айланиши бўлиб, 6 рақами билан кўрсатилади.



Тоника

Т₆Т₆₄

699. Фальцет (итал. falsetto - сохта, ясама) - эркаклар овозига хос энг юқори (ингичка) регистр. Фальцетда товуш боғичлари (связка) торайиб, бунинг оралиғида тешик пайдо бўлади. Шунинг учун фальцетнинг кучи кам бўлиб, обертонлари оз ва юмшоқ эшитилади. Фальцет сунъий оҳанглар ва ўзига хос тембри билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам товушни алоҳида тембрда бериш вақтида фальцет қўлланилади.

146. Бўлинган каданс - каденцияга қаранг!

МУСИҚА ШАКЛИ ХАҚИДАГИ АТАМАЛАР

441. Мураккаб уч қисмли мусиқа шакли - уч қисмли шаклга бу ҳақда тўхталамиз.

89. Асосий (бош) партия - 1. Соната шаклининг биринчи қисми бўлган экспозициядаги бош партия. Бу қисмдаги мавзуй (тематик) материаллар асосий тоналликда мусиқа образини гавдалантириб беради. Ёрдамчи партияга ўтишга қадар ўртада келган боғловчи қисмда ёрдамчи партиядаги мавзу оҳангидан фойдаланилади. 2. Баъзан уч қисми ёки рондо шаклларида асосий (қайтарилувчи) қисм шу ном билан аталади.

139. Боғловчи қисм, боғловчи партия - соната шаклида, асосий партиянинг охирида, иккинчи мавзу - ёрдамчи партияни тайёрловчи қисм. Боғловчи қисм одатда бош партия мавзусининг кенгайтирилиши натижасида юзага келади. Экспозицияда боғловчи қисм бош тоналликдан ёндош тоналликка модуляцияланади. Репризада эса ёрдамчи партия тоналлиги ўзгарганлигига кўра, боғловчи қисм ҳам ўзгаради.

137. Бошловчи тон - товушлар тизими (лад) нинг нотурғун товуши бўлиб, тоникадан бир пағона паст ёки юқорида жойлашадиган тон ва у тоникага томон тортилади. Ладнинг VII - пағонаси пастки (ё кўтарилувчи), II - пағонаси эса - юқориги (ёки тушувчи) бош тонлар сифатида ажралади. Одатда бошловчи тон деганда унинг кўтарилувчи тури кўз олдимизга келади, чунки бу кўтарилувчи бошловчи тон асосий тон (тоника) дан ярим тон оралиғида бўлиб, тоникага тортилиши ниҳоятда кучлидир. Бундай бошловчи тон натурал ва гармоник мажор, мелодик ва гармоник минор ладларида учрайди.

319. Квинта тони - аккорд (учтовушлик ва септаккорд)лардаги квинта тони. Аккордни терция бўйича тақсим қилинганда биринчи товуш - асосий тон, иккинчи товуш - терция тони ва учинчи товуш - Квинта тони бўлади.

320. Квинтоль (лот. Quintus - бешинчи) - бир текис келган нимчорак ё ўн олтиталик бешта нотанинг одатдаги тўртта нотага тенг бўлиши. Квинтоль курсив билан ёзилган 5 рақами билан кўрсатилади.




209. Дисгармония - гармониянинг бузилиши, ҳамоҳангсизлик, чолғу асбоб созининг бузилиши.

243. Ёрдамчи партия - соната шакли экспозициясида бош партиядан сўнг келадиган иккинчи партия - мавзу. Ёрдамчи партия ўзга тоналликда ёзилади ва бу тоналлик мустаҳкамланганлигидан сўнг бошланади. Баъзан бош партиянинг тугалланиши ва ёрдамчи партиянинг бошланишини аниқлаш мумкин бўлмай қолади. Аксари вақт ёрдамчи партия бош партиёга нисбатан кўп ҳажмли ва аниқ кучли қадансда экспозицияни тугатади. Ёрдамчи партиёда бир неча мавзу бўлиш ҳодисалари кўп учрайди. Репризада ёрдамчи партия асосий ёки унинг номдош тоналлигида қайтарилади.

214. Диссонанс (фр. Dissonance, лот. Dissonans - созланмаган товуш) - тингловчини безовта қилувчи, гўё ўзаро қовушмаган (мунофират) товушлар. Катта ва кичик секунда, септима ва нона, орттирилган кварта (учтовушлик), кичрайтирилган квинта интерваллари диссонансга киради. Катта ва кичик учтовушликлардан бошқа ҳамма аккордлар ҳам диссонансга киради. Диссонанс ўткирлик, кескинлик, қайғу - уқубат ва бошқа шу каби ҳолатларни ифодалашда кучли қуролдирки, бу ҳаяжонли ҳолатлар юқори нуктага кўтарилиб, сўнг эмоционал оҳиста ва мулойим товушларда очилиши, яъни консонанс (мулойимат)га ўтиши билан тўла бир образ гавдалантирилади. Диссонансни ўринсиз, ҳаддан ташқари кўп қўлланилиши формалистик мусиқага хос бўлган бемаъниликка олиб боради.

219. Доминанта (лот. dominans - ҳукмрон) - мажор ва минор ладларининг бешинчи пағонаси бўлиб, шу ладнинг бош пағоналаридан бири доминанта тоникадан квинта юқорида туради ва рим рақами V ёки лотинча D ҳарфлари билан кўрсатилади. Шунингдек, мажор ва минор ладларининг бешинчи пағонасидан тузилган учтовушлик ҳам шу ном билан юритилади.




596.Секста (лот.Sexta - олтинчи) - кенглиги олти поғона оралиғида бўлган интервал.Масалан, до - ля, ми - до, фа - ре, ре - си ва б.Секстаб рақами билан кўрсатилади.Секстакатта, кичик, кўпайтирилган ва камайтирилган бўлади.Катта Секста4,5 тонга тенг бўлиб, қисқартирилган ҳолда К6 деб ёзилади.Кичик Секста 4 тонга тенг, у қисқартириб кич. 6 деб ёзилади.Орттирилган Секста 5 тонга тенг бўлиб, қисқартириб орт. 6 ниҳоят камайтирилган Секста 3,5 тон бўлиб, қисқартириб - кам. 6 деб ёзилади.



кам.6 кич.6 кат.6 орт.6


220. Доминантали камайтирилган септаккорд - кичрайтирилган септаккорд, тузилишида доминанта функциясига кирувчи септаккорд. Ҳар бир гармоник мажор ва минор тоналликларида биттадан кичрайтирилган доминанта септаккорди мавжуд бўлиб, у VII - пағонадан тузилади.



T Кам.VII7

221. Доминанта функцияси - мажор ва минор лад системасидаги доминанта уч товушлиги (V) ва доминантсептаккорд (V7) функциясига кирувчи аккорддир. Бу аккордлар нотурғун бўлиб, тоника учтовушлиги томон тортилади.

222. Доминантсептаккорд - гармоник мажор ва минор тоналлигининг V пағонаси (доминантаси)дан тузилган септаккорд. Доминантсептаккорд рим рақами V тагига 7 ёзиш билан яъни V7 тарзида кўрсатилади. Доминантсептаккорд ҳар доим тоника томон ечилишини талаб қилувчи аккорд, унинг пайдо бўлиши тоналликни янада аниқлаб беради. Доминантсептаккорднинг тоника учтовушлигига ўтиши мажор - минор лад системасини тузишга асос бўлади ва унинг ечилиши номини олади.




T D7

258. Зич жойлашиш - тўрт овозли аккорднинг юқориги уч овоз ораликлари октавадан ошиқ бўлмаган вазияти, жойлашуви (бас ва ундан юқори тенор овозлари оралиғи бундан мустаснодир).

260. Икки қисмли шакл - мусиқа асарининг бир - бирига яқин икки мавзу материалидан тузилиши. Буларнинг ҳар бири бир даврий, яъни икки жумланинг бирга қўшилишидан иборат бўлади. Икки қисмли шаклдаги 1, 2, ва 4 - жумлалар мазмунан бир - бирига яқин, 3 - чиси эса мавзу ва тоника жиҳатидан уларга қарама - қарши ҳолатда бўлади. Натижада, Икки қисмли шаклнинг иккинчи қисми келиб чиқадики, бу ўзининг тузилиши билан уч қисмли шаклга ўхшаб кетади. Икки қисмли шаклнинг биринчи қисми олдидан бошланғич қисми, иккинчи қисми охирида - кода келиши мумкин.


289. Камайтирилган учтовушлик - терция бўйича келган учтовушлик (кичрайтирилган учтовушлик), орқали икки кичик терция (камайтирилган квинта)дан тузилган учтовушлик.



Кам.5/3

308. Катта учтовушлик - энг яқин ораликда (терция бўйича келган ҳолатда) пастдан катта, сўнг кичик терция ҳосил қилган учтовушлик. Бу терциялар йиғиндиси соф квинтани ташкил қилади. Катта учтовушликни - мажор учтовушлиги деб ҳам аташади.


310. Кварта - квинта доираси - энгармоник бир - бирига тенг кварта - квинта доирасининг қўшилиши. Кварта - квинта доирасининг кўрсаткич белгиси 12 жуфт энгармоник тенг диез ва бемоль тоналликларини ўз ичига олиб, булар доирада ўнг томон боришда (соат стрелкасининг ёки милининг юриш томонига) диезлар ортиб боради. Тескарисига, яъни чап томон боришда бемоллар ортиб боради. Натижада хроматик товушқаторидаги 12 та товушнинг ҳар биридан иккитадан бир - бирига тенг (бири диезли, иккинчиси бемолли) энгармоник тоналликлар ҳосил бўлади. Ҳар бир энгармоник тенг тоналликлардаги альтерация белгилари (диез ва бемоль) ва Ges - dur (7 та бемоль), Fis - dur (6 та диез) ва Ges - dur (6 та бемоль) ва



б.

299. Кантус - фирмус (лот. Cantus firmus - мастаҳкам, ўзгармайдиган) - полифоник мусиқа асарларида бошловчи куй бўлиб, ҳеч қандай ўзгаришсиз турли контрапункт товушлар билан бир неча марта қайтарилади.

306. Катта септаккордлар - терция бўйича тузилиб, паст ва юқориги товушлар оралиғи катта септима ҳосил қилинадиган аккорд. Катта септаккордлардаги интерваллар турли ҳолатларда келиши мумкин. Катта орттирилган катта мажор, катта минордек турлари бор. Булардан катта мажор септаккорди кўпроқ қўлланилади. Катта септаккордлар бирмунча кескин эшитилади.



309. Кварта (лот. Quarta - тўртинчи) - тўрт пағона оралиғидаги интервал. Кварта 4 рақами билан кўрсатилади. Квартанинг соф, камайтирилган, орттирилган ва икки марта орттирилган турлари бор.



311. Квардецима (лот. Quarta - desima - ўн тўртинчи) - ўн тўрт пағонадан тузилган интервал. Квардецима 14 рақами билан кўрсатилади. Квардецима октава (8)га септима (7) нинг қўшилишидан тузилади. Квардецимани кичик ва катта турлари бўлади.

395. Мелизм - куйни турлича қисқа товушлар билан безатувчи белгилар, XVII - асрдан бошлаб қўлланила бошлаган мелизмларга форшлаг, группето, мордент, чизилган мордент, трель ва б. лар киради.

779.Кўш мордент - мелизмнинг бир тури бўлиб, мордент тез суръатда беш нота чалишини кўрсатади: асосий товуш, асосий товушдан секунда юқориги - юқориги ёрдамчи товуш, асосий товушнинг қайтарилиши, яъни юқориги ёрдамчи товуш ва асосий товушнинг қайтарилиши.Кўш мордент белгиси W тарзида ёзилади.

Агар Кўш мордент белгисининг ўртасидан тўғри тик чизиқ чизилса, у ҳолда асосий товуш пастки ёрдамчи товуш билан навбатма - навбат чалинади.

427. Модуляция (лот. Modulation - риоя қилиш, итал. Модуляция, овозни мавж урдириш, товлаш) - мусиқа асарида бир тоналликдан иккинчи тоналликка кўчиш. Янги тоналликка кўчиш оҳиста, маълум

тайёргарликдан сўнггина эмас, кутилмаган ҳолда, қўққисдан бўлиши ҳам мумкин. Модуляциянинг диатоник, хроматик ва энгармоник турлари бор. Модуляцияга оғишма ҳам киради. Оғишма асосий тоналликдан янги бир тоналликка қисқа муддатга ўтиш ва яна асл тоналликка қайтишдир.

437. Мукамал модуляция - бир тоналликдан иккинчисига ўтиб, янги тоналликда мустаҳкамланган модуляция.

522. Оғишма - номукамал модуляция, яъни эски (асосий) тоналликдан янги тоналликка ўтиб, бу янги тоналликда мустаҳкамланмай яна эски тоналликка қайтиши. Кенг тарқалган оғишма (Д) ва субдоминанта доираси оғишмаси (S) ҳисобланади.

530. Пастки бошловчи тон - VIII - поғона, яъни юқориги тониканинг ярим тон пастда бўлган VII - поғона номи. Бошқача айтганда кўтарилиувчи, бошловчи тон ёки оддий қилиб айтганда - бошловчи тон.

531. Пастки медианта - мажор - минор лади таркибидаги VI - поғона. Римча VI рақами билан кўрсатилади.

532. Пастки овоз - кўповозли мусиқада энг пастки, бас товуши. Икки овозли мусиқанинг пастгиси ҳам шу ном билан юритилади.

533. Пастки тетраход - тоналликларда учрайдиган икки тетраходнинг биринчиси, яъни пастгиси. Бошқача айтганда, I - поғонадан IV - поғонага қадар бўлган оралик, интервал.

534. Пастки тоника - ладларнинг I - поғонаси. Ладнинг VIII - поғонаси юқори тоника деб аталади.

523. Оҳангдошлик - бир неча товушларнинг бир йўла эшитилиши. Оҳангдошликнинг асосий турлари қуйидагилар: а) унисон - бир хил баландликда бўлган бир неча товушнинг бир йўла эшитилиши; б) интервал - турли баландликда бўлган икки товушнинг бир йўла эшитилиши; в) аккорд - турли баландликда ва турли баландликда ва турли номда бўлган, учдан кам бўлмаган товушларнинг бир йўла эшитилиши.




524. Оҳангдошлик - бир - биридан кичик терция оралиғида жойлашган, бир хил товушлар. Калит белгиларига эга бўлган мажор ва минор тоналликлар. Товушлар тартиби бир хил бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бирининг функцияси (лад системасидаги ўрин) турличадир. (масалан, до - мажор - ля - минор, ре - мажор - си - минор, ми - бемоль - до - минор ва ҳ. к.).

558. Предъём (аккорд олди) - бирор аккорд товушнинг аккорддан аввал келиши. Предъём тактнинг урғусиз ҳиссасида пайдо бўлиб, бошқа олдинги аккорд товушлари билан аккордни “бузиб”, янгисини тайёрлайди ва бир аккорддан иккинчисига ўтишни таъминлайди.



568. Рақамлаш - аккордларнинг (уст ё остида) рақамлар билан кўрсатилиши. Аккорднинг қайси поғонадан тузилганлиги рим рақамлари билан кўрсатилади. Аккорд турлари эса араб рақамлари билан (рим рақамларининг ўнг томонига, пастроқ) ёзилади. Масалан, рим рақамининг ўнг томонига қўйилган 6 рақами учтовушликнинг биринчи айланиши бўлган сектаккорд эканлиги, рим рақамининг ўнг томонига қўйилган 7 рақами септаккорднинг асосий тури эканлигини, 6/5 эса, септаккорднинг биринчи айланиши бўлган - квинтсектаккордлигини ва ҳ. к. билдиради. Рақамлаш йўли билан кўрсатиш асарни (ижрочи томонидан) ўзлаштириш жараёнини тезлатади.



182. Гранд - опера - (grand - опера - катта опера) - Францияда миллий мусиқа ва рақс академияси ҳисобланмиш йирик Давлат опера театри.

695. Учлик фуга - учта оддий бир овозли мавзудан тузилган фуга бўлиб, булар контрапункт ҳолатида бир йўла уч овозда эшитилади, мавзулар навбат билан уч экспозицияда келиб, сўнг контрапункт тартибида бир экспозицияда қўшиладилар. Бу қўшилишда дастлаб биринчи асосий мавзу, сўнг бунга жавобан келган мавзулар бир йўла қўшилади.

569. Рақамли система - мусиқани рақамлар билан ёзиш системаси. Рақам билан ёзилган қадимги табулатура ҳам рақамли системага киради. Ҳозирги вақтда рақамли система халқ чолғу асбобларини илк бора ўрганаётганларга енгиллик туғдириши учун қўлланилади. Бу система

чолғу асбоблардаги торлар нота чизиғи ўрнини эгаллайди. Бунда дастаси пардалар тартиби рақамлар билан кўрсатилиб, юқориги чизиқ биринчи бўлиб (юқоридан пастга) ҳисобланади.

2. Соната шаклида ривожловдан сўнг келадиган асосий қисм. Реприза экспозицияда бош мавзуга нисбатан бошқа бир тонликда келади. Репризанинг берилишидан мақсад - сонатадаги асосий мусиқа образини яқун яшаш ва асосий ғояни тасдиқлаб олишдир. 3. Оддий уч қисмли шаклдаги мусиқа асарида биринчи қисмнинг ҳеч қандай ўзгаришсиз қайтарилиши.

		Кириш	Экспозиция				Ривожлов	Реприза				Кода
Мавзу	Пролог мавзу	Бош партия	Боғловчи партия	Ёрдамчи партия	Яқунловчи партия	Жумланинг ривожлантири ш ёки янги мавзу	Бош партия	Боғловчи партия	Ёрдамчи партия	Яқунловчи партия	Мавзу натижаси (кўпинча бош партияга асосланиб)	
Тоналликлар	Мажор	T (S)	T	Ўтиш	D	D	Ихтиёрий	T	T	T	T	T
	Минор	t (S)	t	Ўтиш	Ш	Ш		t	t	t	t	t

584. Ривожлов - соната аллегросининг ўрта, яъни иккинчи қисми. Бу қисмда биринчи экспозициядаги мавзулар кенгайтирилиб ривожлантирилади. Ривожлов эркин тузилишга эга бўлиб, тоналликларнинг тез - тез ўзгариши, мавзулар майда қисмларга бўлиниши, турли қарама - қарши элементларнинг тез қайтарилиши билан ажралиб туради. Соната шаклида ривожловдан сўнг реприза келади.



кам.6 кич.6 кат.6 орт.6

209. Дисгармония - гармониянинг бузилиши, ҳамоҳангсизлик, чолғу асбоб созининг бузилиши.

479. Номукаммал модуляция - бир тоналликдан иккинчи тоналликка ўтиш, янги тоналликда мустаҳкамланган модуляция, яъни оғишма.

522. Оғишма - номукаммал модуляция, яъни эски(асосий) тоналликдан янги тоналликка ўтиб, бу янги тоналликдамустаҳкамланмай яна эски тоналликка қайтиши. Кенг тарқалган оғишма(Д) ва субдоминанта доираси оғишмаси(S) ҳисобланади.

178. Горизонтал - **ҳаракатчан контапункт** - куйлари горизонтал силжувчи контрапункт.

496. Овозлар йўналиши - кўп овозли мусиқа асарларида ҳар бир овоз ҳаракати. Бир вақтда эшитилаётган икки ёки кўп овознинг бир - бирига бўлган муносабати. Овозлар йўналиши ўзига мустақил ҳаракат қилаётган, бир асосий (юқори) куйчан овозга бўйсунувчи аккорд, ё фигурация тартибида келиши мумкин. Овозлар йўналиши тўғри, яъни бир томон (паст ё юқорига) ёндош, қарама - қарши (турли томон ҳаракат қилувчи) ва бири бир баландликда туриб, иккинчиси ҳаракат қилувчи ҳолда бўлиши мумкин.

497. Овозларнинг қарама - қарши йўналиши - бир вақтда икки овознинг турли томон ҳаракати, яъни бир товушнинг юқори, иккинчисининг паст томон кетиши.

558. Предъём (аккорд олди) - бирор аккорд товушнинг аккорддан аввал келиши. Предъём тактнинг урғусиз ҳиссасида пайдо бўлиб, бошқа олдинги аккорд товушлари билан аккордни “бузиб”, янгисини тайёрлайди ва бир аккорддан иккинчисига ўтишни таъминлайди.



Си-бемоль мажор (B-dur)

356. Кўмакдош нота - 1. Асосий аккорд товушидан секунда юқори ё куйида келган нота. У аккорд товушига қайтади. Кўмакдош нота турлари : а) юқorigи ё пастки қўшимча ноталар; б) ёзилган аккордлар пардасидаги товушлардан келган диатоник қўшимча ноталар ёки ярим тон кўтариб ё пасайтириб ёзилган аккордлар тоналлигидаги товушларда келган хроматик қўшимча ноталардир. 2. Асосий товушдан секунда юқори ё куйи келган товуш - мелизм.

357. Кўповозли мусиқа - маълум баландликда бўлган бир неча овознинг бир йўла эшитилиши.

502. Оддий фуга - бир мавзу (бир овоз)ли фуга.

ПОЛИФОНИЯГА ХОС АТАМАЛАР

550. Полифония - (юн.Poli - кўп, phone - товуш, овоз) - кўповозли мусиқа тури, хар бири алоҳида мустақилликка эга бўлган бир неча куйнинг гармоник қўшилиб, мураккаблашиб ривожланиши. Полифониядаги овозлар турли оҳанг(интонация), ритм, авж(кульминация), каданслар, хатто динамик туслар ва тембрларда бўлишларидан қатъи назар, улар қўшилиб, бир умумий эшитилишга бўйсундилар. Мусиқа тузилишида полифониянинг ахамияти жуда муҳим, чунки бундаги куй, ритм, лад ва гармониялар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. Ўзига хос бир неча куйнинг қўшилиб келиши. Гармоник юксалиши турлича бадий образларни яратишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам мусиқа жанрларининг турли шакллари(фуга, инвенция, канон ва б.)да полифоник тузилишлардан қўлланилади.


Контрапунктли, имитацияли, инвенцияли полифония услублари бўлади. Шунга кўра, полифония кенг маънодаги контрапункт истилоҳи бир

тушунчани англатади.Полифония халқ ижоди маҳсулоти бўлиб, касбий мусиқада турлича ва кенг тарқалганва ривож топмоқда.

Ғарбий Европада ва рус классик композиторлари ўз асарларида полифониядан кенг фойдаланганлар.Композиторлардан И. С. Бах ва Гендель ижодида полифония янада ривожланган.Рус классик мусиқасида, рус композиторлари ижодиётида полифония муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбек халқ мусиқасига кўповозли мусиқа анъаналарини тадбиқ этишда полифония алоҳида аҳамиятга эга бўлди.1920 - йилларда ўзбек халқ куйларини гармониялашда полифония шаклларида фойдаланилди ва бу тажриба келгусида кўповозли йирик асарлар яратишда Ўзбекистон композиторларига омил бўлди.

338. Контрапункт (лот. *Pinetum contra punctum* - нуктага қарши нукталар, яъни нотага қарши ноталар) - 1. Ўзига хос оҳангдорликка эга бўлган икки ё бир неча куйнинг бир йўла келиши. 2. Асосий мавзу билан бир вақтда эшитиладиган куй. 3. Товушларнинг контрапункт ҳолатда келишини ўрганувчи фан бўлиб, улар услубдаги ва эркин услубдаги Контрапункт номлари билан икки турда қўлланилади. Контрапунктдан ХХІ - асрнинг бошларидан бошлаб “Пентатоникс” гуруҳи оқилана фойдаланиб келмоқда. Бу гуруҳ а капелла тарзида машхур бўлган кўшиқларни тараннум этиб келмоқда.




500.Оддий контрапункт - икки ва ундан кўп овознинг полифоник қўшилиши(бир вақтда эшитилиши), ундаги интерваллар ёки булар ўртасидаги ритмик муносабат ўзгартирилиши орқали мусиқий маъно ўзгаради.

502.Оддий fuga - бир мавзу(бир овоз)ли fuga.

513.Орган пункти - бир товушнинг басда узоқ вақт чўзилиб туриши ёки бир хил баландликдаги товушнинг басда қайтарилиши.Бу вақт юқоридаги товушларда мусиқа асарининг аккордлари(басдаги чўзилаётган товушдан қатъий назар) алмашиб туради.Иккинчи турорган пункти “педаль” деб аталади.Орган пункти тоника ёки доминантада тузилади.Баъзан бир йўла

икки товуш орган пункти бўлиб келадики, буни қўшалок орган пункти деб аталади. бундай орган пункти бир йўла тоника ва доминантада келади (бу кўпроқ халқ муסיқаларида учрайди). Орган пункти бирор ритмик шакл ёки кичик бир куйнинг кўп марта қайтарилишида тузилиши мумкин.



358. Кўчма (силжувчан) контрапункт - овозларни аралаштириб бериш асосидаги полифоник таъбирлаш. Масалан, юқориги овозни пастга, аксинча, пастгисини юқорига силжитиш вертикал - силжувчан контрапункт, мавзунинг қайтарилишида овозларни бир оз олдин ё кейин бошлаш - горизонтал - силжувчан контрапункт деб аталади.

500. Оддий контрапункт - икки ва ундан кўп овознинг полифоник қўшилиши (бир вақтда эшитилиши), ундаги интерваллар ёки булар ўртасидаги ритмик муносабат ўзгартирилиши орқали муסיқий маъно ўзгаради.

439. Мураккаб контрапункт - икки ё ундан кўп овознинг полифоник қўшилиб, бир йўла эшитилиши. Бунда интервалларнинг маълум миқдорда ўзгариши билан булар орасидаги ритмик тафовутга қарамай, мусиқанинг мазмуни бузилмайди.

778. Қўш контрапункт - икки оҳангнинг қўшилиши, бунинг қайтарилишида оҳанглар ўрнини алмаштириш, яъни пастгисини юқори чиқазиш, аксинча юқоригисини қуйи тушириш мумкин бўлади. Бошқача қилиб айтганда икки овозли вертикал ҳаракат қилувчи контрапункт бўлади.

357. Кўповозли муסיқа - маълум баландликда бўлган бир неча овознинг бир йўла эшитилиши.

358. Кўчма (силжувчан) контрапункт - овозларни аралаштириб бериш асосидаги полифоник таъбирлаш. Масалан, юқориги овозни пастга, аксинча, пастгисини юқорига силжитиш вертикал - силжувчан контрапункт, мавзунинг қайтарилишида овозларни бир оз олдин ё кейин бошлаш - горизонтал - силжувчан контрапункт деб аталади.



548. Политоналлик (юн. Poli - кўп ва тоналлик) - кўповозли мусиқада бир йўла ҳаракат қилувчи овозларнинг турли тоналликда келиши.

549. Полифоник вариациялар - полифонияга мансуб мусиқа шаклларида турлича йўл билан ишланган вариациялар. Полифоник вариациялар ўзига хос тугалланган мусиқа шакли сифатида вариация цикллари - пассакалья, чаконаларни ташкил қилади.

760. Юқориги тоника - ладнинг VIII - поғонаси.

758. Юқориги овоз - икки ва кўповозли мусиқада энг юқори овоз.

759. Юқоридаги тетрахорд - ладларнинг баланд тўрт поғонаси (V - ва VIII - поғоналар оралиғи).

178. Горизонтал - ҳаракатчан контапункт - куйлари горизонтал силжувчи контрапункт.

МАҚОМЛАРГА ВА БАХШИЧИЛИККА ХОС АТАМАЛАР

1 Авж – мусиқа баёни ва ривожда энг юқори нуқта. Араб –форс мусиқа назарияси, хусусан, ўн икки мақом тизимидаги шўьбалардан бири. Ўзбек мусиқа меъросининг мақом, ашула, катта ашула каби йирик шаклдаги намуналарида бир неча хил А.лар учрайди. Булар ўрта А.лар, катта А. Деб белгиланиб, “Ушшоқ”, “Мухайяр”, “Турк”, “Зебопарӣ” сингари номлар билан аталади. А.лар айниқса мақомларда алоҳида аҳамиятга эга. Мақомларнинг турли қисмларида кетма-кет бир неча А. учраши мумкин. Агар бир мақом авжидан кичик бир қисми иккинчи мақомнинг авжида келса намуд деб аталади. “Уззал”, “Мухайяр”, “Наво”, “Зебопарӣ”, “Турк” авжлари дейилганда “намуд” атамаси қўшилмайди. Бузрук мақомининг Сарахбор, Талқини Уззол, Уфори Уззолларида келадиган “Мухайяр” авжи Бузрук мақомидаги “Мухайяр” авжи билан оҳангдош.

2 Авж – акс – юқори-паст товушлар оралиғи. Зил-бом, Зару-бом деб ҳам аталади.

3 Авжи миёна – ўрта авж. Ҳар бир ашуланинг ўзига хос авжи бўлади. Йирик ашулаларда эса бир неча авж келиши мумкин. Мана шулардан ўрта пардаларда бўлган дастлабки авж –ўрта авж деб юритилади.

4 Авжи турк – Турк авжи – Шашмақомнинг ашула қисми шўьбаларида келадиган катта авж бўлиб, намуд вазифасини бажаради, лекин маълум бир шўьбадан олинмайди.

5 Ажам –ўзбек, тожик халқлари мусиқа меросидаги чолғу куйлар. Бизгача Сегоҳ мақомининг Мушкилот (чолғу) бўлимида Муҳаммаси

авж, Наср (ашула) бўлимида Наврўзи ажам (тароналари билан) етиб келган ва халқ орасида кенг тарқалган.

6 Айтим йўли – Хоразм мақомларининг вокал(ашула) бўлими. Олти мақомнинг деярли ҳаммасида Тани мақом, Наср, Талқин каби асосий ва уларга асосланган Сувора, Уззол, Фарёд, Уфар каби қисмлар мавжуд. Бу номлар турли мақомларда қайтарилади ва доира усуллари бир хил бўлишига қарамай, бир – биридан куй жиҳатдан фарқланади. Хоразмда мақомларнинг чолғу бўлимлари “чертим йўли” деб аталади. Ўтмишда эса чертим йўли – мансум, айтиш йўли – мансур деб аталган.

7 Ансамбль (фр. ensemble - биргаликда). – 1. Вокал ё чолғу мусиқа асарининг бир неча ижрочи томонидан ижро этилиши. 2. Бир гуруҳ артистларнинг бир бутун бадиий жамоа ҳолида чиқиши. 3. Унча катта бўлмаган ашулачи (вокал) ё чолғучи (созанда)лар жамоаси учун яратилган мусиқа асари. Агар икки ижрочи учун бўлса – дуэт, уч ижрочи трио – ёки терцет, тўрт ижрочи – квартет, беш ижрочи – квинтет, олти ижрочи – секстет, етти ижрочи – септет, саккиз ижрочи – октет ва ҳ.к. баъзан ансамбль сўзи оркестр ёки хор атамасининг кичрайтирилган турига ёки оркестр, хор ва балетнинг кичик тўдасига нисбатан ҳам айтилади. Опера, оратория, кантата ва мусиқали драмаларда ҳам ансамбллар бўлади.

Ансамбль атамаси яхши тузилган ва юксак ижроси билан ажралиб турадиган бадиий жамоаларга нисбатан ҳам қўлланилади: Ўзбекистон Давлат телерадиосининг дуторчи қизлар, Ю.Ражабий номидаги мақомчилар, М.Турғунбоева номидаги “Баҳор” Ўзбек Давлат ракс ансамбллари ва б.

8 Баёт –1. Тошкент – Фарғонада машҳур мақом йўлларидаги беш қисмдан иборат йирик ашула туркуми. 2. Наво мақомининг наср бўлимидаги йирик ашула йўлларида бири. Шу мақомнинг мушқилот бўлимида Мухаммаси Баёт куйи мавжуд.

9 Бастаи нигор –мумтоз куйлардан бири. Шашмақомда “Мухаммас”, Хоразм мақомларида “Сақил” номи билан қўшиб юритилади.

10 Бахши – шоир – дўмбира ёки дутор жўрлигида дoston йўлларида ижро этиш билан бирга, турли мавзуларда ўзлари ҳам шеър ва дostonлар яратувчилар.

11 Баяти – Озарбайжон халқ ашуласи. Баяти катта авжларга эга, шунга кўра буни кўпроқ профессионал ашулачи (гусан, ашуғ)лар ижро этади. Баятига халқ чолғу асбобларидан тор, камонча ва созлар

жўр бўлади. Мугамлар таркибида Гулистон Баяти Шероз каби қисмлар мавжуд.

12 Бакси – қарақалпақ халқ ашулалари ижрочиси. Одатда, Баксилар дугтор жўрлигида лирик ашулалар айтадилар. Тўрткўллик Муса Бакси, шоббозлик Жума Бакси, чимбойлик Шерназар Баксилар ўтган асрнинг иккинчи ярмида яшаган қарақалпақ халқининг атоқли Баксилари бўлганлар. Кейинги даврда халққа танилган Баксилар Жапақ Бакси Шомуродов, Эшчан Бакси Хожамберган Бакси, Қурбонниёз Баксилардир.

13 Бешқарсак –чолғу асбобисиз чапак чалиб ижро этиладиган давра кўшиғи, ўйин. Бу ўйин (рақс)да даврадагилар чапак чалиб ашула айтадилар. Ўйинчи давра ўртасида рақсга тушади. Бешқарсак Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятларида тўй ва сайилларда ижро этилади.

14 Билина, былина – ривоятли дoston. Қадимий рус эпик достонидир. Билинада Илья Муромец, Садко, Алёша Папович сингари қахрамонларнинг баходирликлари баён қилинади. Билина ижросига гусли ёки бошқа бирор чолғу асбоби жўр бўлади.

15 Бозгўй – қайтариқ, маълум бир куй таркибидаги муайян бўлакнинг ҳар доим такрорланиб келиши. Кўпроқ мақомларнинг мушкilot (яъни чолғу) қисмида қўлланилади. Бозгўй мақомдаги ҳар бир хонадан сўнг қайтарилади. Баъзан икки- уч хонадан сўнг бир Бозгўй келиши ҳам мумкин. Масалан, Бузрук мақомининг мушкilotидаги “Тасниф”да ҳар бир хонадан сўнг Бозгўй келса, шу мақомнинг “Таржеъ”, “Гардун”ларида 2-3 хонадан сўнг бир Бозгўй келади; ҳар доим бир турда қайтарилмай, кичик ритмик ва оҳанг ўзгаришлари билан ҳам келиши мумкин. Кўпинча Бозгўйлар куй тугалланишини таъминлайди. Мисол учун “Бузрук” мақомининг мушкilot қисмидаги “Тасниф”нинг бошланғич пардаси:

16 Бозингар – Бухорода раққос- ўйинчи шу ном билан юритилади.

17 Бузрук – (улуғ, хурмат) – 1. Шашмақомдаги мақомлардан биринчиси. Хоразм мақомларида Бузрук иккинчи бўлиб келади. Бошқа мақомлардек Бузрук мақоми ҳам икки асосий қисмга бўлинади: мушкilot (Хоразмда чертим йўли деб аталади, наср Хоразмда айтим йўли деб аталади). Чолғу мусиқаларидан иборат бўлган Мушкilotга – Тасниф, Таржеъ, Гардун, Мухаммаси Бузрук, мухаммаси Насруллои, Сақили Ислимхони, Сақили Султонлар киради. Хоразм Бузрук мақомининг чертим қисмида юқорилардан ташқари Пешрав, Сақили Ниёзхўжа киради. Тасниф эса мақоми

Бузрук ёки тани мақом номи билан юритилади. Вокал мусикаларидан иборат бўлган Насрга – Сарахбор, Тарона, Талқини Уззол, Насруллои, Насри Уззол, Сипориш, Уфарлар ва бошқалар киради. Хоразм Бузрук мақомининг айтим қисмига юқорилардан ташқари яна Сувора киради. Сарахбор қисми – мақоми Бузрук номи билан юритилади.

2. XIII-XVII- аср ўрталарида Марказий Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган.

18 Буслик – (Абу Салик, мақоми Буслик) XIII-XVII- асрларда Марказий Осиёда (асосан, ўзбек ва тожикларда) Озарбайжон ва Хуросон халқлари мусика илми ва амалиётида кенг тарқалган ўн икки мақомнинг учинчиси. Буслик мақомнинг товушқатори ҳозирги фригий лади товушқаторига тўғри келади:

19 Бўз турғай – кенг тарқалган чолғу куйлардан.

20 Гардун –(фалак, осмон, тақдир) – шашмақомнинг Мушкилот(чолғу) қисмидаги куй. Мақомларда Гардун бўлимига кўра, буларни Гардуни Бузрук, Гардуни Рост, Гардуни Наво ва ҳ.к. тартибда аталади. Ироқ мақомида Гардун учрамайди. Гардун мураккаб ўлчовда, яъни 5/4, 2/4, 3/4да келади.

Таркибида бўлиб, хажми у қадар катта эмас.мақомлардаги Гардунларнинг номи ва дойра усуллари бир турли бўлишига қарамай, куй жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Хоразм мақомларидан фақат Рост мақомида Гардун учраб, буни Пешрави Гардун деб юритилади. У 2/4 ўлчовида келади.

21 Дийралишма (ўзб.) – Хоразмда бир неча ашулачилар ўртасида ўтказиладиган мусобақа. Дийралишма ўтмишда куйидаги тартибда ўтган: ашулачилардан бири бошланғич “Суввора”ни бошлайди. Бунинг тугаши билан иккинчи ашулачи шу ашулага бошқа бир шоир ғазалини мослаб айтади. Шу тартибда бошқа ашулачилар ҳам янги ғазаллар билан “Сувора”ни қайтарадилар. Ашула авжини яхши ва чиройли айтган ижрочи ғалаба қозонади.

22 Диний мусика асосан черковларда ижро этилади.

23 Довудий, Довудий овоз (араб, ёқимли куй) – кучли ва ёқимли овоз маъносида. Ривоятларга кўра, Довуд пайғамбар яхши машшоқ бўлган. Шу туфайли яхши хонандалар, баъзан созандалар маҳоратига баҳо берганда унга тенглаштирилади.

24 Достон – наср ё назмий матнга асосланиб мусика билан айтиладиган поэма, эртак, тарих ва б. Бу достонларнинг кўп қисмлари

чолғу асбоб (дўмбира, дутор) жўрлигида маълум бир оҳангда айтиладики, бу дoston йўли деб юритилади.

25 Достончи – дoston йўллари ижро этувчи бахши, шоир, жирчи ёки жиров.

26 Дугоҳ , мақоми дугоҳ –(ду – икки, гоҳ – ўрин, жой иккинчи ўрин, икки парда)- Шашмақомга кирувчи мақомларнинг тўртинчиси. Дугоҳ бошқа мақомлардек чолғу ва ашула қисмларга бўлинади, лекин улардан кўпроқ (40 дан ортиқ) куйларни ўз ичига олади. Унинг (Мушкилот) қисмига Тасниф, Пешраф, Таржеъ, Гардун, Самовий, Мухаммаси Дугоҳ, Мухаммаси Чоргоҳ, Мухаммаси Хожи, Мухаммаси Хўжа, Мухаммаси Чор Сархона ва Сақили Ашқуллолар киради. Ашула (наsr) қисмига Сарахбор (I-V- тароналари билан), Талқини Чоргоҳ, насри Чоргоҳ, Ораз, Хусайний, Чоргоҳ, Савти, Мўғилча, Сарахбори Оромижон, Уфар ва б. Киради. Дугоҳнинг Хоразм вариантыда баъзи бир ўзгаришлар бор. Масалан, чолғу қисмида Таснифни – Мақоми Дугоҳ (Тани мақом) номи билан юритилади. Айрим қисмлар ўрнига Зарбулфатх, Пахта зарб ва Уфорлар киради. Ашула қисми Сарахбор номи билан аталиб, айрим бўлаклари ўрнига – Нақш, Баёт, Суворалар киради.

27 Дугоҳ Хусайний – Тошкент, Фарғона кенг тарқалган мақомсимон беш қисмли вокал(ашула) туркуми.

28 Дузулу – Хоразмда чолғу асбобларининг сози ё созланиши.

29 Дунаsr – мақомларнинг бошланишидаги маълум бир қисмининг юқори пардаларда (авжда) қайтарилиши. Дунаsr мақомларда октава маъносида қўлланилади.

30 Ёввойи чоргоҳ –Тошкент, Фарғона хонандалари ижро қилган “Чоргоҳ”нинг чолғу асбобларисиз айтиладиган варианты бўлиб, бунда ҳар бир ижрочи мелодик ўзгаришлар билан айтганлар. Мелодик ўзгариш асосан ашуланинг катта авж қисмида бўлиб, бунда хонанда ижрочилик маҳоратини намойиш қилишга интилган (ашуланинг авж қисмини энг юқориги товушларда айтиш, ашула ритмининг бузилишига қарамай, узоқ муддат чўзиш ва ҳ.). ҳозир бу тартибда ижро қилиш йўллари қўлланилмайди.

31 Ён қарс – ўзбек анъанавий рақсларида чалинадиган дойра усули.

32 Ёғоч ўйин – икки ёғочни бир-бирига уриб ўйнаш.

33 Жавзий – ўн икки мақом шўъбаларидан бирининг номи.

34 Жираву, жирав – халқ чолғу асбобларидан қобуз жўрлигида дoston йўллари айтувчилар. Жиравулар репертуарида қарақалпақ дostonларидан “Алпамис”, “Маснатша”, “Қирқ қиз” ва б. Бўлган.

Қўнғиротлик Нурабдулло, Чимбойлик Абдурасул, Тахтақўприклик Изамбетлар ўтган асрнинг иккинчи ярмида халқ орасида танилган. Жираулардан бўлганлар.

35 Зангула, мақоми Зангула (форс. қўнғироқча)- XIII-XVII- аср ўрталарида Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган ўн икки мақомнинг саккизинчиси.

36 Зарбулфатҳ – Хоразм мақомларидан Дугоҳнинг чертим(чолғу) қисмида Сақили Феруздан сўнг ижро этиладиган куй.

37 Зебо пари –Шашмақомнинг ашула қисмида келадиган катта авж бўлиб, намуд вазфасини бажаради. Шу авжни катта моҳирлик билан ижро этган ҳофиз номи билан аталган бўлиши мумкин.

38 Зикр – диний маросим. Зикр Ислом динига хос бўлиб, асосан мажлисларда, шунингдек хонандаларда кўп миқдордаги кишиларнинг йиғилишиб доира шаклида тик айланишидир. Бунга яккахон – ҳофиз диний шеърларни муайян куйчан оҳангда ижро этади, доирадаги кишилар эса айланиб, “ё олло”, “хайё ҳув” ва бошқа шу каби сўзлардан овоз чиқариб унга жўр бўладилар. Бундай маросим баъзан хотин – қизлар орасида ҳам учрайди.

39 Ижрочи – ашула айтувчи ёки бирор чолғу асбобида чаладиган мусиқачи. Ижрочилар махсус ўқув юртларда (мусиқа билим юрти ва консерваторияларда) ўрта ва олий маълумот оладилар.

40 Ироқ мақоми – Мақоми ироқ – 1. Шашмақом таркибидаги мақомларнинг олтинчиси. Мақоми ироқ бошқа мақомлардек, чолғу(мушқилот) ва ашула(наسر) қисмларига бўлинган бир қанча куйлардан иборат. Мақоми ироқнинг чолғу қисмига Тасниф, Таржеъ, Мухаммас, Сақил I – II ва Сақили Калон киради. Ашула қисмига Сарахбор (I-VI тароналари билан), Мухайяри Ироқ, Чинбари Ироқ ва Уфар киради. Хоразм вариантидачолғу қисмидаги Тасниф Мақоми Ироқ ёки Тани мақом деб айтилади.


41 Исфахон, Мақоми Исфахон – XIII- аср ўрталарида Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган.

42 Катта авж – катта ашула ва мақомларда энг юқори авж. Бир неча хил авжлар бўлади. Булардан энг юқориги товушларда келадиган асарнинг катта авжи деб аталади. Катта ашула ё мақомларнинг асосий шўъбалари ижро этилганда катта авж қисми ашулачи ҳофизларнинг энг моҳирларига топширилади.

43 Катта ашула- Фарғона водийси, қисман Тошкентда ижро этиладиган ашуланинг бир тури. Катта ашулага ҳеч қандай чолғу асбоби жўр бўлмайди, ижрочи ҳофизнинг қўлида кичик бир патнис

ёки ликопча бўлади. Патнис товушни маълум даражада баланд чиқаради, товушни бир томонга йўналтириш ва усулни йўқотмай, чертиб туриш учун хизмат қилади (шунинг учун Катта ашула баъзан “патнис ашула” ҳам дейилади). Катта ашула ижро этувчининг овози баланд ва нафаси кенг (узун) бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам бу ашулани кўпроқ профессионал ашулачилар ижро этишади. Одатда, Катта ашулани икки, баъзан уч-тўрт ашулачи одатда тик турган ҳолда ижро этади. Ашуланинг бошланғич қисмини биринчи ашулачи бошлайди, у тўхтаб, иккинчи ашулачи давом эттиради. Ашуланинг авж қисмини эса учинчи ашулачи (агар икки киши бўлса - биринчиси) бошлайди. Ашуланинг авж қисмида ёки тушириш қисмида бошқа бир ашулачи унга ҳамроҳ бўлиб, тугалланиш қисмини ҳамма ашулачилар баробар айтиб тамомлайдилар. Кўпроқ речитатив ва декламацион характерда бўлган бу ашула жанрининг сўзлари тингловчига аниқ эшитилади. Катта ашулада кўпроқ Навоий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Хазиний ва Мискинларнинг лирик, ишқий ва диний шеърлари айтилган. Ижрочилар кўпроқ “Бир келсин”, “Кўп эрди”, “Адашганман”, “Шафоат”, “Нома ёзмадинг”, “Бир келиб кетсун” каби Катта ашулаларни жуда севиб айтадилар.

КАТТА АШУЛА- ФАРҒОНА ВОДИЙСИ, ҚИСМАН ТОШКЕНТДА ИЖРО ЭТИЛАДИГАН АШУЛАНИНГ БИР ТУРИ. КАТТА АШУЛАГА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ЧОЛҒУ АСБОБИ ЖЎР БЎЛМАЙДИ, ИЖРОЧИ ҲОФИЗНИНГ ҚЎЛИДА КИЧИК БИР ПАТНИС ЁКИ ЛИКОПЧА БЎЛАДИ.



44 Катта самоъ – ўзбек рақсларида чалинадиган дойра усулининг номи.

45 Катта ўйин – дойра, ноғоралар (баъзан сурнай) жўрлигида ижро этиладиган ўзбек рақсларидан бўлиб, тузилиши сюита шаклида бўлади.

46 Лаган ўйин, тоғора ўйин – халқ чолғу асбоблари жўрлигида ижро этиладиган Фарғона водийси, шунингдек Тошкент ва Тожикистоннинг айрим жойларида кенг тарқалган қадимий халқ рақсларидан. Лаган ўйинида раққос ҳар икки кўлида қайроқ чалиб бошига кўйилган сопол лаганни ўйин жараёнида белига туширади ва яна бошига чиқаради. Хоразмда бу ўйин “Коса ўйин” деб аталади.

47 Лайзонгул – эрта баҳорда очиладиган гулга қарата айтилган куплетли кичик кўшиқ.

48 Лола сайли – эрта баҳор лола гули очилганда боғ-далаларда ўтказиладиган байрам – сайил. Лола сайлида айтиладиган маълум кўшиқ ва ашулалар бўлган. Композитор А.Ф. Козловский Лола сайлига бағишлаб симфоник оркестр учун йирик мусиқа асари яратган. “Лола” номи билан аталган уч қисмли бу симфоник сюита куйидаги мазмунни ўз ичига олади: 1.Лола терувчиларнинг бозор

майдонида тўпланиб ва уларни кузатиш. Кўча манзаралари. 2. Фарғона боғларидаги тун. 3. Лолачиларнинг қайтиши. Лолалар билан юриш.

49 Мавриги хони – Бухорода лирик характердаги рақслар билан ижро этиладиган туркумли кўшиқлар ва ашулалар йўллари.

50 “Манас” – қирғиз халқининг қахрамонлик эпоси(достони). “Манас” речитатив ҳолатда ижро этилади. Ҳозирги даврда “Манас”нинг тўла варианты ёзиб олинган.

51 “Манасчи” - “Манас”ни ижро этувчи. “Манасчи” бу жанрни чолғу асбоби жўрлигисиз оҳанглаштириб айтилади.

52 Маросим мусиқаси – халқ орасида турли маросимларда ижро қилинадиган мусиқа.

53 Маросим кўшиғи - турли маросимларда ижро қилинадиган халқ кўшиқлари. Тўй маросимларида айтиладиган ё сурнайда чалинадиган “Ёр-ёрлар” ва турли лапарлар, болаларни ухлатишда оналар томонидан айтиладиган “Алла”лар, мотам маросимларида айтиладиган марсиялар шулар жумласидандир.

54 Марсия – яқин кишисининг вафотидан сўнг, ғам- алам ифодасида хотин- қизлар томонидан чолғу асбобисиз айтиладиган ашула.

55 Мақом –(турар жой, ўрин, парда) – мусиқа чолғу асбобларида парда ва товушлар ўрнини билдирган. Мақом сўзи турли маънода ишлатилади. Абу Наср Фаробий ва Абу Али ибн Синолардан бошлаб бутун Ўрта Осиё мусиқа назариячилари “мақом” сўзини аниқ бир лад маъносида ишлатганлар. Мақом Шарқ халқлари ўртасида қадим замонлардан мавжуд бўлган: созанда, хонандалар томонидан яратилган ва тобора тараққий топа бошлаган мусиқа жанридир. Исфохон, Мақоми Исфохон – XIII-XVIII асрларга келиб, Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқлари мусиқасида ўн икки мақом мавжуд бўлган. Булар – Раҳовий, Хусайний, Зангула, Рост, Ушшоқ, Наво, Буслик, Ҳижоз, Ироқ, Исфохон, Зирафканд ва Бузруклардир.

Ҳозирги кунда мақом кўп асрлардан бери сақланиб келаётган ва ҳозир мавжуд бўлган мусиқа мероси асарларини билдиради. Мақомни халқ мусиқасининг бошқа жанрларидан ажратадиган характерли белгилари, уларнинг ҳажми катталиги ва кўп қисмлилигидандир. Ўзбекистон ва Тожикистонда узоқ асрлардан бизгача етиб келган олти мақом бўлиб, шашмақом номи билан машҳур. Булар: Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқлардир. Ҳар бир мақом икки катта қисмга бўлинади: биринчиси – фақат чолғу асбобларда ижро этиладиган

қисми бўлиб, буни мушкilot (Хоразмда чертим йўли) дейилади; иккинчиси – чолғу асбоблар жўрлигида айтиладиган ашула қисми, буни наср (Хоразмда айтим йўли) деб аталади. Бу қисмларнинг ҳар бирда бир неча куй бор. Ҳар бир мақом ашула билан ижро қилинадиган рақс мусиқаси – уфар билан тугалланади. Шашмақом куйларини ижро қилганда, албатта, дойра усул бериб туриши шарт. Дойрасиз мақом ижро этилмайди. Шунинг учун ҳам Бухорода ҳар бир мақом айтувчи ҳофиз чертишни яхши билади. Ҳар бир мақом шаҳобчаларнинг ўзига хос дойра усуллари борки, булар ҳар бир мақомнинг бир номдаги қисмларида қайтарилади. Шунга кўра, бу усуллар “Мухаммас усули”, “Талқин усули”, “Тасниф усули” ва ҳ.к. номлар билан юритилади.

Шашмақом куйлари биринчи марта 1923 йили профессор В.А.Успенский (1879-1949) томонидан Бухоронинг машҳур созанда, ҳофизлари Ота Жалол ва Ота Ғиёслар ижросида нотага ёзиб олинган. Лекин Бухоро халқ маориф нозирининг кўрсатмаси бўйича мақомларнинг наср қисми ашула йўлларининг сўзлари ёзилмай қолдирилган. Шунга қарамай “Шашмақом”нинг ноталари илк мартаба 1924 йили Москвада чоп қилинган.

56 Мақомчи – мақом йўлларини ижро қилувчи ашулачи ва созандалар. Шашмақом куйларини ижро этиш анча қийин ва мураккаб. Бу йўллари тўла ўзлаштириб олиш узоқ вақт кунт билан ишлашни талаб қилади. Ўзбекистонда халқ орасида танилган атоқли мақомчилар – Ота Жалол, Ота Ғиёс, Леви Бобохонов(Левича), Ҳожи Абдулазиз, Юнус Ражабий, Фахриддин Ражабов, Фахриддин Содиқов, Домла Халим Ибодов, Михаил Толмасов, Уста Шоди ва б. бўлган.

Мақом йўлларини синчиклаб ўрганиб, бунга ўзбек мумтоз шоирларнинг шеърларидан танлаб, буларни ёш авлодга етказишда академик Юнус Ражабийнинг хизмати катта.

МАҚОМЧИ – МАҚОМ ЙЎЛЛАРИНИ ИЖРО ҚИЛУВЧИ АШУЛАЧИ ВА СОЗАНДАЛАР



57 Мақом ансамбли – мақом йўллари ижро этувчи созанда ва хонандалар тўдаси. Ансамбль мақомнинг мушкilot ва наср қисмларини ижро этувчи созанда ва хонандалардан ташкил топади. Илгарилари мақомчилар ансамбли 2 та танбурчи, бир дуторчи, бир қобизчи (ёки ғижжакчи), дойра ва 2-3 ашулачи (хонанда)лардан тузилган. Одатда, хонандалардан бири дойрадастлик вазифасини бажарган. 60- йиллардан бошлаб диёримизнинг турли вилоятларида тузила бошлаган Мақом ансамблларида созанда ва хонандалар таркиби бирмунча кенгайтирилиб, хотин – кизлар ҳам жалб қилина бошланди. Бунга Мақом ансамбли дастлаб академик Юнус Ражабий раҳбарлигида (1959) Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш Давлат компанияси қошида тузилди. Академик Юнус Ражабий вафотидан сўнг бу мақом ансамбли устоз анъаналарини ривожлантириб келинди. 1989 йилдан бошлаб унинг номи билан атала бошланди.

58 Меломан- мусиқа ва ашулани жуда яхши кўрувчи киши, мухлис.

59 Меҳтар – ўз касбини пухта эгаллаган мусиқачи – созанда.

Меҳтар термини кўпроқ моҳир сурнайчи ва но-орачиларга нисбатан ыщлланилган.

60 Миён (щрта, бел) – авжи миён – щрта авж.

61 Миён парда – щрта парда.

62 Миёнхона (ўрта хона) – куйнинг ўрта қисми. Миён сўзи кўпроқ мақомнинг мушкilot, яъни чолғу қисмида қўлланади.

63 Моғолдоқ ўйини – баданни турлича ҳаракатга киргазиб ўйнаш усули.

64 Мугам, муғом (оз.) – 1. Озарбайжон халқ мусиқаси лади. Озарбайжон мусиқасининг куй бойлиги системасини ҳам кенг тарққий этишига асос бўлади. 70 дан ортиқ мугам лади бўлиб, булардан энг муҳимлари – Раст, Шур, Сегах, Шуштер, Чаргях, Баяти Шераз, Ҳумаюнлардир. Мугам гаммалари катта, кичик ва кўпроқ орттирилган секундалардан тузилади. Айрим мугамлар товушқатори бир октавага сиғмайди. Товушқаторидаги айрим пағоналар юқориги октаваларга бир турли келмай, турлича келади. Масалан, пастки октавадаги си, юқори октавадаги си – бемоль бўлиб пасайиб келади.

2. сюита ва рапсодия туридаги вокал-чолғу циклли мусиқа асари. Озарбайжон халқ ва профессионал мусиқа жанри. Ҳар бир асар мугам ладида тузилади ва шунга кўра шу тузилган Мугам номи билан юритилади. Мугам бадеҳа (импровизация) тартибида тузилган катта қисмлардан иборат бўлиб, рақс (ранг) ва ашула (тасниф) билан алмашилиб туради. Мугамнинг вокал қисми классик шоирлардан Низомий, Фузулий ғазаллари ва ҳозирги шоирларнинг лирик шеърлари айтилади.



65 Мураббаъ – тўртлик. Ўзбек классик поэзиясида шеърий шакл. Мураббаънинг биринчи, иккинчи ва учинчи мисралари қофиядош, бандларнинг тўртинчиси қофиядош бўлмайди. Баъзан қофиядош бўлмай келган учинчи мисраси, одатда, ашуланинг авж қисмига тўғри келади.

66 Мураббаи Комил – Хоразм мақомларидан Ростнинг чертим (чолғу) бўлимига кирувчи куй. Бу куй XIX – асрда яшаган бастакор – шоир Комил Хоразмий томонидан киритилган бўлиб, Мухаммаси дойра усулида ижро этилади.

67 Мураббаи Рост – Хоразм мақомларидан Ростнинг чертим (чолғу) бўлимидаги куй.

68 Мустаҳзод – “Наво” мақоми “Наср” (ашула) қисмининг иккинчи шўъбасига кирувчи ашулалардан.

69 Мухайяр (ихтиёрли) – Шашмақомдаги Ироқ мақомининг Наср (ашула) бўлимида келадиган ашула йўлларида.

70 Мухаммас – (бешлик) – 1. Ўзбек мумтоз шеъриятида муайян шакл бўлиб, бунда биринчи бандининг ҳамма беш мисраси ўзаро бир – бирига қофиядош, кейинги бандларнинг тўрт йўли – ўзаро, бешинчи мисраси эса – биринчи бандга қофиядош бўлади. Мухаммаслар асосида айтиладиган ашулалар ғазал ва мураббаълардагидек кўп бўлмасада, йирик ва кичик шаклдаги ўзбек халқ ашулаларида учраб туради. Масалан, “Баёт III” (Муқимий ғазали), “Гиря” (Навоий ғазали, Муқимий мухаммаси), “Фигон” (Фурқат ғазали), “Оромижон” (Завқий ғазали), “Найларим” (Хислат ғазали) ва б.

2. Шашмақомнинг мушқилот (чолғу) бўлимидаги мураккаб куйлардан. Ҳар бир мақомнинг мушқилот қисмида 2-3 мухаммас учрайди ва булар Мухаммаси Ушшоқ, Мухаммаси Насруллои, Мухаммаси Баёт, Мухаммаси Ҳусайний, Мухаммаси Ажам деб юритилади. Мухаммаслар 4/4 ёки 2/4 ўлчовида келади.

Мухаммасларнинг дойра усуллари ва куй тузилиши анча мураккаб бўлишига қарамай, халқ орасида мақомларнинг кенг тарқалган қисмларидандир. Хоразм мақомларининг мухаммасларидаги дойра усули миқдор жиҳатдан бир ҳил узунликда бўлса ҳам, ритмик жиҳатдан бир оз фарқ қилади.

Мақомларда айрим мухаммасларни ижод қилган муаллифларнинг номи куйларга қўшиб юритилади. Масалан, Мухаммаси Ҳусайний, мухаммаси Насруллои, мухаммаси Хожихўжа, мухаммаси Мирзахаким ва б. Булардан ташқари Хоразм мақомларида мухаммаси Феруз ҳам учрайди.

71 Мухаммаси Ажам –Шашмақом системасидаги Сегоҳ мақомининг мушкилот (чолғу) бўлими куйларидан. Мухаммаси Ажам Мухаммас дойра усулларида ижро этилади.

72 Мухаммаси Баёт – Наво мақомининг мушкилот (чолғу) бўлими куйларидан. Мухаммаси баёт Мухаммас дойра усулида ижро этилади.

73 Мухаммаси Дугоҳ – Шашмақомнинг дугоҳ мақомининг мушкилот (чолғу) куйларидан.

74 Мухаммаси Жаид – Хоразм мақомларидан Ростнинг чертим (чолғу) бўлимида мураббаъи Комилдан сўнг ижро этиладиган куй.

75 Мухаммаси Жадиди Феруз – Хоразм мақомларидан Ростнинг чертим (чолғу) бўлимидаги Мухаммаси Феруздан сўнг ижро этиладиган куй. У мақомга XIX – асрда киритилган бўлиб, Мухаммас дойра усулларида ижро этилади.

76 Мухаммаси Мирза Ҳаким–Шашмақомдаги Сегоҳ мақомининг мушкилот (чолғу) бўлимидаги куй.

77 Мухаммаси Наво–Шашмақомдаги Наво мақомининг мушкилот (чолғу) бўлимидаги куй.

78 Мухаммаси Насруллои–Шашмақомдаги Бузрук мақомининг мушкилот (чолғу) бўлимидаги куй.

79 Мухаммаси Панжгоҳ –Рост мақомининг мушкилот (чолғу) бўлимидаги куй. Хоразм мақомларида Панжгоҳ – Ироқ мақомида келади.

80 Мухаммаси Рост –Хоразм мақомларида Ростнинг чертим(чолғу) бўлими куйларидан.

81 Мухаммаси Сегоҳ –Шашмақомдаги Сегоҳ мақомининг мушкилот (чолғу) бўлимидаги куй.

82 Мухаммаси Ушшоқ –Шашмақомдаги Рост мақомининг мушкилот (чолғу) бўлимидаги куйларидан.

83 Мухаммаси Феруз –Хоразм мақомларидан Бузрук ва Ироқнинг мушкилот (чолғу) бўлимидаги куйлари. Бу куйлар мақомга XIX асрда киритилган.

84 Мухаммаси Чор сархона –Шашмақомдаги Дугоҳ мақомининг мушкилот (чолғу) бўлимидаги куйларидан.

85 Мухаммаси Чоргоҳ - Шашмақомдаги Дугоҳ мақомининг мушкилот (чолғу) бўлимидаги куйларидан.

86 Мухаммаси Хожихўжа - Шашмақомдаги Дугоҳ мақомининг мушкилот (чолғу) бўлимидаги куйларидан.

87 Мухаммаси Хусайний - Шашмақомдаги Наво мақомининг мушкилот (чолғу) бўлимидаги куйларидан.



88 Мушкiлот (қийинчиликлар, оғирликлар) – Шашмақом йўлларнинг чолғу бўлими. Хоразмда мушкiлот чертим йўли деб юритилади. Мушкiлотнинг асосий қисмлари – Тасниф, Таржиъ, Гардун, Мухаммас ва Сақиллар.

**ШАШМАҚОМНИНГ МУШКИЛОТ БЎЛИМИ
ТАСНИФ БИЛАН БОШЛАНАДИ**

таснифи бузрук

таснифи рост

таснифи наво

таснифи дугоҳ

таснифи сегоҳ

таснифи ирок

89 Муқаддимаи Дугоҳи Ҳусайний – Хоразм мақомларидан Наво ва Дугоҳнинг наср (ашула) бўлимидаги ашулалар.

90 Муқаддимаи –Насри Ажам - Насри Ажам муқаддимаси. Шу куйга қадар ижро этилувчи кичик бир парда.

91 Муқаддимаи –Насри Уззол – Хоразм мақомларидан Бузрукнинг айтим (ашула) бўлимидаги ашулалардан бўлиб, Насри Уззолнинг муқаддимаси, яъни шунга қадар ижро этиладиган кичик бир ашула. Наср доира усулида ижро этилади.

92

93 Муқаддимаи –Насри Ҳижоз – Хоразм мақомларидан Дугоҳ ва Сегоҳнинг айтим (ашула) бўлимидаги ашулалардан. Насри Ҳижознинг муқаддимаси, яъни доира усулида ижро этилади.

94 Муқаддимаи Талқин – мақомларидан Сегоҳнинг айтим (ашула) бўлимидаги ашулалардан. Талқиннинг муқаддимаси, яъни шунга қадар ижро этиладиган кичик бир ашула бўлиб, Талқин доира усулида айтилади.

95 Муғанний – Хоразмда ашулачи – хонанда шу ном билан аталади.

96 Муғулча – Шашмақом наср (ашула) бўлимининг иккинчи гуруҳ шўьбаларига кирадиган ашуладир. Мақом номига кўра Муғилчаи Бузрук, Муғилчаи Наво, Муғилчаи Дугоҳ тартибида аталади.

97 Наво (куй, оҳанг) – 1. Исфахон, Мақоми Исфахон – XIII- аср ўрталарида Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган ўн икки мақомнинг учинчиси ҳисобланиб, товушқатори ҳозирги ўқилишида эолий ладида ёзилади.

2. Шашмақомга кирувчи мақомлардан учинчи Наво мақоми бошқа мақомлардек чолғу (мушкилот) ва ашула (наср) бўлимларига бўлиниб, булар бир неча куйлардан иборат: чолғу қисмига Тасниф, Таржиъ, Гардун, Ораз, Баёт муҳаммаси, Ҳусайн муҳаммаси ва Сақиллар киради. Ашула қисмига Сарахбор, Тароналар, Баён талқини, Баёт Насри, Ораз, Ҳусайни ва Баёт уфарлари киради. Наво мақомининг Хоразм вариантыда баъзи бир ўзгаришлар бор. Масалан, чолғу бўлимида тасниф Мақоми Наво (ёки Тани мақом) деб аталади ва айрим қисмлари ўрнига Пешрав, Пешрав занжири, Ним Сақил ва уфарлар бор. Ашула бўлимида Сарахбор, Мақоми Наво(Тани мақом) деб аталади ва айрим қисмлари ўрнига Сувора ва Нақшлар киради.

98 Наврўзи ажам – Шашмақомдаги Сегоҳ мақомининг наср (ашула) бўлими биринчи гуруҳи шўьбаларидаги ашулалардан.

99 Наврўзи Хоро - Шашмақомдаги Сегоҳ мақомининг наср (ашула) бўлими биринчи гуруҳи шўьбаларидаги ашулалардан бири.

100 Найрез – ўн икки мақом таркибидаги шўьба.

101 Намуд –(кўриниш, ўхшов) – бирор ашула маълум бир қисмининг иккинчи бир ашула таркибида қайтарилиши. Намуд Шашмақом ашула бўлимининг авжларида кўп учрайди. Мақомларда учрайдиган Намудлар: Намуди Дугоҳ, Намуди Сегоҳ, Намуди Муҳайяр, Намуди Баёт, намуди Чоргоҳлардан иборат бўлиб, буларнинг аталишидан мақомнинг қайси шўьбасидан олинганлигини билиб олиш мумкин. Бир мақомдан олинган Намуд иккинчи мақомда фойдаланилганида шу мақом шўьбасининг куй ҳаракати, тузилиши ва дойра усулларига мослаштирилади. Намуд йирик шаклдаги халқ ашулаларида ҳам учрайди.



102 Наср (сочма, ғалаба, кўмак) – 1. Шашмақомнинг ашула (вокал) бўлими. Хоразмда Наср айтим йўли дейилади. Насрнинг асосий бўлаклари сарахбор, талқин, насрлар бўлиб, буларнинг турлича вариантлари бор.

2. Мақомларнинг ашула қисмида талқин таронасидан сўнг келадиган ашула. Улар – Насри Уззол, Насри Насруллои, Насри Ушшоқ, Насри Сабо, Насри Баёт, Насри Дугоҳ, Насри Чоргноҳ, Насри Сегоҳ каби номлар билан юритилади. Насрлар 2/4 ўлчовли оддий такт ва бунинг қўшилишидан ҳосил бўлган 6/4 ли мураккаб тактларда келади.

Насрлар тузилиш ҳажми билан катта ва диапазони кенгдир. Шунга кўра, ҳар бир Наср бир неча хилбўлади. Насрлар мураккаб бўлишига қарамай, халқ ўртасида кенг тарқалган. Масалан, Насри Ушшоқнинг – Самарқанд, Фарғона, Тошкент Ушшоғи, Ушшоғи Қўқанд, Ушшоғи Содирхон, Ёввойи Ушшоқ (катта ашула йўли) вариантлари бор. Насрларда Ушшоқ, Муҳайяр, Чоргоҳ, Ораз, Наво ва б. намудлар, Зебо пари, Турк каби авжлар учрайди.

103 Насри ажам – Шашмақомдаги Сегоҳ мақомининг наср (ашула) бўлими ашулаларидан, наср дойра усулида ижро этилади.

104 Насри баёт – Шашмақомдаги Наво мақомининг наср (ашула) бўлими ашулаларидан.

105 Насри Сегоҳ – Шашмақомдаги сегоҳ мақомининг наср (ашула) бўлими ашулаларидан.

106 Насри Ораз – Шашмақомдаги Наво ва Дугоҳ мақомларининг наср (ашула) бўлими ашулаларидан.

107 Насри Уззол – Шашмақомдаги Бузрук мақомининг наср (ашула) бўлими ашулаларидан.

108 Насри Ҳижоз – Хоразм мақомларидан Сегоҳнинг айтими (ашула) бўлими ашулаларидан: наср дойра усулида ижро этилади.

109 Насри Хоро - Шашмақомдаги Сегоҳ мақомининг наср (ашула) бўлими ашулаларидан. Хоразм мақомларида “Насри Наврӯзи хоро” деб юритилади.

110 Насри Хусайний - Шашмақомдаги Наво ва Дугоҳ мақомларининг наср (ашула) бўлими ашулаларидан.

111 Насруллои – 1. Шашмақомдаги Бузрук мақомининг наср (ашула) бўлими биринчи шўъбасидаги ашула. 2. Тошкент, Фарғонада кенг тарқалган чолғу куйи бўлиб, бир неча қисмдан иборат.

112 Насрчи – Шашмақомдаги наср йўллари (Тарона, Мўғилча ва Савтларни) ижро этувчи ҳофиз. Насрчи ҳофиз сифатида Леви Бобоҳон, Мулла Ҳалим Иботов, Уста Шоди Азизов, М.Толмасов, ака-ука Муллақандовлар танилган. Насрчилар Савтхон деб ҳам аталган ва аталади.



113 Нақш – (куй, ашула) – 1. Ашула оралиғида ижро қилинадиган чолғу мусиқа. 2. Нақши Баёт – Баёт ашуласи. Нақши Ажам – Ажам куйи.

114 Нақши Ироқ Нафурдим – Хоразм мақомларидан Ироқнинг чертим (чолғу) бўлимидаги куй.

115 Нағма – муסיқа асарининг асосий элементларидан бир қисми. Нағмалар бирикмасидан куй ва ашулалар таркиб топади. Халқ ўртасида эса куй, ашулалар нағма деб ҳам юритилади.

116 Нағмаи Ораз - Шашмақомдаги Наво мақомининг мушкилот (чолғу) бўлимидаги куй номи.

117 Ним – Шашмақомда “ним сақил” номли шўъба бўлиб, бу ярим вазминли деган маънони билдиради.

118 Ним Сақил (ярим вазинли сақил) – Хоразм мақомларидан Навонинг чертим (чолғу) бўлимидаги куй. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

119 Нола (йиғлаш) – ашула айтганда сўзнинг бир бўғинида овозни титратиб чўзиш.

120 Ораз - Шашмақомдаги Наво ва Дугоҳ мақомларининг наср (ашула) бўлимларида келадиган ашула йўли. Шунга кўра, Наср Орази деб юритилганидек, Орази Наво, Орази Дугоҳ деб ҳам юритилади. Оразда Зебо Пари каби авж учрайди. Бундан ташқари, Наво мақомининг чолғу бўлимида Нағмаи Ораз куйи мавжуд.

121 Оқин –қозоқ – қирғиз халқларидан чиққан халқ шоири – ашулачи ва машшоқ. Булар, одатда, халқ чолғу асбобларидан дўмбира жўрлигида ашула айтадилар. Оқинлар халқ ашулалари, речитатив характеридаги янги асарларни бадиҳа – импровизация қиладилар, яъни, тайёргарликсиз янги асар яратадилар.

122 Панжгоҳ – 1. Шашмақомдаги Рост мақомининг мушкилот (чолғу) бўлимидаги мухаммас. 2. Хоразмда “олти яриминчи мақом”. Панжгоҳ фақат чолғу(чертим) йўлларида иборат бўлиб, бунга Панжгоҳи пешрав, Сақили Вазмин, Сақили Феруз шоҳий, Мухаммас ва Мухаммаси Ушшоқ каби куйлар киради.

123 Патнис ашула – чолғу асбоблари жўрлигисиз айтиладиган ўзбекча ашула тури. Одатда ашулачи кўлига кичик бир патнис олиб айтади.

124 Пахта зарб, Фохтий зарб – Хоразм мақомларидан Дугоҳнинг чертим (чолғу) бўлимидаги куйлардан.

125 Пешрав (олдинда юрувчи, бошловчи) –мақомларнинг мушкилот (чолғу) бўлимида келадиган куйлардан бири. Пешрав кўпроқ Хоразм мақомларининг биринчи қисми (чертим йўли)дан сўнг келади. Бунинг куйидаги турлари мавжуд: Пешрави гардун, Пешрави Дугоҳи Феруз, Пешрави Занжири, Пешрави Зарбул Фатҳ ва ҳ.

126 Раҳовий, мақоми Раҳовий - XIII-XVII- асрларда Марказий Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган ўн икки мақомнинг еттинчиси ҳисобланади.

127 Рост мақоми – 1. XIII-XVII- аср ўрталарида Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган ўн икки мақомнинг тўртинчиси.

2. Шашмақом таркибидаги мақомлардан иккинчиси (Хоразмда Рост мақоми биринчи бўлиб келади). Рост мақоми чолғу қисмига Тасниф, Гардун, Мухаммас, Мухаммаси Ушшоқ, Мухаммаси Панжгоҳ, Сақили Вазмин ва Сақили рар – рақ;

Ашула қисмига Сарахбор(тароналари билан), Талқини Ушшоқ, Насри Ушшоқ, Сабо Наврўзи ва Ушшоқ Уфориси киради. Рост мақомининг Хоразм вариантыда баъзи бир ўзгаришлар бор. Масалан, чолғу қисмида Таснифни Мақоми Рост ёки Тани мақом деб аташади ва айрим қисмлари ўрнига Таржиъ ва уфарлар мавжуд. Ашула қисмида ҳам айрим қисмлар ўрнига Сувора ва Нақшлар киритилган.

128 Рубой (тўртлик) -1. Биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралар ёки тўртала мисраси қофиядош бўлган шеърини шакл. 2. Дойра жўрлигида айтиладиган айрим ашулалар.

129 Сабо – майин, ёқимли шамол, тонготар чоғида эсан ел – Шашмақом таркибидаги Рост мақомининг наср(ашула) бўлимидаги ашулалардан. Унинг наврўзи Сабо, Насри Сабо деган турлари бор.

130 Савт – 1. Шашмақом наср бўлимининг иккинчи гуруҳ шўъбаларига кирувчи ашулалардан: Савти сарвиноз, савти Ушшоқ, савти Сабо, савти Калон, савти Наво, савти Чоргоҳ ва б. шу каби номлар билан аталади. 2. Йирик шаклдаги халқ ашулаларида ҳам савт учрайди. Йирик халқ ашуласидан сўнг енгил ритмда унинг савти келади. Масалан, савти гиря, савти Ушшоқ, савти дугоҳи Хусайн ва б.


131 Сайри гулшан – Хоразм мақомларидан Бузрукнинг айтим бўлимидаги ашула.

132 Сайқал – товушни титратиш. Бу атама кўпроқ Тошкент мусиқачилари ўртасида қўлланилади. Оммавийлашган ўзбек халқ чолғу (ҳамда ашула) куйи.

133 Самои Дугоҳ – Шашмақомдаги Дугоҳ мақомининг мушкilot куйларидан бири. Самои Дугоҳ куй жихатдан Пешрав йўлларига яқин. Бу куйни ўзбек халқ чолғу асбобларидан сурнайдаги ижроси ўзига хос бадий таъсир кучига эга. Шунинг учун ҳам моҳир сурнайчилар бу куйга алоҳида жозоба бахш этишади.

134 Самой – 1. Тинглаш. 2 мусиқа, рақс. 3. Дарвишларнинг кўшиқ, мусиқа ва рақс билан зикр тушуви. 4. Шашмақомдаги Дугоҳ мақомининг мушкilot бўлимидаги куй. 5. Оммавийлашган ўзбек халқ чолғу куйи.

135 Сарахбор (форсча бош хабар, хабарлар маъносида) – мақомларнинг наср бўлимидаги биринчи шўбада келадиган ашула йўли. Шашмақомдаги мақомларнинг ашула бўлими сарахбор билан бошланишига кўра, бу сўз ёнига мақом номлари қўшилиб айтилади. Сарахбори Бузрук, Сарахбори Наво, Сарахбори Дугоҳ ва б.лар 2/4 ўлчовида келади. Сарахборлар оғир, салобатли ижро этилади ва одатда Сарахбордан сўнг тароналар келади. Хоразм мақомларида Сарахборни “Мақом” номи билан, яъни, мақоми рост, мақоми бузрук, мақоми наво... тартибида юритилади.



136 Сарбозча – ҳарбийларнинг жанговар юришида ҳамоҳанг муסיқаси – юриш марши. Бу куй сарбози деб ҳам аталади.

137 Сарвиноз – Бузрук мақомининг наср бўлимидаги, иккинчи гуруҳ шўбаларига кирувчи ашула йўли. Бу ашула савти сарвиноз деб ҳам аталади.

138 Сарпарда – бошланғич, биринчи ёки бош парда.

139 Сархона (форсча бош хона, бошланғич маъносида) – куйнинг бошланғич қисми. Сархона сўзи кўпроқ мақомнинг мушкилот, яъни чолғу бўлимида қўлланилади.

140 Сас – товуш, садо. Сас кўпроқ Хоразмда қўлланилади.

141 Саусул (Сарусул) – Хоразм мақомларидан Ироқнинг чертим бўлимидаги куй.

142 Саусули Феруз – Хоразм мақомларидан Сегоҳнинг чертим бўлимидаги куй.

143 Сақил – Шашмақомнинг мушкилот бўлимидаги кенг тарқалган куйлардан бири. Мақомларнинг ҳар бирида сақил бўлишига кўра, Сақили Бузрук, Сақили Наво деб юритилади. Ҳар бир мақомнинг мушкилот бўлимида 2-3 сақил учрайди, улар Сақили вазмин, Сақили раг-раг, Сақили Исломхоний, Сақили Султон, Сақили Ашқулло ва ҳ.к. деб юритилади. 2/4, 4/4 ўлчовида келади. Дойра усули анча узун ва мураккаб. Мақомлардаги айрим Сақиллар унинг бастакори номи билан аталади: Сақили Султон, Сақили Исломхоний, Сақили Мухран, Сақили Ниёзжонхўжа, Сақили Ферузлар.

144 Сақили Ашқулло – Дугоҳ мақомининг мушкилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

145 Сақили Бастанигор – Сегоҳ мақомининг мушкилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

146 Сақили Вазмин - Рост мақомининг мушкилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

147 Сақили Исломхоний - Бузрук мақомининг мушкилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

148 Сақили Калон - Ироқ мақомининг мушкилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

149 Сақили Мирза –Хоразм Рост мақомининг чертим бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

150 Сақили Мухркан - Хоразм Рост мақомининг мушкилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади. Худойберди Мухркан басталаган.

151 Сақили Ниёзжонхўжа - Хоразм Бузрук мақомининг мушкилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

152 Сақили раг-раг - Шашмақом Рост мақомининг мушкилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

153 Сақили Султон –Шашмақом Бузрук мақомининг мушкилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

154Сақили Феруз - Хоразм мақомларидан Дугоҳ ва Сегоҳ мақомларининг чертим бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади. Шоир Феруз басталаган.



155 Сегоҳ, сегоҳ мақоми –Шашмақом таркибидаги бешинчи мақом. Бошқа мақомлардек сегоҳ чолғу (мушкилот) ва ашула (наسر) бўлимига бўлиниб, булар бир неча куйлардан иборат. Сегоҳ мақомининг чолғу қисмига Тасниф, Таржиъ, Хафиф, Гардун, Мухаммас, ажам Мухаммаси, Мирза Хаким Мухаммаси ва Бастанигор Мухаммаси киради. Ашула қисмида Сарахбор, Тароналар, Сегоҳ Талқини, Сегоҳ Насри, Хоро Наврўзи, Ажам Наврўзи ва Уфарлар киради. Сегоҳ мақомининг Хоразм вариантида баъзи бир ўзгаришлар бор. Масалан, чолғу қисмидаги

Тасниф “Мақоми Сегоҳ” деб аталади ва айрим қисмлари ўрнига Вазмин сақили ва уфор киради. Ашула қисмида Сарахбор – Мақоми Сегоҳ деб аталади.

156 Сипориш, Супориш– (топширик, ҳавола) – 1. Мақомларнинг наср бўлимида бир ашула йўлидан иккинчисига ўтиш учун восита бўлувчи куй парчаси. Масалан, Сарахбор тароналаридан – Насрга ўтишда восита бўлади. 2. Мақом шўьбаларини яқунловчи қисм.

157 Созанда – 1. Муסיқачи, бирор чолғу асбобида ижро қилувчи – чолғучи. 2. Хоразмда сурнай ва дойралардан тузилган ансамбль.

158 Созанда йўллари –Хоразмда кичик ҳажмдаги куй ва ашулалар шу ном билан аталади, яъни созанда куйлари.

159 Созчи халфа – Хоразмда ашулачи, гармончи ва дойрачилардан тузилган хотин- қизлар ансамбли.

160 Соқийнома – шашмақомдаги мақомларнинг наср бўлими иккинчи гуруҳ шўьбаларидаги ашула номи.

161 Сувора – 1. Хоразм мақомларининг айрим бўлимида келадиган ашула номи. Суворадан ташқари Сувораи Дугоҳ Ҳусайний номли қисми ҳам учрайди. 2. Тошкент, Фарғона водийсида йирик шаклдаги чолғу куй.

162 Супориш – ҳар бир мақом ва улар таркибидаги шўьбаларнинг тугалланиш қисми.

163 Супуриш – ҳамма мақомларнинг сақилларида бир хонадан иккинчи хонага ўтиш учун кичик бўлакча чалинади. Бу бўлакча биринчи хонанинг бир қисми бўлиб, хонага ўтиш олдидан чалинади.

164Талқин – Шашмақом наср бўлимининг биринчи шўьбаси – Сарабор тароналаридан сўнг келадиган ашула йўли. Талқинлар оддий, кўпроқ эса мураккаб аралаш ўлчовларда, яъни $2/4 - 3/4$, $3/8 - 3/4$ холларда келади. Ўлчовлар миқдорига кўра дойра усуллари ҳам турличадир.

Мақомларда Талқинларнинг турлари кўп. Талқини уззол, Талқини баёт, Талқини ушшоқ, Талқини сегоҳ, Талқини чоргоҳ ва ҳ.к. Талқинларда Ушшоқ, Мухайяр, Уззол, Наво, Ораз намудлари қўлланилади.

165 Талқини –Баёт – наво мақомининг наср бўлимидаги ашула йўли.

166 Талқини – Дугоҳ Ҳусайн –Хоразм мақомларидан Навонинг айтим бўлимидаги ашула йўлларида талқин дойра усули билан ижро этилади.

167 Талқини –Мустазод - Хоразм мақомларидан Навонинг айтим бўлимидаги ашула йўли.

168 Талқини – Уззол – шашмақомдаги Бузрук мақомининг ашула йўлларида.

169 Талқини – Ушшоқ – шашмақомдаги Рост мақомининг ашула йўлларида.

170 Талқини – Чоргоҳ – шашмақомдаги Дугоҳ мақомининг ашула йўлларида.

171 Талқинча(кичик талқин) – мақомларнинг наср бўлимларининг иккинчи гуруҳи шўъбаларига кирувчи ашула. Талқинчанинг дойра усули талқиндагидек.

172Талқинчи – 1. Хоразмда дугор билан халқ ашулаларини ижро этувчи. 2. Талқин йўлларида ижро этувчи ашулачи – хофиз.



173Танбур чизиғи – тарихий манбаларга кўра, Шарқ нота ёзуви XIII – асрда Сафуддин Абдулмўмин ал-Урмавий томонидан уд чолғу асбоби учун кашф этилган. Танбур чизиғи эса XIX –асрнинг иккинчи ярмида атоқли шоир, бастакор ва машҳур созанда Комил Хоразмий томонидан яратилган. Танбур чизиғининг ал – Урмавий кашфиёти билан қанчалик фойдаланилгани ҳақида ҳозиргача бир нарса айтиш қийин. Асрлар давомида овоздан қулоққа ўтиб, устоздан шогирдга

ўргатиш тариқасида халқимиз кўз нуридек авайлаб, сақлаб келинган мусиқа бойликларини ёзиб олиш асосан мана шу Танбур чизиғи воситасида бўлган. У танбурдаги ўн саккиз пардани кўзда тутиб чизилган ёндош чизиклардан иборат. Чизикларнинг устига қўйилган ҳар бир нуқта зарбнинг юқоридан қуйига чертилишини кўрсатса, чизик остига қўйилган нуқта аксинча, зарбнинг қуйидан юқорига чертилишини билдирган. Тик чизиклар эса пардалар йўлланмасидир. Танбур чизиғи ўнгдан чапга ўқилади. Ҳар бир зарб, яъни асосан бир бутун нотанинг саккиздан бир ҳиссасига тенг. Ҳозирга қадар Танбур чизиғининг катта тарихий аҳамиятга эга эканлиги, унинг содда ва оддийлиги, пауза ва ритмик ўзгаришларнинг йўқлиги кўпгина мусиқашунос, композитор ва мусиқа арбоблари томонидан таъкидлаб келинади. Бу тизим бўйича ёзилган Хоразм мақомларини нотага кўчириш иши талай қийинчиликларга дуч келди. Ана шу иш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар ҳозирча бирон бир самара бергани йўқ.

Комил Хоразмий ўзининг Танбур чизиғи асосида Рост мақомининг бошланғич қисмини ёзиб чиқади. Унинг ўғли, машхур созанда Муҳаммад Расул Мирзабоши барча Хоразм мақомларининг чертим ва айтим йўллари тўла қоғозга кўчирди. 1883 (1300 ҳижрий йил) Хоразм хони саройида котиб Муҳаммад Юсуфбек Бобожонбек томонидан кўчирилган ва ҳозиргача сақланган қўлёзма бошқа мавжуд қўлёзмаларга нисбатан бирмунча мукамал ва аниқлиги билан ажралиб туради.

174 Тани мақом – Хоразмда ҳар бир мақомнинг (чертим ва айтим йўлларида) биринчи қисми. Бухоро Шашмақомида мушқилот қисмининг биринчиси Тасниф, наср қисмининг биринчиси Сарахбор номлари билан юритилади. Мақомлардаги асосий қисмлар Таржиъ, Гардун, Мухаммас, Сақил, Талқин, Насрулло ва б.дир. Тани мақом атамаси фақат Хоразмда қўлланилади.

175 Таржиъ, таржеъ (такрорлаш, қайтариш) – Шашмақомнинг мушқилот қисмидаги қуйлардан бири. Мақомларнинг ҳар бирида Таржиъ бўлишига кўра, булар Таржиъи Бузрук, Таржиъ Наво, Таржиъ Дугоҳ ва ҳ.к. деб юритилади. Таржиъ 4/4 ё 2/4 ўлчовида келади. Мақомлардаги Таржиълар номи дойра усуллари бир турли бўлишларига қарамай, қуй жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

176 Тарона - мақомларнинг ашула қисмидаги Сарахбор, Талқин, Насрдек асосий шўъбалар оралиғида келадиган кичик ашулалар. Тароналар турли ўлчовларда келади: 2/4, 3/4 каби оддий ўлчовлардан, 3/8

– $\frac{3}{4}$, $\frac{3}{4}$, $\frac{4}{4}$ дек мураккаб ўлчовларга қадар. Ўлчов миқдорларига кўра дойра усуллари ҳам турличадир. Тароналарда намудлар бўлмайди, шунинг учун ҳам улар кичик ҳажмда Тарона тугалланган куйнинг усули ва ладидан иккинчи янги ижро этиладиган асосий куй усулига тайёрлаб боради. Тароналар кўпчилик ҳофизлар томонидан ижро этилган.

177 Таронаи Насри ажам – Хоразм Сегоҳ мақомининг айтим бўлимидаги куй.

178 Тасниф – Шашмақомнинг мушкilot бўлими, Тасниф билан бошланади. Ҳар мақомда Тасниф бўлишига кўра, булар Таснифи Бузрук, Таснифи Рост тарзида айтилади. Таснифлар $\frac{2}{4}$, $\frac{4}{4}$ ўлчовларида келади. Хоразм мақомларининг Таснифини Мақом ёки Тани мақом номи билан, яъни Мақоми Рост, Мақоми Бузрук... тартибида юритилади. Мақомлардаги Таснифлар мушкilot бўлимининг энг йирик қисмлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Таснифнинг оҳанг ва ритмик тузилиши, ривожланиш услуби бошқа чолғу қисмларида ҳам учрайди. Таснифлар номи, дойра усуллари бир турли бўлишига қарамай, куй жиҳатидан бири-биридан тубдан фарқ қилади ва турлича катта – кичик ҳажмда бўлади.

179 Турк авжи – Шашмақомнинг ашула қисми шўьбаларида келадиган катта авж бўлиб, намуд вазифасини бажаради, лекин маълум бир шўьбадан олинмайди. Авжи турк деб ҳам аталади.

180 Уззол-Шашмақомдаги Бузрук мақомининг наср бўлимидаги Талқини Уззол ва насри Уззол номли шўьбалар. Насри Уззолдан олинган Намуд, Намуди Уззол номи билан деярли ҳамма мақомнинг наср бўлимида ишлатилади.

181 Усули зарб – шарқ халқлари мусиқасида ижронинг мураккаб йўллари. У турли зарбларнинг тез-тез алмашиб келишидир. Ўзбек мусиқасининг турли жанрларида турлича Усули зарблар қўлланилади. Мақом Усули зарблари бирмунча мураккаб. Мақомлардаги бир хил ном билан юритилладиган турли куйларнинг усуллари бор. Масалан, Сақил номи ҳамма мақомнинг мушкilot қисмида учрайди. Булар турли куйлардан тузилган бўлишларидан қатъи назар, усуллари бир хил. Рақс мусиқасининг усуллари эса бой, мураккаб ва ранг – барангдир.

182 Усули ланг – аралаш ўлчовда ё бир оз бузилган усул.

183 Усули қайтарма – ўзбек рақсларида кенг фойдаланиладиган дойра усули.

184 Усули қоразанг – ўзбек рақсбop дойра усули.

185 Усули ҳаққоний – ўзбек рақсларида кенг тарқалган дойра усули.



186 Уфар – 1. Енгил рақс мусиқаси ё дойра усули. 2. Шашмақом наср бўлимининг энг охирида келадиган рақсли ашула, доим $\frac{3}{4}$ ўлчовида келадиган мусиқа.

Хоразм мақомларида эса ҳар икки бўлимдаги уфар $\frac{6}{8}$ ўлчовида бўлади. Мақом уфарларидаги бу дойра зарблари халқ мусиқасида ва ашулаларда ҳам учрайди.

187 Уфари сохта – ўзбек рақсларида чалинадиган дойра усулининг номи.

188 Уфари чапандоз – ўзбек рақслари, мақомнинг ашула ва чолғу куйларида учрайдиган дойра усули.

189 Ушшоқ - XIII-XVII- аср ўрталарида Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган ўн икки мақомнинг биринчиси. Бу мақомнинг товушқатори ҳозирги ёзилишида миксолидий ладига тўғри келади.

2. рост мақомининг мушкилот ва наср бўлимларида келадиган асосий куйлардан. Рост мақомининг мушкилот бўлимида Мухаммаси Ушшоқ, наср бўлимининг биринчи гуруҳ шўъбаларида Талқини Ушшоқ, Насри Ушшоқ, Уфари Ушшоқлар учрайди. Иккинчи гуруҳ шўъбаларида эса уфар ўз шахобчалари билан келади. Уфарнинг дойра усуллари асосий номларига кўра, яъни мухаммаси Уфар – мухаммас усулида, Талқин Уфари – талқин усулида, Насри Уфарда – наср усулида келади.

3. Тошкент – Фарғона воҳаларида кенг тарқалган ашула йўлларидан. Бундай Уфарларнинг кўп вариантлари халқ ўртасида кенг тарқалган. Мулла Тўйчи Тошмухамедов (Тўйчи ҳофиз) йўли, Самарқанд Уфари (Ҳожи Абдулазиз йўли), Қўқон Уфари (Уфари Содирхон йўли) ва катта ашула йўлида айтиладиган Ушшоқ (Ёввойи Ушшоқ) деб юритилади.

190 Фарёд – 1. Ашула шеърига деярли алоқаси бўлмаган бир чўзғили унли ҳарф ёки “войдодей”, “ёрей” каби сўзларда ижро қилиш (одатда кўпроқ ашула тугалланишида ижро қилинади). 2. Хоразм Наво мақомининг айтим бўлимидаги “Насри баёт”нинг иккинчи номи.

191 Халфа – Хоразмда шоира, созанда ва ашулачи хотин – қизлар.

192 Хона – куйни ифодаловчи тугал жумла. Мақом (айниқса чолғу йўллари)да хонанинг турли баландликда қайтарилиши билан куйнинг ҳажми кенгайди. Масалан, Бузрук мақомининг мушкилототидаги Таснифда саккизта хона бор. Насрулло мухаммаси эса фақат уч хонадан иборат. Одатда, ҳар хонадан сўнг бозғўй қайтарилади.


193 Хоразм мақомлари – ўзбек классик цикли – Шашмақом сингари йирик мусиқа ва ашулалар тўплами. Хоразм мақомлари шашмақом ва унинг асосий шаҳобчаларидек бир хил номга эга. Уларнинг дойра усулларида жуда ўхшашлик бўлсада уларнинг фарқи жуда катта. Хоразмда олти мақом ёнига еттинчи қилиб Панчгоҳ (фақат чолғу қисмидан иборат) киритилган. Шашмақомнинг чолғу бўлими (мушкилот) Хоразмда – чергим йўли, наср (вокал) бўлими – айтим йўли деб аталади. Хоразм мақомлари Рост мақоми билан бошланади.

194 Чапандоз – 1. Шашмақомдаги Бузрук ва Рост мақомларининг наср бўлими иккинчи шўъбаларидаги ашула. Чапандоз мураккаб дойра усулида ижро этилади.

195 Чергим йўли – Хоразм мақомларининг чолғу бўлими шу ном билан юритилади. Олти мақомнинг деярли ҳаммаси учун характерли бўлган: Тасниф (Хоразмда мақом деб юритилади). Таржиъ, Пешрав, Гардун, Мухаммас, Сақил, Самойи, Пахта Зарб, Хафифлардир. Буларнинг оҳанглари турличадир, лекин дойра усуллари ҳамма ерда ҳам бир хил; ҳамма Мухаммаслар, ҳамма Пешравлар, яъни бир номдагиларнинг усуллари бирдир.

ЧЕРТИМ ЙЎЛИ

196Чор
Усули
Феруз –
Хоразм
Сегох



мақомининг

чертим йўлида Са усули

Феруздан сўнг ижро этиладиган куй. Бу куй XIX асрда яратилган мақомга қўшилган.

197Чоргоҳ, чоҳоргоҳ – 1. Шашмақомдаги Дугоҳ мақомининг мушкilot ва наср бўлимларидаги куйлардан. Мушкilotдаги Чоргоҳ мухаммаси Чоргоҳ деб аталиб, Мухаммас дойра усули билан ижро этилади. Наср бўлимидаги Чоргоҳлар – Наср усулида, Талқини Чоргоҳ – талқин усулида, насри Чоргоҳ – наср усулида, Уфари чоргоҳ – уфар усулида ижро этилади.

2. Фарғона водийси ва Тошкентда бир неча қисмдан иборат бўлган йирик чолғу куйлари ва ашула (шунингдек, катта ашула) йўллари.

198Шашмақом – ўзбек ва тожик халқлари мусиқа меросининг етук мукамал асари. Олти мақом, олти турли пардадан бошланиб, ижро этиладиган йирик цикли мусиқа асари бўлиб. Ҳар бири алоҳида лад ва товушқаторига эга. Шашмақом – Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ. Сегоҳ ва Ироқлардан иборат. Ҳар бири ўз навбатида мушкilot, яъни чолғу ҳамда наср, яъни ашула бўлимларидан иборат. Ҳар бир мақом Уфар билан тугалланади. Шашмақом йўллари ижро этувчи ашулачи ва чолғучиларни халқ орасида мақомчи, мақомдон дейилади. Шашмақомни биринчи марта 1923 йил машҳур ҳофиз ва созанда – Ота Жалол ва Ота Ғиёзлар ижросида профессор В.А.Успенский ёзиб олган ва 1924 йил Москвада нашр эттирган. Кейинчалик (50-

йилларда) Шашмақом циклини академик Юнус Ражабий таниқли мақомдонлардан сўзини ёзиб олиб Успенский ёзган ноталарнинг остига сўзини қўйиб, Илёс Акбаров бошчилигида (Тошкентда 1959й.) ва Ф.Кароматов (Т.1961-1977) таҳририда нашр эттирган.




199Шажнози Гулёр – Фарғона ва Тошкентда кенг тарқалган йирик шаклдаги ўзбек ашула йўллари. Беш қисмдан иборат: Шажноз, Гулёр, Чапандоз, Ушшоқ ва Уфар, баъзан Уфардан сўнг Қашқарча ҳам келади.



200 Шўъба – Шашмақом ашула бўлимидаги йирик ашула йўли.

201 Ўн икки мақом –Раҳовий, Ҳусайний, Зангула, Рост, Ушшоқ, Буслик, Хижоз, Ироқ, Исфохон, Зирафканд ва Бузрук номлари билан XII-XIII- асрларда Марказий Осиё, Хуросон ва Озарбайжон ҳақлари етишиб чиққан созанда – хонанда ва бастакорлар томонидан маълум бир тартибга солинган мақомлар тизими. Жомий, Навоий, Дарвешали Чангий ва бошқа шоир, олимлар мусиқага оид илмий асарларида ўша давр созанда- бастакорларининг ижодий фаолиятларини алоҳида қайд қилиб мазкур мақомлар мажмуига нисбатлар билан ёзиб қолдирган.



202 Ўрта авж – ҳар бир ашуланинг ўзига хос авжи бўлади. Йирик ашулаларда эса бир неча авж келиши мумкин. Мана шулардан ўрта пардаларда бўлган даслабки авж – ўрта авж деб аталади.


203 Ҳанг – ашуланинг ўрта қисми ё авжида “ёрай, додай, воей” шунингдек “а, о” каби унли ҳарфларда чўзиб ижро этиш.

204 Ҳафиф, Ҳафифи Сегоҳ (ҳафиф - енгил)- Шашмақомдаги Сегоҳ мақомининг мушкилот бўлимидаги куй номи. Ҳафиф 2/4 ўлчовида ёзилади.

205 Хижозий, Мақоми Хижози - Ушшоқ - XIII-XVII- аср ўрталарида Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган ўн икки мақомнинг олтинчиси.

206 Ҳофиз (арабча эса сақловчи) – илгарилари қуръонни ёддан қироат билан чиройли ўқиганлари Ҳофиз деб аталганлар. Кейинчалик ашула ва мақом йўллари моҳирлик билан ижро этган, халқ хурматига сазовор бўлган айрим хонандаларни халқимиз Ҳофиз деб хурматлаган. Ашула айтиш санъатининг юқори чўққиларини

эгаллаган Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Шораҳм Шоумаров, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Жўрахон Султонов ва бошқа атоқли хонандалар номига ҳурмат билан Ҳофиз унвони қўшиб айтилган. (Мулла Тўйчи Ҳофиз, Шораҳим Ҳофиз, Жўрахон Ҳофиз ва б.).



207 Ҳофизлик муаллими – ашула ўргатувчи устоз.

208 Ҳусайний, мақоми Ҳусайний – 1. Ушшоқ - XIII-XVII- аср ўрталарида Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган ўн икки мақомнинг бешинчиси. 2. Шашмақомдаги Наво ва Дугоҳ мақомларининг наср бўлимида насрлар орасида келадиган ашула. Шунга кўра, Насри Ҳусайин деб юритилганидек, Ҳусайнийи Дугоҳ деб ҳам аталади. Ҳусайнийда Зебо пари авжи қўлланилади.

РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯГА ХОС АТАМАЛАР

1. **Аллеманда** (фр. *allemando*)—Францияда XVI- асрда бери маълум қадимий рақслардан. Бу рақс 2/4 ёки 4/4 ўлчовида оғир, вазмин, бир текис ҳаракат билан ижро этилади. XVII- XVIII- асрларда Аллеманда французча сюита номи билан аталувчи(клавесин, лютия ёки оркестр учун ёзилган) мусиқа асарининг асосий қисмларидан бири бўлиб, ўз характери билан прелюдияга яқин.



2. **Бал рақси** – одатда шаҳарда қўлланиладиган, халқлар рақсларининг тузилиши ва характерига қараб қисман тартиблаштирилган рақс тури.



3. **Балерина** – балет спектаклида ўйновчи раққоса.

4. **Балетмейстер** (нем. balletmeister) - рақс, балет, опералардаги, ўйин саҳналарини қўювчи балет устаси, режиссёри.



5. **Балет** (фр. Balet, lot. Ballo – рақсга тушаман, ўйнайман) – синтетик санъат турларидан бири, саҳнада кўрсатиладиган бадий асар, асосан мусиқа ва хореография воситалари билан ифода қилинади. Драматик мавзу асосида воқеа, рақс, имо-ишора ва хореография воситалари билан ифода қилинади. Драматик мавзу асосида воқеа, рақс, имо-ишора ва баданнинг нафис ҳаракатлари, мусиқа ва декорация, костюмлар билан бирга ифода этилади. Балетда мусиқа рақс, ва нафис ҳаракатларга жўр бўлибгина қолмай, воқеанинг боришига қарамай драматик ҳолатларни гавдалантириб беради. Балетдаги рақслар мумтоз ва характерли бўлади. Характерли рақс – халқ рақсларга яқин. Рақс учун ёзилган мусиқалар аниқ ритмда, шакл жиҳатидан пухта бўлиши катта аҳамиятга эга. Балетнинг драматик, қаҳрамонлик, ҳажвий романтик ва бошқа турлари бор. Эртак ва афсона мавзуидаги Балетлар кенг тарқалган. XIX-XX- асрларда рус балет санъати катта ютуқларга эришди. Балет тараққиётида буюк рус композитори П.И.Чайковский ижоди муҳим роль ўйнаган. У Балетдаги мусиқани опера – симфоник мусиқа шаклига яқинлаштириб, драматик мазмунини чуқурлаштирди. Чайковскийнинг “Оққуш кўли”, “Ёнғоқчақар”, “Уйқудаги гўзал” Балетлари шулар жумласидандир.

Балет санъатида замонавий ва тарихий- инқилобий мавзу кенг ўрин олмоқда. Р.М. Глиэрнинг “Қизил лола”, “Мис чавандоз”, Б.В.Асафьевнинг “Бахчасарой фаввораси”, С.С.Прокофьевнинг “Ромео ва Жульетта”, А.И.Хачатуряннинг “Гаянэ”, “Спартак” Балетларини муҳлислар севиб томоша қилмоқда. Ўзбекистонда С.Василенко “Оқ биллак” (Озодачеҳра),

Е.Брусилловскийнинг “Гуландом”, Г.Мушелнинг “Раққоса”, Икром Акбаровнинг “Орзу”, А.Козловскийнинг “Тановар”, У.Мусаевнинг “Афсоналар водийсида” ва б. Балетлар яратилган. Композиторлар Балет мусиқалари асосида концертбоп сюиталар яратган.

6.Балло (баллэ) – балет, ўйин, рақс.

7.“Баҳор” – 1957- йилда ташкил этилган Ўзбек Давлат хотин – қизларрақс ансамбли, қисқа муддат ичида кенг шуҳрат қозонди. “Баҳор” ансамбли ўзбек рақслари билан бир қаторда, бошқа халқлар рақсларини ҳам ижро қилади. 1961 – йилдан бошлаб ижодий жамоа “Давлат Рақс Ансамбли” номи билан атала бошланди. 1979 йили “Баҳор”га унинг ташкилотчиси ва бадиий раҳбари, ўзбек рақсларининг моҳир ижрочиси, халқ артисткаси Мукаррама Турғунбоева номи берилди. Ансамбль чет эл давлатларига қилган гастролларида ҳам катта муваффақиятлар қозонган.

8.Бешқарсак – чолғу асбобисиз чапак чалиб ижро этиладиган давра кўшиғи, ўйин. Бу ўйин (рақс)да даврадагилар чапак чалиб ашула айтадилар. Ўйинчи давра ўртасида рақсга тушади. Бешқарсак Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятларида тўй ва сайилларда ижро этилади.



9.Бозингар – Бухорода раққос (ўйинчи) шу ном билан юритилади.



10.Болеро – XVIII- аср охирларидан бошлаб кенг тарқала бошлаган, жуфт

бўлиб ўйналадиган испан халқ рақси. $\frac{3}{4}$ ўлчовда келадиган бу рақс ўртача тезликда чалинади. Рақсга кастанъеталар жўр бўлади.



11.Бостон – вальс – бостон (Америкадаги Бостон шаҳри номидан олинган) – лирик, кўпроқ сентиментал характерда бўлади. XIX- асрнинг охирги чорагида пайдо бўлган Америка салон рақси. Бостон – вальси $\frac{3}{4}$ ўлчовида бўлиб, унинг турларидан бири оғир ижро этиладиган вальсдир. Бостон – вальснинг характерли белгиси жўр қисмининг учинчи чорагида пауза келишидир.

12.Bravo, Bravissimo (итал. Браво – аъло даражада, гўзал) – концерт ва спектаклларда катта маҳорат билан ижро этган созанда, хонанда, раққоссалар шунингдек, композитни олқишлаш.

13.Бульба (белорусча - картошка) - белорус хотин – қизларининг рақси билан айтиладиган замонавий халқ кўшиғи. Мусиқа ўлчови $\frac{2}{4}$ да бўлиб, халқ меҳнат рақслари деб характерланади. Ўйноқи ва жонли ижро этилади.



14.Бурре –(фр. bourree) – қадимий француз халқ рақси, XVI- асрдан бери маълум. Халқ ўртасида қўлланиб келинган. Бурре 3/8 ўлчовида бўлиб, саройда ижро этиладигани 4/4 ўлчовидадир. XVII- асрда яшаган композитор Ж.Б.Люлли бу халқ рақсини опера ва балетга киритган. Бурре ҳаракатчан, ёрқин бўлиб, куй такт олди (за такт) билан бошланади.



15.Вальс (фр. valse) – икки кишидан бўлиб, оҳиста ўйналадиган рақс. Муסיқа ўлчови 3/4да бўлиб, тез, ўртача тез ва вазмин суръатларда бўлади. Вальс Австрия, Чехия ва Германия халқлари рақси асосида XVIII-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қўлланилади. XIX- асрда эса Европанинг ҳамма мамлакатларида кенг тарқалди. Вальс чолғу асбоблари билан ва вокал ҳолида бўлиши мумкин. Вальс муסיқали сахна асарлари (опера, балет, оперетталар)да қўлланила бошлади. Шунингдек, фортепиано, симфоник оркестр учун Вальслар яратилган.

Ўзбек бастакорлари: К.Жабборов, Ф.Содиқов, М.Мирзаев ва композиторлари: М.Бурхонов, С.Юдаков, М.Левиелар ҳам ўзбекча

оҳангларда вокал ва чолғу Вальсларини яратдилар. Биринчи ўзбек Вальс куйларини Х.Х.Ниёзий яратган.



16. Вальс – мазурка – ўтган асрнинг ўрталарида Францияда вужудга келган бал рақси. $\frac{3}{4}$ ёки $\frac{3}{8}$ ўлчовларида ва мазурка суръатида ижро этилади. Бу рақс мусиқаси қисқа муддат ичида кенг тарқалди ва янги турлари пайдо бўлди.



17. Водевиль(фр. Vaudeville, vande viri) – 1. Мусиқа жўрлигида ижро этиладиган енгил ҳажвий асар. 2. Ҳажвий опера ва пьесаларда сахнада қатнашувчиларнинг ҳаммаси томонидан ижро этиладиган нақаротли қўшиқ. Бу ашула сатирик ёки кулгули бўлиб, сахна асари охирида айтилади.

18. Газахы – озарбайжон халқ рақси. Мусиқа ўлчови $\frac{6}{8}$ да бўлиб, одатда бир тўда эркаклар(кўпроқ ёшлар) рақсга тушади, рақс суръати тобора тезлашиб боради.



19. Галоп(фр. Gallop- сакраш) – 2/4 ўлчовда ёзилган бўлиб, сакраб, чаққон ўйналадиган рақс. XIX – асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган, кейинроқ кадрили рақсининг охириги, тез ижро этиладиган қисми бўлиб қолган.



20. Гопак – шўх ва чаққон ижро этиладиган украин халқ рақси. Такт ўлчови 2/4. Гопакнинг якка, жуфт ва кўпчилик бўлиб ижро этиладиган турлари бор.



21. Гранд – опера (катта опера) – Францияда миллий музыка ва рақс академияси ҳисобланмиш йирик давлат опера театри. Парижда 1669- йили ташкил топган.



22. Гацулка(укр.- гупулча) халқ рақси. Такт ўлчови 2/4 бўлиб, хушчақчақлик билан ижро этилди.



23. Давлури – грузин халқ рақси. Такт ўлчови 2/4.



24. Диалог(юн. Dialogos – икки кишининг ўзаро сўзлашуви) – икки овоз ёки икки чолғу асбобда бир куйни навбат билан ижро этиш. Диалог мусикали драма, опера, оперетталарда айниқса кенг қўлланилади.

25. Дуэт (нем. Duett, лот. Duo- икки) – 1. Икки ижрочидан тузилган ансамбль. 2. Икки ижрочига мўлжаллаб яратилган мусика асари. Ижрочиларнинг ҳар бири ўзига хос алоҳида партияга эга бўлади. 3. Опера, оратория, мусикали драмаларда қўлланиладиган вокал ансамбли. Дуэт асарнинг мусика драматургиясида муҳим роль ўйнайди. Опереттада эса дуэт ансамблни хореография элементлари билан боғлайди.



26. Дуэттино – кичик дуэт.

27. Ёғоч ўйин – икки ёғочни бир – бирига уриб ўйнаш.

28. Жига(анг) – ўлчови уч ҳиссали, яъни $\frac{3}{4}$, $\frac{6}{8}$, $\frac{6}{4}$ ва б. бўлган инглизларнинг қадимий рақси. Бу рақс жуда тез ва жонли ижро этилади. XVII- XVIII – асрлардаги тўрт қисмдан иборат бўлган рақс сюиталарида жига охири, тўртинчи қисмда келган.

29. Зингшпиль (нем. Singspiel, singen – ашула айтиш, ўйнаш) – немис ва австрийс ҳажвий операси. Бунда сўз ашула ва рақс билан алмашиниб келади. У XVIII- асрнинг ўртасида ва иккинчи ярмида кенг тарқалган.



30. “Камаринская” - тез суръатда хушчақчақлик билан ижро этиладиган рус халқ рақси бўлиб, $\frac{2}{4}$ ўлчовида келади. Одатда

“Камаринская” бир неча марта турли вариацияларда қайтарилади. Буюк рус композитори М.И.Глинка “Камаринская” асосида симфоник оркестр учун “Камаринская” номли гениал йирик асар яратган. П.И.Чайковскийнинг фортепиано учун ёзган “Болалар альбоми”да шу ном билан аталувчи пьеса бор.



31. Катта ўйин – дойра, ноғоралар (баъзан сурнай) жўрлигида ижро этиладган ўзбек рақсларидан бўлиб, тузилиши сюита шаклида.

32. Кордебалет(юн. Κορυφαίος – йўлбошчи, бошлиқ) – 1. Қадимги юнон театрида хорда группани бошқарув борувчи ашулаци. 2. Балетда рақс ансамблини бошқариб борувчи раққос ё раққаса.



33. Кочари – арман эркаклар рақси. Мусиқа асари 2/4. Вазмин бошланиб, қўлларни ушлаб аста – секин тезланади. Кочарини доира бўлиб, қўлларни ушлаб, аста – секин тезланади. Кочарини доира бўлиб, қўлларни ушлаб бир- бировларини елкаларига икки томон қўл ташлаб ижро қилинади. Бошловчининг ишораси билан рақс ҳаракати ўзгартирилади.



34. Краковяк – поляк халқ рақси, кескин ритмли, синкопали бўлиб, ўлчов миқдори 2/4. Суръати жонли, XIX – XX – аср бошларида бал рақси сифатида кенг тарқалган. Опера, балет, оперетта, фортепиано пьесаларида Краковяк мусиқа тарзида фойдаланилган.



35. Крижачок – белорус ва поляк халқ рақси. Ўлчови 2/4 бўлиб, салмоқли суръатда бошланиб, аста – секин тезланади. Мусиқаси хушчакчак характерда.



36. Куранта – (фр. Courant – оқувчи, югурувчи) – қадимий француз рақси. Дастлаб 2/4, сўнг $\frac{3}{4}$ ўлчовида бўлади. Жонли ҳаракатлар билан

ижро этилади. XVII- XVIII – асрларда тўрт қисмли рақс сюитасининг иккинчи қисми Куранта бўлган.



37. Куявяк – поляк халқ рақси, мазурканинг бир тури бўлиб, бир текис оҳангда бўлиши билан ажралиб туради.



38. Лаган ўйин, тоғора ўйин – халқ чолғу асбоблари жўрлигида ижро этилган. Фарғона водийси, шунингдек Тошкент ва Тожикистоннинг айрим жойларида кенг тарқалган қадимий халқ рақсларидан. Лаган ўйинда раққос ҳар икки қўлида қайроқ чалиб бошига қўйилган сопол лаганни ўйин жараёнида белига туширади ва яна бошига чиқаради. Хоразмда бу ўйин “Коса ўйин” деб аталади.

39. Лазги – Хоразм воҳасида кенг тарқалган халқ рақси, Лазги вазмин, бир текис ҳаракатдан тобора тезлашиб ва жонланиб боради. Лазги хотин – қизлар ва эркаклар орасида баробар тарқалган.



40.Лезгинка – Доғистон ва умуман Кавказ халқлари ўртасида кенг тарқалган рақс. Лезгинка жонли, тез характерда, вазмин, бир текис ҳаракатдан тобора тезлашиб борадиган рақс. Такт ўлчови 6/8да бўлиб, кўпроқ синкопали бўлади.



41.Лявони́ха – хушчақчақ, енгил рақсли белорус халқ кўшиғи. Рақсга тушувчи муסיқа шаклининг ҳар бир охириги қисмида оёғи билан уради. Суръати тез, такт ўлчови 2/4, ритмик ҳаракати билан текис нимчорак ҳисобида боради.



42.Мавриги хони – Бухорода лирик характердаги рақслар билан ижро этиладиган туркумли қўшиқлар ва ашула йўллари.



43.Мазурка (пол. mazur) - ритми жуда равшан ва характерли бўлган поляк халқ рақс. Такт ўлчови $\frac{3}{4}$ ёки $\frac{3}{8}$ бўлиб келади. Акцент одатдагича тактларнинг биринчи ўлчовдагина эмас, бошқа жойларда ҳам келиши мумкин. Мазурка суръати турлича, яъни салмоқли суръатдан тезроқ ижро қилинишигача етади. XIX- асрдан бошлаб Мазурка Европада бал рақси сифатида кенг тарқалади . Мазурка мусиқа жанри сифатида опера, балет, чолғу мусиқаларида қўлланилади. Поляк композиторлари Ф.Шопен ва К.Шимановскийлар ижодида Мазурка бадиий жиҳатдан кенгайиб, юқори пағонага кўтарилди.



44.Марш(фр. Marche – юриш, олдинга ҳаракат қилиш, марш) – ҳарбий юришларда, парадларда иштирок этувчиларни руҳлантириш, уларнинг ҳиссиётларига таъсир этиш мақсадида ёзилган мусиқа асари. Такт ўлчови $\frac{4}{4}$ (баъзан $\frac{2}{4}$, $\frac{6}{8}$) бўлиб, равон ритмда, куйи равшан бўлади. Маршнинг суръати ва мусиқа характери билан бир-биридан ажраладиган хиллари бор

бўлиб, турли саналарда ижро қилинади. Бу марш хушчақчақ суръатда ва характерда яратилади. Бадий образларда турлича шаклдаги маршлар чолғу мусиқаларида фойдаланилади. Марш жанридан опера, балет, симфоник мусиқа асарларида ҳам фойдаланилади. Концертларда ижро этиш ва ашула қилиб айтишда ҳам марш мусиқаси қўлланилади.



44. 45.

Матлот – матрослар рақси, такт ўлчови икки ҳиссали.



46. Минуэт (фр. Menuet, menu – кичик, майда) – текис ҳаракатлар билан салмоқли суръатда ижро этиладиган қадимий француз халқ рақси. Такт ўлчови уч хиссали. Минуэт чолғу мусиқасида қўлланила бошлангандан сўнг жонли характер ва тез суръатга кўчади. XIX- асрнинг дастлабки йилларига қадар цикли соната шаклида ёзилган симфониянинг учинчи қисми ва бошқа чолғу мусиқа асарларидаги минуэт ўрнини скерцо эгаллади.



47. Мирзай – якка ўйналадиган Эрон халқ рақси. Бу рақс арман, озарбайжон ва гуржиларда ҳам тарқалган. Ўлчови 3/8, 6/8 бўлиб, кўпроқ хотин – қизлар томонидан вазмин ижро қилинади.

48. Молдавеняска – молдаван халқ рақси. Молдавеняска хушчакчак, хор билан ижро этиладиган ёшлар рақси. Молдавеняска тез ва давра бўлиб ўйналади. Мусиқа ўлчови 2/4.



49. Моғолдоқ ўйини – баданни турлича ҳаракатга киргизиб ўйнаш усули.

50. Оберек – жонли, ҳазилсимон характердаги поляк рақси. Одатда, доира бўлиб ўиналувчи оммавий рақс билан тугалланади. Мусиқа ўлчови 3/4, ёки 3/8да бўлади. Оберек рақси мазуркага яқин бўлиб, ритми бир текис ва ўйини содда бўлиши билан ажралиб туради. У обертас деб ҳам аталади.



51. Оляндра – молдаванларнинг хор жўрлигида ижро этиладиган қадимий халқ рақси. Рақс бир текис ижро қилиниши билан характерли. Мусиқа ўлчови 3/8, ўртача тезликда ўйналади. Оляндра кўпроқ хотин –

қизлар томонидан ижро этилади, деҳқонлар тўйида биринчи тантанали рақс сифатида ҳам ижро этилади.

52.Опера ва балет театри – опера ва балет асарларини кўрсатувчи катта ижодий жамоа. Россиядаги энг тажрибакор ва кекса Опера ва балет театри Москвадаги катта театрdir. У 1776 йили ташкил қилинган. Иккинчи – Ленинграддаги театрдаги театр 1860 йили очилган. Республикамиздаги Опера ва балет театри 1939 – йили Тошкентда Ўзбек Давлат мусиқали театри асосида ташкил қилинди. У ҳозир Алишер Навоий номидаги Ўзбек Академик Катта театри номи билан аталади. Бу театр сахнасида рус, Ғарбий Овropa классиклари, Ўзбекистон ҳамда кўшни республика композиторларининг опера ва балетлари кўйилмоқда. 1964 йили Самарқандда ҳам Опера ва балет театри очилган. 1992 йилда Ҳамид Олимжон номидаги ўзбек мусиқали драма театри билан бирлаштирилди.



53.Оперетта (итал. Operetta, фр. Operette – кичик опера) – шўх, қувноқ характердаги мусиқали сахна асари бўлиб, бунда айрим нутқлар ашула қилиб айтилса, айримлари фақат сўз билан берилади. Оперетта XVIII- аср ўрталаридаги ҳажвий опера заминида юзага келган. Опереттада асосий ўринни лирик характердаги мусиқа, ҳазил кўшиқ, дуэт, турли вокал ансамбллари, хор ва кўшиқли рақс сахналари эгаллайди.

1972 йили Ўзбекистонда ҳам Оперетта театри ташкил қилинди. Унинг сахнасида Ўзбек композиторларидан Э.Солиховнинг “Пари Ойгулнинг совғалари”, “Хўжа Насриддин” ва б. Оперетталар кўрсатилмоқда.



54. **Оташбозлик** – олов билан ўйналадиган рақс. Ўйинчи саксовул кўмирини чўғ бўлган вақтида оғзига солиб ўйнайди. Оташбозлик кўпроқ Хоразм ва қисман Фарғонада тарқалган.

55. **Оқсатма** – ўзбек рақсларида кенг учрайдиган доира усули.

56. **Па-де – Кадр** (фр. Pas – қадим, рақс, quatre - тўрт) – 1. Англиядан келиб чиққан бал рақси, Россияда XIX – аср охирларида пайдо бўла бошлаган. Мусиқа ўлчови 12/8. 2. Балетда – тўрт киши ижро этадиган рақс.



57. **Па-де –патинер** (фр. Pas de patneur – яхмалакчи рақси) – бал рақси. Россияда бу рақс XIX – аср охирларида пайдо бўлган. Ўлчови 4/4.

58. **Пантомима** - 1. Турли ҳаракат ва мимикалар билан фикр ва ҳиссиётни ифодалаш. 2. Сўзсиз, турли ҳаракат, мимика ва мусиқа жўрлигида бадиий образни гавдалантириб берувчи театр тури. 3. Балет санъатининг асосий элементларидан бири.

59. **Пассакалья** (исп. Pasar – ўтиш, calle - кўча) – 1. XVII- XVIII – асргача қадимий испанча рақс, Францияда Людовик XIV – даврида яққа рақс тариқасида кенг тарқалиб, вазмин, уч ҳиссали ўлчовда ижро этилган.

Ж.Б.Люллининг Французча опера ва балатларида ҳам қўлланилган. 2. Вариация шаклида орган учун ёзилган муסיқа пьесаси. Бунда куй ҳар доим басда қайтарилади., яъни бассо остинатонинг бир тури бўлиб, уч хиссали ўлчовда келади.



60.Пастораль – (лот. Pastoralis - чўпонча) – 1. Қишлоқ ҳаётидан олинган, идиллия мавзуидаги (чўпонларнинг осойишта турмуш тарзи тасвир этилган) кичик опера, пантомима, балет. XVII-XVIII – асрда сарой санъатида пастораль катта ўрин эгаллаган. 2. Маълум программада тасвирий характерда қишлоқ турмуши, табиат кўринишларини тасвирлаб берувчи чолғу пьеса ёки цикли асар (соната, концерт, симфония ва б.).



61.Пахта ўйин – Ўзбек хотин – қизлари рақси. Бу рақсда ер чопилиши ва чигит экилишидан то пахтани териб олишга қадар бўлган меҳнат жараёни рақс ва турли ҳаракатлар билан кўрсатилади. Пахта ўйин фақат дойра жўрлигида ижро этилиб, дойра усулларини уста дойрачи Уста Олим Комилов 1937 – йили Москвада ўтказилган ўзбек санъати ва адабиёти биринчи декадаси олдидан (1936) яратган. Рақсларни эса Тамарахоним саҳналаштирган.

62.Пилла ўйини – ўзбек хотин – қизлари рақси. Бу рақсда қурт боқиш, парвариш қилиш, пилларни йиғиб олиш ва бундан ипак тайёрлаш жараёни рақс ва турли ҳаракатлар билан кўрсатилади. Рақс охирида ипакдан тўқилган шойи рўмол билан рақсга тушилади. Пилла ўйин фақат дойра жўрлигида ижро қилиниб, дойра усулларини моҳир дойрачи Уста

Олим Комилов 1934 йили яратган. Рақсларни эса Тамарахоним сахналаштирган.

63.Полонез- (фр. Danse polonasia нинг қисқартирилгани) – қадимий поляк рақси. Рақс қадамлар билан тантанали ижро этилади. XIX – асрда полонез концертларда ижро қилинишини мўлжаллаб чолғу асбоблари учун ёзилган ва бу кенг тарқалган. Буюк рус композитори М.И.Глинка “Иван Сусанин”, Мусоргский “Борис Годунов”, П.И.Чайковский “Евгений Онегин”, Римский – Корсаков “Рождество арафасидаги тун” операларида полонез рақсини қўллаганлар. Буюк поляк композитори Ф.Шопеннинг фортепиано ижодиётида полонез янада ривожлантирилган. Полонезнинг ўлчови 3/4да бўлади.



64.Полька – (чех. Pulka- ярим) – чех халқининг қадимий рақси бўлиб, бир жуфтдан доира бўлиб ижро этилади. Мусиқа ўлчови 2/4. Рақс шўх ва жонли бўлиб, XIX – аср ўрталарида эса бутун Европада бал рақси сифатида композиторлар ижодиётида маълум ўрин эгаллаган.



65.Рақс – кенг оммалашган , нафис ҳаракатлар ва маълум бир ритмик тузилишлар билан бадиий образ яратишга асосланган санъатнинг бир тури. Рақсдаги бу пластик ва ритмик ҳаракатлар мусиқа билан чамбарчас боғлиқ ҳолда давом этади.

66.Рақс ансамбли – халқ ва классик рақс усталаридан тузилган ансамбль. Игорь Мансеев раҳбарлигидаги рус халқ Рақс ансамбли ўзининг ижрочилик маҳорати билан дунёга танилган. Ўзбекистонда ташкил қилинган хотин – қизлар “Баҳор” рақс ансамбли катта муваффақиятларга эришган.

67.Рақс мусиқаси – аниқ ўлчовга эга рақсга жўр бўлишга мўлжалланган мусиқа. Рақс мусиқаси аниқ ритмга эга бўлиши, ҳар бир рақснинг ўзига хос характери, ритм ва суръатига муносиб бўлиши шарт. Ҳар бир рақс учун турлича мусиқалар яратилган. Буларнинг ритми ҳам турлича бўлади, лекин бу ритм рақсдаги ритмга бўйсунуши, боғланиши шарт. Бу ритм доимий қайтарилувчи ёки вариацион ўзгарувчи ҳолатга эга бўлади. Рақс мусиқасининг аксари чолғу тарзда бўлади. Халқ рақслари эса ашула ва хорлар билан ижро этилади. Рақс мусиқаси фақат чолғу асбобларида чалиниб ё ашула қилиб айтиш йўли билангина эмас, бунинг ритми дойра ва б. урма созларда чалиниши ёки қарсак билан бажарилиши ҳам мумкин. Рақс мусиқаси балетда, концертларда қўлланилганидек, енгил мусиқа ва жазларда ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Рақс мусиқаси ритмлари йирик мусиқа асарларининг айрим қисмларини ҳам ташкил этади. Аксарият сюита, цикли соната шаклининг айрим қисмлари рақссимон яратилади. Ўзбек халқ куйларидан “Мирзадавлат”, “Дилхирож”, “Уфор”, “Қашқарча” ва б.лар чолғу рақс мусиқаси, “Гул ўйини”, “Қари наво” ва айрим яллалар ашулалари рақс мусиқаси намуналаридир. Дойра ва ноғора ритмида ижро этиладиган рақслар Ўзбекистон ва Тожикистонда кенг тарқалган, “Занг”, “Чор қарс”, “Дучава”, “Гул ўйин” (фақат дойра ижро этиладиган варианты) ва б. дойра жўрлигида ижро этиладиган рақс ўйинларидир.

68.Раққос – рақсга тушувчи, ўйинчи эркак киши.

69.Раққоса – ўйинчи қиз ёки аёл.



70.Репитиция – (лот. Reptito-қайтариқ) - машқ, тайёргарлик. Концертларда ижро этиладиган сахна асарларини расмий ижроси олдидан ўтказиладиган тайёргарлик. Тайёрланадиган асарнинг охириги генерал репитицияси одатда бевосита расмий ижродан аввал ўтказилади.

71. **Румба** – (исп. rumba) – 1920- йиллар охирида Америкада ва ғарбий Европада кенг тарқалган. Мексика бал рақси. Румбанинг кескин синкопалик ритми Куба халқ рақсидан олинган. мусиқа ўлчови 4/4, суръати салмоқли бошланиб, охирига бориб тезлашади. Румба жаз мусикасининг бир шакли ҳисобланади.



72. **Самой** – 1. Тинглаш. 2. Мусиқа, рақс. 3. Дарвишларнинг кўшиқ, мусиқа ва рақс билан зикр тушуви. 4. Шашмақомдаги Дугоҳ мақомининг мушкилот бўлимидаги куй. 5. Оммавийлашган ўзбек халқ чолғу(сўнгги йилларда ашула) куйи.

73. **Сарабанда** – (исп. Zarabanda) – Испаниянинг қадимий халқ рақси. Мусиқа ўлчови $\frac{3}{4}$, $\frac{3}{2}$. Илгарилари Сарабандага фақат хотин – қизлар қайроқ билан рақсга тушганлар. Рақс эмоционал ва завқли характерда бўлган. XV– XVI- асрларда Сарабанда комедия бошланиши олдидан ўтказилган. XVII-XVIII – асрларда сарой рақслари қаторига кириб, балет сахналарида қўлланила бошланди. Сарабанда мусиқа шакли сифатида XVIII – аср чолғу мусиқа сюиталарига киритилди.



74. **Сегиделья** – (исп. Sigudilla, in seguida- кетидан, изма-из) – тез ҳаракат қилиб ўйналадиган испан халқ рақси. Мусиқа ўлчови $\frac{3}{4}$ бўлиб, турлича ритмга эга. Сегидельяга қошиқ ёки гитара ва ашула билан жўр бўлишади. Сегидельяни яқка ва кўпчилик бўлиб ижро этиш мумкин.



75. **Скочна** – (чех. Skosna - сакраш) – жадал сурьатда ўйналадиган чех халқ рақси. Мусиқа ўлчови 6/8, баъзан 2/4, 3/4да келади. Рақсга енгил, хазилсимон ашула жўр бўлади.



76. **Соло** – якка, бир киши ижросида рақсга тушмоқ ёки мусиқа асаринги идро этмоқ тушинилади.

77. **Танго** – (исп. tango) – қадимий испан халқ рақси бўлиб, циганларнинг фламенко номли рақсига ўхшаш. Испан тангосининг куйи Кубадан келиб

чиққан бўлиб, хабанера турига киради. Мусиқа ўлчови кўпроқ 2/4да. Тангонинг бирмунча ўзгарган тури жанубий Америкада тарқалган. 20-асрга келиб аргентинча танго номи билан жанубий Америкадан ташқари, шимолий Америка ва Европада якка ва жуфт бўлиб эстрадада ижро этила бошланди. Танго оғир, вазмин суръатда ўйналади.



78.Тановар – Тошкент ва Фарғона водийсида кенг тарқалган рақс куйи. Тановарнинг ашула вариантлари ҳам кенг тарқалган.



79.Тарантелла – (итал. Tarantella, Taranto- Италия жанубидаги шаҳар номи) – жуда тез суръатда ижро этиладиган Италия халқ рақси. Мусиқа ўлчови 6/8 ёки 3/8да бўлиб, триоллик ритмда келиши билан характерли. Тарантелла бирё бир неча жуфтдан бўлиб ўйналади. Тарантелла гитара, тамбурин, кастанъета жўрлигида ва баъзан ашуласи билан ижро этилади. Тарантелланинг мусиқа шаклидан кўп композиторлар ўз асарларида фойдаланганлар.



80. **Тоғора ўйин** - асосан эркаклар ўйини бўлиб, раққос ўйин бошланишида бошига тоғора қўйиб, икки қўлида бир жуфтдан ёғоч қошиқлар билан ритмик товушлар бериб бошидаги тоғорани орқа белига тушуради, сўнг аста-секин рақсни давом эттиргани ҳолда тоғорани яна бошига чиқаради. Одатда рақс карнай, сурнай ва доиралар жўрлигида бажарилади. Бу ўйинни Тошкент ва Фарғона водийсидаги ўйинчилар ижро этадилар. Тоғора ўйинда кўпроқ тоғора ўрнига сопол лаган қўлланилади.



81. **Трепак** – қадимий рус халқ рақси. Мусиқа ўлчови 2/4 бўлиб, жонли суръатда, хушчақчақ ижро этилади. Рақсдаги асосий ҳаракатлар ижрочи

томонидан импровизация қилинади. Трепакнинг музыка шаклидан рус композиторлари (айниқса, М.П.Мусоргский) ижодий фойдаланганлар.



82. **Тульяк** (эст. Tuljak, tuli - олоқ) – эстон халқ рақси. Бу рақс кўпроқ шаҳар халқи орасида тарқалган. Музыка ўлчови 4/4, жонли суръатда, ҳазилона тарзда ижро қилинади.



83. **Фанданго** – (исп. fandango) – испан халқ рақси. Музыка ўлчови 3/8, ёки 6/8, баъзан 3/4да келади. Рақс салмоқли суръатда, бир жуфтдан бўлиб гитара жўрлигида ижро этилади. Фандангода хотин – қизлар вазмин, эркаклар эса, аксинча, тетик, жўшиб ижро этадилар. XVIII- аср охирларидан бошлаб Фанданго балет сахналарида ўрин эгаллай бошлади.



84. **Фарандола** – (фр. farandole) – француз қадимий халқ хоровод ўйини (рақси). Музыка ўлчови ўзгарувчан 2/4 ва 6/8. Суръати тез ва жонли бўлиб,

салмоқли суръат билан алмашиб туради. Фарандола одатда флейта ва доира туридаги халқ чолғу асбоблари жўрлигида ижро этилади.



85. **Филармония** –(юн. Philos – дўст, тарафдор, - harmonia-гармония) – юксак бадий мусиқа асарлари ва ижрочилик санъатини тарғиб этувчи концерт ташкилоти. Ўзбекистонда М.Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат Филармонияси 1936- йили ташкил қилинган. Бу концерт ташкилоти қошида симфоник ва ўзбек чолғу асбоблар оркестрлари, хор, ўзбек ашула ва рақс ансамбли, “Баҳор” номли хотин – кизлар Давлат рақс ансамбли. “Гўзал”, “Шодлик”, “Лазги” ансамбллари ва яккагон ижрочилар ижодий ижрочилик ва мусиқий- тарғибот ишларини олиб бордилар. Филармония ўзининг доимий ижрочилик жамоаларидан ташқари, бошқа шаҳар, вилоят ва республикалардан турли ижрочи санъат усталари ва жамоаларини таклиф қилиб, концертлар уюштиради.



86. **Фокстрот** – (тез юриш) – 1912 йили Америкада пайдо бўлган салон рақси, сўнгра Европада кенг тарқалган. Мусиқа ўлчови 4/4. Фокстрот учун

синкопали ритм, бир текис юриш характерли. 1920-йил ўрталарида квик-Фокстрот номи тез пайдо бўлди, унга қадар бўлган слоу-Фокстроти, яъни оғир(салмоқли) Фокстрот, деб атай бошлайдилар. Фокстрот жаз мусикасининг типик шакли.



87.Хабанера –(исп. habanera) – кўшиқ билан (ёки кўшиқсиз) ижро этиладиган испан халқ рақси. Асли Кубадан келиб чиққан. Мусиқа ўлчови 2/4, ритмик тузилиши алоҳида характерга эга бўлиб, саккизинчи тактда акцент қилинади. Суръати салмоқли.



88.Халлинг –(норв. holling) – эркаклар ижро қиладиган Норвегия халқ рақси. Одатда, халлинг якка ҳолда ижро қилинади. Мусиқа ўлчови 2/4, баъзан 6/8. Халлинг торли – камнчали чолғу асбоб хардингфеле жўрлигида салмоқли суръатда ижро этилади. Халлингни Швецияда ҳам учратиш мумкин.



89. **Халқ рақси** – халқ томонидан яратилиб, халқ турмушида тарқалган рақс. Ҳар бир халқнинг ўзига хос рақслари бор. Масалан, русларда – трепак, украинларда – козачок, гопак, итальянларда – тарантелла ва б. ўзбек рақслари “Гул Ўйин”, “Катта Ўйин”, “Занг”, “Ноғора Ўйин” ва б. Рақс чолғу асбоблари жўрлигида ашула билан ёки қарсак билан ижро этилиши мумкин.

90. **Хореография** – 1. Рақс яратиш санъати ва рақсли спектакль. XIX- аср охирларидан бошлаб рақс санъати хореография деб атала бошланди. 2. Маълум шартли белгилар ёрдамида рақс ҳаракатларини ёзиш. Хореография атамаси француз рақс ўқитувчиси Р.Фёйе (1700йил) томонидан киритилган.

91. **Хоровод** – халқ рақс санъатининг қадимий тури. Хоровод драматик воқелик, рақс, ашула билан биргаликда ижро этилади. Хоровод жуда кўп халқлар ўртасида тарқалган.



92. **Хоруми, Хорони** – гуржи халқ харбий рақси. Муסיқа ўлчови 5/8. Хоруми грузин халқ чолғу асбобларидан дола жўрлигида эркаклар томонидан ижро этилади. Хорумини ижро этувчи эркаклар тоқ сонда бўлиши керак.

93. **Хота** – (jota) – жуфт бўлиб ижро этиладиган испан халқ рақси. Муסיқа ўлчови $\frac{3}{4}$ ёки $\frac{3}{8}$. Хота тез суръатда ижро этилиб, жонли, жўшқин характерда, ўткир ритми билан ажралиб туради. Хотага ашула ҳамда чолғу асбоблардан гитара, мандолина, кастанъетталар жўр бўлади.

94. **Чакона** – (исп. Chacona, итал. Ciacciona, фр. chaconne) – XVI-аср охирларидан маълум бўлган испан рақси. Чакона жонли ижро этилиб,

бунга ашула ва кастанъеталар жўр бўлган, мусиқа ўлчови $\frac{3}{4}$, XVII –аср бошларидан Францияда ҳам тарқалган. Чакона XVII- XVIII- асрларда мустақил чолғу асар сифатида Ғарбий Европада кенг тарқалган. Бундай асарлар полифоник вариация шаклида яратилади.



95. **Чардаш** – (венг. Szardas- трактор) – венгер халқ рақси. Чардаш жуфт бўлиб ўйналади. Мусиқа ўлчови $\frac{2}{4}$. Бу рақс икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси салмоқли, ҳаяжонли (бу лашша деб аталади), иккинчиси тез, шиддатли (бу фришка деб аталади). Чардашнинг ритми синкопали.

96. **Чарлстон** (анг. charleston) - бал рақси. 1920 йилда АҚШнинг Чарлстон шаҳрида пайдо бўлган. Чарлстонга негрлар рақси асос қилиниб олинган. Чарлстон рақсининг айрим бўлаклари тез ижро этиладиган фокстротга киритилган. Мусиқа ўлчови $\frac{4}{4}$ (баъзан $\frac{2}{4}$), ритми синкопали. Чарлстон жаз мусиқасининг бир шаклидир.



97. **Чечетка** – эстрадада ижро этиладиган эркакларга хос рақс, тез суръатда, оёқ кийимининг учи ва товонлари билан уриб тахта устида ўйналади. Ижрочининг гавдаси ҳар доим тик, ҳаракатсиз туриши керак. Чечетканинг айрим элементлари матрослар ва циганлар рақсида учрайди.



98. **Шаконна** – (фр. Chaconne, исп. chasona) – Италиянинг қадимий рақсларидан бўлиб, XVII- асрда балетнинг охириги номери ўрнида қўлланилган. Музиқа ўлчови $\frac{3}{4}$, салмоқли, оғир ҳаракатлар билан ўйналади, музика шакли вариацияга ўхшайди.



99. **Шалахо** – якка ижро этиладиган арман эркалар рақси, Озарбайжонда ҳам тарқалган, тез ва жонли ижро этилади. Музиқа ўлчови $\frac{6}{8}$, ёки $\frac{3}{4}$



100. **Экоссез** – (фр. Ecosaise – шотландча рақс) – тез суръатда ижро этиладиган шотланд халқ рақси. Такт ўлчови илгарилари $\frac{3}{4}$, сўнг $\frac{2}{4}$ бўлган, волынка жўрлигида ижро этилган. Экоссез бал рақси сифатида Францияда XVII- асрда, Россияда XVIII – аср бошларида англес номи билан тарқалган.



101. **Юрочка** – ўйин ва ҳазилсимон белорус халқ рақси. Муסיқа ўлчови 4/4.



102. **Яллачи** – 1. Ялла ашуласини ижро этувчи хонанда. 2. Фарғона водийсида тўй – маросимларида ашула айтиб ўйинга тушувчи хотин-қизлар. Бундай Яллачиларга жўр бўлувчи чолғу асбоби дойра бўлган. Айрим вақтларда дойра билан биргаликда дутор ёки ёлғиз дуторнинг ўзи ҳам қўлланилар экан. Яллачилар чолғу асбобини ўзлари чалиб, бадеҳа тарзида ялла айтганлар.

103. **Яндалс** – латиш халқ оммабоп рақси. Ўртача суръатда бўлиб, такт ўлчови 4/4.



104. **Ўйин** – рақс, бирор образни ўйнаб кўрсатиш. Масалан, ноғора ўйин, оташ ўйин, қайроқ ўйин, кўғирчоқ ўйин, пилла ўйин, пахта ўйин ва б.

105. **Ўйинчи** – ўйинга тушувчи, раққос, раққоса.

106. **Қайроқ ўйин** – қайроқларни титратиб ритм(усул) чиқариш. Раққос уларни титратиббир-бирига урилишидан чиққан ритмик товушни ўз рақсига жўр қилади. Қайроқ ўйини рақсга тушувчи бажаради ва шу ритмда ўйнайди.

Қисқача энциклопедик муסיқий луғат

Тошкент - “Ўқитувчи” - 2020.

Махсус ва бадий мухаррир: ХОЛИКОВ КОМИЛ БУРОНОВИЧ.

